

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

С.И. ИНДИАМИНОВ

ВРАЧ ФАОЛИЯТИНИНГ ХУКУКИЙ АСОСЛАРИ
(ўқув қўлланма)

ТОШКЕНТ-2014

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

С.И. ИНДИАМИНОВ

**ВРАЧ ФАОЛИЯТИНИНГ ХУКУКИЙ АСОСЛАРИ
(ўкув қўлланма)**

Таълим соҳаси – Соғлиқни сақлаш - 511000

**5510100 - даволашиши, 5511100 - қасбий таълим (5510100-даволашиши),
5510200 - педиатрия иши ва 5511100 - қасбий таълим (5510200 - педиатрия иши)**

ТОШКЕНТ-2014

Индиаминов С.И. Врач фаолиятининг хуқукий асослари: (укув қўлланма), Тошкент: 2014..с.146

Тақризчилар:

- Искандаров А.И.** – Тошкент педиатрия тиббиёт институти суд тиббиёти ва тиббиёт хукуки (патологик анатомия ва секцион биопсия курси билан) кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор.
- Гиёсов З.А.** – Тошкент тиббиёт академияси суд тиббиёти ва тиббиёт хукуки кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори.

Ўкув қўлланмада врач фаолиятнинг хуқукий асосларини белгиловчи қонунлар, Конституцияда белгиланган фуқароларнинг ижтимоий ва иқтисодий хукуқлари, эркинликлари ва уларнинг кафолатлари, шунингдек, фуқаролар соғлигини саклаш тўғрисидаги Қонун таркиби ва мазмуни, Ўзбекистон Республикасида соғлиқни саклаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурлари ва уларнинг асосий босқичлари, тиббий этика ва биоэтиканинг асосий тамойиллари, тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонлар, унинг сабаблари ва оқибатлари, тиббий ходимлар касбий хуқуқбузарликлари ва уларга оид суд-тиббий экспертиза масалалари ҳамда меҳнат қонунчилигига оид маълумотлар баён қилинган.

Ўкув қўлланма талабаларда тиббий-хуқукий билимни шакллантириш, врач фаолиятнинг хуқукий асослари фанини талаб даражасида ўзлаштиришлари учун муҳим дастур бўлиб, соҳа педагог-ўқитувчилари учун ҳам фойдали манба ҳисобланади.

МУНДАРИЖА

Кириш

I. Фуқаролар соғлигини сақлаш тұғрисидаги қонунчилик асослари. Соғликни сақлаш соҳаси қонунчилик асослари. Ўзбекстон Республикаси фуқаролар соғлигини сақлаш тұғрисидаги қонун. Согликни сақлаш соҳасига оид кабул килинган қонунчилик хужжатлари. Узбекистон Республикаси Согликни Сақлаш тизимини ислох қилиш боскичлари (хар бир боскичнинг максад ва вазифалари) соғликни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастури.

II. Тиббий этика ва деонтология, биоэтика. тиббий ходимларнинг хукукий холатлари. Тиббий этика ва деонтология, биоэтиканинг асосий тамойиллари, врачлик сирини қонуний ошкор қилиш холатлари тиббий биологик эксперимент, утказиш коидалари тартиби, клонлаштириш масалалари, тиббий хукукий асослари. Трансплантация унинг турлари, утказиш тартиби, эвтаназия тушунчаси, мохияти, турлари, куллаш тртиби. Тиббий ёрдам турлари бирламчи, шошилинч, тез, ихтисослашған. Бемор хукуклари, тиббий ва фармацевтика фаолияти билан шугулланиш хукуклари.

III. Тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуксонлар. Тиббий ёрдам курсатишдаги нуксонлар тушунчаси, таснифи, нуксонларнинг мохияти, келиб чикиш сабаблари. Тиббий ёрдам нуксонларининг окибати. Тиббий хизмат сифатини оширишда тиббий ёрдам нуксонларининг урганишнинг ахамияти.

IV. Тиббий ходимларининг килмишлари (айб-хатолари). согликга етказилған заар. Тиббий ходимларнинг ножуя хатти-харакатлари, турлари, врач хатолари турлари келиб чикиши сабаблари. Тиббий амалиётда баҳтсиз ходисалар. Ятроген касалликлар ва шикастлар. Тиббий ходимларнинг фуқаролик-процессуал жавобгарлиги. Согликга етказилған заар, уни аниклаш, ундириш тартиби ва оситалари.

V. Тиббий ходимларнинг касбий ҳукуқбузарликлари. Тиббий ходимларнинг касбий ҳукуқбузарликларининг суд тиббий экспертизаси. Комиссион суд тиббий экспертизаси утказиш тартиби ва коидалари, тиббий ходимларнинг жиноий жавобгарлиги. Тиббий ходимларнинг касбий жиноятлари уларни аниклаш тартиби ва коидалари.

VI. Тиббий фаолиятда мөхнат қонунчилиги. Ишга кируди ва иш берувчининг ҳукук ва мажбуриятлари, уриндошлиқ, уринбосарлик. Жамоа ва мөхнат шартномаси. Иш вакти. Мөхнат муҳофазаси. Тиббий сугурта. Интизомий жазо ва уни куллаш тартиби. Тиббий

ходимларнинг маъмурий жавобгарлиги, унинг турлари, маъмурий жазо куллаш тартиби.

Адабиётлар .

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик жамиятнинг барпо этилиши, фуқаролар соғлигини сақлашга эътиборнинг кучайиши, жумладан, соғлиқни сақлаш тизимининг ислоҳ этилиши тиббиёт ходимлари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан аниқ тарзда меъёрлашни тақозо этади. Тиббиёт ходимининг касбий фаолияти билан боғлиқ вазифалари адo этиш жараёнидаги ноўринли хатти- ҳаракати, уларнинг нафақат аҳлоқий-маънавий ёки маъмурий ва интизомий айбланишига, балки аксарият ҳолатларда жиноий жавобгарликка тортилишга асос бўлади.

Шу нуқтаи назардан, тиббиёт фаолиятнинг, жумладан врач фаолиятининг ҳуқуқий асосларига оид қонунлар, меъёрий хужжатлар ва бошқа маълумотларни ўрганиш ва уларга амал қилиш, аввало тиббиёт ёрдам қўрсатиш сифатини яхшиланишида, қолаверса тиббиёт фаолиятдаги касбий ҳуқуқбузарликларини олдини олиш ва бартараф этишда шубҳасиз муҳим аҳамиятга эгадир.

Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари томонидан врач фаолиятининг ҳуқуқий асослари бўйича билим ва кўнималарни эгаллаш, уларнинг келгусидаги умумамалиёт врачи ёки тегишли соҳа врач мутахассислари сифатида фаолият қўрсатишларида муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, талабалар томонидан врач фаолиятнинг ҳуқуқий асосларига оид маълумотларни ўрганиш тиббиёт ёрдам сифатининг яхшиланиши билан бир қаторда, тиббиёт амалиётида кузатилаётган тиббиёт ёрдам нуқсонлари ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф қилинишида ҳамда битирувчиларнинг умумамалиёт врачлари ёки врач мутахассис сифатидаги фаолиятига масъулият билан ёндашишида муҳим омил ҳисобланади. Шу сабабли тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларидан врач фаолиятига тегишли ҳуқуқий-меъёрий асосларни мукаммал даражада билиши талаб қилинади.

Мазкур ўқув қўлланма 5510100 - даволаш иши, 5511100 - касбий таълим (5510100-даволаш иши), 5510200 - педиатрия иши ва 5511100 - касбий таълим (5510200 - педиатрия иши) таълим йўналишларида врач фаолиятнинг хуқуқий асослари фанини инновацион технологиялар асосида ўқитиш учун мўлжалланган.

Ўқув қўлланманинг мазмуни фан дастурида режалаштирилган амалий машғулотлар, жумладан талабалар мустақил ишига тегишли бўлган мавзуларга оид бўлиб, уларда врач фаолиятнинг хуқуқий асосларини белгиловчи қонунлар, Конституцияда белгиланган фуқароларнинг ижтимоий ва иқтисодий хуқуқлари, эркинликлари ва уларнинг кафолатлари, шунингдек, фуқаролар соғлигини саклаш тўғрисидаги Қонун таркиби ва мазмуни, Ўзбекистон Республикасида соғлиқни саклаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурлари ва уларнинг асосий босқичлари, тиббий этика ва биоэтиканинг асосий тамойиллари, тиббий ёрдам қўрсатишдаги нуқсонлар, унинг сабаблари ва оқибатлари, тиббий ходимлар касбий хуқуқбузарликлари ва уларга оид суд-тиббий экспертиза масалалари ҳамда меҳнат қонунчилигига оид маълумотлар баён қилинган. Ўқув қўлланма талабаларда тиббий-хуқуқий билимни шакллантириш, врач фаолиятининг хуқуқий асослари фанини талаб даражасида ўзлаштиришлари учун муҳим дастур бўлиб, соҳа педагог-ўқитувчилари учун ҳам фойдали манба ҳисобланади.

1- МАВЗУ	Фуқаролар соғлигини сақлаш тұғрисидаги қонунчилік асослари. Соғликни сақлаш соҳаси қонунчилік асослари. Ўзбекстон Республикаси фуқаролар соғлигини сақлаш тұғрисидаги қонун. Соғликни сақлаш соҳасига оид қабул қилинган қонунчилік хужжатлари. Узбекстон Республикаси Согликни Сақлаш тизимини ислох қилиш боскичлари (хар бир боскичнинг максад ва вазифалари) соғликни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастури.
---------------------	--

Ўқитишнинг технологияси

Вақти	-5-6	Талабалар сони: 8-9 нафар
Ўқув машигүолоти шакли		Билимларни чукурлаштириш, кенгайтириш ва амалда бажариш бўйича амалий машғулот.
Амалий иғулотнинг илиши		<ul style="list-style-type: none"> - Конституцияда белгиланган инсонларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқук ва эркинликлари; - Соғликни сақлаш соҳасида қабул қилинган қонунлар; - «Фуқаролар соғлигини сақлаш тұғрисида»ги қонуннинг таркиби ва мазмуни; - Суд экспертизаси тұғрисидаги қонун таркиби ва мазмуни; - Соғликни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастури; - Тиббий ёрдам турлари.
Ўқув машигүолтининг мақсади:		Тиббиёт ҳуқуқи соҳасида назарий билим ва амалий кўникма, тиббий фаолиятдаги юридик меъёrlарни ўзлаштириш, билим ва кўникмаларни кенгайтириш ва чукурлаштириш. Соғликни сақлашнинг қонунчилік асослари ўрганиш.
Педагогик вазифалар:		<p>Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Конституцияда белгиланган инсон ҳуқук ва эркинликларини назарий ўзлаштиради; - соғликни сақлаш соҳасида қабул қилинган қонунларни ўрганади; - суд экспертизаси тұғрисидаги қонун таркиби ва мазмунини ўрганади; - фуқаролар соғлигини сақлаш тұғрисидаги қонуннинг таркибини ўрганади; - фуқаролар соғлигини сақлаш тұғрисидаги қонуннинг вазифаси, принципларига тавсиф беради; - ЎзР соғликни сақлаш тизимини изоҳлади; - ногиронлар, вояга етмаганлар, беморлар, пенсионерлар, харбийларнинг тиббиёт соҳасида ҳуқуқларини ўзлаштиради; - тиббий аралашувга розилик бериш ва рад этишга кўрсатмаларни билиб олади; - тиббий ёрдам турларига тавсиф беради.
Ўқитушчи услуги ва техникаси		<i>Билиц-сўров, биргаликда ўқиймиз, органайзерлардан фойдаланиши, баҳс- мунозара.</i>
Ўқитушчи воситалари		<i>Маъруза матни, ўқув қўлланмаси, жадваллар, бўр, доска, компьютер мультимедия дарслеклари, ЎзР</i>
Ўқитушчи шакли		<i>Билимларни чукурлаштириши ва кенгайтиши, индивидуал ва гурӯҳ бўйича ўқитши.</i>
Ўқитушчи шароитлари		<i>Мавзуга мос жиҳозланган аудитория (СТЭ)</i>

Амалий машғулотнинг технологик картаси (1-машғулот)

Босқичла р вақти	Фаолият мазмуни		Талаба
	Ўқитувчи		
1- босқич. Кириш (10 мин)	<p>1.1. Мавзу: Фуқаролар соглигини сақлашнинг қонунчиллик асослари.</p> <p>Мақсад: Тиббиёт хукуки соҳасида назарий билим ва кўникма, тиббий фаолиятдағи юридик меъёрларни ўзлаштириш, билим ва кўникмаларни кенгайтириш ва чукурлаштириш. Соғлиқни сақлашнинг қонунчиллик асослари ўрганиш.</p> <p>Режса: - Фуқароларнинг соглигини сақлаш қонунчиллик асосларини ўргатади;</p> <ul style="list-style-type: none"> - Уз Р Конституциясида белгиланган инсонларнинг ижтимоий, иқтисодий хукуқлари, хукуқ ва эркинликлари кафолатларини ўргатади; - соғлиқни сақлаш соҳасида қабул қилинган қонунлар билан таниширади; - “Фуқаролар соглигини сақлаш тўғрисида”ги конун, таркиби ва мазмунини танишириб беради; - суд экспертизаси тўғрисидаги қонун таркиби ва мазмуни билан таниширади; - соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури, ислоҳ қилиш сабаблари ва босқичларини ўргатади. <p>Машгулот ҳамкорликда ишлаш технологиясини кўллаган ҳолда (органайзерлардан фойдаланиб) ўтишини маълум қиласди (жадвал 1).</p> <p>1.2. Ақлий хужум усулидан фойдаланган ҳолда аудиториянинг тайёргарлик даражасини аниқлайди:</p> <p>«Тиббиёт соҳасида қабул қилинган қонунларни биласизми?» «Уларнинг мазмунларига изоҳ беринг?» Мавзунинг муҳокамаси гурухларда давом этишини эълон қиласди.</p>	<p>1.1. Мавзуни ёзди ва саволларга жавоб беради. Адабиётлардан фойдаланиб, органайзерларни мустакил тузади, ўзаро тақослайди, тўлдиради, муаммони аниқлаш ва ечим вариантларини ишлаб чиқиш учун ижодий ёндашади.</p>	
2- босқич Асосий қисм (70 мин)	<p>2.1. Талабаларни З гурухга бўлади, ҳар бирiga вазифа беради: (саволларга жавоб бериш - топширик, органайзер чизмасини чизиш – 1-жадвал, тест ишлаш). Машгулот сўнгидаги кутилаётган ўкув натижаларини эслатади (талаба билиши керак):</p> <ul style="list-style-type: none"> - Фуқаролар соглигини сақлаш тўғрисидаги қонунчиллик асосларини; - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг таркибини; - конституцияда белгиланган фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий хукуқлари кафолатлари; - конституцияда белгиланган инсон хукуқлари ва эркинликларининг кафолатлари; - тиббий фаолиятнинг хукуқий асосларини белгиловчи қонунларни; - суд экспертизаси тўғрисидаги қонун таркиби ва мазмунини; - «Фуқаролар соглигини сақлаш тўғрисида»ги конун таркиби ва мазмунини; - Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурлари, унинг асосий босқичлари, мақсад ва вазифаларини; <p>2.2. Гурухда ишлар қоидаси билан таниширади (1-илова). Баҳолаш мезонларини ҳам намойиш қиласди (2-илова).</p> <p>2.3. Вазифани бажаришда ўкув материаллари (маъруза матни, ўкув кўлланма, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Фуқаролар соглигини сақлаш тўғрисида» ги конун ва Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурлари...) ларидан фойдаланиш мумкинligини эслатади. Гурухларда иш бошлашни тақлиф этади.</p> <p>2.4. Тайёргарликдан кейин амалий ишлар бошлангани эълон қилинади (<i>топшириқлар қўйида келтирилган</i>).</p> <p>2.5. Талабалар конунчиллик тамойилларини шарҳлайди, хуносаларга эътибор беради, аниқлик киритади.</p> <p>2.6. Талабаларга 1-жадвал бўйича ифодаланган органайзерлардан намуна намойиш қиласди ва шундай чизмалар тайёрлашни айтади. Тушунчаларга изоҳларни тўғрилайди ва саволларга жавоб кайтаради. Гурухлар фаолиятига умумий балл беради.</p>	<p>2.1. Ўкув натижаларини тақдим қиласди. 2.2. Саволлар беради. 2.3. Жавобларни тўлдиради. 2.4. Жадвал устунларини тўлдиради ва муҳокамада иштирок этади.</p>	
3-босқич Якуний қисм (10 мин)	<p>3.1. Машғулотни яқунлайди, талабаларни баҳолайди (2-илова) ва фаол иштирокчиларни рағбатлантиради.</p> <p>3.2. Мустақил иш сифатида “Фуқароларнинг тиббий ижтимоий ёрдам олиш хукуқлари” мавзусида “реферат» ёзишни топширади.</p>	<p>3.1. Эшитадилар. 3.2. Топширикни оладилар.</p>	

Фуқаролар соғлигини сақлаш тұғрисидаги қонунчилик асослари

Республикамиз мустақиллікка эришганидан сүнг социалистик қонунчилик негизида ишлаб чиқылған собиқ қонунлар мамлакаттинг янги давр стратегияси учун яроқсиз бўлиб қолди. Шу боисдан 1992 йил 8-декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди ва Конституция асосида халқ хўжалигининг барча тармоқларида қатор қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар Республикасининг бош стратегик мақсади – бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий эркин демократик давлаттинг асосий тамойилларидан бири, яъни ҳар бир фуқаронинг, жумладан, барча соҳа мутахассисларининг ҳуқуқий саводхонлигини тақозо этган ҳолда жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнини чуқурлаштириши, унинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқлари ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари кафолатлари

(Конституция ВИ бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат)

I бўлим. Асосий принциплар, яъни давлат суверинитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонуннинг устуворлиги, ташқи сиёsat масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг позицияси белгилаб қўйилган.

II бўлим. Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари кўрсатилган.

III бўлим. Жамият ва шахс деб номланади. Бу бўлимда иқтисодиёт негизлари, жамоат бирлашмалари, оила ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, эркинликлари, ҳукуқ ва бурчлари кафолатланган.

IV бўлим. Ўзбекистон Республикаси маъмурий, ҳуқуқий ва давлат тузилиши белгилаб қўйилган.

V бўлим. Давлат ҳокимиятини ташкил этиш, Олий Мажлис, Республика Президенти, Вазирлар Махкамаси, маҳаллий давлат

ҳокимияти, мудофаа ва хавфсизлик органлари, суд ҳокимияти, прокуратура, молия ва кредит муассасаларининг ваколатлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида сайлов тизими акс эттирилган.

VII бўлим. Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби ифодаланган.

Конституцияда белгиланган фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари кафолатлари:

- ✓ 36-моддада ҳар бир шахснинг хусусий мулкка эгалик ҳуқуки кафолатланган;
- ✓ 37-моддада фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуки кўрсатилган;
- ✓ 38-моддада ишчи ва хизматчиларнинг дам олиши, меҳнат таътилидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқлари акс эттирилган;
- ✓ 39-моддада ҳар бир шахснинг давлат томонидан ижтимоий муҳофазаланиш ҳуқуқлари кўрсатилган;
- ✓ 40-моддада фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуки белгилаб қўйилган;
- ✓ 42-моддада ҳар бир кишининг илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқлари кўрсатилган.

Конституцияда белгиланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари:

- 43-моддада фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг давлат томонидан кафолатланганлиги кўрсатилган;
- 44-моддада ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари суд орқали ҳимоя қилиниши белгиланган;
- 45-моддада вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги қайд этилган;
- 46-моддада хотин-қизларнинг эркаклар билан бир хил ҳуқуқларга эга эканлиги кўрсатилган.

Тиббий фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини белгиловчи қонунлар

- «Давлат санитария назорати тўғрисида», 1992 йил;
- «Фуқаролар Соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонун», 1996 йил;
- «Одам иммунтанқислиги вируси (ОИВ) билан касалланишнинг олдини олиш тўғрисида», 1999 йил;
- «Наркотик воситалар ва психотроп моддалар тўғрисида», 1999 йил;
- «Ахолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида», 2001 йил;
- «Психиатрия ёрдами тўғрисида», 2002 йил;
- «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида», 2002 йил;
- «Йод етишмовчилиги билан боғлик касалликлар профилактикаси тўғрисида» 2007 йил.

«Фуқаролар Соғлигини сақлаш тўғрисида» ги қонун таркиби ва мазмуни

Ушбу қонун 1996 йил 29 августда қабул қилинган, VI бўлим, 47 моддадан иборат.

I-бўлим. Умумий қоидалар. Бу бўлимда фуқаролар соғлигини сақлаш - бу ҳар бир инсоннинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, маданий, илмий, санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши тадбирлар мажмуаси эканлиги кўрсатилган.

II-бўлим. Фуқаронинг соғлигини сақлаш соҳасидаги ҳукуқлари. Бу ҳукуқлар тиббий муассасалар, бирлашмалар ва ташкилотлар, шунингдек, хусусий тиббий амалиёт билан шуғулланувчи шифокорлар томонидан таъминланади.

III-бўлим. Фуқароларга тиббий, ижтимоий ёрдам кўрсатиш. Ушбу бўлимда тиббий ёрдам турлари ва ҳар бир фуқаронинг тиббий ёрдамидан фойдаланиш ҳукуқлари кафолатланган.

IV-бўлим. Тиббий экспертиза. Мазкур бўлимда тиббиётда мавжуд экспертизалар, уларнинг вазифалари ва фуқароларнинг бу борадаги хукуқлари акс эттирилган.

V-бўлим. Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари. Бу бўлимда тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан хусусий тиббий амалиёт билан шуғулланиш хукуқи профессионал тиббиёт ва фармацевтика уюшмалари, уларнинг хукуқ ҳамда эркинликлари кафолатлари белгилаб қўйилган.

VI-бўлим. Якунловчи қоидалар. Ушбу бўлимда Ўзбекистон Республикаси шифокорининг қасамёди, шифокор сири, сирни ошкор этишга йўл қўядиган ҳолатлар, фуқаролар соғлигига заар етказилган ҳолларда заар ўрнини қоплаш тартиби ифодаланган.

Қонуннинг бўлимлари ва моддалари мазмуни

1-модда. Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонун хужжатлари

Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонун хужжатлари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун хужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг соғлигини сақлаш соҳасидаги хуқуқий муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун хужжатлари билан ҳам тартибга солинади. Башарти халқаро шартномада фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонун хужжатларидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома қоидалари қўлланади.

2-модда. Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонун хужжатларининг асосий вазифалари

Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонун хужжатларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- фуқароларнинг соғлиқни сақлашга доир хукуқлари давлат томонидан кафолатланишини таъминлаш;

- фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш;
- давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасидаги фаолиятини хуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.

3-модда. Фуқаролар соғлигини сақлашнинг асосий принциплари.

Фуқаролар соғлигини сақлашнинг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:

- соғлиқни сақлаш соҳасида инсон хуқуқларига риоя қилиниши;
- ахолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўла олиши;
- профилактика чора-тадбирларининг устунлиги;
- соғлигини йўқотган тақдирда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши;
- тиббиёт фанининг амалиёт билан бирлиги.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

- соғлиқни сақлаш соҳасида инсон хуқуқлари ҳимоя қилинишини;
- фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасидаги давлат сиёсатини;
- соғлиқни сақлаш ва тиббиёт фанини ривожлантириш дастурлари тасдиқланиши ва маблағ билан таъминланишини;
- соғлиқни сақлаш давлат тизимини бошқаришни;
- санитария-эпидемиология хотиржамлигини таъминлаш устидан назоратни;
- фавқулодда вазиятларда одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ва уларнинг соғлигини муҳофаза этиш чора-тадбирлари кўрилишини, фуқароларни фавқулодда вазият зонасидаги аҳвол ва қўрилаётган чора-тадбирлардан хабардор қилишни;
- фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасида статистика ҳисоби ва ҳисоботнинг ягона тизими ўрнатилишини;

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий сұғартасининг таянч дастурларини тасдиқлашни;
- фуқароларнинг айрим гурұхларига тиббий ёрдам күрсатишида ва уларни дори-дармон билан таъминлашда имтиёзлар белгилашни;
- давлат бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг фуқаролар соғлигини саклаш соҳасидаги, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятларини мувофиқлаштириб боришни ва назорат қилиб туришни;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлигининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги:

- соғлиқни саклаш ва тиббий сұғартанинг норматив базасини, тиббий ёрдам сифати ва ҳажми давлат стандартларини ишлаб чиқишида иштирок этади;
- барча тиббий муассасаларнинг фуқаролар соғлигини саклаш тұғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиши устидан назоратни амалга оширади;
- фуқаролар соғлигини саклаш соҳасида мақсадлы давлат дастурларини амалга оширади;
- давлат томонидан кафолатланған ҳажм доирасида ахолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами күрсатилишини ташкил этади;
- тиббиёт ва фармацевтика фаолиятини лицензиялашни белгиланған тартибда амалга оширади;
- давлат соғлиқни саклаш тизими муассасаларида тиббий хизматлар тарифлари даражасини тартибга солади;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари ва препаратларини стандартлаштириш ҳамда сертификатлаштиришни амалга оширади;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз ваколатлари доирасида даволаш-профилактика, санитария, эпидемияга қарши, радиация, экология масалалари юзасидан чиқарадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси худудидаги давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ҳамда жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

6-модда. Махаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасидаги ваколатлари

Махаллий давлат ҳокимияти органларининг тасарруфига куйидагилар киради:

- соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бажарилишини таъминлаш;
- соғлиқни сақлаш тизимининг бошқарув органларини шакллантириш, унинг муассасалари тармоғини ривожлантириш;
- бирламчи тиббий-санитария ва тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш, улардан ҳамманинг баҳраманд бўла олишини таъминлаш, тиббий ёрдам сифатининг клиник-статистик стандартларига риоя этилишини назорат қилиш, тасарруфдаги худудда фуқароларни дори-дармонлар ва тиббиёт маҳсулотлари билан таъминлаш;
- соғлиқни сақлаш ҳаражатларини молиявий таъминлашнинг ўз манбаларини шакллантириш;
- фуқароларнинг санитария-эпидемиология жиҳатидан хотиржамлигини таъминлаш, профилактика, санитария-гигиена, эпидемияга қарши ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш;
- атроф - муҳитни муҳофаза этиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш;
- фавқулодда вазиятларда одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ва уларнинг соғлигини муҳофаза этиш чора-тадбирларини кўриш, фуқароларни

фавқулодда вазият зонасидаги аҳвол ва кўрилаётган чора-тадбирлардан хабардор қилиш;

- соғлиқни сақлаш тизими органлари, муассасалари ва корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш, соғлиқни сақлаш муассасаларида кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдам сифатини назорат қилиб бориш;
- ногиронлар ва тиббий-ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг куч-кувватини тиклайдиган муассасалар ташкил этиш ва улар фаолиятини таъминлаш;
- оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- фуқароларга санитария-гигиена ва экология таълими беришни ташкил этиш;
- соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимларини ривожлантиришни рағбатлантирувчи шароитлар яратиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

7-модда. Соғлиқни сақлаш тизими.

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашнинг давлат, хусусий ва бошқа тизимлари йиғиндисидан иборат ягона соғлиқни сақлаш тизими амал қиласди.

8-модда. Давлат соғлиқни сақлаш тизими.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлашни бошқариш органлари, уларнинг шаҳар ва туман бўлинмалари киради. Давлат соғлиқни сақлаш тизимига давлат мулки бўлган ва давлат соғлиқни сақлаш тизимининг бошқарув органларига бўйсунувчи даволаш-профилактика ва илмий-тадқиқот муассасалари, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари тайёрлайдиган ҳамда уларни қайта тайёргарликдан ўтказадиган

ўқув юртлари, фармацевтика корхоналари ва ташкилотлари, санитария-профилактика муассасалари, суд-тибий экспертиза муассасалари, тибий дори-дармонлар ва тиббиёт техникаси ишлаб чиқардиган корхоналар ҳамда асосий фаолияти фуқаролар соғлигини сақлаш билан боғлиқ бошқа корхона, муассаса ва ташкилотлар киради.

Илмий-тадқиқот институтларининг клиникалари, вазирликлар, идоралар, давлат корхоналари, муассаса ва ташкилотлари барпо этадиган даволаш-профилактика ва дорихона муассасалари давлат соғлиқни сақлаш тизимиға киради.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасалари аҳолига давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам қўрасатади. Бепул тиббий ёрдам қўрасатиш ҳажми ва тартиби қонун хужжатлар билан белгиланади.

Давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмининг белгилангандан ортиқча тиббий ва бошқа хил хизматлар қўрасатиш қўшимча хизматлар бўлиб, аҳоли томонидан белгиланган тартибда ҳақ тўланади.

9-модда. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини маблағ билан таъминлаш

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини маблағ билан таъминлаш манбалари қуйидагилардан иборат:

- давлат бюджети маблағлари;
- тиббий суғурта маблағлари;
- фуқароларнинг соғлигини сақлашга мўлжалланган мақсадли фонdlарнинг маблағлари;
- даволаш-профилактика муассасаларининг давлат томонидан кафолатланган ҳажмидан ортиқча тиббий ёрдам қўрасатганлик учун ва пуллик хизматлар қўрасатганлик учун олинган маблағлари;

- корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ҳамда жисмоний шахсларнинг соғлиқни сақлаш муассасаларига ихтиёрий ва хайрия бадаллари;
- банкларнинг кредитлари;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

10-модда. Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимлари

Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимлари жумласига хусусий тиббиёт амалиёти ёки хусусий фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар, ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган даволаш-профилактика, дорихона муассасалари ҳамда тиббиёт ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар киради.

Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимларига тааллуқли даволаш-профилактика муассасалари фуқароларнинг айрим гурӯхларига бепул тиббий хизмат кўрсатадилар. Бундай хизматларнинг ҳажми, рўйхати, уларни кўрсатиш тартиби ҳамда компенсацияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимларида фақат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўлланилишига рухсат этилган профилактика, ташхис қўйиш ҳамда даволаш воситаларидан фойдаланилади.

Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимлари белгиланган тартибда тиббий ҳужжатларни юритиши ҳамда статистика маълумотларини тақдим этиши шарт.

11-модда. Тиббиёт ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш

Соғлиқни сақлаш корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, шунингдек жисмоний шахслар лицензияга эга бўлган тақдирдагина тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Тиббиёт ва фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар бериш тартиби ҳамда шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

12-модда. Аҳолининг санитария-эпидемиология жиҳатидан хотиржамлиги

Аҳолининг санитария-эпидемиология жиҳатидан хотиржамлиги қонун хужжатларига мувофиқ давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар томонидан санитария-гигиена йўсинидаги ҳамда эпидемияга қарши тадбирлар ўтказилиши орқали таъминланади.

13-модда. Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиғини сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар. Давлат ёши, жинси, ирқи, миллати, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар фуқароларнинг соғлиғиги сақланишини таъминлайди. Давлат фуқароларда касалликларнинг ҳар қандай шакллари борлигидан қатъи назар, уларнинг камситишлардан ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Ушбу қоидани бузища айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

14-модда. Ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси худудидаги ажнабий фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар, соғлиқни сақлашда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари билан тенг хукуқдан фойдаланадилар.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатиб ўтилган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилайди.

15-модда. Фуқароларнинг соғлиқقا таъсир этувчи омиллар ҳақида ахборот олиш хукуқи

Фуқаролар соғлиқقا таъсир этувчи омиллар ҳақида, шу жумладан яшаш ҳудудининг санитария-эпидемиология жиҳатидан хотиржамлиги тўғрисида, овқатланишнинг оқилона нормалари хусусида, товарлар, ишлар, хизматлар, уларнинг хавфсизлиги, санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги тўғрисида ўз вақтида ва аниқ ахборот олиш хукуқига эга.

16-модда. Фуқароларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам олиш хукуқи

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактика, ташхис қўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек bemорларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиши-парваришлиш юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш хукуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий сұғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш хукуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа маҳсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуққа эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек, уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

17-модда. Айрим турдаги касб-кор билан шуғулланувчи фуқароларнинг соғлигини сақлаш.

Фуқароларнинг соғлигини сақлаш, юқумли ва касб касалликларининг олдини олиш мақсадида рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлайдиган ишлаб чиқаришлар ҳамда айрим касбларнинг ходимлари ишга кириш вақтида дастлабки мажбурий тиббий кўриқдан ҳамда кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтадилар.

Соғлигининг ҳолатига кўра фуқаро айрим турдаги касб-кор ҳамда юқори даражали хавф манбаи бўлган фаолият билан шуғулланишга вақтинча ёки доимий лаёқатсиз деб топилиши мумкин. Бундай қарор тиббиёт нуқтаи назаридан шуғулланиш номақбул деб топилган фаолиятлар рўйхатига мувофиқ ҳолда тиббий комиссиялар чиқарган хulosса асосида қабул қилинади ва унинг устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Тиббиёт нуқтаи назаридан шуғулланиш номақбул деб топилган айрим турдаги касб-кор ва юқори даражада хавфли манба билан боғлиқ фаолиятлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон касаба

уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда белгиланади ҳамда беш йилда камида бир марта қайта қўриб чиқилади.

Иш берувчилар ўз ходимларининг мажбурий тиббий қўриқдан ўз вақтида ўтиши учун ва мажбурий тиббий қўриқдан ўтмаган шахсларни ишга қўйиш натижасида фуқароларнинг соғлигига етказилган заарли оқибатлар учун жавобгар бўладилар.

18-модда. Оила соғлигини сақлаш.

Ҳар бир фуқаро давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида оиласа тааллуқли масалалар, ўзида ижтимоий аҳамиятли касалликлар ва атрофдагилар учун хавфли бўлган касалликлар бор-йўқлиги юзасидан, никоҳ ва оила муносабатларининг тиббий-руҳий жиҳатлари юзасидан бепул маслаҳатлар олиш, шунингдек тиббий-ирсий ҳамда бошқа масалалар юзасидан маслаҳатлар олиш ва текширувдан ўтиш хуқуқига эга.

Ҳар бир оила ўзига оилавий шифокор танлаш хуқуқига эга. Болали оиласа фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасида қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш хуқуқига эга.

Уч ёшга тўлмаган болалар, шунингдек, шифокорларнинг хулосасига қўра қўшимча қаровга муҳтоҷ бўлган катта ёшдаги касали оғир болалар стационар шифохонада даволанаётганида уларнинг отаси ёки онасига ёхуд оиласининг болани бевосита парваришаётган бошқа аъзосига даволаш муассасасида унинг ёнида бирга бўлиши учун имконият яратилади ва меҳнатга лаёқатсизлик варакаси берилади.

19-модда. Вояга етмаганларнинг хуқуқлари.

Давлат вояга етмаганларнинг соғлиқни сақлаш хуқуқларини уларнинг жисмоний, маънавий ривожланиши учун, касалликларнинг олдини олиш учун энг қулай шароит яратиш, шунингдек, мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар ва бошқа муассасаларда тиббий хизматни йўлга қўйиш орқали таъминлайди.

Вояга етмаганлар қуидаги хуқуқларга эга:

- Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда диспансер назоратида бўлиш ҳамда болалар ва ўсмирларнинг даволаш-профилактика муассасаларида даволаниш;
- санитария-гигиена таълимини олиш, ўқиш ҳамда ўзларининг физиологик хусусиятлари ва соғлигига мос шароитларда меҳнат қилиш;
- касбга яроқлилигини аниқлаш чоғида бюджет маблағлари ҳисобидан бепул тиббий маслаҳатлар олиш;
- соғлиқлари тўғрисида ўзлари учун қулай тарзда зарур ахборот олиш;
- ўн тўрт ёшдан ошган вояга етмаганлар маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий равишда розилик бериш ёки уни рад этиш хукуқига эга;
- жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бор вояга етмаганлар ота-оналарининг ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг аризасига қўра бюджет маблағлари, хайрия жамғармалари ва бошқа фондларнинг маблағлари, шунингдек, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг маблағлари ҳисобидан ижтимоий ҳимоя тизими муассасаларида яшашлари мумкин.

Ота-оналар ёки бошқа шахсларнинг ўз тарбиясидаги вояга етмаганларнинг хукуқлари ва манфаатларини бузишлари, уларни тарбиялашдан бўйин товлашлари, вояга етмаганлар билан уларнинг соғлигига зарар етказадиган даражада шафқатсиз муносабатда бўлишлари қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

20-модда. Ҳарбий хизматчилар, ҳарбий ва муқобил хизматга чақириладиган ҳамда ҳарбий хизматга контракт бўйича кирадиган фуқароларнинг хукуқлари.

Ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизматга яроқли ёки яроқсиз эканликларини аниқлаш учун тиббий текширувдан ўтиш ҳамда ҳарбий-тиббий комиссиянинг хulosаси асосида ҳарбий хизматдан муддатидан илгари бўшатилиш хукуқига эга.

Ҳарбий ва муқобил хизматга чақириладиган ёки ҳарбий хизматга конт ракт бўйича кирадиган фуқаролар тиббий текширувдан ўтади ҳамда соғлигига кўра ҳарбий хизматга чақиравни кечиктириш ёки чақиравдан озод этилиш ҳуқуқини берадиган тиббий маълумотлар тўғрисида тўлиқ ахборот олиш ҳуқуқига эга.

21-модда. Пенсия ёшидаги фуқароларнинг ҳуқуқлари.

Пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини берадиган ёшга етган фуқароларга давлат соғлиқни сақлаш ва меҳнат ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими муассасаларида тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатилади.

Тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ўз ичига стационар-амбулатория йўли билан даволашни, санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштиришни, ёлғиз кексаларга уларнинг ўз уйида ҳамда интернат-уйларда хизмат кўрсатишни қамраб олади.

Пенсия ёшидаги фуқаролар тиббий хулоса асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий сугурта маблағлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг маблағлари ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан куч-куватни тиклаш ҳуқуқига эга.

22-модда. Ногиронларнинг ҳуқуқлари.

Ногиронлар, шу жумладан, ногирон болалар ва болаликдан ногиронлар тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, куч-куватни тиклашнинг барча турларидан фойдаланиш, дори-дармонлар, протез-ортопедия мосламалари, ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли асосларда таъминланиш, шунингдек касб-кор эгаллаш ва қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқига эга.

Ногиронлар давлат соғлиқни сақлаш тизими ва меҳнат ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, ўз уйларида парвариш қилиниш, ўзганинг

парваришига муҳтож бўлган ёлғиз ногиронлар ва сурункали руҳий хасталикларга чалинган ногиронлар эса ижтимоий таъминот муассасаларида яшаш хуқуқига эга.

Ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам қўрсатиш тартиби ва уларга бериладиган имтиёзлар рўйхати қонун хужжатларида белгилаб қўйилади.

23-модда. Фавқулодда вазиятлар туфайли жабр кўрган фуқароларнинг хуқуқлари.

Фавқулодда вазият туфайли жабр кўрган фуқаролар бепул тиббий ёрдам олиш ва соғлиғини тиклаш тарзида даволаниш, фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этиш ҳамда ҳаёти ва соғликларига таҳдид солаётган хавфни камайтиришга қаратилган гигиена чора-тадбирлари ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар ўтказиш хуқуқига эга.

Фавқулодда вазият шароитида одамларни кутқариш ва тиббий ёрдам қўрсатиш чоғида жабр кўрган фуқароларга бепул даволаниш, шу жумладан, санаторий ва курортларда даволаниш, қуч-қувватни тиклашнинг барча турларидан фойдаланиш, шунингдек, қонун хужжатларида белгиланган тартибда моддий компенсация олиш кафолатланади.

24-модда. Беморнинг хуқуқлари.

Бемор тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган ва тиббий ёрдам олаётган пайтда қўйидаги хуқуқларга эга:

- тиббиёт ходимлари ва хизмат қўрсатувчи ходимларнинг хурмат ва меҳр-мурувват қўрсатишлари;
- шифокорни ва даволаш-профилактика муассасасини танлаш;
- санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган шароитда текширувдан ўтиш, даволаниш ва парвариш қилиниш;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаб қўйган тартибда ўз илтимосига кўра бошқа мутахассисларнинг консилиум қилиши ва улардан маслаҳатлар олиш;

- тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, соғлигининг ҳолати, кўйилган ташхис тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уни текшириш ва даволаш чоғида олинган бошқа маълумотлар сир сақланиши;
- тиббий аралашувга ўз ихтиёри билан розилик бериш ёки уни рад этиш;
- ўз хукуқ ва бурчлари хусусида ҳамда соғлигининг ҳолати ҳақида маълумот олиш, шунингдек соғлигининг ҳолатига доир маълумотларни унинг манфаатини кўзлаган ҳолда берса бўладиган шахсларни танлаш;
- ихтиёрий тиббий суғурта доирасида тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш;
- тиббий ёрдам кўрсатиш вақтида соғлигига заарар етказилган тақдирда кўрилган зарарнинг ўрни қонун хужжатларида белгиланган тартибда қопланиши;
- хуқуқини ҳимоя қилиши учун хузурига адвокат ёки бошқа қонуний вакил қўйилиши.

Хуқуqlари бузилган тақдирда бемор ёки унинг қонуний вакили бевосита даволаш-профилактика муассасасининг раҳбари ёки бошқа мансабдор шахсига, юқори бошқарув органига ёки судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин.

25-модда. Фуқароларнинг ўз соғлигининг ҳолати тўғрисида маълумот олиш хуқуқи.

Ҳар бир фуқаро ўз соғлигининг ҳолати тўғрисида маълумот, шу жумладан текшириш натижалари, қандай касали борлиги, қандай ташхис кўйилганлиги, касалликнинг бундан буён қандай кечишига оид тахминлар, даволаш усуллари ва бу усуллар билан боғлиқ хавф-хатар, тиббий аралашувнинг эҳтимол тутилган турлари ва уларнинг оқибатлари, амалга оширилган даволашнинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни олиш хуқуқига эга.

Фуқаронинг соғлиги ҳақидаги маълумотни унинг ўзига, ўн тўрт ёшга тўлмаган шахслар ҳамда қонунда белгиланган тартибда муомалага

лаёқатсиз деб топилган фуқаролар соғлиги тўғрисидаги маълумотларни эса уларнинг қонуний вакилларига даволаш-профилактика муассасасининг даволовчи шифокори, бўлим мудири ёки текшириш ва даволашда бевосита қатнашаётган бошқа мутахассислар беради.

Касалликнинг кечиши номақбул деб тахмин қилинган ҳолларда бу хақда фуқарога ва башарти унинг ўзи оила аъзоларига хабар қилишни тақиқламаган ва (ёки) бундай маълумот берилиши учун бирор шахсни тайинламаган бўлса, bemornинг оила аъзоларига тиббий-одоб меъёрларига риоя қилган ҳолда хабар қилиниши керак.

Фуқаронинг талабига мувофиқ унга соғлигининг ҳолатини акс эттирувчи тиббий ҳужжатлардан кўчирмалар берилади.

Фуқаронинг тиббий ҳужжатларида акс этган маълумотлар шифокорлик сири бўлиб, у фақат ушбу Қонун 45-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган асослардагина фуқаронинг розилигисиз тақдим этилиши мумкин.

26-модда. Тиббий аралашувга розилик бериш.

Фуқаронинг ўз касалига доир маълумотларни билган ҳолда ўз ихтиёри билан розилик бериши тиббий аралашувнинг дастлабки зарур шартидир.

Фуқаронинг аҳволи ўз хоҳиш-иродасини изҳор этишга имкон бермайдиган, тиббий аралашувни эса кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда фуқаронинг манфаатини кўзлаб тиббий аралашувни амалга ошириш масаласини консилиум ҳал қиласи, башарти консилиумга йиғилишнинг иложи бўлмаган тақдирда эса, кейинчалик даволаш-профилактика муассасасининг мансабдор шахсларини хабардор қилиш шарти билан бевосита даволовчи (навбатчи) шифокор ҳал этади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсларга ва қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларга нисбатан тиббий аралашувга уларнинг қонуний вакиллари розилик беради. Ота-она ёки

бошқа қонуний вакиллар йўқлигига тиббий аралашув тўғрисидаги қарорни консилиум қабул қиласди, башарти консилиумга йиғилишнинг иложи бўлмаган тақдирда эса, кейинчалик даволаш-профилактика муассасасининг мансабдор шахслари ва bemorning қонуний вакилларини хабардор қилиш шарти билан бевосита даволовчи (навбатчи) шифокор қабул қиласди.

27-модда. Тиббий аралашувни рад этиш.

Фуқаро ёки унинг қонуний вакили тиббий аралашувни рад этиш ёки унинг тўхтатилишини талаб қилиш хуқуқига эга, ушбу Қонуннинг 28-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолларда шифокор ёзма тасдиқнома олишга, агар тасдиқнома олишнинг иложи бўлмаса тиббий аралашувни рад этишни гувоҳлар иштироқида тегишли далолатнома билан гувоҳлантириб олишга ҳақлидир.

Башарти тиббий аралашувни bemorning қонуний вакили рад этса ва бу ҳол bemor учун оғир оқибатлар қелтириб чиқариши мумкин бўлса, шифокор бу ҳақда васийлик ва ҳомийлик органларини хабардор қилиши шарт.

28-модда. Фуқароларнинг розилигисиз тиббий ёрдам кўрсатиш.

Атрофдагилар учун хавфли касалликка чалинган шахсларга фуқаролар ёки улар қонуний вакилларининг розилигисиз тиббий ёрдам кўрсатилишига (тиббий кўрикдан ўтказиш, касалхонага ётқизиш, кузатиш ва яккалаб қўйишга) қонун ҳужжатларида белгиланган асосларда ва тартибда йўл қўйилади.

29-модда. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами.

Давлат соғлиқни сақлаш тизими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жамоат бирлашмаларининг муассасалари кўрсатадиган бирламчи тиббий-санитария ёрдами тиббий хизмат кўрсатишнинг асосий, қулай ва бепул тури бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- энг кўп тарқалган касалликлар, шикастланиш, заҳарланиш ва шошилинч ёрдам талаб этиладиган бошқа ҳолатларни даволашни;
- санитария-гиgienага доир ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар, энг муҳим касалликларнинг тиббий профилактикасини ўтказишни;
- оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тадбирларини, турар жойларда фуқароларга тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш билан боғлиқ бошқа чора-тадбирлар кўришни.

Хусусий ва бошқа хил соғлиқни сақлаш тизимларининг муассасалари томонидан кўрсатиладиган бирламчи тиббий-санитария ёрдами шартнома асосида амалга оширилади. Ушбу Конун 10-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ шундай ёрдам кўрсатиладиган фуқароларнинг айрим гурухлари бундан мустасно.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг ҳажми ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилайди.

30-модда. Шошилинч ва тез тиббий ёрдам.

Фуқаролар соғлиқни сақлаш тизимининг ҳар қандай даволаш-профилактика муассасасида шошилинч тиббий ёрдам олиш ҳукуқига эга.

Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари фуқароларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишлари шарт. Улар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишдан бўйин товлаганлик, шунингдек, фуқароларнинг соғлигига етказилган зарар учун қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

Тез тиббий ёрдам соғлиқни сақлаш тизимининг маҳсус тез тиббий ёрдам хизмати томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаган тартибда кўрсатилади.

Фуқаронинг ҳаёти хавф остида бўлган тақдирда тиббиёт ходимлари уни даволаш-профилактика муассасасига олиб бориш учун ҳар қандай транспорт туридан фойдаланиш ҳукуқига эга.

Милиция, ёнғиндан сақлаш, авария хизматлари, транспорт ташкилотлари ходимлари, шунингдек, бошқа касб-кор вакиллари тиббиёт ходимлари етиб келгунга қадар воқеа содир бўлган жойда қонун ҳужжатларига биноан зиммаларига юклатилган бирламчи шошилинч ёрдамни кўрсатишлари шарт.

31-модда. Ихтисослашган тиббий ёрдам.

Ихтисослашган тиббий ёрдам профилактика, ташхис қўйиш, даволашнинг ва мураккаб тиббий технологиялардан фойдаланишининг маҳсус усусларини тақозо этувчи касалликларга чалинган фуқароларга кўрсатилади.

Ихтисослашган тиббий ёрдам даволаш-профилактика муассасаларида мутахассис шифокорлар томонидан кўрсатилади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларида кўрсатиладиган ихтисослашган тиббий ёрдамнинг турлари, ҳажми ва сифат стандартлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

32-модда. Ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган фуқароларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш.

Ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган фуқароларга давлат соғлиқни сақлаш тизимишининг тегишли даволаш-профилактика муассасаларида тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатилади ва доимий тиббий кузатув таъминланади.

Ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар рўйхати ва бундай касалликларга чалинган шахслар учун имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган фуқароларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдам турлари ва ҳажмини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда белгилайди.

33-модда. Атрофдагилар учун хавфли бўлган касалликларга чалинган фуқароларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш.

Атрофдагилар учун хавфли бўлган, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган касалликларга чалинган фуқароларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш давлат соғлиқни сақлаш тизимининг ана шундай мақсадга мўлжалланган муассасаларида бепул амалга оширилади.

Атрофдагилар учун хавфли бўлган касалликларга чалинган фуқароларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг турлари ва хажми Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда белгиланади.

34-модда. Профилактика, ташхис қўйиш, даволашнинг янги усусларини, дори-дармонлар, иммунобиология препаратлари ва дезинфекция воситаларини қўлланиш ҳамда биологик-тиббий тадқиқотлар ўтказиш тартиби.

Соғлиқни сақлаш амалиётида факат қонун хужжатларида белгилangan тартибда қўлланишга рухсат этилган профилактика, ташхис қўйиш, даволаш усусларидан, тиббиёт технологиялари, дори-дармонлар, иммунобиология препаратлари ва дезинфекция воситаларидан фойдаланилади.

Қўлланишга рухсат этилмаган, лекин белгилangan тартибда кўриб чиқилаётган ташхис қўйиш, даволаш усуслари ва дори-дармонлардан беморни даволаш манфаатини кўзлаб фактат унинг ихтиёрий равишдаги ёзма розилиги олинганидан кейин, ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсларни даволашда эса фактат уларнинг хаёти бевосита хавф остида қолган тақдирда ва қонуний вакилларининг ёзма розилиги билангина фойдаланиш мумкин.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ташхис қўйиш, даволаш усуслари ва дори-дармонларни, иммунобиология препаратлари ва дезинфекция воситаларини, шу жумладан, чет элда фойдаланиладиган-

ларини қўлланилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Инсонни объект сифатида жалб этиб, биологик-тиббий тадқиқот ўтказишга фақат лаборатория тажрибалари ўтказилганидан ва фуқаронинг ёзма розилиги олинганидан кейингина давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида йўл қўйилади. Фуқарони биологик-тиббий тадқиқотларда қатнашишга мажбурлаш мумкин эмас.

Биологик-тиббий тадқиқот ўтказишга фуқародан розилик олинаётганда унга тадқиқотнинг мақсади, усуллари, қўшимча оқибатлари, эҳтимол тутилган хавфи, тадқиқотнинг қанча давом этиши ва кутилаётган натижаларига оид маълумотлар берилиши лозим. Фуқаро тадқиқотнинг исталган босқичида унда қатнашишдан бош тортиш ҳуқуқига эга.

Белгиланган тартибда текширув синовларидан ўтмаган профилактика, ташхис қўйиш, даволаш усуллари ва дори-дармонларни тарғиб қилиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида тарғиб қилиш тақиқланади. Ушбу нормани бузиш қонунда белгиланганидек жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

35-модда. Фуқароларни дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш.

Шифокорнинг дориқоғози бўйича ва дориқоғозсиз бериладиган дори-дармонлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Дори-дармонлар ва якка тартибда фойдаланиладиган тиббиёт буюмлари билан имтиёзли асосларда таъминланадиган фуқароларнинг тоифалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилади. Давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволовчи шифокорлари фуқароларнинг дори-дармонлар билан имтиёзли асосларда таъминланиши учун дориқоғоз ёзиб бериш ҳуқуқига эга.

36-модда. Мехнатга вақтинча лаёқатсизликни экспертизалаш.

Фуқароларнинг касаллик, шикастланганлик, ҳомиладорлик, түкканлик, оиланинг бетоб аъзосини парваришлаганлик, протез қўйдирганлиқ, санаторий-курортда даволанганик муносабати билан ва бошқа ҳоллардаги меҳнатга вақтинча лаёқатсизлигини экспертизалаш қонун хужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади.

Меҳнатга вақтинча лаёқатсизликни экспертизалаш давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволовчи шифокорлари томонидан ўтказилади ва улар фуқароларга меҳнатга лаёқатсизлик варақасини беради. Хусусий ва бошқа хил соғлиқни сақлаш тизимларида даволанган фуқароларга меҳнатга лаёқатсизлик варақалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаб қўядиган тартибда берилади.

Меҳнатга вақтинча лаёқатсизлик экспертизаланганида ходимни соғлигининг ҳолатига қараб вақтинча ёки доимий равища бошқа ишга ўтқазиш зарурати ва муддати аниқланади, шунингдек, фуқарони белгиланган тартибда, шу жумладан, унда ногиронлик белгилари мавжуд бўлган тақдирда тиббий-меҳнат эксперт комиссиясига йўллаш тўғрисида қарор қабул қилинади.

37-модда. Тиббий-меҳнат экспертизаси.

Тиббий-меҳнат экспертизаси фуқаролар ногиронлигининг сабаби ва гурухини, уларнинг меҳнат лаёқатини йўқотганлик даражасини, улар соғлигини тиклашнинг турлари, ҳажми ва муддатини ҳамда ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини белгилайди, тегишли хulosалар беради. Ушбу хulosалар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурияти учун мажбурийдир.

Тиббий-меҳнат экспертизасини ташкил қилиш ва ўтқазиш тартиби қонун хужжатларида белгилаб қўйилади.

Тиббий-мехнат экспертизасини ўтказган муассасанинг хulosаси устидан фуқаронинг ўзи ёки унинг қонуний вакили судга шикоят қилиши мумкин.

38-модда. Ҳарбий-тиббий экспертиза.

Ҳарбий-тиббий экспертиза ҳарбий ёки муқобил хизматга чақириладиган, ҳарбий хизматга контракт бўйича кирадиган, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг, ички ишлар ва Миллий хавфсизлик хизмати органларининг захирасида (резервида) турган фуқароларнинг ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг саломатлиги жиҳатидан ҳарбий хизматга яроқли ёки яроқсиз эканлигини, касаллик, ярадорлик, шикастланганлик ҳарбий хизмат (ҳарбий йигинларни ўташ) билан боғлиқлигини аниқлайди, ҳарбий хизматчиларга тиббий-ижтимоий ёрдам қўрсатиш ва уларнинг соғлигини тиклашнинг турлари, ҳажми ва муддатини белгилайди.

Ҳарбий-тиббий экспертизани ташкил этиш ва ўтказиш тартибини, шунингдек, ҳарбий ёки муқобил хизматга чақириладиган, ҳарбий хизматга контракт бўйича кирадиган фуқаролар ва ҳарбий хизматчилар соғлигининг ҳолатига нисбатан қўйиладиган талабларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Ҳарбий-тиббий экспертизанинг хulosалари мансабдор шахслар ижро этиши учун мажбурийдир. Ҳарбий-тиббий экспертизани ўтказган муассасанинг хulosаси устидан фуқаронинг ўзи ёки унинг қонуний вакили судга шикоят қилиши мумкин.

39-модда. Суд-тиббиёт ва суд-психиатрия экспертизалари.

Суд-тиббиёт экспертизаси давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасаларида эксперт томонидан, унинг йўқлигига эса — экспертиза ўтказишга жалб этилган шифокор томонидан суриштирув ўтказаётган шахс, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими асосида ўтказилади.

Суд-психиатрия экспертизаси давлат соғлиқни сақлаш тизимининг шу мақсадга мўлжалланган муассасаларида ўтказилади.

Суд-тиббиёт ва суд-психиатрия экспертизаларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Суд-тиббиёт ва суд-психиатрия экспертизаларини ўтказган муассасаларнинг хулосалари устидан фуқаронинг ўзи ёки унинг қонуний вакили судга шикоят қилиши мумкин.

40-модда. Патологик-анатомик тадқиқотлар ўтказиш ва одамнинг ўлган вақтини аниқлаш.

Патологик-анатомик тадқиқотлар соғлиқни сақлаш муассасаларида одам ҳаётлигига ҳамда ўлганидан сўнг ташхис қўйиш (биопсия ва аутопсия), шунингдек, клиник шароитда ташхис қўйиш ва касалликни даволаш ишларининг тўғри олиб борилганлигини назорат қилиш, ўлим сабаблари ҳақида аниқ маълумотлар олиш мақсадида ўтказилади.

Патологик-анатомик тадқиқотлар ўтказиш ва одамнинг ўлган вақтини аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

41-модда. Тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи.

Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига олий ёки ўрта маҳсус тиббиёт ўкув юртини тамомлаганлик тўғрисида диплом олган шахслар эга бўладилар.

Тиббиёт ва фармацевтика маълумоти тўғрисидаги дипломни хорижий давлатларда олган шахсларнинг тиббиёт ёки фармацевтика фаолияти билан шуғулланишига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда йўл қўйилади.

Ўз касби бўйича уч йилдан кўп ишламаган тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг тегишли фаолият билан шуғулланишига тегишли ўкув юртларида қайта тайёргарликдан ўтганларидан кейин ёки Ўзбекистон

Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг аттестация комиссиялари ўтказадиган аттестация асосида йўл қўйилади.

Тиббиёт ёки фармацевтика соҳасида тугалланмаган олий маълумоти бўлган шахсларнинг тиббиёт соҳасида ўрта маълумоти бўлган ходимлар ишлайдиган лавозимларда тиббиёт ёки фармацевтика фаолияти билан шуғулланишига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда йўл қўйилади.

Олий ва ўрта махсус тиббиёт ўқув юртлари талабаларининг фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатишда таълим дастурларига мувофиқ қатнашишига тиббиёт ходимлари назорати остида, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда йўл қўйилади.

Гайриқонуний равишда тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи шахслар қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

42- модда. Хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғулланиш ҳуқуқи.

Олий ёки ўрта махсус тиббий маълумот тўғрисида диплом ва танланган фаолият тури билан шуғулланиш учун лицензия олган шахслар хусусий тиббиёт амалиёти, шу жумладан, табиблик (халқ табобати) билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини профессионал тиббиёт уюшмалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, рухсатнома (лицензия) берган орган назорат қилиб боради.

Хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғулланиш хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғулланишга рухсатнома берган органнинг ёки суднинг қарори билан тўхтатилиши мумкин.

43-модда. Профессионал тиббиёт ва фармацевтика уюшмалари.

Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тиббиёт ва фармацевтика амалиётини ривожлантириш, илмий тадқиқотларга кўмаклашиш, тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг касб

фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш мақсадида ихтиёрий асосда таркиб топадиган профессионал уюшмалар ҳамда бошқа жамоат бирлашмалари тузиш ҳукуқига эга.

Профессионал тиббиёт, фармацевтика уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмалари ўз фаолиятларини уставлар асосида ва қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширадилар.

44-модда. Ўзбекистон Республикаси шифокорининг қасамёди.

Шифокор дипломини олаётган шахслар қуйидаги мазмунда қасамёд қабул қиласди:

«Шифокор деган юксак унвонни олиб, тиббиёт фаолиятига киришар эканман:

- ❖ ўзимнинг бор билим ва маҳоратимни беморни даволашга ҳамда инсон соғлигини сақлашга бағишлишга;
- ❖ ёши, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар бир беморга куч-ғайратим ва вақтимни аямай тиббий ёрдам қўрсатишга;
- ❖ беморнинг соғлигини шахсий манфаатларимдан юқори қўйишга, камтар ва ҳалол бўлишга, ўз билим ва маҳоратимни доимо ошириб боришга;
- ❖ шифокор сирини сақлашга;
- ❖ кишиларга ҳамиша меҳр-мурувват ва шифо топишларига ишонч ҳадя этишга;
- ❖ Букрот, Абу Али ибн Сино сингари улуғ табибларнинг шонли анъаналарини давом эттиришга тантанали қасамёд қиласман.

Ушбу қасамёдга умримнинг охиригача содик қолишга қасамёд қиласман».

Шифокорлар қасамёдни бузганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

45-модда. Шифокор сири.

Фуқаронинг тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, унинг соғлигининг ҳолати, касаллигига қўйилган ташхис хусусидаги ҳамда уни

текшириш ва даволаш давомида олинган бошқа маълумотлар шифокор сирини ташкил этади.

Шифокор сири хисобланган маълумотлардан ўқиши ҳамда касб-корга, хизматга доир ва бошқа хил вазифаларни бажариш пайтида хабардор бўлиб қолган шахсларнинг бу маълумотларни фуқаро ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз ошкор қилишига йўл қўйилмайди, ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Шифокор сири хисобланган маълумотларни фуқаро ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз беришга қўйидаги сабабларга кўра йўл қўйилади:

- ахволи оғирлиги сабабли ўз хоҳиш-иродасини билдира олмайдиган фуқарони текшириш ва даволаш мақсадида;
- юқумли касалликлар тарқалиши, ялпи заҳарланиш ва зарарланиш хавфи таҳдид солганида;
- тергов ёки суд текшируви ўтказилиши муносабати билан суриштирув ва тергов органларининг, прокуратура ва суднинг сўрови бўйича;
- ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган шахсга ёрдам кўрсатилаётганда унинг ота-онаси ёки қонуний вакилларини хабардор қилиш учун;
- фуқаронинг соғлигига ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар ёки баҳтсиз тасодиф натижасида зарар етказилган деб гумон қилишга асослар мавжуд бўлганида.

Шифокор сири хисобланган маълумотлар қонунда белгиланган тартибда берилган шахслар шифокор сирини ошкор қилганлик учун қонун хужжатларига мувоғик тиббиёт ва фармацевтика ходимлари билан баб-баравар жавобгар бўладилар.

46-модда. Фуқароларнинг соғлигига етказилган зарарни қоплаш.

Фуқароларнинг соғлигига зарар етказилган ҳолларда айборлар жабрланганлар кўрган зарар ўрнини қонун хужжатларида белгиланган ҳажм ва тартибда қоплашлари шарт.

Гайриқонуний хатти-ҳаракатлардан жабр кўрган фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатишга сарфланган маблағлар уларнинг соғлигига етказилган зарар учун жавобгар бўлган жисмоний ва юридик шахслардан ундирилади.

Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари ўз касб-кор вазифаларини малакали бажармаганликлари оқибатида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигига зарар етган ҳолларда етказилган зарар ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Заарнинг ўрнини қоплаш тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қонунга мувофиқ интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликдан озод этмайди.

47-модда. Соғлиқни сақлаш соҳасида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини камситувчи давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан фуқароларнинг шикоят қилиш ҳуқуқи.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ушбу Қонунда белгиланган фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатлари устидан юқори давлат органларига ёки судга шикоят қилиш мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш
Давлат дастурлари, унинг асосий босқичлари, мақсади ва вазифалари**

Собиқ соғлиқни сақлаш тизимида қишлоқ участка шифохоналари (ҚУШ), врачлик амбулаториялари ва фельдшерлик-акушерлик пунктлари (ФАП)да ишловчи тиббиёт ходимлари (асосан ўрта маълумотли тиббий ходимлар) аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш, сурункали соматик ва юқумли касалликларни аниқлаш, санитария-пропаганда ва санитария назорати каби вазифаларни бажаришган. Стационарларда bemорларга, нафақат керакли бўлган тиббий ёрдамни кўрсатиш, балки уларнинг даволаниши даврида даволаш-муҳофазаси ва майший хизмат (озиқланиш, даволаниш, гигиеник муолажалар) ҳам бажарилар эди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ўша даврда фаолият кўрсатаётган соғлиқни сақлаш тизими мамлакатнинг бозор тизимига ўтиш даврида қуйидаги иқтисодий сабабларга кўра давр талабига умуман тайёр эмаслиги маълум бўлди.

Биринчидан, Соғлиқни сақлаш тизими тўлалигича давлат молия бюджетига боғлиқ эди, бу эса Ўзбекистоннинг ўтган асрнинг 80-йилнинг охири, 90-йилнинг ўрталарида иқтисодий инқирозга сабаб бўлган. Соғлиқни сақлаш тизимининг ривожи ва ўзини-ўзи таъминлаши учун ҳеч қандай легал молия бюджети мавжуд эмас эди.

Иккинчидан, тизимга ажратилган бюджетдаги маблағлар сарфланиши назорат қилинмаган. Ажратилган маблағлар соғлиқни сақлаш тизими ривожланишига қаратилган, мавқеи йўлида сарфланиши ўрнига, бошқа мақсадлар учун бехуда сарфланиб кетарди. Асосий эътибор профилактик ва амбулатор даво чораларига йўналтирилган эди.

Учинчидан, ушбу тизимда бирламчи соғлиқни сақлаш ҳолати мавжуд бўлган, асосан қишлоқ шароитига қаратилган. Бунда аҳолига тиббий ёрдамни врачлар эмас (жуда кам ҳолатларда шифокорлар ёрдам кўрсатишган), балки қишлоқ фельдшерлик-акушерлик пунктдаги (ФАП), ишловчи фельдшерлар кўрсатишган. Қишлоқ шароитида кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати шаҳарникидан анча паст бўлган.

Тўртинчидан, она ва болага ёрдам кўрсатиш тизими, туғилиш кўрсаткичи юқори бўлган ҳолда соғлом бола туғилишига қаратилган чоратадбирлар умуман ўтказилмасдан, балки туғрук жараёнига ва мавжуд бўлган касалликларни даволашга қаратилган эди. Натижада қўп сонли туғруқлар жараёнида фертил ёшидаги аёлларнинг соғлиги ёмон бўлган, оналар ўлими – иттифоқ, миқёсида энг юқори кўрсаткични эгаллаган. Тез-тез ва қисқа муддат оралиғидаги туғруқлар туфайли кучсиз, чала ва жисмоний етилмаган болалар туғилган. Натижада болалар ўлимининг

коэффициенти ошган, кейинчалик эса болалар, ўсмирлар ҳамда катта ёшли болаларнинг касалланиш кўрсаткичлари ошиб борган.

Бешинчидан, соғлиқни сақлаш тизимида асосий эътибор фақат даволашга қаратилган эди, профилактика ва соғлом турмуш тарзи ҳолатига эътибор йўқ эди. Аҳоли ўртасида ўзининг соғлиги хақида қайғуриш маданияти тушунтирилмас эди. Дори-дармонлар жуда арzon ва кенг қамровли бўлган ҳамда кўп истеъмол қилинар эди. Бу кетишда соғлиқни сақлаш тизими замоннинг ўзгаришларига жавоб бермас эди ва аҳолига муносиб соғлом турмуш тарзини яратишга қурби йўқ эди.

Ана шу сабабларага кўра 1998 йил 10 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президент Фармони асосида соғлиқни сақлаш тизимини батамом ислоҳ қилиш зарурияти вужудга келди (Биринчи боскич). Сўнгги ўн йил ичida соғлиқни сақлашни ривожлантиришга қаратилган Давлат дастурлари қишлоқ инфраструктураларини ривожлантиришга қаратилди, «Она ва бола йили», «Соғлом авлод йили», «Саломатлик йили», «Хомийлар ва шифокорлар йили», «Ижтимоий ҳимоя йили», «Баркамол авлод йили» дастурлари бўйича қабул қилган ва амалга оширилган эътиборга молик ишлар бунинг далили ҳисобланади.

Биринчи боскичда Соғлиқни Сақлаш тизимини ислоҳлаштиришини асосий йўналишилари қўйидагилар деб белгиланди:

- соғлом бола туғилиши ва соғлом авлодни тарбиялашга йўналтирилган, оналик ва болалик масалаларига янги концептуал ва амалий ёндашув. Реформанинг бу йўналишидаги мақсади нафақат она ва бола ўлимини қисқа муддат ичida камайтиришга, балки маълум даражада юқори сифатли соғлом авлодни ва соғлом турмуш тарзини узоқ муддатгача яратишга қаратилгандир. Бу инсоният ривожланишидаги энг тўғри ёндашув ҳисобланади;

- соғлиқни сақлаш тизимини тузища, унинг инфраструктурасини ривожлантиришда мутлоқ янги ёндашувлардир. Реформанинг асосий мақсади – бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишни шаҳар ва қишлоқ шароитларида тенглаштиришга қаратилгандир;
- эски стереотиплардан воз кечиш ва соғлиқни сақлашни молиялаштириш тизимини ўзгартириш, молиялаштириш манбаларини имкон даражада кенгайтириш, яъни соғлиқни сақлашда пуллик ва хусусий хизматларни ташкиллаштириш, кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг сифатини ошириш;
- бирламчи звенода бюджет маблағларини концентрациялаш, молиялаштириш тизимини оптимизациялаш, қимматбаҳо койка фонdlардан камроқ фойдаланиб, амбулатор поликлиник тарзда даволаш ва профилактик чора-тадбирларни қўллашга имкон яратиш;
- ҳамма маъмурий территориал соҳаларда аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг принципи жиҳатидан янги тизимини яратиш;
- соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш шароитларини ошириш, звеноларни қисқартириш;
- соғлиқни сақлашнинг норматив ҳуқуқ базасини ошириш ва яхшилаш.

2003 йил 26 февралдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш тўғрисида»ги (иккинчи боскич) Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига асосан, соғлиқни сақлаш тизимини реформалаштиришнинг 2 – босқичи бошланди, мамлакатда босқичма-босқич ривожланувчи, аҳолига юқори малакали тиббий хизматларни кўрсатувчи юқори технологияли маҳсуслаштирилган тиббий марказлар яратилди. Масалан, ҳозирги вақтда 4 та маҳсуслаштирилган Республика тиббий марказлари мавжуд: жарроҳлик, кардиология, урология ва кўз микрохирургияси фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати соғлиқни сақлаш тизимини янгича формасини яратища қуидаги босқич ва ёндашувларга амал қилди:

1. Бирламчи тиббий ёрдам чегараланмаган, сифатли, ҳаттоки бозор иқтисодиёти шароитида бўлса ҳам бепул бўлиши кераклигига, яъни соғлиқни сақлаш аҳолининг барча қатламларида бир хил бўлишни таъминлаш.

Аввалги соғлиқни сақлаш тизимида мавжуд бўлган шароитлар, яъни қишлоқ шароитида кишиларга бирламчи тиббий ёрдамни фельдшер томонидан кўрсатилиб, қишлоқ аҳолисини дискrimинацияга олиб келган. Шунинг учун соғлиқни сақлашнинг янги тизимида тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини асосан қишлоқ шароитида оширишга қаратилмоқда. Буни қишлоқ шароитида курилаётган қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) мисолида исботлаш мумкин. Унда тиббий ёрдамни олий тиббий билимга эга бўлган юқори малакали мутахассислар кўрсатади.

2. Ихтисослашган бирламчи тиббий ёрдамга ажратилган воситалар пациентларни индивидуал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, уларни тизимли ва комплекс равишда кузатиб бориш учун жуда қўп сарфланар эди. Шунинг учун бирламчи соғлиқни сақлаш тизимини янада яхшилаш учун бирламчи тиббий ёрдам кўрсатувчи, тиббий ёрдамнинг иқтисодий ва сифатли томонларини эътиборга олган ҳолда пациентларга интеграл шароит яратувчи, умумий амалиёт шифокорлари (УАШ) тайёрлаш йўлга кўйилди.

3. Мамлакатнинг ҳамма жойларда шошилинч тиббий ёрдам бепул бўлиши керак. Бу мақсадлар учун мамлакатимизда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасалар яхши таъминланган. Республика бўлимларидан тортиб вилоят, туман бўлимларигача маҳсус муассаса турлари ташкил қилинган.

4. Соғлиқни сақлаш тизими бюджетини молиялаштиришда оптималь тиббий ёрдамни ташкил қилиш учун аҳолининг сонига қараб амалга оширилади, яъни ҳар бир одам бошига кўра. Бунинг учун асосий сарф-ҳаражатларни стационар даволаш муассасаларига эмас, балки профилактик

чора-тадбирларга ва амбулатор даволаш муассасалариша йўналтириш йўлга кўйилди.

5. Бирламчи соғлиқни сақлаш тизими бирламчи звеноси билан бир қаторда сифатли шошилинч тез тиббий ёрдам ихтисослашган клиникаларда бажарилса, тиббий ёрдамни ташкиллаштириш ўз ўрнига тушиб кетади. Бу эса ўз навбатида юқори технологияли тиббий ускуналар ва юқори малакали мутахассислар билан таъминланган тор касалликларни даволовчи маҳсуслашган клиникаларни ташкил қилишни талаб этади.

Ўзбекистон хукуматининг эътибори туфайли давлат дастурлари муддат бўйича бажарилиши белгиланган ҳамма мақсадларга эришилди.

Аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатадиган кенг муассаса тури ташкил этилди. Энг асосийси, умумий амалиёт шифокори принципи асосида иш юритаётган ҚВП бежиздан ташкил қилинмади, чунки бугунга қадар аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизими бутунлиги ҳеч бир МДҲ давлатларида ташкил қилинмаган эди.

Соғлиқни сақлашни ривожланишидаги янги йўналишлардан бири - бу халқаро стандартларга жавоб берувчи замонавий клиника ва марказларнинг ташкил этилишидир. Шунинг ҳисобига она ва бола саломатлиги шароитлари яхшиланди:

- чақалоқлар ўлими кескин камайди;
- кўкрак ёшидаги чақалоқларни, яъни 6 ойликкача бўлган чақалоқларни, она сути билан озиқлантириш 94-96% га ошди;
- оналар ўлими икки баравар камайди, туғруқ интервали эса 2 йилгача узайди;
- соғлом турмуш тарзини яратиш яхши ташкил этилди;
- мамлакатда санитар эпидемиологик стабиллик ўрнатилди;
- мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларга 98% гача профилактик эмлашлар ўтказилди, полиомиелит ва дифтерия рўйхатдан ўтказилмади, вирусли гепатит билан касалланиш камайди.

Натижада давлат билан параллел равища ривожланувчи соғлиқни сақлашнинг хусусий сектори ташкил этилди. Бу сектор соғлиқни сақлаш тизимида нафақат бюджет етишмовчилиги, балки аҳолининг тиббий муассасани ва тиббий хизмат турларини танлашига имконият яратиб бериш, ҳаттоқи уларнинг сифатли тиббий ёрдам олишини ташкиллаштириш билан ҳам шуғулланади. Соғлиқни сақлашни реформалаштиришнинг давлат дастури тугади. Энди унинг нафақат эришган ютуқларини, балки яқин келажакда туғиладиган муаммоларини ҳам ҳал этиш қўзда тутилди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чукурлаштириш ва уни ривожлантириш режалаштирилди.

Шу ҳолатни инобатга олган ҳолда, **2007 йил 19 сентябрда** «**Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чукурлаштириш ва ривожлантириш**» (учинчи боскич) тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони чиқарилди. Ушбу фармонга биноан қуйидагилар соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чукурлаштиришнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

- ягона ташкилий-услубий раҳбарликни ҳамда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифати устидан назоратни таъминлайдиган соғлиқни сақлашнинг замонавий ташкилий тузилмасини шакллантириш;
- замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган, юқори малакали кадрлар салоҳияти билан таъминланган ҳамда аҳолига ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатадиган Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармоғини янада ривожлантириш ва шундай янги марказлар ташкил қилиш;
- тиббий диагностика тизимини тубдан тақсимлаштириш, Республика худудида замонавий, ҳалқаро стандартларга мос бўлган ускуналар билан жиҳозланган ҳамда юқори малакали мутахассислар билан таъминланган диагностика хизматлари тармоғини кенг ривожлантириш;

- аҳолини вирусли ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш, ОИВ\ОИТС касаллигининг олдини олиш тизими самарадорлиги ва ишончлилигини, аввало заарланиш манбаларини профилактика қилиш ва тугатишга қаратилган чора-тадбирлар ҳисобини ошириш;
- аёллар ва болалар соғлигини сақлаш, бўлгуси оналар соғлиги ҳолати устидан назорат қилиш тизими сифатини тубдан оширишнинг – марказлар, педиатрия ва туғруқ муассасаларнинг моддий-техника базасини, айниқса, қишлоқ жойларда янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;
- тиббиёт муассасаларининг умумамалиёт шифокорлари ва тор ихтисослашган шифокорларга нисбатан талаб – эҳтиёжларни қондиришни ҳисобга олган ҳолда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, тиббиёт ходимларининг малакаси ва касб маҳоратини муттасил ошириб бориш учун шарт-шароитларни таъминлаш;
- замонавий диагностика ва даволаш ускуналарига, юқори малакали тиббиёт ходимларига эга бўлган ҳамда аҳолига даволаш жараёнининг тасдиқланган стандартларига мувофиқ равишда сифатли, ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатадиган хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантиришга кўмаклашиш.

НАЗОРАТ ТУРЛАРИ

- Оғзаки сўров;
- Саволларга ёзма жавоб бериш;
- Тест назорати;
- Графикли органайзерлар тузиш.

ТЕСТ НАЗОРАТИ САВОЛЛАРИ

А, В, С, Д, Е харфлари билан белгиланган тестлардан битта жавобни белгиланг.

1. Узбекистон Республикаси конститутцияси качон кабул килинган, нечта булим ва нечта боб ва неча моддадан иборат?

А. 1992 йил 8 декабр, VII –булими, 25 - боб 127 –моддадан иборат,

Б. 1992 йил 8 декабр, VI –булими, 24 - боб 129 –моддадан иборат,
С. 1992 йил 8 декабр, VI –булими, 26 - боб 128 –моддадан иборат,
Д. 1992 йил 7 декабр, VII –булими, 28 - боб 127 –моддадан иборат,

Е. 1992 йил 9 декабр, VI –булими, 26 - боб 128 –моддадан иборат,

2. Фукаролар соглигини саклаш тугрисидаги конунининг качон кабул килинган, нечта булим ва моддадан иборат?

А. 1996 йил 29 август, VII –булим, 60 та моддадан иборат,

В. 1997 йил 30 август, V –булим, 45 та моддадан иборат,

C. 1996 йил 29 август, VI –булим, 47 та моддадан иборат,

Д. 1998 йил 30 август, VI –булим, 46 та моддадан иборат,

Е. 1995 йил 29 август, VI –булим, 45 та моддадан иборат,

3. Фукаролар соглигини саклаш тугрисидаги конун булимлари кандай номланади?

А. Умумий коидалар; сиёсий, ижтимоий мажмуаси; фукаронинг соглигини саклаш хукуки; фукароларга ижтимоий ёрдам; тиббий экспертиза; якунловчи булим.

В. Умумий коидалар; фукаролар соглигини хукукий жихатдан муҳофаза қилиш; фукароларга тиббий ижтимоий ёрдам кўрсатиш; тиббий экспертиза; тиббиёт ва фармацевтика ходимлари; якунловчи коидалар.

С. Умумий коидалар; санитар – гигиеник ва эпидемияга карши кураш; фукаронинг соглигини саклаш соҳасидаги хукуки; тиббий экспертиза; интизомий ёрдам; якунловчи коидалар.

Д. Умумий коидалар; тиббий ёрдам; ижтимоий ёрдам; тиббий экспертиза; тиббий фаолият билан шугулланиш хукуки; якунловчи коидалар.

Е. Умумий коидалар; беморнинг хукуки ижтимоий ёрдам; тиббий ёрдам; тиббий фаолият билан шугулланиш хукуки; якунловчи коидалар.

4. Фукаролар соглигини саклаш тугрисидаги конунининг асосий вазифалари нималардан иборат?

А. Хусусий амалиёт билан шугулланувчи шифокорларни танлаш, уларга лицензия беришни ташкиллаширишдан,

Б. Фукароларнинг соглигини саклашга доир хукуклари давлат томонидан кафолатланиши ва назорат килинишини таъминлаш, фукароларнинг соглом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий маданиятни ривожлантириш,

С. Узбекистон Республикасида Согликни саклашнинг давлат, хусусий ва бошка тизимлари йигиндисини ташкиллашириб, ягона системани яратишдан,

Д. Узбекистон Республикасида ижтимоий касалларга бепул тиббий хизматни ташкил қилиш, уларни ижтимоий химоялашдан,

Е. Республика Шошилинч тез тиббий ёрдам марказини ташкил қилиш, вилоятларда филиалини, туманларда булимларини яратишдан.

5. Фукаролар соглигини саклаш тугрисидаги конун вазифаларидан бирини курсатинг.

A. Согликни саклаш тизимидағи муассасалар давлат ва нодавлат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг фукаролар соглигини саклаш борасидаги фаолиятини хукукий жихатдан бошқариш;

В. Хусусий амалиёт билан шугулланувчи шифокорларни танлаш, уларга лицензия беришни ташкиллаширишдан,

С. Республика Шошилинч тез тиббий ёрдам марказини ташкил қилиш, вилоятларда филиалини, туманларда булимларини яратишдан.

Д. Узбекистон Республикасида ижтимоий касалларга бепул тиббий хизматни ташкил қилиш, уларни ижтимоий химоялашдан,

Е. Узбекистон Республикасида Согликни саклашнинг давлат, хусусий ва бошка тизимлари йигиндисини ташкиллашириб, ягона системани яратишдан,

6. Узбекистон Республикасида согликни саклаш тизимидағи ислохотларни утказишдан максад нима?

А. Жойларда малакали тиббий ёрдам курсатишдан, шошилинч тиббий ёрдамни янги тизимини яратиш, ахолини соглом турмуш тарзини яратиш, барча табакадаги ахолининг тиббий ёрдамдан баҳраманд була олиши,

В. Ахолига соглом турмуш тарзини яратиш,

С. Бозор иктисадиётига мослаштириш,

Д. Ракобатдош тиббий муассасалар яратиш,

Е. Ахолига шахсий тиббий муассаса хизматини таклиф этиш,

7. Фукаролар согликни саклашнинг принципларидан бирини айтинг.

A. Фукаролар соглигини йукотганда ижтимоий химояланиши,

Б. Согликни саклаш тизимида икки погонали тиббий хизмат курсатишга утиш,

С. Давлат органлари, корхоналари, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини хукукий жихатдан тартибга солиш,

Д. Фукароларнинг соглом турмуш тарзини яратиш,

Е. Ногиронларнинг тиббий ёрдамдан баҳраманд булиши,

8. «Соғликни саклаш тизимини ислоҳотлаштиришни янада чукурлаштириш» давлат дастури асосий йуналишларини курсатинг.

А. Ахолига шошилинч тиббий ёрдам курсатишнинг янги структурасини яратиш,

В. Согликни саклаш тизимини молиялаштириш йуналиши, УАШ таёrlаш,

С. Ахолига малакали тиббий ёрдам курсатишни таъминлаш учун ихтисослашган марказларни барпо этиш, УАШ таёrlаш,

Д. Согликни саклаш тизимини бошкаришни яхшилаш, куп погонали тизимдан икки погонали тизимга утказиш,

Е. Бирламчи звенога бюджет маблагларини йуналтириш,

9. Бирламчи тиббий санитария ёрдамини ислоҳотлаштириш, умумий амалиёт шифокорлар институтини яратиш ва ривожлантиришда нималарга ахамият берилган?

А. Кишлек жойларда КВП, КВА, КУШ ларни ташкил топиши, умумий амалиёт врачларини жалб килиш,

Б. Кишлек жойларда ФАП ларни колдириш,

С. Жойларнинг узида ахолига мұжкаммал тиббий хизмат курсатиш,

Д. Республика шошилинч тез тиббий ёрдамни ташкил килиш,

Е. Малакали тиббий ёрдам курсатиш.

10. Фукаролар соглигини саклаш тугрисидаги конунда ногирон болаларнинг кандай хукуклари курсатилган?

А. Санитар-гигиена таълимени олиш.

Б. Касбга ярокликни саклаш чогида бюджет маблаглар хисобидан бепул тиббий маслахат олиш.

С. Дори-дармонлар, протез-ортопедик мосламалари билан имтиёзли таъминланиш, касб-кор эгаллаш ва тайёргарликдан утиш.

Д. 15 ёшдан ошган барча ногиронлар тиббий аралашувларга ихтиёрий равища розилик бериш ва рад этиш.

Е. Вояга етмаган болалар фактат конуният вакили булғандагина имтиёзличалиги курсатилган.

11. Фукаролар соглигини саклаш тугрисидаги конунда вояга етмаганларнинг кандай хукуклари белгилаб куйилган?

А. Хукукини химоя килиш учун хузурига адвокат ёки конуният вакил олиш.

В. Соглиги тугрисида маълумот олиш.

С. Диспансер назоратида булиш, хамда даволаш профилактика муассасаларида даволаниши.

Д. Шифокорни ва даволаш муассасани танлаш.

Е. Шифокор устидан маъмуриятга шикоят килиш.

12. Узбекистон Республикасида суд-тиббий экспертиза муассасалари согликни саклаш соҳасининг кандай тизимиға киради?

А. Давлат тасарруфидаги согликни саклаш тизимиға,

Б. Нодавлат тасарруфидаги согликни саклаш тизимиға,

С. Хусусий согликни саклаш тизимиға,

Д. Адлия вазирлигига,

Е. Ички ишпар вазирлигига.

13. Вояга етмаган кандай шахслар ижтимоий химоя тизими муассасаларида яшашлари мумкин?

А. Вояга етмаган хар кандай шахслар.

Б. Соглом болалар.

С. Жисмоний ёки рухий ривожланишда нуксони бор вояга етмаганлар.

Д. Хар томонлама таъминланган вояга етмаганлар.

Е. Носоглом болалар.

14. Вояга етмаганларни соглигини саклаш жисмоний, маънавий ривожланиши учун кандай шароитлар яратилиши лозим?

А. Беморларни оромгохларга юбориш.

Б. Мактабгача тарбия муассасаларида, мактабларда ва бошка муассасаларда тиббий хизматни йулга куйиш.

С. Мактаб ва махаллаларда спортни ривожлантириш.

Д. Согломлаштириш муассасаларини куриш.

Е. Санатор-курортларга юбориш.

15. Вояга етмаганларнинг тиббий аралашувига унинг конуний вакиллари рухсат бермаса, даволовчи врач кандай йул тутиши зарур?

- А. Хокимият идораларига билдиришнома ёзиш,
- В. Судга бериш,
- С. Каршиликларга кармасдан даволашни давом эттириш,
- Д. Гувохлар иштирокида далолатномани тузиш,**
- Е. Прокуратурага хабар бериш

16. Ун беш ёшга тулмаган шахсларга нисбатан тиббий аралашувга кимлар розилик беради?

- А. Укитувчи ва мураббийлар.
- В. Беморнинг узи.
- С. Унинг конуний вакиллари.**
- Д. Якин кариндошлари.
- Е. Адвокати.

17. Бемор огир ахволда келтирилганда консилиум чакиришнинг иложи булмаса тиббий аралашув карори ким томонидан кабул килинади?

- А. Шифохона маъмурияти томонидан,
- В. Тез ёрдам врачлари томонидан,
- С. Даволовчи (навбатчи) врач томонидан,**
- Д. Беморнинг узи томонидан,
- Е. Булим мудири томонидан.

18. Тиббий-ижтимоий ёрдам турини курсатинг?

- А. Профилактик, тиббий, диагностик, реабилитацион, санатор-курорт,
- В. Давлат, хукукий, диагностик, протез-ортопедик, санатор-курорт,
- С. Реабилитацион, тиббий, хусусий, ижтимоий, маънавий,
- Д. Туман хокимлиги, туман марказий шифохонаси, тиббий, диагностик, реабилитацион,
- Е. Реабилитацион, тиббий, нодавлат, хукукий, маънавий.

19. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами нималардан иборат?

- А. Шикастланиш, захарланишларни даволаш, оилани, оналик ва болаликни химоя килиш, санитария гигиена ва эпидемияга карши тадбирлар утказиш,
- В. Бирламчи врачлик ёрдам, санитария – гигиена коидаларига ва эпидемияга карши курашиш,
- С. Оилани, оналик ва болаликни химоя килиш,

Д. Бирламчи тиббий ёрдам, врачлик ёрдам килиш, даволаш,

Е. Шошилинч, тез тиббий ёрдам, врачлик ёрдам.

20. Хусусий тиббий амалиёт соҳасида тиббий ёрдам сифатини назорат этувчи идораларни курсатинг?

- А. Вилоят хокимлиги, согликни саклаш бошкармаси,
- В. Профессионал тиббий ассоциациялар, лицензия берган идора жойлардан даволат бошкарув идоралари,
- С. Туман марказий шифохонаси, профессионал тиббий ассоциациялар,
- Д. Ички назорат инспекциялари, туман марказий шифохонаси,
- Е. Согликни саклаш бошкармаси, прокуратура.

21. Шифокор сири деганда нимани тушунасиз?

- А. Беморга куйилган ташхис, утказилган даволаш чора тадбирлари, bemорга таалукли булган бошка маълумотлар,
- Б. Врачлар консилиуми, касб-кори, захарланишга гумон килингандаги маълумотлар,
- С. Ахволи огир bemорлар, текшириш натижалари, bemорнинг ахволи келиб чикиш сабаби,
- Д. Даволаш ишлари, тан жарохатлари, бирламчи тиббий ёрдам маълумотлари,
- Е. Бемор тутрисидаги оиласиб ва шахсий маълумотлар, bemорнинг ахволи, касалликнинг кечиши.

22. Узбекистон Республикасида суд-тиббий экспертиза муассасалари согликни саклаш соҳасининг кандай тизимига киради?

- А. Давлат тасарруфидаги согликни саклаш тизимида,
- Б. Нодавлат согликни саклаш тизимида,
- С. Хусусий согликни саклаш тизимида,
- Д. Адлия вазирлигига,
- Е. Ички ишлар вазирлигига.

23. Бирламчи врачгача булган ёрдамни курсатишлари шарт:

- А. Милиция ходимлари,
- Б. Ут учирин хизмати ходимлари,
- С. Вокеа жойида булган хар бир шахс,
- Д. Транспортташкилоти хизматчилари,
- Е. Келтирилган барча жавоблар тугри.

1, 2, 3, 4 ракамлари билан белгиланган тестларга куйидаги харфли коддан фойдаланган холда жавоб белгиланг:

А — тугри: I, 2, 3. В — тугри: 1, 3. С — тугри: 2, 4. Д — тугри: 4. Е — тугри: 1, 2, 3, 4.

24. Конституцияда белгиланган фукароларнинг асосий иктисодий ва ижтимоий хукуклари кафолатларини белгиланг.

1. 36 модда – хар бир фукаро (шахс) хусусий мулкга эгалик килиш хукукига эга, 37 модда – хар бир фукаро меҳнат килиш хукукига эга,
2. 38 модда – ишчи ва хизматчиларнинг дам олиш ва меҳнат таътилидан баҳраманд булиш хукукига эга, 39 модда – хар бир шахс давлат томонидан муҳофазаланиш хукукига эга,
3. 40 модда - хар бир фукаро малакали тиббий хизматдан фойдаланиш хукукига эга
4. 42 модда – хар бир кишининг илмий ва техникавий ижод эркиноиги, маданият ютукларидан фойдаланиш хукуки

25. Конституцияда белгиланган инсон хукуклари ва эркинликларининг кафолатларини курсатинг

1. 43 модда – фукароларнинг хукук ва эркинликлари давлат томонидан кафолатланганлиги курсатлиган,
2. 44 модда – хар бир шахснинг хукук ва эркинликлари суд орқали химоя килиниши белгиланлаган,
3. 45 модда – вояга етмаганлар, меҳнатга лаёкатсизлар ва ёлгиз кексаларнинг хукуклари давлат химоясида эканлиги кайд этилган,
4. 46 модда – хотин – кизларнинг эрқаклар билан бир хил хукукларга эга эканлиги.

26. Согликни саклаш тизимиға оид конунларни курсатинг?

1. «Фукаралар соглигини саклаш түгрисидаги конун» 1996 йил, «Давлат санитария назорат түгрисидаги конун» 1998 йил.
2. «Одам иммун танқислиги вируси (ОИТС) билан касалланишнинг олдини олиш түгрисидаги конун» 1999 йил.
3. «Ахолини сил касаллигидан муҳофаза килиш түгрисида» конун 2001 йил, «Психиатрия ёрдами түгрисидаги конун» 2002 йил, «Кон ва унинг таркибий кисмлари донорлиги түгрисидаги конун» 2002 йил.

4. «Наркотик воситалар ва психотроп моддалар түгрисида конун» 1999 йил.

27. Фукаролар согликни саклашнинг асосий принципларини курсатинг?

1. Согликни саклаш борасида инсон хукукларга катъий риоя килиш,
2. Тиббий ёрдамдан барча катламдаги фукаролар баҳраманд булиши,
3. Профилактик йуналишларнинг устуворлиги,
4. Тиббиёт фани ва амалиётининг бирлиги.

28. «Соғлиқни саклаш тизимиғи ислоҳ қилиш давлат дастури» (I боскич)нинг асосий йуналишларини курсатинг.

1. Оналик ва болаликни муҳофаза килишга каратилган янги концептуал ва амалий йуналишдаги саволлар,
2. Согликни саклаш инфраструктурасини ривожлантиришга янгича ёндашиш,
3. Согликни саклаш тизимиғи молиялаштириш йуналиши,
4. Бирламчи звенога бюджет маблагларини йуналтириш.

29. Соғлиқни саклаш тизимиғи ислоҳ қилиш давлат дастури I боскичининг йуналишларидан кайсиларини биласиз?

1. Ахолига шошилинч тиббий ёрдам курсатишнинг янги структурасини яратиш,
2. Согликни саклаш тизимиғи бошқаришини яхшилаш, куп погонали тизимдан икки погонали тизимга утказиш,
3. Согликни саклаш тизимиғи молиялаштириш йуналиши,
4. Согликни саклаш хукукий – норматив базасини яхшилаш ва сифатини ошириш.

30. Соғлиқни саклаш тизимиғи ислоҳ қилиш III боскичининг йуналишларини курсатинг.

1. Бирламчи тиббий санитария ёрдамига алоҳида эътибор каратиш, профилактика устуворлиги,
2. Оналик ва болаликни муҳофаза килиш масаласи; Ихтисослашган диагностик марказларни яратиш,
3. Республикада энг юкори технологиялар билан жихозланган малакали тиббий

ёрдамга мулжалланган марказини барпо этиш (БТЁКМ),

4. Ихтисослашган тиббий ёрдам курсатишга мулжалланган хусусий секторни барпо этиш.,

31. Согликни саклашни ислохлаштириш давлат дастурининг асосий булимларини курсатинг?

1. Бирламчи тиббий ёрдам тизимини ислох килиш,

2. Барча ахолии табакалари тиббий ёрдамдан фойдаланиши,

3. Кафолатланган тез тиббий ёрдам тизимини тузиш,

4. тибиёт ходимларини малакасини ошириш ва уларни тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш.

32. Фукаролар согликни саклаш асосий таъмйилларини белгиланг

1. Инсон хукукларини химоя килиш,

2. Ахолини барча табакаларини тиббий ёрдам билан таъминлаш,

3. Профилактика чора тадбирларини устиворлиги,

4. Фан ва амалиёт бирлиги.

33. Согликни саклаш тизимининг кандай турларини мавжуд?

1. Давлат,

2. Нодавлат,

3. Сугурта компаниялари,

4. фондларида тиббий бирлашмалар.

34. Уч ёшга тулмаган болалар, шунингдек шифокорнинг хulosасига кура кушимча каровга муҳтоҷ булган катта ёшдаги касали оғир болалар стационар шифохонада даволанаётганда, уларнинг отаси ёки онасига, ёхуд болани бевосита парваришаётган шахсга кандай имтиёзлар берилади?

1. Даволаш муассасасида беморнинг ёнида бирга булиш учун имконият берилади.

2. Вояга етмаган меҳнатга лаёкатсиз болани парваришаётганлиги учун бир умрга нафака тайинланади.

3. Мехнатга вактинча лаёкатсиз варакаси берилади.

4. Кушимча иш хаки туланди.

35. Мехнатга вактинча лаёкатсизлик экспертизаси ким томонидан утказилади?

1. Суд-тиббий эксперт томонидан.

2. Исталган тиббий ходим томонидан.

3. Олий тоифали врач томонидан.

4. Давлат согликни саклаш тизимининг даволовчи шифокори томонидан.

36. Бемор розилигисиз қуллаш мумкин булган тиббий ёрдам холатларини санаб беринг?

1. Тиббий ёрдам зарур, лекин bemor ахволи оғирлиги туфайли уз хошишини билдира олмайдиган bemorларга,

2. Хар хил сабабли шук холатларида булган bemorларга,

3. Атроф мухитдагилар учун хавфли хисобланган касалликларга чалинган шахсларда

4. Конуний вакиллари булмаган, конун буйича лаёкатсиз деб эътироф этилган bemorларга.

37. Хусусий тиббий амалиёт билан шугулланиш учун зарур асосий хужжатларни курсатинг?

1. Танланган фаолият буйича лицензия;

2. Мехнат дафтарчаси ёки ундан кучирма маълум иш стажига эга эканлиги тугрисида;

3. Олий укув юртини битиргани хакида диплом;

4. Maxsus сертификат.

38. Тиббий ёрдам турларини курсатинг?

1. Бирламчи,

2. Шошилинч,

3. Maxsusлаштирилган

4. Тез тиббий.

39. Ким томонидан хусусий шифокор лицензияси бекор килиниши мумкин?

1. Согликни саклаш вазирлиги томонидан,

2. Туман ва вилоят хокимлиги томонидан,

3. Вилоят ва туман согликни саклаш бошкармалари томонидан,

4. Суд томонидан.

40. Кайси холатларда bemorni розилигисиз шифокор сири ошкор килиниши мумкин?

1. Хукукни химоя килувчи органларни илтимосига кура.

2. Агар тан жароҳатлари етказилганига шубҳа тутисла,

3. Агар заҳарланиш ва касалликни таркалишига шубҳа булса,

4. 18 га кирмаган шахсларни ота-оналарини огохлантириш учун.

Жавоблар жумласи алохига мазмунга эга булган икки кисмдан иборат, икала кисм «чунки» боғловчи билан болгандан тестларда 1-чи ва 2-чи кисм жумлалари мазмунининг алохига тугри ёки нотугрилигини, кейин эса уларнинг бирлашган холидаги мазмунининг алоказорлигини аникланг ва куйидаги харфли коддан фойдаланган холда жавоб белгиланг:

Жавоб	1-жумла	2-жумла	Боғлам
A	тугри	тугри	тугри
B	тугри	тугри	нотугри
C	тугри	нотугри	нотугри
D	нотугри	тугри	нотугри
E	нотугри	нотугри	нотугри

- 41.** Инсон хукукларини химоя килиш, ахолининг хамма табакасининг тиббий ёрдамдан баҳраманд була олиши, профилактик чора тадбирлар устуворлиги фукаролар соглигини саклашнинг асосий принциплари хисобланади, чунки фукароларнинг соглигини саклаш буйича хукуклари давлат томонидан кафолатланади.
- 42.** Шошлинич тиббий ёрдамнинг янги тизимининг таркиби Республика шошлинич тез тиббий ёрдам илмий маркази, туманларда филиаллари, вилоятлар марказида булимлари, КВПларда постлардан иборат, чунки вилоят шошлинич тез тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг филиаллари хар бир шаҳарда мавжуд.
- 43.** «Фукаролар соглигини саклаш тугрисидаги конун»га асосан Узбекистон Республикаси худудида булган чет эл фукаролари УЗР фукаролари билан бир хил хукукларга эга, чунки улар дипломатик статус булган тақдирда тиббий ёрдам олиш хукукига эгадирлар.
- 44.** Шифохонада даволанаётган болаларга караётган ота-оналарга ишга вактинча лаёкатсизлик варакаси берилади, чунки «Фукаролар соглигини саклаш тугрисидаги конун»га асосан уларга алохига имтиёзлар бурилади.
- 45.** Бемор тиббий хужжатлар билан бевосита танишиш хукукига эга, чунки тиббий хужжатлар билан танишишни ман килиш bemor хукукларига карши хисобланади.
- 46.** Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёкатсизлар ва ёлгиз кариялар давлат химоясидадирлар. чунки фукаролар хукук ва эркинликлари давлат томонидан кафолатланган.
- 47.** Узбекистон Республикаси согликни саклаш тизимини ислохлаштириш сабабларидан бири оналар ва болаларга курсатилаётган тиббий ёрдам сифатининг пастлигидир, чунки оналар ва болалар улими курсаткилари ва касалланиш даражаси юкорилиги, болалар кучсиз ва касалманд тутилиши кайд килинмоқда.
- 48.** Бемор даволовчи врачни танлаш хукукига эга, чунки даволаш-профилактика муассасаларини танлаш хукукига эга.
- 49.** Узбекистон Республикаси хар бир фукароси меҳнат килиш хукукига эга, чунки дам олиш ва таътилга чикиш хукукига эгадирлар.
- 50.** Бирламчи тиббий ёрдам чегараланмаган, сифатли ва бозор муносабатларида бепул булиши керак, чиқи ахолининг барча табакаларини тиббий ёрдамдан баҳраманд була олиши конун билан кафолатланган.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

- ✓ Тиббий фаолиятнинг ҳуқуқий асослари» фанини ўрганишдан мақсад нима?
- ✓ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг таркибий тузилиши.
- ✓ Конституцияда белгиланган фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари кафолатлари.
- ✓ Конституцияда белгиланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари.
- ✓ Тиббий фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини белгиловчи қонунлар.
- ✓ «Фуқаролар соғлигини саклаш тўғрисида»ги қонуннинг таркибий қисмлари.
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фуқаролар соғлигини саклаш соҳасидаги ваколатларини кўрсатинг.
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлигининг ваколатларини кўрсатинг.
- ✓ Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар соғлигини саклаш соҳасидаги ваколатларини кўрсатинг.
- ✓ Аҳолининг санитария-эпидемиология жиҳатидан хотиржамлиги деганда нимани тушунасиз?
- ✓ Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқароликка эга бўлмаган шахсларнинг соғлигини саклаш ҳуқуқи қай тарзда амалга оширилади?
- ✓ Фуқароларнинг соғлиққа таъсир этувчи омиллар ҳақида ахборот олиш ҳуқуқи нималардан иборат?
- ✓ Оила соғлигини саклаш нималардан иборат?
- ✓ Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари.
- ✓ Фавқулодда ҳолатларда жабр кўрган фуқароларнинг ҳуқуқлари.
- ✓ Фуқаролар ўз соғлиги тўғрисида маълумот олиши ва тиббий аралашувга розилик бериши ёки уни рад этиши ҳоллари.
- ✓ Тиббий экспертиза турлари.

- ✓ Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурининг яратилиш сабаблари?
- ✓ Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурининг биринчи босқичида белгиланган вазифалар.
- ✓ Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури иккинчи ва учинчи босқичларида кўрсатилган асосий йўналишлар.
- ✓ Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури асосида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун қандай ишлар амалга оширилди?

ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ УЧУН КЎРСАТМАЛАР

- ❖ Ўқув грухси ичидаги “Соғлиқни сақлашда қонунчилик асослари» мавзусида анжуманлар ўтказиш;
- ❖ Мавзуга оид альбом, макет, стенд, слайд, ўқув жадваллари ва тест саволлари тузиш;
- ❖ Ўқитувчи назорати остида “Сиз қонунни биласизми?» мавзусида мунозарали сухбат ўтказиш;
- ❖ Мавзу бўйича янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда интерактив ўйинлар ўтказиш.

1 – илова

Грух билан ишлаш қоидалари

Грух аъзоларининг ҳар бири:

- ўз шерикларининг фикрларини хурмат қилишлари лозим;
- берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;
- ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;
- ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;
- грухни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим;
- «Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз ёки бирга қутиламиз»

қоидасини яхши билишлари лозим.

1 - Ўқув топшириқ

1. Саволга жавобни шакллантиринг:

- Фуқароларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги хукуқларини санаб беринг?
- Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш Давлат дастурининг босқичларини санаб беринг?

Ушбу тушунчаларнинг мазмунини ёритинг:

Ногиронлар, вояга етмаганлар, беморлар, пенсионерлар, ҳарбийларнинг тиббиёт соҳасидаги хукуқларини ёритиш, соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш Давлат дастурида белгиланган тадбирларни изоҳлаш.

2-Ўқув топшириқ

- 1-мавзуда баён этилган маълумот мазмунини диққат билан ўрганиб чиқинг.
- Чизмали органайзерларни ишлаб чиқишига ҳаракат қилинг (таклиф қилинган асосий тушунчалардан фойдалансангиз бўлади).

1-жадвал

Чизмали органайзерлар	Асосий тушунчалар (калит сўзлар)
Кластер (1.1)	«Соғлиқни сақлаш тизими». «Фуқароларнинг хукуқлари». «Тиббий ёрдам турлари». «Тиббий экспертиза турлари».
Б.Б. жадвал (1.2 - намуна) Тоифали жадвал (1.3 - намуна), Инсерт жадвали (1.4- намуна)	- Конституцияда белгиланган фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий хукуқлари кафолатлари. - Конституцияда белгиланган инсон хукуқлари ва эркинликларининг кафолатлари. - «Тиббий ёрдам турлари».
Венн диаграммаси (1.5 -намуна)	- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасидаги ваколатлари. - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг ваколатлари. - Махаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасидаги ваколатлари. - Тиббий ёрдам турлари.
«Нима учун?» схемаси (1.6 - намуна)	- Нима учун «Тиббий фаолиятнинг хукукий асослари»фани ўрганилади? Тиббий фаолиятнинг хукукий асосларини билмаслик қандай оқибатларга олиб келади.
«Балиқ скелети»	Қонунларнинг амалдаги ижроси билан боғлиқ

(1.7 - намуна)	муаммоларнинг намоён бўлиши.
«Т – жадвал»	- Ихтисослашган тиббий ёрдам.
(1.8 - намуна)	- Тиббий аралашувни рад этиш.
CWOT (1.9 - намуна)	- Фуқароларнинг розилигисиз тиббий ёрдам кўрсатиши.
«Қандай?» (1.10 - намуна)	- Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқароликка эга бўлмаган шахсларнинг соғлигини сақлаш ҳуқуқи қай тарзда амалга оширилади? - Ўз СС тизимини ислоҳ қилиш.
«Кучлар таҳлили» (1.11 - намуна) «Нилуфар гули» (1.12 - намуна)	Аввал олинган маълумотларга асосланиб, чизма ёки диаграмма (ҳоҳишингизга биноан) ишлаб чиқинг: - асосий муаммо - кичик муаммо

3 – Ўқув топшириқ - Тест вариантларини ечиш.

2 – илова

Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (балл)

Гурӯҳ	1 топшириқ	2 топшириқ	3 топшириқ (ҳар бир савол 0,2 балл)			Баллар йиғинди	100 баллик системада
	(1,0)	(1,4)	1- савол	2- савол	3-савол		
1	0,6	0,8	0,2	0,2	0,2	2,0	67
2							
3							

**2-
МАВЗУ**

Тиббий этика ва деонтология, биоэтика. Тиббий ходимларнинг хукукий холатлари. Тиббий этика ва деонтология, биоэтиканинг асосий тамойиллари, врачлик сирини қонуний ошкор қилиш холатлари тиббий биологик эксперимент, утказиш қоидалари тартиби, клонлаштириш масалалари, тиббий хукукий асослари. Трансплантация унинг турлари, утказиш тартиби, эвтаназия тушунчаси, мохияти, турлари, куллаш тртиби. Тиббий ёрдам турлари бирламчи, шошилинч, тез, ихтисослашган. Бемор хукуклари, тиббий ва фармацевтика фаолияти билан шугулланиш хукуклари.

Ўқитишининг технологияси

Вақти – 5-6 соат	Талабалар сони: <u>8-9</u> нафар
Ўқув машгулоти шакли	Билимларни чуқурлаштириш, кенгайтириш ва амалда бажариш бўйича амалий машгулот.
Амалий машгулотнинг тузилиши	- Тиббий этика, деонтология ва биоэтиканинг асосий тамойиллари; - врачлик сири ва уни қонуний ошкора қилиш холатлари; - тиббий-биологик эксперимент ўтказиш қоидалари ва тартиби;
Ўқув машгулотининг мақсади: Биоэтика, тиббий этиканинг асосий тамойиллари, трансплантация, эвтаназия тушунча ва муаммолари билан таништирилади.	
Педагогик вазифалар: - Биоэтика мавзуси бўйича билимларни тизимлаштиради, мустаҳкамлаштиради. - трансплантация, эвтаназия, сунъий уруғлантириш, эксперимент тушунчалари ва мохиятини кўрсатади; - янги ахборотларни таҳдил қилиш кўнникмаларини ривожлантиришга йўлланма беради	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба: - Трансплантация, эвтаназия, эксперимент, клонлаштириш тушунчаларини ўзлаштиради; - биоэтиканинг асосий муаммоларини ўрганади; - тиббий этика, деонтология ва биоэтиканинг асосий тамойилларини изоҳлайди; - трансплантация, унинг турлари, ўтказиш тартибини ўрганади; - эксперимент ўтказиш қоидалари ва тартибини
Ўқитиши услуби ва техникаси	Блиц-сўров, биргаликда ўқиймиз, «Трансплантация»
Ўқитиши воситалари	Маъруза матни, ўқув кўлланмаси, жадваллар, бўр, доска. Компьютер мультимедия дарслеклари атласи.
Ўқитиши шакли	Билимларни чуқурлаштириши ва кенгайтириши, индивидуал ва гурӯҳ бўйича ўқитиши.
Ўқитиши шароитлари	Мавзуга мос жиҳозланган аудитория (СТЭ обьектлари СТЭ ҳужжатлари ва ҳ.к.).

Амалий машғулотнинг технологик картаси (2-машғулот)

Босқичлар вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-боскич. Кириш қисм (10 мин)	<p>1.1.Мавзу: Тиббий этика ва биоэтиканинг замонавий муаммолари Мақсад: Биоэтиканинг асосий принципи ва муаммоларин трансплантация, эвтаназия, сунъий уруғлантириш, эксперимент кўллаш тартиби, муаммоларини ўрганиш.</p> <p>Режса: - Биоэтика тушунчаси, асосий тамойилларини ўргатади;</p> <ul style="list-style-type: none"> - биоэтиканинг асосий принциплари ва муаммолари билан таништиради; - трансплантация, турлари, тиббий ва хуқуқий муаммоларини кўрсатади; - эвтаназия, турлари, тиббий ва хуқуқий тамойилларини ўргатади; - сунъий уруғлантириш, унинг муаммоларини тушунтиради; -эксперимент ўтказиш тартиби ва турлари, қоидаларини ўргатади. <p>Машғулот ҳамкорликда ишлаш технологиясини қўллаган ҳолда (организерларлардан фойдаланиб) ўтишни маълум қиласди (жадвал 1).</p> <p>1.2. Ақлий ҳужум усулидан фойдаланган ҳолда аудиториянинг</p>	<p>1.1. Мавзуни ёзади ва саволларга жавоб беради.</p> <p>Адабиётлардан фойдаланиб, организерларни мустакил тузади, ўзаро таққослади, тўлдиради, муаммони аниqlаш ва ечим варианtlарини ишлаб чиқиш учун ижодий</p>
2-боскич. Асосий қисм (70 мин)	<p>2.1. Талabalарни 3 гурухга бўлади, ҳар бирiga вазифа беради: (саволларга жавоб бериш - топшириқ, организер чизмасини чизиш – 1-жадвал, тест ишлаш).</p> <p>Машғулот сўнгида кутилаётган ўкув натижаларини эслатади (талаба билиши керак):</p> <ul style="list-style-type: none"> -Трансплантация, эвтаназия, эксперимент, клонлаштириш тушунчаларини тушунтиради; - биоэтиканинг асосий муаммоларини ўргатади; - тиббий этика, деонтология ва биоэтиканинг асосий тамойилларини изоҳлайди; - трансплантация, унинг турлари, ўтказиш тартибини ўргатади; -эксперимент ўтказиш қоидалари ва тартибини тушунтиради; - клонлаштириш масалалари ва муаммоларини ўзлаштиради; -врачлик сири ва уни қонуний ошкора қилиш ҳолатларини ўргатади. <p>2.2. Гурухда ишлаш қоидаси билан таништиради (1-илова). Баҳолаш мезонларини ҳам намойиш қиласди.</p> <p>2.3. Вазифани бажаришда ўкув материаллари (маъруза матни, ўкув адабиётлар, ўкув қўлланма, «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонун ва Соғлиқни Сақлашда қабул қилинган қонун..)лардан фойдаланиш мумкинligини эслатади.</p> <p>2.4. Тартиблашсанда яхши омадий тартиблашсанда яхши</p>	<p>2.1. Ўкув натижаларини тақдим қиласди.</p> <p>2.2. Саволлар беради.</p> <p>2.3. Жавобларни тулдиради.</p> <p>2.4. Жадвал устунларини тўлдиради ва мухокамада иштирок этади.</p>
3-боскич. Якуний қисм (10 мин)	<p>3.1. Машғулотни якунлайди, талabalарни баҳолайди ва фаол иштирокчиларни рағбатлантиради.</p> <p>3.2. Мустакил иш сифатида «Сунъий уриглантириш масалалари ҳозирги замон тибиёти нигоҳида» мавзусида «реферат» ёзишни</p>	<p>3.1. Эшигади.</p> <p>3.2 Топшириқни олади.</p>

Этика - маълум турдаги меҳнат фаолиятига хос булган умуммайнавий –ахлокий муносабатлар меъенининг мажмуасидир.

Тиббиёт этикаси - умуммаънавий-ахлокий муносабатлар принципларининг тиббий фаолиятига нисбатан конкретлаштирилиши, яъни тиббий ходимнинг уз касбий вазифаларини бажариши пайтидаги хулк-автор меъёрлари, унинг бемор билан, бемор кариндошлари билан, бошка тиббий ходимлар билан узаро муносабатлари масалалари.

Тиббий деонтология - тиббиёт этикасининг бир кисми булиб, тиббиёт ходими бурчи, вазифаси, мажбуриятининг уз вактида, тулалигича ва сифатли бажарилишига қаратилган ҳамда тиббий ходим фаолиятида нохуш салбий окибатларнинг олдини олиш, курсатилаётган тиббий ёрдам сифатини оширишни белгиловчи холатдир.

Ҳозирги вақтда тиббиёт соҳасида сифат жиҳатдан янги шакл намоён бўлиши билан бир қаторда, тиббиёт амалиётида кўплаб янги технологияларнинг қўлланилиши оқибатидаги ноаниқлик ёки амалда жорий этишнинг муайян даражада хавфлилиги ҳам маълум бўлмоқда. Замонавий тиббиёт амалиётида қўп ҳолларда илмий экспериментлар ва янги доривор препаратлар ҳамда тиббий технологиялар инсонда синаб кўрилмоқда. Тиббиёт соҳаси технологик жиҳатдан мукаммаланиши билан бирга, тиббий ходимларнинг этик ва ҳуқуқий жиҳатларига ўта таъсирчан бўлиб бормоқда ва клиник амалиётда кўплаб баҳсли ахлоқий муаммолар вужудга келмоқда. Масалан давога имкони бўлмагандаги оғир даражадаги бемор хаётини қувватлашнинг чегараси мавжудми? Ёки бўлмаса трансплантология, клонлаш, сунъий уруғлантириш, эвтаназия муаммолари ва бошқалар. Тиббиёт соҳасида вужудга келган бу ва бошқа кўплаб ахлоқий муаммолар дунё миқёсида жадал ривожланаётган **биоэтика** (**амалий этика**) номли янги билим йўналишини равнақ топишига олиб келди (З.Мухамедова, 2006).

Биоэтика – соғлиқни сақлаш соҳасида юзага келаётган янги ахлоқий муаммоларни, тиббиёт соҳасидаги янги технологияларни ҳамда мазкур муаммоларни ҳал қилишнинг янги принципларининг ўзида

мужассамлаштиради. «Биоэтика» тушунчаси америкалик биохимик онколог врач Ван Ранселер Поттер (1971 й.) томонидан адабиётга киритилган. Поттернинг асосий ғояси ер юзида ҳаётни сақлаб қолиш муаммоларини ҳал қилиш учун гуманитар фанлар ва биология фанининг саъий-ҳаракатларини бирлаштиришнинг, фан-техника тараққиётининг узоқ муддатли оқибатларининг эътиборга олишни назарда тутади. Этика нормаларининг мазкур тизимини В.Р.Поттер **глобал биоэтика** деб номлади.

Поттернинг фикрига кўра, биоэтика инсониятнинг яшаб қолишини таъминлаш ва бутун кишилик жамияти соғлигини саклаш учун тиббиёт этикаси билан атроф мухит этикаси (экоэтика) жаҳон миқёсида бирлаштирувчи қўприк бўлиб хизмат қилиши лозим.

Ривожланиш натижасида биоэтикада қуидаги икки йўналиш шаклланди:

1-инсонга маънавий муносабат масалаларини кўриб чиқиш йўналиши.

2- инсоннинг ҳайвонларга муносабати этикасини, яъни ҳайвонлардан турли мақсадларда фойдаланиш масалаларини ўрганувчи йўналиш.

Бугунги кунда биоэтиканинг 1- йўналиши амалий этикага айланади ва асосий эътиборни тиббиёт амалиётининг ахлоқий муаммоларига қаратди. Биоэтика бугунги кунда врач ва пациент муносабатларининг ахлоқий жихатларига, шунингдек, эвтаназия, инсон аъзолари трансплантацияси, ҳомила тушириш (аборт), клонлаш, ирсий инженерия ва бошқа шу каби масалаларга алоҳида эътиборни қаратмоқда. Замонавий адабиётларда этика тушунчаси ўрнига қўпинча «деонтология» тушунчаси кўлланилади (бу тушунчани инглиз файласуфи И.Бентам киритган, XIX аср).

Биоэтика масалалари

Биоэтика инсоннинг турли тириклик шаклларига ва ҳайвонларга муносабатини кўриб чиқувчи инсон хулқ - авторининг ахлоқий жихатларга таалуқли бўлган ва инсоннинг ўзини куршаган мухит олдидаги масъулиятини белгилайди. Инсоннинг хулқ - автори ва бошқа инсонга муносабати этика қоидаларига қай даражада мувофиқлигини таҳлил қилиш жараёнида биоэтика, тиббиёт этикаси (деонтология) билан туташади. Дунёқараш сифатида биоэтика инсоннинг бутун дунёга муносабатини, унинг ўзини куршаган олам ва ундаги ўз ўрни хақидаги тасаввурини англатади.

XX аср бошларига қадар амал қилиб келинган **антропоцентризм** номли дунёқарашда тирик мавжудот сифатида фақат инсон қимматли бўлиб, у жонли ва жонсиз табиатнинг истаган обьектларидан эркин фойланиш хуқуқига эга деган тушунча хукм сурган эди. Этика фалсафий тафаккурнинг ривожланиш ҳисобига инсониятнинг атроф-мухитга нисбатан ўз қарашларини қайта кўриб чиқиш зарурлиги вужудга келтиради, **яъни биоцентризм** дунёқарashi равнақ топади.

Биоэтика ва амалий этика (тиббиёт этикаси) масалалари.

Биоэтика фалсафа ва тиббиётнинг қўшилиши натижасида юзага келди ва у моҳир тиббиёт ходимиға ҳаёт-мамот масалаларини ҳал қилишда ижобий самараларга эришиш имконини берадиган амалий тиббиёт этикасига айланди.

Тиббиёт этикасида врачлар мажбуриятлари ҳақида сўз юритилса, биоэтикада пациентлар хуқуqlари химоя қилинади.

Тиббиёт этикаси ривожланишида қуйидаги босқичларни қўрсатиб ўтиш мумкин:

1- босқич - тиббиётнинг шаклланишида- «Гиппократ корпуси» нинг пайдо бўлишига қадар ўтган давр (яхшилик ва ёвузлик тушунчаларига таянган).

2- босқич - монатеистик динлар пайдо бўлиши билан бошланди ва прогрессив дин таълимоти шаклланиш доирасида ривожланди. Кейинчалик Ибн Сино, А.Розий ва бошқаларни асарлари дунё миқёсида таржима қилинди.

3- босқич - X-XII асрлардан сўнг врачлар уюшмаси ташкил топган.

4- босқич - Деонтология босқичи (И.Бентам, 1834 й), яъни ҳар қандай касб учун деонтологиянинг зарурлиги утилитаризм нуқтаи назардан тасдиқлади, фойда келтириш, бурч принциплари муҳокама қилинди.

5- босқич - 1948 й. Жаҳон тиббиёт уюшмасини Женевада бўлиб ўтган 2-сессиясида Декларация (XX аср) ва тиббиёт этикаси халқаро кодекси (1949 й.) нинг қабул қилинишидан бошланди. Мазкур босқичда врачнинг ижтимоий роли янада ортди, тиббиёт ходимларини ахлоқий тартибга солиш эса янги поғонага кўтарилди, халқаро битимлар тузиш орқали мустаҳкамланди. 1970 й. В. Поттер «Биоэтика» атамасини муомалага киритди.

Тиббиёт этикасининг принциплари

Тиббиёт этикаси – тиббий ходимлар билан беморлар ўртасида юзага келувчи мураккаб муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Хозирги вақтда тиббиёт этикасининг халқаро принциплари ишлаб чиқилган ва улар БМТнинг Ассамблеясининг 1982 йил қабул қилинган «Қийноқлардан ва инсон қадр-қимматини камситишнинг бошқа шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Деклорацияси» да баён қилинган.

Тиббиёт этикасининг маҳбусларини қийноқлардан ва инсон қадр-қимматини камситувчи муносабат ва жазо турларидан ҳимоя қилишда соғлиқни сақлаш ходимларининг ролига тааллуқли асосий принциплари куйидагилардан иборат:

1) соғлиқни сақлаш ходимлари маҳбусларнинг жисмоний ва руҳий соғлигини қўриқлашлари, маҳбус бўлмаган шахсларни қандай

даволасалар, махбусларни ҳам шундай сифатли даволаш билан таъминлашлари шарт;

2) агарда соғлиқни сақлаш ходимларининг қийноқларда ёки бошқа муносабат ва жазонинг шафқатсиз турларида иштирок этсалар ёки иштирокчилик қилсалар, жиноят содир этадилар;

3) соғлиқни сақлаш ходимлари ўз билим ва тажрибасидан махбусларни, уларнинг соғлигига таъсир кўрсатиш мумкин бўлган тарзда сўроқ қилишга кўмаклашиш учун фойдалансалар, шунингдек, махбусларнинг соғлиги уларга нисбатан муносабат ёки жазонинг махбуслар жисмоний ёки руҳий соғлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай шаклларни қўллаш имкониятини бериш тўғрисида шохидлик берсалар, улар жиноят содир этадилар;

4) тийдириш йўсинидан ҳар қандай ҳаракатларда соғлиқни сақлаш ходимларининг иштирок этиши тиббиёт этикасига зид ҳисобланади, башарти буни махбуснинг соғлиги ва хавфсизлигини сақлаш зарурияти тақозо этган бўлмаса;

5) юқорида баён этилган принциплардан ҳеч қандай асосларга кўра, шу жумладан, фавқулодда ҳолатда ҳам чекиниш мумкин эмас.

Тиббиёт ходимининг мажбурияятлари.

Тиббиёт этикасида асосий принциплар тиббиёт ходими мажбурияятларида ўз ифодасини топади. Тиббий деонтологияда тиббиёт ходимининг bemor, бошқа тиббиёт ходимлари, bemornинг қариндош - уруғлари ва яқинлари олдидаги ўз мажбурияятларини адo этишга асосий эътибор берилади.

Бу мажбурияятлар қўйидагилар:

* аҳолининг барча қатламларига малакали ёрдам кўрсатиш;

* ёрдам кўрсатишда инсоннинг қадр-қимматини эъзозлаш ва ҳамдардлик қилиш;

* тиббиёт сирини сақлаш;

- * зиён етказмаслик;
- * ўз ҳамкасбларига вижданан муносабатда бўлиш, bemорларни алдайдиган, каллоб врачларни фош қилиш;
- * ўз билимларини ошириб бориш;
- * бошқа одамларни қандай даволаса, махбусларга ҳам шундай сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш;
- * қийнокларда ёки бошқа шафқатсиз ва инсон қадр-қимматини камситувчи тадбирларда иштирок этмаслик;
- * махбуслар ёки ушланганларга нисбатан тийдириш йўсинидаги харакатларда иштирок этмаслик.

Биоэтиканинг асосий принциплари

Биоэтиканинг асосий принциплари (тиббиёт этикасидаги сингари) врач мажбуриятларида эмас, балки bemор хукуqlарини таърифлашда ўз ифодасини топади, улар қуйидагилар:

- * bemор ёзма ёки тушунарли баён этилган ахборот олиш хукуқига эга;
- * bemор ўз тақдири хақида қарор қабул қилиш, қарор қабул қилишда иштирок этиш хукуқига эга;
- * bemор эркин талаб хукуқи ва шахс эркинлиги хукуқига эга;
- * хабардорликка асосланган розилик ҳолати, яъни bemорга тушнарли тарзда айтилган ва бўлғуси даволаш юзасидан қарор қабул қилишда иштирок этиш хукуки.

Биоэтиканинг асосий муаммолари

1. Одамларда тажриба ўтказиш ҳамда хабардорликка асосланган розилик принципининг қарор топиш масалалари.
2. Фармацевтик биоэтика масалалари – дори воситаларнинг хавфсизлиги ва самарадорлиги масалалари.
3. Геномика этикаси, яъни инсон геноми тузилишини ўрганиш, сунъий (ирсий) вакциналар ишлаб чиқилиши, қўлланиши, инсон хужайралари ва тўқималарини клонлаш, инсонни клонлаш, инсон аъзолари

ва тўқималарини кўчириб ўтказиш, ирсий ўзгартирилган ҳайвонлар аъзоларини кўчириб ўтказиш, аҳолининг турли гурухларида касалликлар миграциясини ёки занжирини аниқлаш ва бошқа масалалари.

4. Эвтаназия (тузатиб бўлмайдиган оғир ахволдан беморнинг ҳаёти) муаммолари.

5. Насл қолдириш технологияларининг ахлоқий муммолари – сунъий инсеминация технологиялари муаммолари.

6. Аборт (ҳомила тушириш) ва бошқа ҳолатлар замонавий биоэтиканинг асосий муаммолари ҳисобланади.

Тиббий-биологик эксперимент

Тиббий ва биологик текширувларда экспериментлар зарурдир. Бу инсон физиологияси ва патологиясининг яширин томонларини очувчи энг унумдор йўл ҳисобланади ҳамда тиббий билим шароитларни прогресс билан ўсишига жалб қиласди.

Одатда, тиббий ва биологик экспериментларнинг обьектлари ҳайвонлар ҳисобланади. Уларда ўткир ва сурункали тажрибалар ўтказилади, улар инсонда кузатиладиган ҳар хил моделдаги биологик жараёнларни яратиш учун ишлатилади.

Ҳайвонларда тиббий-биологик экспериментларни ўтказиш талаблари тегишли буйруқларда белгилаб қўйилган, унда экспериментал ҳайвонларни сақлаш шароитлари ва улар устида тажриба ўтказиш шароитлари алоҳида айтиб ўтилган, Қандай натижа кутилишидан қатъий назар, ҳайвонлар устида ўтказилган тажрибалар инсонларга мос келадиган коррекцияларсиз ўтказилиши мумкин эмас.

Айрим экспериментларни инсонларда ҳам ўтказиш мумкин. Инсон устида ўтказиладиган тажрибалар-экспериментлар ҳарактери, мақсадлари, ҳаёт ва соғлиқнинг хавфсизлилик даражаларига кўра бир қанча гурухларга бўлиш мумкин:

- янги иммунобиологик воситаларни (вакцина, зардоб ва бошқалар) инсонлар учун иммуногенлигини ва реактогенлигини намоён қилиш мақсадидаги илмий тажрибалар;
- янги даволаш препаратларининг самарадорлигини ва намоён бўладиган ножўя таъсирларини аниқлаш мақсадидаги илмий тажрибалар;
- диагнозни аниқлашни тезлаштириш, ойдинлаштириш ёки беморни даволаш жараёнида энг яхши натижаларга эришиш мақсадида; синовдан ўтмаган диагностик, актив терапия, жарроҳлик аралашув методларига оид тажрибалар;
- ҳар хил методларни қўллаш билан ўтказиладиган текширувлар.

Янги препаратларнинг даволаш-профилактик таъсирини аниқлаш тартибини қуидагича белгилаш мумкин:

- ❖ препаратнинг бирламчи реактогенлигини, зарарсизлигини ва иммуногенлигини аниқлаш учун кўнгиллилар (20 кишигача) устидаги тажрибалар;
- ❖ чегараланган тартибдаги тажрибалар;
- ❖ ССВнинг буйруқлари асосидаги амалиётда кенг қўлланиладиган тажрибалар.

Деонтологик нуқтаи назардан, биринчи этап анча масъулиятли ҳисобланади, чунки бу тиббий эксперимент ҳарактерга эгadir. Бунда кўнгилли тажрибанинг мазмунини, унинг илмга кераклигини, унинг хавф-хатарларини, чин кўнгилдан чукур ўйлаб, режали равишда тан олиниб, тажрибани ҳамма оқибатларни тушнтириб ўтказиш мақсадга мувофиқdir.

Деонтологик нуқтаи назардан ножоиз (умидсиз) ётган беморларда ўтказиладиган тажрибалар анча мураккаб кечади, чунки бундай беморлар кўпинча экспериментларни айнан ўзларида ўтказилишини такрор-такрор айтиб ўтади. Албатта, бу ҳолат маҳсус зарурӣ шароитлар асосида ўтказилиши талаб қилинади, яъни умидсиз ҳолатдаги беморларга иложи борича азоб бермаслик кўзда тутилган.

Табиий равищда, янги дори препаратларни татбиқ этишдан аввал уларнинг дастлабки тажрибаларсиз ҳамда уларнинг экспериментларисиз рухсат этиб бўлмайди. Энг маъсулиятли этап-бу бемор кишиларда препаратни бирламчи қўллаш ҳисобланади. Албатта, бу тажрибалар, энг аввало (ҳайвонларда лаборатор текширувлар ўтказилгандан сўнг), алоҳида маҳсус юқори номга сазовор бўлган даволаш муассасаларида, дастлабки текширувларнинг кутиладиган ҳамма натижалари билан яхши таниш бўлган малакали шифокорлар томонидан чегараланган гуруҳдаги беморлар устида ўтказилади. Фақатгина бу тажрибага беморнинг ўзи ҳам рози бўлиши керак.

1964 йилда бутунжаҳон тиббиёт ассоциасияси томонидан Хельсинки Декларацияси қабул қилинди. 1975 йил Токиода унга қўшимчалар киритилди. Мазкур кодексларда тиббий-биологик эксперимент қўйидаги талаблар ва ҳолатлар инобатга олиниши лозимлиги қўрсатиб ўтилган:

- даволаш диагностикаси ва профилактика янги услуг ва воситаларнинг илмий жиҳатдан асосланганлиги;
- тажрибанинг ижтимоий фойдалилиги;
- оғир bemorning ҳолатини енгиллаштириш;
- оғир асоратларга қарамасдан муваффақиятга эришиш;
- врачлик сирини сақлаган ҳолда тажриба вақтида ошкоралик;
- эксперимент ўтказиш тўғрисида барча шарт-шароитлар ва маълумотларга тажрибачининг эга бўлиши.

Руҳий bemорларда, қамоқда сақланадиганларда, асирга тушганларда, оғир bemорларда, ҳомиладор аёллар ва касаллиги тажриба мақсади билан боғлиқ бўлмаган bemорларда эксперимент ўтказиш тақиқланади.

Тўқима ва органларни кўчириб ўтказиш-трансплантация. трансплантациянинг тиббий-хуқуқий тамойиллари

Замонавий тиббиётнинг глобал ютуқларидан бири бу инсон танасидаги орган ва тўқималарнинг трансплантацияси ҳисобланади.

Трансплантация қўпгина касалликларнинг давосида тиббиёт амалиётида катта имкониятларни яратади, инсон умрининг давомийлигини оширади.

Трансплантация – аъзо ва тўқималарни кўчириб ўтказиш. Ўтган асрнинг 50 йилларида биринчи марта буйракни кўчириб ўтказиш операцияси клиникада бажарилган ва самарали якунланган, сўнгра 60-йиллардан сўнг жигар, ўпка, ошқозон ости бези ҳамда юрак (К.Бернард, 1967 й.) реципиентларга кўчириб ўтказилган ва самарали якунланган. Клиник амалиётда буйраклар, жигар, юрак ошқозон ости бези, ўпкаларни кўчириб ўтказишдан ташқари, талоқ, ичак сегментлари ва эндокрин безларини ҳам кўчириб ўтказиш борасида изланишлар йўлга қўйилмоқда. Бу каби изланишлар трансплантологияни янада ривожлантиришга олиб келмоқда. Трансплантациянинг қуидаги турлари фарқланади:

Аутотрансплантация - тўқималарни (мушак, тери, тоғай ва бошқ.) бир организм миқёсида кўчириб ўтказиш. Ушбу муолажага қарши қўрсатма бўлмаган ҳолларда ва ижобий самарада, баҳсли муаммолар деярли келиб чиқмайди.

Аллотрансплантация - бир организмдан (донор) иккинчи организмга (реципиент) аъзо ва тўқималарни кучириб ўтказиш.

Аллотрансплантацияда қўпгина жиддий ва ечилмаган саволлар мавжуд. Энг аввало ушбу айтиб ўтилган муаммолардан бири бу бевосита айни вақтда жуда хавфли ва хатарли операцияга тайёр турган bemor, яъни реципиент билан боғлиқдир. Ҳозирги кунда ҳаётий муҳим аъзоларни кўчириб ўтказиш операциясида аллоген буйрак трансплантацияси клиник амалиётда кенг кўлланилмоқда.

Эксплантация – сунъий материалларни (трансплантантларни) кўчириб ўтказиш. Ҳозирги кунда тиббиётга замонавий техниканинг кириб келиши натижасида амалиётда сунъий трансплантант аъзолар яратилияпти. Бунга мисол қилиб тиббиёт амалиётида кенг кўлланиладиган сунъий буйракнинг (гемодиализ аппарати) яратилишини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Статистик маълумотларга кўра, ҳар йили миллион кишидан 100-160 тасида гемодиализ билан даволаш усули ўтказилаяпти. Ҳозирги кунда кўпгина bemorlar ҳаётий муҳим аъзоларни кўчириб ўтказишга муҳтоҷ бўляпти. Шуни инобатга олган ҳолда транспланталогия амалиётида сунъий ҳаётий муҳим аъзоларни яратиш йўлга қуйилмоқда. Шу билан биргаликда ҳар хил сунъий имплантант аъзоларни яратиш бўйича янги изланишлар давом этмоқда. Лекин шуни эсда тутиш керакки, трансплантологиянинг ривожланишида унинг янгидан-янги деонтологик, тиббий ва хуқуқий тамоиллари ва муаммолари пайдо бўлади.

Эвтаназия масалалари

Одамларнинг яшаш ва тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи барча илғор мамлакатларнинг қонунлари билан кафолатланган бўлиб, бошқа ҳуқуқлар орасида энг устувор ва муҳим ҳуқуқлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тиббиёт ходими жамиятда кўпчилик умидсиз хаста одамни барча ҳолларда халос этиши шарт, бу уларнинг қасбий бурчи ва тиббиётнинг вазифаси деб ҳисоблайди. Аммо ёрдам беришнинг иложи бўлмаган bemorning azob-uқубatlarini mumkin қадar kamaytiresh va ayni paitda Гиппократ қасамёдини бузмаслик учун нима қилиш керак, деган саволга сўнгги йилларда айrim mualiflar evtanaziyani tadbiq etishi kerak, dеб жавоб бермоқдалар.

Эвтаназия ҳақида сўз юритилганида кўпинча фаол эвтаназия назарда тутилади. Фаол эвтаназия (уни яна «тўлдирилган шприц усули» деб ҳам атайдилар) деганда ўлаётган bemorga ўлимнинг тез ва оғриқсиз келишига сабаб бўладиган бирон бир дори ёки бошқа воситаларни киритиш ва шунга ўхшаш бошқа ҳаракатлар тушунилади. Албатта, бу ҳолат барча мамлакатларда қораланди.

Эвтаназиянинг бошқа шаклларини қуйидагича таърифлар билан изоҳлаш мумкин:

Пассив эвтаназия - бунда тиббиёт ходими бедаво дардга чалинган bemorning ҳаёти учун курашишни тўхтатади, аммо унинг ўлимини тезлатиш учун ҳеч қандай чора кўрмайди. Тўғри эвтаназия- бунда тиббиёт ходими bemorning умрини қисқартириш мақсадини кўзлайди. Эгри эвтаназия - bemorning ўлиши тиббиёт ходимининг бошқа мақсадга йўналтирилган ҳаракатларининг билвосита (ножӯя таъсири) оқибатида тезлашади. Ихтиёрий эвтаназия - bemorning ўз илтимосига қўра уни ҳаётдан маҳрум этиш. Мажбурий эвтаназия - бу ҳақда сўраш ёки унга розилик беришга лаёқатли бўлган, аммо бундай ҳаракат қилмаган bemor ҳаётини тўхтатиши. Бу ҳаракатларнинг барчаси ғайриқонуний ҳаракат хисобланади. Турли олимлар ва юристлар фаол, пассив тўғри ва эгри ихтиёрий эвтаназия билан бир қаторда бир неча чегарадош тушунчалар – дистаназия, ортатаназияни ҳам ажратишига ҳаракат қилмоқдалар. Масалан, дистаназия - этиологик маъноси ўлимни инкор этиш. Дистаназия - деганда терминал ҳолатдаги ҳар бир bemorni ҳалос этиш мумкин бўлган барча choralarни кўриш тушунилади. Бу ҳолат ҳар бир тиббий ходимнинг асосий бурчи ва мажбурияти ҳисобланади. Ортатаназия- пассив эвтаназияга яқин тушунча, бўлиб врач bemorni қутқариш учун қўлидан келган choralarни кўрмайдиган, аммо унинг ҳаётини қисқартирадиган воситалар ҳам киритмайдиган ҳодисадир. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси (117-модда) талабида кўриб чиқилади.

Кўплаб олимларнинг фикрича, эвтаназияни хуқукий тартибга солиш тиббий нуқтаи назардан ортиқча, психологик жиҳатдан хавфли, ахлоқ нуқтаи назаридан эса нотўғри, тиббиёт принципларига зиддир. Кўплаб мамлакатларда эвтаназиянинг барча шакллари қонун йўли билан тақиқланган. Bemorni онгли равишда эвтаназияга даъват этган ёки эвтаназияни амалга оширган шахс қонунга мувофиқ жиноий жавобгар бўлади.

Маълумки, оғир хаста bemорлар алоҳида парваришга муҳтоҷ бўлади. Бундай bemорларни парвариш қилиш бўйича тиббий амалиёт масаласи турли мамлакатларда иқтисодий имкониятлар, диний ва миллий анъаналар, қариликка ҳурмат, bemорлар ва ожизларга ёрдам кўрсатишга тайёргарлик даражасига қараб ҳар хил ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги соғлиқни сақлаш соҳаси тегишли қонун ҳужжатларида bemорларга тиббий аралашувга розилик бериш («Фуқаролар Соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддаси) ёки уни рад этиш (27-модда) ҳуқуқини беради.

НАЗОРАТ ТУРЛАРИ

- Оғзаки сўров;
- Саволларга ёзма жавоб бериш;
- Тест назорати;
- Графикли органайзерлар тузиш.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

А, В, С, Д, Е харфлари билан белгиланган тестлардан битта жавобни белгиланг.

1. Тиббий этика маъносини курсатинг?

- А. Этика ва эстетика коидаларига риоя килиш,
Б. Тиббий эксперимент утказиш коидалари,
С. Тиббий ходимларнинг тартиб-интизоми,
Д. Тиббий ходимларнинг профессионаллиги,
Е. Тиббий ходимларнинг хулк-атвор нормалари.

2. Тиббий деонтология тушунчасига киради:

- А. Тиббий хизмат сифатини ошириш ва салбий оқибатларни бартараф этишга каратилган тиббий ходимларнинг хулк-атвор нормалари,
Б. Тиббий ходимларнинг маънавий, меҳнат ва жамоат фаолиятининг уйгунилиги,

С. Тиббий ходимларнинг хулк-атвор мейрлари ва принциплари уйгунилиги.

Д. Тиббий ходимларнинг тартиб-интизоми,

Е. Тиббий эксперимент утказиш коидалари.

3. Тиббий деонтология турларини курсатинг?

- А. **Диний**, эстетик, профилактик, даволаш,
Б. Ижтимоий, эстетик, даволаш,
С. Профилактик, этик, даволаш,
Д. Ижтимоий, жисмоний, даволаш,
Е. Ташкилий, диагностик, даволаш, профилактик.

4. Тиббий этика тушунчаси кандай ифодаланади?

- А. Маънавиятнинг умумий тамойилларининг врачнинг касбига нисбатан аник туридир,
Б. Тиббий ходимлар хулк-атворлари, мейёрлар йигиндисидир,

С. Маънавият ва маърифат меъёри йигиндисидир,
Д. б ва в жавоблар тугри,
Е. хамма жавоб нотугри.

55. Тиббий деонтологиянинг турларини курсатинг?

А. Ташкилий, диагностик, даволаш, техник, профилактик, реабилитацион,
В. Маънавий, эстетик, профилактик, даволаш, техник

С. Ижтимоий, эстетик, даволаш, техник, диагностик

Д. Профилактик, этик, даволаш, реабилитацион, диагностик

Е. Жисмоний, даволаш, ижтимоий, реабилитацион, ташкилий.

6. Биоэтиканинг I модели принципини курсатинг.

А. «Фойда келтир»,
Б. «Яхшилик кил»,
С. «Зиён етказма»,
Д. «Инсон хукукларининг уступорлиги»,
Е. «Бурчини бажар».

7. Биоэтиканинг II модели принципи ва мохиятини курсатинг.

А. «Фойда келтир», тиббий фаолиятнинг муаммоларини урганади,

В. «Яхшилик кил», врач ва беморнинг узаро муносабатларини тартиба солади,

С. «Зиён етказма», «уз манфаатингни уйла», бемор хулк-атворини меърлари

Д. «Инсон хукукларининг уступорлиги», тиббий ходим хулк-атворини меърлари,

Е. «Бурчини бажар», врач ва беморнинг узаро муносабатларини тартиба солади.

8. Биоэтиканинг IV модели мохиятини нимада?

А. Врач карорларида бемор иштироқи. Принципи: «Инсон хукукларининг уступорлиги»,

хабардорликка асосланган розилик принципи,

В. Парацельс модели асосида патернализм шаклланади, принципи «яхшилик кил»

С. Гиппократнинг «Касамед», «Конун», «Врачлар хакида» асарларида келтирилган, тиббий фаолиятнинг маънавият принципи.

Д. Тиббий ходим хатти- харакати, интизоми, принципи «Зиён етказма», Е. Врач ва беморнинг узаро муносабатлари, принципи «Бурчини бажар».

9. Беморнинг соглигини шахсий манфаатларидан юкори куйишга, камтар ва халол булишига, узбилим ва маҳоратини доимо ошириб боришига деган сузлар каерда ёзилган?

А. Гиппократ касамёдида,
Б. Узбекистон Республикаси шифокори касамёдида,
С. Женева Деклорациясида,

Д. Хусусий тиббий амалиёт билан шугулланиш хукувидаги дастурда,
Е. Узбекистон конституциясида.

10. Биоэтикада белгиланган врач мажбуриятлари:

А. Ахолининг барча катламларида уз вактида тулик малакали тиббий ёрдам курсатиш,

Б. Шифокор касамиёдига содик булиш ва шифокор сирини саклаш,

С. Махбуслар ва ушланганлар устидан инсон кадр-кыйматини камситувчи ёки тийдириш йусинидаги тадбирларда иштирок этмаслик,

Д. Беморларни алдайдиган каллоп тиббий ходимларни фаолиятини фош килиш,

Е. Келтирилган барча жавоблар тугри.

11. Биоэтикада белгиланган бемор хукуклариға киради:

- А. Бемор ёзма ёки тушунарли баён этилган ахборот олиш хукуки,
- В. Бемор уз тақдири хакида карор кабул килиш, карор кабул килишда иштирок этиш хукуки,
- С. Даволаш юзасидан карор кабул килишда иштирок этиш хукуки,
- Д. Даволаш муассасини танлаш хукуки,
- Е. Келтирилган жавобларнинг хамаси тугри.

12. Трансплантациянинг турларини курсатинг?

- А. Аутотрансплантация, аллотрансплантация, ксенотрансплантация, эксплантация,
- В. Ксенотрансплатнация, биотрансплантация, эксплантация, аллотрансплантация,
- С. Аутотрансплантация, физиотрансплантация, ксенотрансплантация,
- Д. Аллотрансплантация, биотрансплантация, аутотрансплантация, эксплантация,
- Е. Аутотрансплантация, ксенотрансплантация, аллотрансплантация, биотрансплантация.

13. Ксенотрансплантацияга таъриф беринг?

- А. Айрим хайвон тукимаси ёки унинг кисмини инсонга кучириб утказиш,
- В. Бир организмдан иккинчи организмга аъзо ва тукимаси ёки унинг кисмини кучириб утказиш,
- С. Сунъий мослама ва аъзони урнатиш,
- Д. Бир организм микёсида аъзо ва тукималарни кучириш,
- Е. Кариндошлар орган ва тукималарни кучириб утказиш.

14. Аллотрансплантация тушунчаси нимани англатади?

- А. Айрим хайвон тукимаси ёки унинг кисмини инсонга кучириб утказиш,

- Б.** Бир организмдан иккинчи организмга аъзо ва тукимаси ёки унинг кисмини кучириб утказиш,
- С. Сунъий мослама ва аъзони урнатиш,
- Д. Бир организм микёсида аъзо ва тукималарни кучириш,
- Е. Болаларга ота-онасидан орган ва тукималарини кучириб утказиш.

15. Аутотрансплантация маъносини тушунтиринг.

- А. Айрим хайвон тукимаси ёки унинг кисмини инсонга кучириб утказиш,
- В. Бир организмдан иккинчи организмга аъзо ва тукимаси ёки унинг кисмини кучириб утказиш,
- С. Сунъий мослама ва аъзони урнатиш,
- Д.** Бир организм микёсида аъзо ва тукималарни кучириш,
- Е. Кариндошлар орган ва тукималарни кучириб утказиш.

16. Аллотрансплантациянинг хукукий муаммоларини санааб беринг?

- А. Мазкур давлатда трансплантация тугрисида конун кабул клиниши керак, донор ва реципиентнинг хукукларини курсатишлари керак, айрим холларда кариндошларнинг розилиги хам керак.
- В. Фарзанди, ота-онаси, кариндоши розилиги, бир-бирига ёзма тарзда розилиги, факатгина мурдалардан олиган аъзоларни трансплантация килиш мумкин,
- С. Шахснинг саломатлигини аниклаш керак, фактат ауторансплантация килиш мумкин,
- Д. Трансплантация тугрисида конун кабул килиш керак, фактат ксенотрансплантация килиш мумкин,
- Е. Ота-оналар розилиги булиши керак, фактат эксплантация рухсат берилиши мумкин.

17. Аъзо ёки тукималарини ажратиб олиш Узекистон Республикасининг кайси конунида таъкиланади ва жазо тайинланади?

- А. Фукаролар Согликни Саклаш тугрисидаги конунда,
- В. Фукаролик кодекси конунида,
- С. Жиноят кодекси конунида,
- Д. Жиноят процессуал кодекси конунида,
- Е. Кон ва донорлик тугрисидаги конунда.

18. Трансплантация кабул килинган мамлакатларда донор деб кимлар булиши мумкин?

- А. Бемор кариндошлари,
- В. Бегона одамлар,
- С. Кари кишилар булиши керак,
- Д. Касаллиги бор шахслар,
- Е. Соглом кариндошлари, бегона одам, ёш киши булиши.

19. Трансплантация турларининг кайси бирининг хам хукукий, хам тиббий муаммоси йўк?

- А. Аллотрансплантация,
- В. Аутотрансплантация,
- С. Ксенотрансплантация,
- Д. Экстрансплантация,
- Е. Сунъий ургулантириш.

20. Эвтаназия – бу:

- А. Катта ёшли одамлар касаллигини урганадиган фан,
- В. Умрни узайтириш хакидаги фан,
- С. Одам хаёти активлигини ошириш хакидаги фан,
- Д. Енгил, огриксиз, тез улим,
- Е. Медикаментлар ёрдамида bemorlarни физик азоблардан озод этиш.

21. Пассив эвтаназия нима?

- А. Наркотик моддаларни куп микдорда бериш,
- В. Дори моддаларни куп микдорда бериш,

С. Беморга тиббий ёрдам курсатишни тухтатиш,
Д. Бемор умрини узайтириш,
Е. Медикаментлар ёрдамида bemorlarни физик азоблардан озод этиш.

22. Эвтаназия жамиятнинг кайси кирраларини камраб олади?

- А. Эвтаназия жамиятнинг маънавий ва хукукий томонларини, хамда тиббий этика ва деонтология муаммоларини камраб олади,
- В. Эвтаназия жамиятнинг факат шахсни муаммосини унинг тафаккурини хисобга олади,
- С. Эвтаназия жамиятнинг хукукий жихатдан чиккан конун ва кодексларини камраб олади,
- Д. Эвтаназия жамиятнинг маънавий ва руҳий жихатини хисобга олади.

23. Терминалъхолатларнинг ривожланиш кетма-кетлтгани курсатинг:

- А. Агония, преагония, биологик улим, клиник улим, терминал пауза,
- В. Терминал пауза, агония, преагония, биологик улим, клиник улим,
- С. Клиник улим, биологик улим, терминал пауза, преагония
- Д. Преагония, терминал пауза, агония, клиник улим,
- Е. Терминал пауза, агония, преагония, клиник улим.

24. Рак билан оғриган bemor, стол устида каровсиз колдирилган касаллик тарихини укиб диагнозини билиб олди ва уз жонига касд килди. Тиббий ходим харакатини баҳоланг

- А. Врачлик сирини ошкор этиш,
- Б. Врачлик этикасини бузилиши,
- С. Бепарволик,
- Д. Эҳтиётсизлик оқибатида одам улдириш,
- Е. Кастан одам улдириш.

25. Кимларда тиббий-биологик эксперимент утказиш таъкиланади?

- А. Беморларда,
В. Хохиш билдирган махбуслар ва харбий асирларда,
С. Соглом шахсларда,
Д. Ёш болалар, хомиладор аёллар, ногиронларда,
Е. Хаммаси тугри.

26. Тиббий биологик экспериментнинг тиббий-хукукий тамойиллари нималардан иборат?

- А. Эксперимент ута огир bemорларда, махбусларда, харбий асирларда, Янги тугилган чакалокларда, хомиладор аёлларда, умидсиз bemорда, рухий bemорда утказмаслиги,

В. Соглом одамда, касаллиги шу эксперимент билан bogлик касалларда bemор узи хохласа утказиш мумкин,
С. Харбий асирларда, качонки улар узи рози булса ёки уларнинг касали шу эксперимент билан bogлик булса,
Д. Нуксон билан тугилган чакалокларда мумкин ота-онаси розилиги билан.

27. Кимларда тиббий-биологик эксперимент утказиш таъкиланади?

- А. bemорларда,
В. махбуслар ва харбий асирларда,
С. соглом шахсларда,
Д. ёш болалар, хомиладор аёллар, ногиронларда,
Е. хаммаси тугри.

1, 2, 3, 4 ракамлари билан белгиланган тестларга куйидаги харфли коддан фойдаланган холда жавоб белгиланг:

А — тугри: I, 2, 3. В — тугри: 1, 3. С — тугри: 2, 4. Д — тугри: 4. Е — тугри: 1, 2, 3, 4.

28. Тиббий деонтология кандай маънони англатади?

1. Тиббиёт ходимининг ахлоки тугрисидаги мажмуадир,
2. Тиббий ходимларини эстетика, этика коидаларига риоя килиниши,
3. Тиббиёт ходимларини эстетика, этика коидаларига риоя килмаслиги,
4. Тиббиёт ходимларининг даволаш жараёнида, хамда салбий окибатларни олдини олишга йуналтирилган хулк-атворини меърлари тушунилади,

29. Биоэтика моделларини курсатинг.

1. Гиппократ модели, принципи «зиён етказма»
2. Парацельс модели, принципи «яҳшилик кил»
3. И.Бентамнинг деонтологик модели, принципи «бурчини бажар», «фойда келтир», «уз манфаатингни уйла»;

4. Р.В.Поттернинг биоэтика модели «инсон хукукларининг устуворлиги», «хабардорликга асосланган розилик принципи», «бурчингни бажар».

30. Биоэтиканинг II модели кандай номланади?

1. Гиппократ – патернализм,
2. Биоэтика – религиизм,
3. Деонтологик – патернализм,
4. Парацельс – патернализм,

31. Биоэтиканинг III модели номланишини курсатинг?

1. Парацельс – патернализм,
2. Биоэтика – религиизм,
3. Гиппократ – патернализм,
4. Деонтологик – патернализм,

32. Биоэтиканинг замонавий муаммоларига кайсилар киради?

1. Тиббий фаолиятда хабардорликга асосланган розилик принципи асосининг карор топиши,
2. «Яҳшилик кил» принципини хаётга татбик этиш,

3. Келажак авлоднинг жисмоний, аклий фазилатларини яхшилаш ёки пасайтириш масаласи,

4. Шифокор касамиёдига содик булиш,

33. Биоэтика тамойилларига кура врач мажбуриятларига киради:

1. Тиббий ёрдам курсатишда инсон кадр-кыйматини эъзозлаш ва хабардорликга асосланган розилик принципига асосан ишлаш;

2. Тиббий ёрдам курсатишда зиён етказмаслик;

3. Касбдошларига нисбатан вижданан муносабатда булиш;

4. Махбусларни даволаганда бошка bemорларга ёрдам курсатишдагидек бир хил муносабатда булиш;

34. Шифокор касамиёди Фукаролар соглигини саклаш конунини кайси моддасида курсатилган?

1. 48-модда,

2. 45-модда,

3. 46-модда,

4. 44-модда,

35. Фукролар согликка етказилган зарарни коплаш холатлари Фукаролар соглигини саклаш конунини кайси моддаларида курсатилган?

1. 48-модда,

2. 45-модда,

3. 44-модда,

4. 46-модда,

36. Ксенотрансплантациянинг тиббий муаммоларини айтиб утинг?

1. Биологик тур, хромосома ва ген номувофикилиги, ДНК номувофикилиги,

2. Иммун номувофикилиги, организмнинг ута юкори сезувчанлиги,

Жавоблар жумласи алохида мазмунга эга булган икки кисмдан иборат, иккала кисм «чунки» бояловчи билан бояланган тестларда 1-чи ва 2-чи кисм жумлалари

3. Антиген-антитело муаммоси, иммун муаммо, тур номувофикилиги,

4. Тиббий муаммо йук,

37. Дори-дармонлар ёрдами билан огир касалларни руҳий, жинсмоний кийналишларини етгиллаштириш ёки хаётини иложи борича чузиш бу-

1. Медикртаназия,

2. Дистаназия,

3. Ортотаназия,

4. Аутотаназия,

38. Эксперимент куйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

1. Янги услуб, восита, препаратнинг илмий жихатдан асосланганлиги,

2. Тажрибанинг ижтимоий самарадорлиги,

3. Огир bemор ахволини енгиллаштириши,

4. Айрим асоратларга карамасдан мувофакиятга эришиш,

39. Клонлаштириш утказиши тартибини курсатинг.

1. Организмдан соматик хужайра ажратиб олинади

2. Соматик хужайрадан ядросини ажратиб олинади

3. Электроразряд ёрдамида хужайрани уругланганлигига «ишонтиришади».

4. Эмбрион суррогат онага имплантация килинади

40. Врачлик сирини ошкор килишнинг кандай турлари амалиётда учрайди?

1. Тиббий ходимнинг bemор билан сухбати вактида,

2. Тиббий хужжатлар, маълумотномаларда

3. Тиббий ходимнинг bemор кариндошлари билан сухбат вактида,

4. Кастан ошкор этиш,

мазмунининг алохида тугри ёки нотугрилигини, кейин эса уларнинг бирлашган холидаги мазмунининг алокадорлигини аникланг ва қуидаги харфли коддан фойдаланган холда жавоб белгиланг:

Жавоб	1-жумла	2-жумла	Боглам
A	тугри	тугри	тугри
B	тугри	тугри	нотугри
C	тугри	нотугри	нотугри
D	нотугри	тугри	нотугри
E	нотугри	нотугри	нотугри

41. Тиббий ёрдам курсатишда инсон кадр-кыйматини эъзозлаш ва хабардорликга асосланган розилик принципига асосан ишлаш биоэтика тамойилларидан бири хисобланади, чунки биоэтика тамойилларига кура тиббий ходим касбдошларига нисбатан вижданан муносабатда булиши лозим.

42. Экперимент касаллиги эксперимент максади билан боглик булмаган bemорларда утказилади, чунки эксперимент утказиш учун bemор уз ихтиёри билан розилик бериши лозим.

43. Врачлик сирини ошкор этиш холати тиббий ходимнинг bemор билан сухбати вактида кузатилиши мумкин, чунки тиббий ходимнинг хамкаслари ёки bemор кариндошлари билан сухбат вактида врачлик сирини ошкор этилиши кузатилиши мумкин.

44. Организмнинг юкори сезувчанлиги, хромосом ва генетик мос келмаслик аллотрансплантациянинг тиббий муаммолари хисобланади, чунки аллотрансплантация бир организмдан иккинчи организмга аъзо ва тукимаси ёки унинг кисмини кучириб утказишидир.

45. Ксенотрансплантация айrim хайвон тукимаси ёки унинг кисмини инсонга кучириб утказиш демакдир, чунки ксенотрансплантация тиббий эксперимент утказиш тартибини урганади.

46. Аутотрансплантация вактида тиббий-хукукий муаммолар булмайди, чунки аутотрансплантация бу бир организм микёсида аъзо ва тукималарни кучириш демакдир.

47. Беморларга тиббий ёрдам курсатишни тухтатиш пассив эвтоназияга киради, чунки

бунда наркотик моддалардан захарланиш кузатилади.

48. Преагония, терминал пауза, агония, клиник улим, биологик улим холатлари кетма-кет ривожланади, чунки улар терминал холатлар хисобланади.

49. Суриштирув ва тергов ходимлари талабига асосан врачлик сирини bemор розилигисиз ошкор килиш мумкин, чунки врач bemор розилигисиз врачлик сирини ошкор килиши конунда такикланган.

50. Беморларга тиббий ёрдам курсатишни тухтатиш пассив эвтоназияга киради, чунки врач огир ахволдаги bemор азобларини дори-дармонлар ёрдамида енгиллаштириш хкукига эга.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

- ✓ Тиббиёт этикасининг қандай принципларини биласиз?
- ✓ Биоэтиканинг муаммолари нима?
- ✓ Тиббий биологик экспериментнинг аҳамияти ва хуқуқий муаммоларини айтиб беринг?
- ✓ Трансплантациянинг аҳамияти, тиббий ва хуқуқий тамойилларини айтиб беринг?
- ✓ Трансплантациянинг қандай турларини биласиз? Уларнинг мазмуни?
- ✓ Эвтаназиянинг турлари ва мазмунини айтиб беринг?
- ✓ Эвтаназиянинг тиббий ва хуқуқий тамойилларини айтиб беринг?
- ✓ Трансплантациянинг хуқуқий муаммолари нималардан иборат?
- ✓ Трансплантациянинг деонтологик ва тиббий муаммоларини нималар ташкил этади?
- ✓ Эвтаназия тарихи ҳақида тушунча беринг?
- ✓ Эвтаназиянинг тиббий деонтологик ва хуқуқий муаммолари.
- ✓ Эвтаназия муқобиллиги деганда нимани тушунасиз, таърифлаб беринг?
- ✓ Дистаназиянинг республикамиизда қўлланилишини тушуниринг?
- ✓ Тиббиётда эксперимент турлари.
- ✓ Эксперимент қандай талабларга жавоб бериши керак?
- ✓ Эксперимент ўтказишда қандай шартлар бажарилиши керак?
- ✓ Фаол эвтаназиянинг намоён бўлиш шакллари.

ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ УЧУН КЎРСАТМАЛАР

- ❖ Ўқув грухи ичида «Биоэтика нима?» мавзусида анжуманлар ўтказиш;
- ❖ Мавзуга оид альбом, макет, стенд, слайд, ўқув жадвалари ва тест саволлари тузиш;
- ❖ Ўқитувчи назорати остида «Биоэтиканинг замонавий муаммолари» мавзусида мунозарали сухбат ўтказиш;
- ❖ Мавзу бўйича янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда интерактив ўйинлар ўтказиш.

Гурух билан ишлаш қоидалари

Гурух аъзоларининг ҳар бири:

- ўз шерикларининг фикрларини ҳурмат қилишлари лозим;
- берилган топшириклар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;
- ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;
- ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;
- гурухни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим;
- «Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз ёки бирга қутиласмиз» қоидасини яхши билишлари лозим.

1 - Ўқув топшириқ

1. Саволга жавобни шакллантиринг:

- В.Р. Поттернинг биоэтика ривожланишига қўшган ҳиссаси?
- Этика турлари.
- Эвтаназия турлари.
- Трансплантация турлари.

2. Ушбу тушунчаларнинг мазмунини ёритинг:

Этика, биоэтика, релятивизм, биоцентризм, биоэтиканинг асосий принциплари, муаммолари, врачлик сири, трансплантация, эвтаназия, клонлаштириш, тиббий ёрдам тушунчаларига изоҳ беринг.

2-Ўқув топшириқ

1. З-мавзуда баён этилган маълумот мазмунини дикқат билан ўрганиб чиқинг.
2. Чизмали органайзерларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилинг (таклиф қилинган асосий тушунчалардан фойдалансангиз бўлади).

Чизмали органайзерлар	Асосий тушунчалар (калит сўзлар)
Кластер (1.1)	<p>«Биоэтика».</p> <p>«Биоэтика ва тиббий этика масалалари».</p> <p>«Эвтаназия».</p> <p>«Трансплантация».</p> <p>«Эксперимент».</p>
Б.Б.Б. жадвал (1.2 - намуна) Тоифали жадвал	<ul style="list-style-type: none">- Конституцияда белгиланган инсон хуқуqlари ва эркинликларининг кафолатлари.- Тиббий ёрдам турлари.

(1.3 – намуна)	
Венн диаграммаси (1.5 – намуна)	- Трансплантация турлари. - Клонлаштириш муаммолари.
«Нима учун?» (1.6 - намуна)	- Нима учун эвтаназияни қўллаш муаммо туғдирмоқда? -Клонлаштириш қандай оқибатларга олиб келади?
«Балиқ скелети» (1.7 - намуна)	-Биоэтиканинг асосий муаммолари. - Тиббий-биологик эксперимент муаммолари
«Т – жадвал» (1.8 - намуна) CWOT (1.9 - намуна)	- Трансплантация. - Сунъий уруғлантириш. - Клонлаштириш.
«Қандай?» (1.10 - намуна)	- Тиббий-биологик эксперимент ўтказиш. -Эвтаназия. - Трансплантациянинг тиббий-хуқуқий тамойиллари
«Кучлар таҳлили» (1.11 - намуна) «Нилуфар гули» (1.12 - намуна)	Аввал олинган маълумотларга асосланиб, чизма ёки диаграмма (хоҳишингизга биноан) ишлаб чиқинг: - асосий муаммо - кичик муаммо

3-МАВЗУ	Тиббий ёрдам қўрсатишдаги нуқсонлар.. Тиббий ёрдам курсатишдаги нуқсонлар тушунчаси, таснифи, нуқсонларнинг моҳияти, келиб чикиш сабаблари. Тиббий ёрдам нуқсонларининг оқибати. Тиббий хизмат сифатини оширишда тиббий ёрдам нуқсонларининг урганишнинг ахамияти
----------------	--

Ўқитишининг технологияси

Вакти – 5-6 соат Ўқув машғулоти шакли	Талабалар сони: 8 - 9 нафар Билимларни чукурлаштириш, кенгайтириш ва амалда бажариш бўйича амалий машғулот.
Амалий машғулотнинг тузилиши	- Тиббий ёрдам қўрсатиш нуқсонлари тушунчаси; - ноҳуш салбий оқибатлар; - тиббий ёрдам қўрсатиш нуқсонлари этаплари; - тиббий ёрдам қўрсатиш нуқсонлари турлари;
Ўқув машғулотининг мақсади:	Тиббий ёрдам қўрсатишдаги нуқсонлар, турлари,

<i>Педагогик вазифалар:</i>	<ul style="list-style-type: none"> - Тиббий ёрдам күрсатылғандағы нұқсанлар мазмуні ва моҳиятини ўргатыш; - ТЕКН турлари, сабабларини, босқичларини күрсатып бериш; - тиббий ёрдам күрсатыш 	<p><i>Үқув фаолияттарынң натижалари; Талаба:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - Тиббий ёрдам күрсатыш нұқсанлари түшүнчесини үзлаштиради; - нохуш салбий оқибатларни ўрганиб, санаб беради; - тиббий ёрдам күрсатыш нұқсанлари босқичларини үзлаштиради; - тиббий ёрдам күрсатыш нұқсанлари турларини ўрганади;
<i>Үқитишии услуги ва техникаси</i>	<i>Билищ-сұров, биргаликда ўқиимиз, органайзерлардан фойдаланиши, бағыт- мунозара.</i>	
<i>Үқитишии воситалари</i>	<i>Маңрудың матни, үқув құлланмаси, жадваллар, бүр, доска. Компьютер, мультимедия дарсلىктари атласи.</i>	
<i>Үқитишии шакли</i>	<i>Билимларни чуқурлаштыриши ва кенгайтириши, индивидуал ва груп бүйічка үқитиши.</i>	
<i>Үқитишии шароитлари</i>	<i>Мавзуга мөс жиһозланған аудитория (СТЭ обьектлари, СТЭ ұжымжатлари ва ҳ.к.).</i>	

Амалий машғулоттарының технологик картаси

Фаолият мазмуни		
Босқичла р, вақти	Үқитувчи	Талаба

<p>1-боскич Кириш (15 мин)</p>	<p>1.1. Мавзу: Тиббий ёрдам кўрсатиш нуқсонлари. Мақсад: Тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонлар турлари, сабаблари, босқичлари, нохуш салбий оқибатлар, уларнинг олдини олиш билан таништириш.</p> <p>Режса:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ТЁҚН турлари, сабабларини, босқичларини кўрсатиб беради; - Тиббий ёрдам кўрсатиш нуқсонлари, нохуш салбий оқибатларни мисоллар ёрдамида тушунтиради; - ТЁҚН билан боғлиқ СТЭ масалаларини ўтказиши тартиби, хужжатларини тўлдириш қоидаларини ўргатади; -диагностик ва даволаш нуқсонларига мисоллар келтиради; <p>Машғулот ҳамкорликда ишлаш технологиясини кўллаган ҳолда (органайзерларлардан фойдаланиб) ўтишни маълум қиласи (жадвал 1).</p> <p>1.2.«Иссик картошка» усулидан фойдаланган ҳолда аудиториянинг тайёргарлик даражасини аниқлайди:</p> <p>«ТЁҚН билан боғлиқ қандай асосий терминлар, атамаларни биласиз? Уларнинг турларига изох беринг».</p> <p>«ТЁҚН сабаблари ва босқичларини айтинг».</p> <p>Мавзунинг муҳокамаси гурухларда давом этишини эълон қиласи.</p>	<p>1.1. Мавзуни ёзади ва саволларга жавоб беради. Адабиётлардан фойдаланиб, органайзерларни мустақил тузади, ўзаро таққослайди, тўлдиради, муаммони аниқлаш ва ечим вариантларини ишлаб чиқиш учун ижодий ёндашади.</p>
<p>2-боскич Асосий қисм (150 мин)</p>	<p>2.1. Талабаларни 2 ёки 3 гурухларга бўлади, ҳар бирiga вазифа беради (саволларга жавоб бериш - топшириқ, органайзер чизмасини чизиш – 1-жадвал, тест ишлаш). Машғулот сўнгидаги кутилаётган ўқув натижаларини эслатади (талаба билиши керак):</p> <ul style="list-style-type: none"> -ТЁҚН тушунчаси, турлари, сабабларини, босқичларини; -тиббий ёрдам кўрсатиш нуқсонлари, нохуш салбий оқибатларини, мисоллар келтира олишни; - ТЁҚН билан боғлиқ СТЭ масалаларини ўтказиши тартиби, хужжатларини тўлдириш қоидаларини; -диагностик ва даволаш нуқсонларига мисоллар келтиришни; <p>2.2. Гурухда ишлаш қоидаси билан таништиради(1-илова). Баҳолаш мезонларини ҳам намойиш қиласи.</p>	<p>2.1. Ўқув натижаларини тақдим қиласи.</p> <p>2.2. Саволлар беради.</p> <p>2.3. Жавобларни тўлдиради.</p> <p>2.4. Жадвал устунларини тўлдиради ва муҳокамада иштирок этади.</p>
<p>3-боскич Якуний қисм (15 мин)</p>	<p>3.1. Машғулотни якунлайди, талабаларни баҳолайди ва фаол иштирокчиларни рағбатлантиради.</p>	<p>3.1. Эшитадилар.</p> <p>3.2 Топшириқни оладилар.</p>

Тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонлари (ТЁН) тушунчаси, таснифи, нуқсонлар мөҳияти, келиб чиқиши сабаблари

Тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонлари (ТЁН) термини билан ифодаланувчи тиббий ходимларнинг нотўғри ҳаракати, замонавий тиббиёт илмлари ва амалиёти, тиббий ходимларнинг малакасини ошириш, тиббий ёрдам кўрсатишнинг тиббий - ҳукуқий қоида ва нормативлари нуқтаи назарида кўриб чиқилади.

Тиббий ёрдам нуқсонлари (ТЁН) – бу тиббий ходимлар ўз касбий мажбуриятларини талаб даражасида тўлиқ ёки қисман бажармаслик билан боғлиқ нотўғри диагностика, bemорни нотўғри даволаш, профилактик чора-тадбирларни нотўғри ўтказиш натижасидаги нохуш салбий оқибатнинг кузатилиши демакдир.

Тиббий ходимнинг нотўғри ҳаракатларидан (ёки ҳаракатсизлигидан), у ёки бу салбий оқибатлар келиб чиқиши мумкин.

Куйидагилар нохуш салбий оқибатлар деб ҳисобланади:

- ўлимнинг ривожланиши;
- ҳаёт учун хавфли ҳолатнинг ривожланиши;
- умумий меҳнат қобилиятининг нисбатан турғун йўқолиши (камида 1\3 қисми);
- касбий меҳнат қобилиятининг тўлиқ йўқолиши;
- ҳомиладорликнинг узилиши;
- руҳий бузилиши;
- гиёҳвандликнинг ривожланиши;
- ВИЧ инфекция ёки бошқа оғир юқумли касалликлар билан заарланиш;
- ногиронликнинг ривожланиши;
- соғлиқнинг узоқ вақт бузилиши (4 ойдан ортиқ) кабилар тушунилади.

ТЁН босқичлари:

ТЁН тиббий ёрдам кўрсатишнинг **госпитализация олди** ва **госпитализация** этапларида бўлган нуқсонларга бўлинади.

Тиббий ёрдамнинг госпитализация олди даврида диагностиканинг 1- этапи ва у ёки бу касалликлари, шикастлари (травмалари) мавжуд bemорларнинг амбулатор даволаши ўтказилади. Тиббий ёрдам кўрсатишнинг бу этапи,

стационар типда ёрдам қўрсатишга мўлжалланмаган тез тиббий ёрдам, травма пунктлари, лазаретлар, поликлиникалар ва бошқа тиббий муассасалар томонидан (КВП) амалга оширилади.

Тиббий ёрдам госпитализация даврининг 2- звеноси бу туман ва шаҳар шифохоналари, тиббий-санитар қисмлар, маҳсус тиббий муассасалар ҳисобланади. Госпитализация даври беморнинг қабул бўлимига олиб келингандан бошланади ва айнан шу бўлимда bemorni стационарга ётқизиш ёки ётқизмаслик масаласи ҳал қилинади.

Тиббий ёрдам қўрсатишнинг госпитализация олди ва госпитализация этапларида ТЁНнинг қўйидаги 4 та тури учрайди: диагностик, даволаи, профилактик ва ташкилий нуқсонлар.

Диагностик нуқсонлар – bemorga тиббий ёрдам қўрсатишнинг ҳар хил этапларида патологияни (шикастни) нотўғри ёки ўз вақтида аниқлай олмаслик демакдир. Шунингдек, оғир йўлдош ёки асоратли патологиянинг ривожланиши билан кечувчи асосий патологияни нотўғри (ёки кечикиб) аниқлаш ҳам диагностик нуқсонларга киради.

Даволаи нуқсонлари – bemorda мавжуд патологиянинг чуқурлашиб кечиши ёки бошқа нохуш-салбий оқибатга олиб келувчи ҳолатларда зарур бўлган тиббий ёрдам қўрсатишни нотўғри ёки нотўлиқ ҳажмда бажарилиши тушунилади.

Профилактик нуқсонлар - бу тиббий ёрдам қўрсатиш жараёнида санитария нормативлари, қоидалари ва гигиеник нормативларига амал қилмаслик ҳолатида юқумли касалликларга қарши иммуно-профилактикани ташкиллаштириш ва ўтказиш қоида нормативларни бузишдир.

Ташкилий нуқсонлар – бу соғлиқни сақлаш вазирлигининг (ССВ) буйруқларида белгиланган ва бошқа норматив хужжатлар инструкцияларига, тиббий ёрдам қўрсатишнинг норма ва тартибларини, шунингдек тиббий муассасалардаги қоидаларни бузиш тушунилади.

ТЁН нинг сабаблари. Уларни шартли равишда қўйидаги 4 та асосий блокка бўлиш мумкин:

1. *Субъектив сабаблар* (тиббий ходимларнинг касбий ва лавозимли самарасининг етишмовчилиги ҳамда уларнинг нотўғри ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги):

- беморга нисбатан лоқайд бўлиш;
- тиббий ходим малакасининг етишмовчилиги;
- нотўлик текшириш.

2. *Ташкилий нуқсонлар:*

- ташкиллаштиришда даволаш - диагностик жараёнларининг етишмовчилиги;
- асосий диагностик воситаларнинг йўқлиги;
- даволашга ёндашувчанликнинг йўқлиги.

3. *Объектив сабаблар* (тиббий ходимларга, қолаверса тиббий муассасага боғлиқ бўлмаган ҳолатлар):

- bemorning шифокорга кеч мурожаат этиш;
- касаллик (шикастланиш) нинг атипик кечиши;
- тиббий ёрам кўрсатишдан объектив қийинчиликлар.

4. *Бошқа сабаблар.*

Беморга нисбатан эътиборсизлик (лоқайдлик) фақатгина ижобий сабабларининг йўқлиги ҳолатида ТЁНнинг малакали сабаби бўлиб ҳисобланиши мумкин. Диагностика ва даволашнинг мавжуд бўлган имкониятларидан фойдаланмасдан туриб, bemordan тўлиқ анамнез йигишни, унинг юзаки кўригини ўтказиш бу эътиборсизлик мезонидир. ТЁНнинг сабаби бўлган bemorga нисбатан эътиборсизлик бўлиш фақатгина у хақиқатдан ҳам тиббий ходимлар (шифокор, фельдшер, ҳамшира) томонидан содир этилган бўлса, мустақил омил сифатида кўриб чиқилади. Бу ҳолатда мутахассиснинг малакаси, қобиляти эътиборга олинмайди.

Беморнинг шифохонага тушгунга қадар ва шифохонада бўлган даврида қузатилган даволаш ва диагностика жараёнлари нохуш салбий оқибатларига сабаб бўлувчи омиллар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- 1) бемор (ҳомиладор аёл) ни ўз вақтида диспансер ҳисобига олмаслик,

- 2) беморларни, ҳомиладорлик патологияси бўлган тугувчи аёлни, хавф гурухидаги болаларни уй шароитида патронаж ва кўздан кечириш тадбирларининг бажарилмаганлиги;
- 3) bemorga nisbatan e'htioborsizlik (loqайд муносабатда bўliш);
- 4) tibbий hodimlarining malakasizligi;
- 5) врачнинг bemorni tekшиriш ва даволаш жараёнида ўз имкониятларига ортиқча (юқори) баҳо бериши;
- 6) kasallik anamnezini юзаки ўрганиш;
- 7) bemor aҳволининг oғirligini тўғри баҳолай olmaslik;
- 8) alkogol ёки наркотik mastlikka gumon қилиnaётgan bemorning zaruriy tekshiruvlardan ўtiшdan boш tortishi ёki tekshiruvlarning tўlik bажарилмаганлиги;
- 9) elementlar diagnostik tадбирларнинг va asosiy laborator xамda instrumental tekshiruv usullarining bажарилмаганлиги;
- 10) diagnostik tekshiruv tадбирларнинг talab daражасида bажарилмаганлиги;
- 11) bажарilgan tekshiruvlar natijalarinинг notўғri баҳolaniши;
- 12) mazkur tibbий muassasada zaruriy diagnostik vositalarning йўқлиги;
- 13) konzultativ (maslaҳat) ёрдамидан ўз vaқтида fойдаланmaslik;
- 14) bemorning tibbий ёrдамидан kechihib murojaat қilganligi;
- 15) bemorning aҳvoli oғirligi sababli tekshiruvlarni amalga oshiриш borasiда қийinchiliklar (muammolap) pайдо bўliши;
- 16) kasallikning tез kechuvi sababli zaruriy tekshiruvlarni bажariш учун vaқt etishmaganligi;
- 17) bemorni operatsiyaга tўlik tayёрlamaslik;
- 18) kasalikning tibbий amaliyётda kamdan-kam ҳолларда учраши;
- 19) uшбу bemorda mazkur kasalikning belgisiz va atipik kechuvi;
- 20) bemorni tekshiriш ва даволаш tадбирlарini amalga oshireshga rozi bўlmaganligi;
- 21) bemor organizmining ўзига хос anatomo-fiziologik ҳолати;

- 22) беморнинг динамик тарзда қузатувда бўлмаганлиги;
 - 23) зарурий даво воситаларининг йўқлиги;
 - 24) тиббий ходимлар томонидан белгиланган даво муолажаларининг бажарилмай қолганлиги;
 - 25) аҳволи оғир бўлган bemor зарурий парварища бўлмаганлиги;
 - 26) ушбу bemorda даволанишнинг самарасизлиги;
 - 27) bemor томонидан шифохона ва даволаниш тартиб - қоидаларининг бузилиши;
 - 28) тиббий хужжатларни юритища йўл қўйилган хатолар;
 - 29) bemorni асоссиз ҳолда бир бўлимдан иккинчи бўлимга ўтказиш;
 - 30) bemorga стационар вақтидан аввал жавоб бериш. (В.В. Томилин, Ю.И.Соседко 2000 й.)
- ТЁН билан боғлиқ суд-тиббий экспертиза масалалари вазифалари**

ТЁН нинг сабаб-оқибатини аниқлаш учун суд-тиббий экспертиза жараёнида қуйидаги масалалар хал қилиниши лозим:

- пациент (бемор)да касалликнинг (шикастнинг) диагнозини аниқлаш;
- кўрсатилган тиббий ёрдамни баҳолаш (шифокорнинг нотўғри харакатларини аниқлаш ва бошқалар);
- шифокор ҳаракати (ёки ҳаракатсизлиги) ва ривожланган оқибат ўртасида сабаб-оқибат кўринишидаги боғлиқликнинг мавжудлиги (ёки йўқлиги) ни аниқлаш.

Бу масалаларни ҳал қилиш учун шифокор ҳаракатини баҳоловчи модифициранган алгоритм тақдим қилинган (В.В.Колкутин, 2005й).

Шифокор ҳаракатини, айнан шифокор ҳаракатими ёки йўқлигини баҳолаш алгоритми босқичлари қуйидагилар:

I-этап. Текширилаётган ҳолатда патологик жараённинг мазмунини, шифокор ҳаракатини баҳолаш учун нималар асос бўлганлигини аниқлаш, тиббий ёрдамга мурожаат қилингунга қадар ва мурожаат қилгандан кейин, патологик жараённинг этиологияси ва патогенезини қамровчи тавсифи, унинг ривожланиш муддати, ривожланиш механизми, унинг ривожланиш темпи (ривожланмайдиган,

тезкор ривожланадиган, яшинсимон), клиник кечишининг оғирлиги (оғир, ўрта оғир, енгил, латент) ва учраш оралиғи назарда тутилади.

II-этап. Шифокорнинг кутилаётган (идеал) ҳаракатлар билан боғлиқ қуидаги позициялар бўйича реал содир этган ҳаракатларини тузиб чиқиш: боғлиқлик, тасдиқланиш ва тўлиқлик.

Боғлиқлик позицияси билан кечувчи шифокорнинг ҳаракатини баҳолаш шароитлари асосан тиббий ёрдам ва далилий (фактли) шароитлар фарқланади.

«Формал» шароитлар қонунлар, буйруқлар ва кўрсатмалар асосида белгиланади, «далилий» шароитлар эса шифокор ихтиёридаги имкониятлар - конкрет ҳолатда танланган вариандаги тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўладиган куч ва воситалар ҳисобланади.

Далилий шароитларни аниқлаш учун комиссия қуидагиларни намоён қилиши керак:

- тиббий ходимнинг маълумоти ва касбий тайёргарлик даражалари, шуғулланаётган касбий тиббий фаолият талабларига мос келадиган йўқми (у тиббий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгами ва бошқалар);
- тиббий ходим ўзининг ҳаракатлари (ёки ҳаракатсизлиги) жараёнида заарли оқибатларнинг келиб чиқишини пайқаганми, сезганми ёки йўқми;
- конкрет тиббий ҳолатни ҳисобга олган ҳолда заарли оқибатларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги, касбий тиббий маълумотнинг ҳамда тиббий ходимларнинг индивидуал (ўзига хос) сифатларини.
- малакали ва амалий қобилияtlарнинг мавжудлигини аниқлаш;
- заарли оқибатларнинг келиб чиқишини олдини олишга мос равища тиббий ёрдам тури ўтказилганми, ушбу масъул шахснинг меҳнат муносабатлари билан тиббий муассаса ўртасидаги боғлиқликнинг мавжудлиги, (қонунга белгиланган тартибда масъул шахснинг хусусий тиббий амалиёт билан шуғулланиши хақидаги фактлар (далиллар);
- тиббий ёрдам кўрсатиш йўлида ҳар хил вақт оралиғида белгиланган тиббий муасассада диагностика ва даволаш учун зарур бўлган воситаларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Тасдиқловчи позицияси билан кечувчи шифокорнинг ҳаракатини баҳолаш ҳаракатни бажаришга асос бўлган текширишларни англатади, улар қуидагилардир: bemorning шикоятлари, патологик жараённинг аниқланган белгилари хақидаги қонунчиликларни билиш ҳамда режалаштирилган ёки кўрсатилган тиббий ёрдам турини bemor соғлигига таъсир қиласиган оқибатлар.

Агар шифокорнинг ҳаракати жараёнида ҳар бир айтиб ўтилган асослар содир этилган бўлса, унда унинг ҳаракати тасдиқланади (кўрсатмаларга асосан ҳаракатлар). Агар уларнинг бирортаси содир этилмаган бўлса, унинг ҳаракатлари нотўғри деб баҳоланади (кўрсатмаларсиз бажарилган ҳаракатлар).

Тезкорлик (ўз вақтида) позицияси билан кечувчи шифокорнинг ҳаракатини баҳолаш, тезкорлик (ўз вақтида) ва кечиктириш (вақтдан ўтказиш) тартибда ўтказилади. Тезкорлик ҳаракатларини шошилинч, зудлик билан режали кўринишларга бўлиш мумкин.

III этап. Шифокорнинг нотўғри ҳаракати ва ривожланган оқибат ўртасидаги сабаб - оқибат боғлиқлиги мавжудлиги ва ҳаракатларини аниқлаш ҳамда патологик жараённинг белгилари ва шифокорнинг ҳаракатларини тузиб чиқиши.

Патологик жараёнга таалуқли бўлмаган шифокорнинг ҳаракатлари қуидагилардир:

1. Патологик жараён ўзи мустақил ривожланган вақтда (касаллик, травма-шикаст) қандайдир ўзаро таъсирнинг йўқлиги ҳамда шифокорнинг ҳаракатлари, уларнинг кечишига ҳеч қандай салбий таъсир қиласиги, аксинча, патологик жараённинг ривожланиш темпини секинлаштириш билан ҳарактерланади. Агар шифокорнинг ҳаракатлари ўзи ривожланган асосий патологик жараёнга таалуқли бўлмаса, ҳамда бошқа бир янги касаллик ривожланишига, соғлигининг ёмонлашувига олиб келмаса, унда ривожланган оқибат билан шифокор ҳаракатлари ўртасидаги боғлиқлик мавжуд бўлмайди. Асосий патологик жараённинг оғир кечишидан ривожланган салбий оқибатда ва bemor ҳаётини саклашда, ҳаттоқи тўғри шароитларда ўтказилган тиббий ёрдам муолажалари ҳам ёрдам бермаган ҳолатлар инобатга олинади (ривожланаётган оқибатни аниқлай олмайдиган ҳолатлар).

2. Шифокор ҳаракатларига юкланмаган (тааллуқли бўлмаган) ҳолатлар янги патологик жараённинг ривожланишига олиб келади, балки, улар мавжуд бўлган патологик жараённинг кечишини чуқурлаштиради ёки тезлаштиради, яъни тиббий ёрдамнинг йўқлиги (ўз вактида тиббий ёрдамни кўрсатмаслик) натижасида – bemorning ўлимига сабаб бўлиши билан ҳарактерланади. Бундай қўринишдаги шифокорнинг ҳаракатлари сабаб-оқибат қўринишидаги боғлиқлик мавжудлиги билан тасдиқланади.

НАЗОРАТ ТУРЛАРИ

- Оғзаки сўров;
- Саволларга ёзма жавоб бериш;
- Тест назорати;
- Графикли органайзерлар тузиш;

ТЕСТ НАЗОРАТИ САВОЛАРИ

А, В, С, Д, Е харфлари билан белгиланган тестлардан битта жавобни белгиланг.

1. Тиббий ёрдам нуксонлари деб нимага айтилади?

А. Тиббий ходимнинг уз касбий фаолияти билан boglik ишларни талаб даражада бажармаслиги натижасида нотугри ташхис куйиш ва даволаш окибатидаги нохуш салбий холатининг кузатилиши демақдир,
Б. Тиббий ходимнинг нотугри ташхис куйиш ва даволаш окибатидаги нохуш салбий окибатидир,
С. Тиббий ходимнинг нотугри ташхис куйиш ва даволаш окибатидаги ножуя хатти-харакатидир,
Д. Тиббий ходимнинг нотугри ташхис куйиш, даволаш окибатидаги билиб-бильмай килган ҳаракатидир,
Е. Тиббий ходимнинг кастан килган килмишидир.

2. Тиббий ходим фаолиятидаги нохуш салбий окибатлардан бирини курсатинг?

А. Беморда хаёт учун хавфли холат ривожланиши,
В. Беморнинг согайиб кетиши,

С. Жиноятлар, баҳтсиз ходиса, ятрогения,

Д. Врач хатоси, баҳтсиз ходиса, килмиш,

Е. Ножуя хатти-харакатнинг ривожланиши,

3. Тиббий ёрдам нуксонлари билан boglik нохуш салбий окибатларга кайси пункт кирмайди?

А. Беморнинг улими,

Б. Беморда хаёт учун хавфли холат ривожланиши,

С. Бемор умумий меҳнат кобилиятининг куп микдорда тургун йуколиши,

Д. Хомиланинг тушиши,

Е. Беморнинг даволашдан воз кечиши,

4. Тиббий ёрдам нуксонларининг объектив сабабини келтиринг?

А. Врач билан boglik сабаб,

Б. Врачнинг даволаш иши билан boglik сабаб,

С. Врачнинг тажрибасизлиги,

Д. Врач, тиббий ходим ва тиббий муассаса билан боглик булмаган сабаблар,

Е. Нотугри ташхис билан боглик сабаб.

5. Ун беш ёшли беморда касалликнинг симптомсиз ёки атипик кечуви тиббий нуксонларининг келиб чикиш сабабига кура кайси турига киради?

А. Субъектив ва объектив,
Б. Субъектив,
С. Объектив,
Д. Ташкилий,
Е. Профилактик.

6. Ун беш ёшли болани врач текшириб, унинг анамнезини етарлича тахлил килмади. Бу тиббий ёрдам нуксонларининг келиб чикиши сабабига кура кайси турига киради?

А. Субъектив ва объектив,
Б. Субъектив,
С. Объектив,
Д. Ташкилий,
Е. Профилактик.

7. Жаррохлик булимига 8 ёшли бола ётган эди, шифохонада диагностик асбоб-ускуна ва жихозлар йуклиги сабабли bemornining онаси бошка тиббий муассасига ёткизиш учун шифохонадан олиб чикиб кетди. Бу тиббий ёрдам нуксонининг кайси турига киради?

А. Ташкилий ва объектив сабаб булиб хисобланади,
Б. Субъектив сабаб булиб хисобланади,
С. Объектив сабаб булиб хисобланади,
Д. Ташкилий сабаб булиб хисобланади,
Е. Профилактик сабаб булиб хисобланади.

8. Тиббий ёрдам нуксонларининг келиб чикиш сабабига кура турларини айтинг?

А. Субъектив ва объектив,
Б. Ташкилий, реабилитацион,
С. Ташкилий, диагностик,
Д. Даволаш, субъектив,
Е. Объектив ва ташкилий.

9. Ун уч ёшли бемор даволаш муассасасидан кочиб кетди, онасининг яна кайта илтимосига биноан шифохонага ёткизилди, врача харакатсизлик сезилди. Бу тиббий нуксоннинг келиб чикиш сабабига кура кайси холатини курамиз?

А. Субъектив,
Б. Объектив,
С. Субъектив ва объектив,
Д. Субъектив, ташкилий,
Е. Объектив, ташкилий.

10. 9 ёшли болага амбулаторияда тиббий ёрдам нуксони диагностик чора-тадбирлар натижасида келиб чиқди. Буни нуксон кайси боскичга киради?

А. Госпитал боскичиди,
Б. КВП боскичиди,
С. Амбулатория боскичиди,
Д. Госпитал олди боскичиди,
Е. диагностик боскичиди.

11. Тиббий ёрдам нуксонларининг госпитал боскичига кайси тиббий муассасалар киради?

А. КВП,
Б. Лазарет,
С. Тиббий санитария кисмлар,
Д. Тиббий муассасалар стационарлари,
Е. Поликлиника,

12. Саккиз ёшли бола жаррохлик булимида аппендэктомия операциясидан кейин текширувда, операция майдонида метал жисм колиб кетганилиги тиббий ёрдам

нуксонининг кайси боскичидаги олганлигини билдиради?

А. Госпитал олди боскичда,

В. Стационар боскичидаги,

С. Госпитал боскичидаги,

Д. Операциядан кейинги боскичидаги,

Е. Поликлиника боскичидаги,

13. Турт ёшли бола булимда 10 кун мобайнида даволанмокда, тиббиёт ходими диагностик, даволаш муолажасини сифатсиз олиб бормокда. Бу тиббий ёрдам нуксонининг келиб чикиш сабаби ва боскичини курсатинг?

А. Объектив ва госпитал боскичи,

В. Субъектив ва госпитал олди боскичи,

С. Субъектив ва госпитал боскичи,

Д. Субъектив ва даволаш боскичи,

Е. Объектив ва диагностик боскичи.

14. Олти ёшли болани поликлиникада ёш врач отоларинголог кулогини текшираман деб, кулок пардасини шикастлади. Бу тиббий ёрдам нуксонини келиб чикиш сабаби ва боскичини курсатинг?

А. Объектив ва госпитал боскичи,

В. Субъектив ва госпитал олди боскичи,

С. Субъектив ва госпитал боскичи,

Д. Субъектив ва даволаш боскичи,

Е. Объектив ва диагностик боскичи.

15. Ун ёшли бола 5 кундан бери педиатрия булимида даволанмокда, лекин тиббий муассасада диагностик ва даволаш жихозлари этишмайди. Бу тиббий ёрдам нуксонининг келиб чикиш сабаби ва боскичини курсатинг?

А. Ташкилий ва госпитал боскичи,

В. Субъектив ва госпитал олди боскичи,

С. Субъектив ва госпитал боскичи,

Д. Субъектив ва даволаш боскичи,

Е. Объектив ва диагностик боскичи.

16. 14 ёшли болани поликлиникада инструментал ва лаборатор текширувларда енгил тан жарохати олди. Бу тиббий ёрдам нуксон боскичи ва йуналиши буйича турини курсатинг?

А. Ташкилий, госпитал олди боскичи,

В. Диагностик, госпитал олди боскичи,

С. Даволаш, госпитал олди боскичи,

Д. Диагностик, госпитал боскичи,

Е. Даволаш, госпитал боскичи,

17. 10 ёшли болага булимда венапункция манипуляцияси вактида енгил тан жарохати етказилди. Бу тиббий ёрдам нуксонининг боскичи ва турини курсатинг.

А. Ташкилий, госпитал боскичи,

В. Диагностик, госпитал олди боскичи,

С. Даволаш, госпитал боскичи,

Д. Диагностик, госпитал боскичи,

Е. Даволаш, госпитал олди боскичи,

18. Икки ёшли ракит билан касалланган болани КВП шароитида тиббий ходимлар уз вактида патронаж килмади. Бу тиббий ёрдам нуксонининг кайси куринишига киради?

А. Диагностик,

Б. Ташкилий,

С. Даволаш,

Д. Профилактик,

Е. Арлаш.

19. Жаррохлик булимига 12 ёшли бола ёткизилди, даволовчи врач тажрибали булим мудири ва илмий унвони булган мутахассислар билан маслаҳатлашмай операцияни утказди. Натижада бемор ногирон булиб колди. Бу тиббий ёрдам нуксонининг кайси куринишига киради?

А. Диагностик,

Б. Ташкилий,

С. Даволаш,
Д. Профилактик,
Е. Техник.

20. 13 ёшли киз болани стоматолог кабулида юкори жагидан тишини оламан деб гаймор бушлигини тешиб куйди. Бунда врач-стоматолог кандай тиббий ёрдам нуксонини содир килган?

- А. Госпитал олди боскичи, ташкилий нуксон,
В. Госпитал олди боскичи, диагностик нуксон,
С. Госпитал олди боскичи, даволаш нуксони,
Д. Госпитал боскичи, даволаш нуксони,
Е. Госпитал боскичи, диагностик нуксон.

21. 11 ёшли болани физиотерапия муолажаларини утказиш вактида бемор соглигининг бузилишига сабаб булган енгил тан жарохати олди. Бу тиббий ёрдам нуксонининг қайси турига киради?

- А. Ташкилий,
Б. Диагностик,
С. Даволаш,
Д. Профилактик,
Е. Реабилитацион.

22. Ун беш ёшли болани врач текшириб, унинг анамнезини етарлича тахлил килмади. Бу тиббий ёрдам нуксонларининг келиб чикиши сабабига куралған қайси турига киради?

- А. Субъектив ва объектив,
Б. Субъектив,
С. Объектив,
Д. Ташкилий,
Е. Профилактик.

23. Жаррохлик булимига 8 ёшли бола ётган эди, шифохонада диагностик асбоб-ускуна ва жихозлар йуклиги сабабли bemornining онаси бошқа тиббий

муассасига ёткизиш учун шифохонадан олиб чикиб кетди. Бу тиббий ёрдам нуксонининг кайси турига киради?

- А. Ташкилий ва объектив сабаб булиб хисобланади,
Б. Субъектив сабаб булиб хисобланади,
С. Объектив сабаб булиб хисобаланади,
Д. Ташкилий сабаб булиб хисобланади,
Е. Профилактик сабаб булиб хисобаланади.

24. Беморда касалликнинг симптомсиз ёки атипик кечуви тиббий нуксонларининг келиб чиқиши сабабига күра қайси турига киради?

- А. Ташкилий
Б. Субъектив
С. Субъектив ва объектив
Д. Объектив
Е. Профилактик

25. Кабул булими навбатчи врачи тажрибасизлиги туфайли кон тахлилини нотугри текширувдан утказди. Бу тиббий ёрдам нуксонларининг келиб чиқиши сабабига күра қайси турига киради?

- А. Ташкилий
Б. Субъектив ва объектив
С. Объектив
Д. Субъектив
Е. Профилактик

26. Тиббий ёрдамнинг кечикиб, тулик курсатилмаслиги нуксонларининг келиб чиқиши сабабига күра қайси турига киради?

- А. Даволаш, субъектив
Б. Ташкилий, реабилитацион
С. Ташкилий, диагностик
Д. Субъектив, объектив ва ташкилий
Е. Объектив ва ташкилий

27. Беморда манипуляция (ангиография) утказиш натижасида тусатдан рефлектор равища юраги тухтаб колди. Бу холатни қандай баҳолайсиз?

- А. Тиббиёт ходими килмиши.
- В. Бахтсиз ходиса,
- С. Касбий малакасизлик,
- Д. Врач локайдлиги,
- Е. Врач хатоси,

28. Турт ёшли бола бўлимда аник ташхисиз 10 кун мобайнида даволанмокда, сабаби тиббиёт ходими шу утган вакт мобайнида тулик диагностик текширувлардан утказмаган. Бу тиббий ёрдам нуқсонининг келиб чиқиш сабаби ва босқичини кўрсатинг?

- А. Объектив ва диагностик босқичи
- В. Субъектив ва госпитал босқичи
- С. Субъектив ва госпитал олди босқичи
- Д. Объектив ва госпитал босқичи
- Е. Субъектив ва даволаш босқичи

29. Поликлиникада тиббий ходим олти ёшли боланининг кулогини юваман деб, пардасини шикастлади. Бу тиббий ёрдам нуқсонини келиб чиқиш сабаби ва босқичини кўрсатинг?

- А. Объектив ва диагностик босқичи
- В. Субъектив ва госпитал олди босқичи
- С. Объектив ва госпитал босқичи
- Д. Субъектив ва госпитал босқичи
- Е. Субъектив ва даволаш босқичи

30. Туман марказий шифохонасининг педиатрия бўлимида зарур диагностик жихозларнинг йўклиги сабабли 10 ёшли боланинг касаллигини аниглашнинг имкони булмаяпти. Бу тиббий ёрдам нуқсонининг келиб чиқиш сабаби ва босқичини кўрсатинг?

- А. Субъектив ва госпитал босқичи

- Б. Ташкилий ва госпитал босқичи
- С. Субъектив ва госпитал олди босқичи
- Д. Объектив ва госпитал олди босқичи
- Е. Субъектив ва даволаш босқичи

31. Диагностика булимида bemorga сидик puфагини текшириш максадида вена ичига 30 см³ 70% дийодон эритмаси юборди. Беморда талваса хуружи бошланиб биологик улим кайд килинди. Сиз бу жараёнга қандай баҳо берасиз?

- А. Касбий малакасизлиги,
- Б. Врач хатоси,
- С. Врач эҳтиётсизлиги,
- Д. Бахтсиз ходиса,
- Е. Врач совукконлиги.

32. Олий маълумотли ҳамшира уй шароитида мутахассислик дипломини олмасдан, bemorlarни даволаш билан шуғулланмокда, бу холатни қандай баҳолайсиз?

- А. Мансабини сунстерьмол қилиш
- Б. Савдо қилиш ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш
- С. Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш
- Д. Тўғри ҳаракат олиб бормокда
- Е. Ўз лавозимига лаёқатсиз қараш

33. Терапия булимида тиббий ходим ушбу булимда ётиб даволанмаган Н. исмли фукарога даволанган деган маълумотнома берди. Ушбу холат қандай боҳоланади?

- А. Хужалик фаолиятида учрайдиган жиноятлари
- Б. Оила, ахлоқ ва ёшларга қарши жиноятлари
- С. Мансаб соҳтакорлиги
- Д. Хаётга ва соғлиқга хавф солувчи жиноятлари
- Е. Оиласда учрайдиган жинятлар

34. Қандай холларда тиббий ходимларни ўз касбига

совуқонлик билан қараш деб таърифланади?

- A. Қобилиятсизлиги,
- B. Малакасизлиги, ўқувсизлиги,
- C. Бепарволиги, лоқайдлиги,
- D. Касалликнинг атилик кечуви,
- E. Қобилиятсизлиги, касалликнинг атилик кечуви

35. Травмотология шифохонасида тиббий ходим беморнинг гипс

1, 2, 3, 4 ракамлари билан белгиланган тестларга куйидаги харфли коддан фойдаланган холда жавоб белгиланг:

A — тугри: I, 2, 3. B — тугри: 1, 3. C — тугри: 2, 4. D — тугри: 4. E — тугри: 1, 2, 3, 4.

36. Тиббий ёрдам нуксонлари билан боғлик ноҳуш салбий окибатларни курсатинг?

- 1. Беморнинг улими,
- 2. Беморда хаёт учун хавфли холат ривожланиши,
- 3. Бемор умумий меҳнат кобилиятининг куп микдорда тургун йуқолиши,
- 4. Хомиланинг тушиши

37. Тиббий ёрдам нуксонларининг субъектив сабабларига нималар киради?

- 1. Врачнинг профессионал кобилиятсизлиги,
- 2. Бемор ахволига эътибор бермаслик,
- 3. Малакасизлик,
- 4. Анамнезнинг етарлича тахлил килинмаслиги,

38. Тиббий ёрдам нуксонлари мөхияти буйича булинади:

- 1. Даволаш,
- 2. Касалга етарли эътибор бермаслик,
- 3. Диагностика,
- 4. Керакли жихозларнинг этишмаслиги,

39. Тиббий ёрдам нуксонларининг салбий окибатларига киради:

- 1. Салбий,
- 2. Улимга олиб келувчи,
- 3. Ижобий,

богламини ечиш вактида болдири юмшок тукималарини шикастлади. Ушбу холатни баҳолаб беринг?

- A. Тиббий ходим ножуя хати-харакати.
- B. Ятрогения,
- C. Шифокор хатоси,
- D. Баҳтсиз ходиса,
- E. Тиббий ходим жинояти

1, 2, 3, 4 ракамлари билан белгиланган тестларга куйидаги харфли коддан фойдаланган холда жавоб белгиланг:

A — тугри: I, 2, 3. B — тугри: 1, 3. C — тугри: 2, 4. D — тугри: 4. E — тугри: 1, 2, 3, 4.

4. Улимга олиб келиш мумкин булган сабаблар,

40. Беморнинг тиббий ёрдамга кеч мурожаат килиши тиббий ёрдам нуксонларининг келиб чикиш сабабига кура кайси турига киради?

- 1. Субъектив,
 - 2. Ташкилий,
 - 3. Субъектив ва объектив,
 - 4. Объектив,
- 41. Тиббий ёрдам нуксонларининг госпитал олди боскичига кайси тиббий муассаса кирмайди?**

- 1. Амбулатория,
- 2. Поликлиника,
- 3. Травм пункт,
- 4. Шошолинч тиббий ёрдам маркази.

42. Тиббий ёрдам нуксонлари боскичи буйича турларини курсатинг?

- 1. Госпитал олди боскичи,
- 2. КВП боскичи,
- 3. Госпитал боскичи,
- 4. Туман марказий шифохонаси боскичи,

43. Тиббий ёрдам нуксонларини турларини курсатинг?

- 1. Ташкилий,
- 2. Диагностик,
- 3. Даволаш,
- 4. Профилактик

44. Нефрология булимида 10 ёшли бола нотугри даволаниши натижасида соглигининг узок муддатга бузилиши содир булди. Кандай окибат ривожланди?

1. Профилактик куринишидаги ТЁН билан боглик нохуш салбий окибат,

2. Диагностик куринишидаги ТЁН билан боглик нохуш салбий окибат,
3. Ташкилий куринишидаги ТЁН билан боглик нохуш салбий окибат,
4. Даволаш куринишидаги ТЁН билан боглик нохуш салбий окибат,

Жавоблар жумласи алохида мазмунга эга булган икки кисмдан иборат, икала кисм «чунки» boglovchi билан bogланган тестларда 1-чи ва 2-чи кисм жумлалари мазмунининг алохида тугри ёки нотугрилигини, кейин эса уларнинг бирлашган холидаги мазмунининг алокадорлигини аникланг ва куйидаги харфли коддан фойдаланган холда жавоб белгиланг:

Жавоб	1-жумла	2-жумла	Боглам
A	тугри	тугри	тугри
B	тугри	тугри	нотугри
C	тугри	нотугри	нотугри
D	нотугри	тугри	нотугри
E	нотугри	нотугри	нотугри

45. Диагностик муолажаларни малакасиз бажариш ТЁКН субъектив сабабларига киради, чунки тиббий ходим фаолияти билан боглик ТЁКН субъектив сабаб хисобланади.

46. Ятроген патология бемор айби билан ривожланади, чунки бемор билан боглик ТЁКН объектив сабаб хисобланади.

47. Туман Марказий Касалхонасида асосий касалликни кеч диагностикалаш госпитал боскич дефектига киради, чунки госпитал боскич касалхона кабул булимидан бошланади.

48. Организмнинг анатомо-физиологик хусусиятлари, касалликнинг атипик кечиши ТЁКН объектив сабабларига киради, чунки бемор билан боглик ТЁКН объектив сабаб хисобланади.

49. Поликлиникада йул куйилган ТЁКН госпитал олди боскичга киради, чунки КВПДа йул куйилган нуксон хам госпитал олди боскичга киради

50. Тиббий фаолиятдаги баҳтсиз ходиса ТЁКНга кирмайди, чунки баҳтсиз ходиса салбий окибатга олиб келмайди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

- ✓ Тиббий ёрдам нуксони тушунчаси, моҳиятини айтиб беринг.
- ✓ Тиббий ёрдам нуксони таснифи, сабабларини айтиб беринг.
- ✓ Тиббий ёрдам нуксони билан боғлиқ нохуш салбий оқибатларни кўрсатинг.
- ✓ Нохуш салбий оқибатларнинг ҳуқуқий баҳоланишини айтинг
- ✓ Ташкилий нуксонларнинг турларини санаб беринг.

- ✓ Тиббий ёрдам нуқсонининг сабабларига нималар киради?
- ✓ Тиббий ёрдам нуқсони билан боғлиқ суд-тиббий экспертиза масалалари вазифаларига нималар киради?
- ✓ Шифокор ҳаракатини, айнан шифокор ҳаракатими ёки йўқлигини баҳолаш алгоритми босқичларини кўрсатинг?
- ✓ Даилий шароитларни аниқлаш учун комиссия нималарни намоён қилиши керак?
- ✓ Патологик жараёнга тааллуқли бўлмаган шифокорнинг ҳаракатларига нималар киради.
- ✓ ТЁН билан боғлиқ суд-тиббий экспертизада кимлар қатнашади?
- ✓ Тиббий куч ва воситаларни норационал тақсимланиши тиббий фаолият юритувчи хужжатлардаги норматив ҳолатларни била туриб бузиш ТЁНнинг қайси турига киради?
- ✓ Ҳозирги вақтда ТЁН лари ошиб бормоқда, бу ҳақда сизнинг фикрингиз?
- ✓ Шифокор ҳаракатини айнан шифокор ҳаракати ёки йўқлигини баҳолаш алгоритми босқичлари.
- ✓ Тезкорлик ҳаракатларининг турлари.
- ✓ ТЁН нинг профилактик нуқсонлари .
- ✓ ТЁН нинг бошқа сабабларига изох.
- ✓ ТЁН билан боғлиқ бўлган суд- тиббий экспертиза жараёни қандай масалаларни ҳал қиласди?

Талабалар мустақил ишини ташкил қилиш учун кўрсатмалар

- ❖ Ўкув гурӯҳи ичидаги «Тиббий ёрдам нуқсони» мавзусида анжуманлар ўтказиш.
- ❖ Мавзуга оид альбом, макет, стенд, слайд, ўкув жадвалари ва тест саволлари тузиш.
- ❖ Ўқитувчи назорати остида «Тиббий ёрдам нуқсонининг сабаблари» мавзусида мунозарали сұхбат ўтказиш.
- ❖ Мавзу бўйича янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда интерактив ўйинлар ўтказиш.

1 - илова

Гурӯҳ билан ишлаш қоидалари

Гурух аъзоларининг ҳар бири:

- ўз шерикларининг фикрларини хурмат қилишлари лозим;
- берилган топшириклар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;
- ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;
- ёрдам сўраганларга қўмак беришлари лозим;
- гурухни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим;
- «Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз ёки бирга қутиламиз» қоидасини яхши билишлари лозим.

1 - Ўқув топшириқ

1. Саволга жавобни шакллантиринг.

- Нохуш салбий оқибатларга мисоллар келтиринг?
- ТЁКНнинг госпитал олди босқичига кирувчи муассасаларни айтинг.
- ТЁКН билан боғлиқ СТЭ саволларни келтиринг.

2. Ушбу тушунчаларнинг мазмунини ёритинг:

Диагностик, даволаш, профилактик, ташкилий нуқсонлар; субъектив, объектив, ташкилий сабаблар, шифокор ҳаракати, шифокор ҳаракатсизлиги.

2-Ўқув топшириқ

1. 6 - мавзууда баён этилган маълумот мазмунини диққат билан ўрганиб чиқинг.
2. Чизмали организерларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилинг (таклиф қилинган асосий тушунчалардан фойдалансангиз бўлади).

Чизмали организерлар	Асосий тушунчалар (калит сўзлар)
Кластер (1.1)	«Тиббий ёрдам нуқсонлари». « Тиббий ёрдам нуқсонлари сабаблари» «Нохуш салбий оқибатлар». «Тиббий экспертиза турлари».
Б.Б.Б. жадвал (1.2 - намуна) Тоифали жадвал (1.3 – намуна)	- Комиссион экспертиза. - Тиббий ёрдам кўрсатиш нуқсонлари. - Диагностик хатолар. -Даволаш хатолари.

Инсерт жадвали (1.4 – намуна)	-Профилактик хатолар.
«Нима учун?» (1.6 - намуна)	- Нима учун ТЁН билан боғлиқ суд-тиббий экспертиза ўтказилади? -Нима учун ТЁН ўрганилади? - Нима учун ТЁН содир этилади?
«Балиқ скелети» (1.7 - намуна)	-Даволаш нуқсонларининг мавжудлиги. -Диагностик нуқсонларининг мавжудлиги. -Профилактик нуқсонларининг мавжудлиги.
«Т – жадвал» (1.8 - намуна) CWOT (1.9 - намуна)	- Тиббий аралашувни рад этиш. - Фуқароларнинг розилигисиз тиббий ёрдам кўрсатиш. - Ихтисослашган тиббий ёрдам. -ТЁКН олдини олиш.
«Қандай?» (1.10 - намуна)	- Нохуш салбий оқибатларга қандай омиллар сабаб бўлади? - ТЁН билан боғлиқ суд-тиббий экспертиза ўтказиш. -ТЁКН олдини олиш
«Нилуфар гули» (1.12 - намуна)	Аввал олинган маълумотларга асосланиб чизма ёки диаграмма (ҳоҳишингизга биноан) ишлаб чиқинг: - асосий муаммо - кичик муаммо

**4-
МАВЗУ**

Тиббий ходимларининг килмишлари (айб-хатолари). согликга етказилган зарар. Тиббий ходимларнинг ножуя хатти-харакатлари, турлари, врач хатолари турлари келиб чикиши сабаблари. Тиббий амалиётда бахтсиз ходисалар. Ятроген касалликлар ва шикастлар. Тиббий ходимларнинг фуқаролик-процессуал жавобгарлиги. Согликга етказилган зарар, уни аниклаш, ундириш тартиби ва воситалари.

Ўқитишнинг технологияси

Вакти 5 - 6 соат	Талабалар сони: 8 - 9 нафар
Уқув машғулоти шакли	Билимларни чукурлаштириш, кенгайтириш ва амалда бажариш бўйича амалий машғулот.
Амалий машғулотнинг тузилиши	-Тиббий ходимнинг ножўя хатти- харакатлари; -тиббий ходимнинг ножўя хатти-харакатларининг турлари; -врач хатоси; -бахтсиз ходиса; -ятрогения; -фуқаролик айб хатолари; -маъмурий айб хатолар; -интизомий айб хатолар; - тиббий ходимнинг ножўя хатти- ҳаракатларини жазолаш тартиби.
Уқув машғулотининг мақсади: Тиббий ходимнинг айб хатолари, уларнинг турлари, сабаблари, босқичлари, оқибатлари ҳамда жазолаш турлари билан	
Педагогик вазифалар: - Тиббий фаолиятдаги қилмишлар тушунчасига таъриф беради, - қилмишларнинг турлари, сабабларини кўрсатади, - врач хатоси, бахтсиз ходиса, ятроген патология ва уларнинг йўл кўйилиш босқичларига тушунча беради.	Уқув фаолиятининг натижалари: Талаба: -Тиббий ходимнинг ножўя хатти-харакатлари турларини ўрганади; - фуқаролик айб хатоларини ўзлаштиради; - маъмурий айб хатолар турларини ўзлаштиради; - интизомий айб хатолар ва жазолаш тартибини ўрганади; -бахтсиз ходисалар ва уларнинг сабабларини ўрганади; -врач хатолари сабаблари баҳолаш мезонларини
Ўқитиш услуби ва техникаси	Блици-сўров, биргаликда ўқиймиз, "Айб -хато» сўзига
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, ўқув қўлланма, жадваллар, бўр, доска. Компьютер мультимедия дарсликлиари, СТЭ
Ўқитиш шакли	Билимларни чукурлаштириш ва кенгайтириш, индивидуал ва гурӯҳ бўйича ўқитши.
Ўқитиш шароитлари	Мавзуга мос жиҳозланган аудитория (СТЭ обьектлари, СТЭ ҳужжатлари ва ҳ.к.).

Амалий машғулотнинг технологик картаси

Босқичлар вакти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Кириш (15 мин)	<p>1.Мавзу: Тиббий ходимларнинг килмишлари. Согликга етказилган зарар.</p> <p>Мақсад:Тиббий ходимнинг айб хатолари, уларнинг турлари, сабаблари, босқичлари, оқибатлари, ҳамда жазолаш турлари, уларнинг олдини олишни ўрганиш.</p> <p>Режа: -Тиббий ходимлар касбий ҳуқуқбузарликлари, турлари билан таништириш;</p> <p>-интизомий, фуқаролик, маъмурий қилмишлар, уларнинг сабабларини ўргатиш;</p> <p>-баҳтсиз ходиса, сабаблари, аниқлаш мезонларини ўргатиш;</p> <p>-врач хатоси ва ятроген патологиялар тушунчалари билан танишиш;</p> <p>-тиббий ходимлар ҳуқуқбузарликларини олдини олиш масалалари ҳақида тушунча бериш;</p> <p>-тиббий ходимнинг ножӯя хатти- харакатларини жазолаш тартибини ўрганиш.</p> <p>Машғулот ҳамкорликда ишлаш технологиясини қўллаган ҳолда (органайзерлардан фойдаланиб) ўтишни маълум қиласди (жадвал1).</p> <p>1.2.Ақлий ҳужум усулидан фойдаланган ҳолда аудиториянинг тайёргарлик даражасини аниқлайди: «Тиббий ходимларнинг касбий ҳуқуқбузарликлари»</p>	<p>1.1. Мавзуни ёзди ва саволларга жавоб беради. Адабиётлардан фойдаланиб, органайзерларни мустақил тузади, ўзаро таққослайди, тўлдиради, муаммони аниқлаш ва ечим варианtlарини ишлаб чиқиш учун ижодий ёндашади</p>

2-боскич Асосий қисм (150 мин)	<p>2.1. Талабаларни 2-3 гурухга бўлади, ҳар бирига вазифа беради: (саволларга жавоб бериш - топширик организер чизмасини чизиш – 1-жадвал, тест ишлаш). Машғулот сўнгидаги кутилаётган ўқув натижаларини эслатади (талаба билиши керак):</p> <ul style="list-style-type: none"> -Тиббий ходимлар касбий хукуқбузарликлари, турларини; -интизомий, фуқаролик, маъмурий қилмишлар, уларнинг сабабларини; -бахтсиз ҳодиса, сабаблари, аниқлаш мезонларини; -врач хатоси ва ятроген патологиялар тушунчаларини; -тиббий ходимлар хукуқбузарликларини олдини олиши масалаларини. <p>2.2. Гурухда ишлаш қоидаси билан таништиради (1-</p>	<p>2.1. Уқув натижалари ни тақдим қиласидилар.</p> <p>2.2. Саволлар беради.</p> <p>2.3. Жавобла рни тўлдиради.</p> <p>2.4. Жадвал устунларини тўлдиради ва</p>
3-боскич Якуний қисм (15 мин)	<p>3.1. Машғулотни якунлайди, талабаларни баҳолайди ва фаол иштирокчиларни рағбатлантиради.</p> <p>3.2. Мустакил иш сифатида «Тиббий ходимларнинг</p>	<p>3.1. Эшитадилар</p>

Касбий хукуқбузарлик – бу тиббий ходимнинг ўз касбий фаолияти билан боғлиқ вазифалари, бурчлари, мажбуриятларини белгиланган тартибга, қоидага, буйруқка, йўриқномага ва қонунга зид ҳолда қасдан (ўз манфаатини кўзлаган ҳолда) ёка бепарволик туфайли бажармаслик демакдир.

Касбий хукуқбузарликлар хукуқий нуқтаи назардан 2 гурухга бўлинади:

1. Қилмиш (айб-хато).

2. Жиноят.

Қилмиш – бу жамият учун хавфли бўлмаган белгиланган тартибга хилоф, ноўрин хатти-харакат бўлиб, бу ҳолат юзасидан қонунда жиноий жавобгарлик белгиланмаган. Бироқ ҳар қандай қилмишга маъмурий, интизомий, аҳлоқий жазо қўлланилади. Шу сабабларга кўра қилмишлар 3 гурухга бўлинади:

а) фуқаролик айб хатолар. Даволаш муассасаси мулкига зиён етказиш (медикаментларнинг тўғри сақлай олмаслик), шунингдек, беморни нотўғри даволаш оқибатида зиён етказиш;

б) маъмурий айб хатолар. Даволаш муассасаси бошқарув тартибининг бузилиши. Масалан, бемор госпитализацияси, техника хавфсизлиги, ёнғинга қарши, санитар-эпидемиологияга қарши қоидаларни бузиш;

в) интизомий айб хатолар. Соғлиқни саклаш тизими муассасаларида ўрнатилган хулқ-атвор меъёрлари, яъни меҳнат, хизмат, ишлаб чиқариш

интизомининг бузилиши тушунилади. Интизомий айб хатоларга қуидагилар киради:

- ишга келмаслик, ишга кеч қолиш, бош шифокор, унинг ўринбосари ва бўлим бошлиғи топшириқларини бажармаслик ва ҳоказолар.

Айб хато бир вақтда ҳукуқ - тартибининг бир неча томонлама кўринишига эга бўлиши мумкин, (ҳукуқий-фуқаролик ва маъмурий, интизомий ва бошқ.) Масалан, тиббиёт ходими ички интизом қоидаларини бузган ҳолатда даволаш муассасасига заар етказади, унинг ҳаракати бир вақтнинг ўзида маъмурий ва фуқаролик айб хатоси деб ҳисобланади.

Айб хатонинг ҳар бир турида жавобгарлик белгиланган.

Тиббиёт ходимларнинг фуқаролик жавобгарлиги уларга нисбатан жазолар ёки жазо қўллашдан иборат. Масалан, мол-мулкка заар етказилганда ўрнини қоплаш, дори-дармонлар қўп миқдорда ишлатилганда, нотўғри даволаниш оқибатида бемор меҳнат қобилиятини йўқотганда, нафақат суд орқали (фуқаролик арзи), балки жамоат тартиби орқали олиниши мумкин.

Тиббиёт ходимларининг моддий жавобгарлиги фақат тиббиёт ходимлари томонидан тиббиёт муассаса ёки беморга етказилганда тўлиқ бўлиши мумкин. Агар ходим билан тўлиқ моддий жавобгарлик бўйича шартнома тузилган бўлса, ёки чекланган бўлса (яъни олдиндан ўрнатилган тартиб бўйича зарарни қоплаш қоидалари бўйича); ходимлар ўз ихтиёрий равишда зарарни қоплашдан бош тортсалар у қонунга асосан ундирилади. Етказилган заарар ўлчами ишчининг ўртacha ойлик иш ҳаки ҳисобидан 1/3 қисмдан зиёд бўлмаса, у суд орқали ундирилади.

Тиббиёт ходимларига нисбатан маъмурий жавобгарлик қуидаги кўринища бўлади: жарима, конфискация (асбоб ускуналарни, препаратларни ўрнини қоплаш), эгаллаб турган лавозимидан вақтинчалик четлатиш ва бошқалар. Маъмурий жавобгарлик асосан ҳокимият қошида ташкил этилган маъмурий комиссиялар орқали ҳамда маълум бир мансабдор шахслар (милиция ходимлари, касаба уюшмаси ходимлари) орқали амалга оширилади.

Интизомий жавобгарликлар асосан ходим фаолият кўрсатган тиббиёт муассаса маъмурияти томонидан ёки бўйсуниш тартиби орқали юқори ташкилот

томонидан интизомий жазолар (огохлантириш, хайфсан, бошқа лавозимга ўтказиш, ишдан четлатиш ва бошқалар) орқали амалга оширилади.

Айб хато аниқлангандан сўнг интизомий жазо белгиланади ва у айб хато содир этилгандан сўнг 6 ой ичida қўлланилиши мумкин.

Тиббий ходимларнинг фаолиятида кўпинча интизомий ва фуқаролик айб хатолар кузатилади.

Тиббий амалиётда врач хатолари ва баҳтсиз ҳодисаларнинг тиббий-хуқуқий тамойиллари

Врачларнинг хатоси – бу врачнинг ҳаракати ва муҳокамасида сидқидилдан янгилишишидир. Баъзан, врач маълум бир конкрет ҳолатда ўзининг хақлигига ишонган ҳолда, вижданни нимани кўрсатса, шунга қараб сидқидилдан ҳаракат қиласи ва шунга қарамасдан хатоликка йўл қўяди.

Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор.

1. *Врачлар хатосининг объектив сабабларига қўйидагилар киради:* -тиббиётнинг шу соҳаси бўйича касалликнинг этиологияси, патогенези ва клиник белгилари тўлалигича маълум бўлмаслиги, ташхис кўйишнинг объектив қийинлиги, касалликнинг ноаниқ ўтиши, бир bemорда бир нечта касалликлар бўлиши, bemорнинг оғир хушсиз ҳолда бўлиши ёки текшириш учун вақт етишмаслиги ва керакли диагностик аппаратларнинг бўлмаслиги.

2. *Врачлар хатосининг субъектив сабаблари:* врачнинг тайёргарлиги ва амалий тажрибасининг етишмаслиги туфайли анамнезтик маълумотларни, клиник кузатиш натижаларини, лаборатория ва инструментал текширув усувларини яхши баҳолай олмаслиги ёки ўзининг билимини ва имкониятларини ортиқча баҳолаш ва бошқалар киради.

Врачлик хатосига йўл қўйлишида врачнинг ҳаракатида ҳеч бир жиноят белгилари кузатилмайди. Бунда врачнинг фаолиятида қонун билан ҳимояланувчи шахснинг соғлиги ва ҳаётига хавф соловчи ҳеч бир жиноят изи йўқ. Шунинг учун врач ўзининг хатоси учун жиноий жавобгарликка эмас, балки маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Врачларнинг хатосини қўйидаги турларини фарқлаш мумкин:

- диагностик хатолар;

- *техник хатолар;*
- *даволаши усуларини танлаши ва даволашидаги хатолар;*
- *тиббий ёрдамни ташкил қилишидаги хатолар,;*
- *тиббиёт ҳужжаттарини тулгазишдаги хатолар;*
- *тиббиёт ходимларининг ахлоқий хатолари (деонтологик ҳолатлар).*

Тиббий фаолиятда врач хатоларидан қочиб бўлмайди. Врачга боғлиқ бўлмаган нафақат субъектив, шу билан бирга объектив хатолар ҳам учраб туради. Шунга қарамай, ҳар бир врач хатоси албатта таҳлил қилиниши ва ўрганилиши лозимки, у бошқа хатолар манбаига айланиб қолмаслиги керак.

Амалиёт шуни кўрсатадики, врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларига нисбатан шикоятлар сезиларли фоизни ташкил қилиб, булар тиббий ходимларнинг bemорларга ва уларнинг яқинларига нисбатан ноўринли ёндашиши, деонтологик қоида ва нормаларни бузишда намоён бўлади.

Диагностик хатолар. Клиник диагноз – бирмунча мурракаб қўп компонентли текширув бўлиб, бир томондан касалликнинг этиологияси, патогенези, клиник ва патоморфологик белгиларнинг юзага чиқиши, бошқа томондан эса маълум касалликнинг индивидуал хусусияти ва кечишига боғлиқ бўлади. Кўпчилик касалликлар жараёни ўзини яширин даври билан узоқ ва амалий жиҳатдан симптомсиз кечиши ҳолатида бўлиши мумкин. Бу ёмон сифатли ўсмалар (ёшлик даврларда), сурункали заҳарланиш, ўлик ҳомиладорлик ва бошқаларга тааллуқли. Кўпинча диагнозда қийинчиликлар юзага келиши айрим касалликларнинг яширин ва тез кечиши билан боғлиқ бўлади.

Юқорида айтиб ўтилгандек, касалликларни атипик кечиши, бир инсонда икки ёки бир қанча касалликларни комбинациялашган кўринишида кечиши ва bemорнинг қисқа вақтда оғир хушсиз ҳолати ташхис қўйиш қийинчилигини туғдиради.

Алкоголдан мастлик ҳолати диагностикасини бир қанча қийинлаштириб, кўпинча касаллик ва травмалар симптомларини ниқоблайди ёки ўзгартиради.

Диагностик хатоларга оид мисоллар:

1. 13 ёшли бола қорнида оғриқ, кўнгил айниши, қўп қусиши, суюқ сувсимон нажас кузатилиб 2- куни ахлат массасида шиллиқ пайдо бўлди. Тана ҳарорати

38°С га күтарили. Бола ва унинг ота-онаси касалликни овқатланиш билан боғлаб, болаларни даволаш бўлимига қоринда тарқалган оғриққа шикоят қилиб келди. Объектив кўриқда қорин бир қанча таранглашган ва барча соҳалари оғриқли эканлиги аниқланади. Қорин пардада таъсирланиш белгилари йўқ. Дефикациядан сўнг қорин юмшади, оғриқ кўтариливчи ва тушувчи ичак қисмлари бўйлаб кузатилади. Конда лейкоцитоз (16 500 лейкоцитлар ҳисобига) СОЭ 15 мм\с «ўткир гастроэнтрит» диагнози қўйилиб, консерватив даво тавсия қилинди. Даво муолажаларидан кейин ҳам бола ахволи яхшиланмади. Стационар даволанишнинг 3-куни уни жарроҳ кўриб, хирургик касалликни аниқлади ва жарроҳлик бўлимига ўтказишни тавсия килди. Боланинг умумий ахволи оғирлашиб, перитонит белгилари юзага келгандан сўнг лапоратомия қилинди. Қорин бўшлиғида суюқ йиринг топилди. Перитонит манбаи кичик чаноқ бўшлиғида кўричак ва сигмасимон ичаклар оралиғида жойлашган гангриноз - ўзгаришличувалчангсимон ўсимта эканлиги аниқланди. Болани кутқаришнинг имкони бўлмади. У тарқалган перитонит туфайли ривожланган умумий организм интоксикациясидан вафот этди. Суд-тиббий эксперталар комиссияси хulosасига кўра ўлим сабаби кечикган диагностика, ўткир аппендицит атипик кечиши, ўсимтани кичик чаноқ бўшлиғида файриодатий жойлашуви деб белгиланди.

2-мисол. Бемор 56 ёшда. Тарқалган атроф тўқима билан инфильтрацияланган флегмонозли аппендецит кўр ичакнинг хавфли ўスマси билан адаштирилган. Бемор текширувдан ўтказилганда унда қайта-қайта қусиш, озиб кетиш аппендицитга хос симптомларининг йўқлиги, аниқ билинадиган ўнг ёнбош соҳада ўсмасимон ҳосила, пайпасланганда ичак тутилиши каби белгилари бўлган. Бемор икки марта операция қилинди. Биринчи операция полиатив бўлиб – илиостома қўйилди, иккинчисида радикал йўғон ичак «ўсма» соҳаси резекция қилинди. Тўғри диагноз bemордан биопсия олингандан сўнг қўйилди. Кейинчалик мурдани очиш жараёнида шу нарса аниқланди, bemор иккинчи травматик операциядан кейин ривожланган тарқалган йирингли перитонит натижасида вафот этган.

Бу ҳолатда тиббий ходим томонидан даво усулини танлаш ва олиб бориш билан боғлиқ хатоликларга йўл қўйилган. Бу хилдаги хатоликлар диагностик турдаги хатоликларга нисбатан бир неча марта кам учрайди.

Даволаш услугини танлаш ва ўтказишдаги хатолар. Диагностик хатоларга нисбатан кам учрайди. Бир қатор ҳолатларда нотўғри ёки кечиктирилиб ўтказилган диагностика натижасида ривожланиши кузатилади. Лекин тўғри ва ўз вақтида ўтказилган диагностика ҳолатларида ҳам даволаш хатолари кузатилади (масалан, даволаш услугини нотўғри танлаш, ўз вақтида даволашни бошламаслик, жарроҳлик аралашув ҳажми ва услугини нотўғри танлаш). Баъзида ўз вақтида ўтказилган даволаш услугини танлаган вақтида ҳам унинг техникасида ҳам хатолар бўлиши мумкин. Бу асосан жарроҳлик операцияларига тааллуклидир.

Даволашни ўтказишда ва уни тавсия этишида йўл қўйилган хатоларга оид мисоллар:

1. 63 ёшли эркак киши макрогематурия давридаги 8 соат давом этган ўткир сийдикнинг тутилишидан урологик стационарга мурожаат қилиб келган. Текширув вақтида унинг артериал босими 130\180 мм.сим.уст. га teng, яъни қониқарсиз бўлган. Сийдик пуфагининг орқа девори соҳасидан шошилинч цистоскопия ўтказилганда 3x4 см ўлчамдаги қайталовчи ўсма аниқланган. Бир ҳафтадан кейинги цистограммада ҳам сийдик пуфагининг тўлалиги ва 1,0x1,0 см ўлчамдаги ўсма аниқланади. Шу маълумотларга асосан қон кетиш билан асоратланган, сийдик пуфаги орқа деворининг раки диагнози қўйилади. Лекин операция вақтида ўсма аниқланмайди. Натижада bemornining ўлимига олиб келувчи тарқалган инфекцияли пиелонефрит асорати ривожланади.

Нотўғри даволаш ўтказилганлиги сабабли қариндошларининг шикоятларига асосан суд-тиббий экспертиза ўтказилди. Эксперт комиссиясининг хулосасида хато қўйилган “сийдик пуфагининг раки» диагнози bemornining тўлиқ текширилмаганлиги билан боғлиқлиги кўрсатилган. Сийдик пуфагининг касаллиги диагностикасида натижалари бир-бирига тўлиқ мос келмайдиган, бир вақтнинг ўзида ўтказилган цистоскопия ва цистография етарли эмас деб ҳисобланади. Балки сийдик пуфагининг шиллик пардасига ёпишган қон

лахталарини ўсма деб ўйлашган. Хато қўйилган диагноз натижасида беморга муҳтож бўлмаган жарроҳлик даво услуби қўлланилган.

2. 24 ёшли аёlda тиббий аборт вақтида йиригланувчи периметрийнинг гематомаси билан асоратланувчи, бачадон деворининг тешилиши кузатилган. Шу билан бирга қин ости ампутацияси ва қорин бўшлиғини дренажлаш-операцияси ўтказилган. Бемор 1,5 ойдан кейин ривожланган сепсис натижасида вафот этган.

Эксперт комиссиясининг таҳлилига қўра бу ҳолатдаги аёлга ўтказилган операция тўлиқ ҳажмда бўлмаганлиги ва йириглаган гематомали периметрий мавжудлигини инобатга олиб, яхшироқ радикал жарроҳлик аралашувни, яъни нафақат қорин бўшлиғининг, балки периметрийни ҳам дренажлаш билан ўтказиладиган бачадоннинг экстерпация операцияси талаб қилинган. Бу эса ўз навбатида йириглаган периметрийдан йиригнинг чиқиб кетишига имкон берарди.

3. Жарроҳлик клиникасига 28 ёшли М. исмли фуқаро чап қўлтиқ ости соҳасида санчилган-кесилган жароҳат билан жуда оғир аҳволда олиб келинган. Артериал босим аниқланмаган, кўз қорачиқларининг ёруғликка таъсир реакцияси йўқ. Реанимацион чора тадбирлардан сўнг доимий давом этувчи қон қўйиш муолажаси остида операция ўтказилган. Елка нервининг шикастланиши, қўлтиқ ости артериясининг тўлиқ кесиб ўтилганлиги аниқланиб, нерв ва қон томирларга чок қўйилган. Операциядан сўнг жабрланувчининг аҳволи яхшиланмайди: актив реанимацион чора-тадбирларга қарамасдан, 9 соатдан кейин ўлим содир бўлади. Мурданинг суд-тиббий текшируvida аниқландики, операция вақтида шифокор-жарроҳлар томонидан техник хатоликка йўл қўйилган, яъни кесилган қўлтиқ ости артериясининг периферик учини заарланган елка венасининг марказий учи билан бирга тикиб қўйилган. Артериянинг марказий учи ва венанинг периферик учি тикилмаган ҳолатда қолган. Бу ҳолатда кўриниб турибдики, яранинг оператив муолажаси вақтида қўйилган диагноз нотўлиқ бўлган, артериянинг кесилиши аниқланиб, венанинг кесилиши эса аниқланмаган. Аниқ қўйилмаган диагноз натижасида оғир оқибатларга олиб келувчи шифокорнинг техник хатоси кузатилган.

Тиббий ёрдамни ташкиллаштиришдаги хатоликлар. Бу хатолар, тиббий ёрдамни нотўғри ёки етарлича бўлмаган ташкиллаштириш билан боғлиқдир. Бу хатоликларнинг сабаблари, гоҳида Соғлиқни сақлашнинг алоҳида бошқарув звеноларида юқори профессионал даражанинг етишмаслиги, гоҳида эса қандайдир махсус даволаш – профилактик муассасасининг ишида салбий шароитнинг ҳосил бўлиши билан тушунтирилади. Агар тиббий ёрдамни ташкиллаштиришда хатоликлар вужудга келса ва bemорлар жабрланса, унда даволаш профилактика муассасаларининг шифокорлари ўз бурч-вазифасини вижданан бажармаган бўлади, чунки бу каби хатоликлар асосан ўша даволаш-профилактик муассасанинг бошлиқлари томонидан йўл қўйилган ҳисобланади. Тиббий ёрдамни ташкиллаштиришда йўл қўйиладиган хатоларнинг келиб чиқишига бир қанча шароитларни айтиб ўтса бўлади. Одатда театр кийим иладиган жиҳозлардан бошланса, даволаш муассасасининг иши қабул бўлимидан бошланади. Бу хатоларда эса, асосан, ургент ҳолатларда, шошилинч ҳаракатларни талаб қилувчи касалликларда, травма ва заҳарланишларда тиббий ёрдам қўрсатиш ўз вақтида бажарилиши керак. Шунинг учун қабул бўлими жуда чуқур ўйланиб ва жиддий ташкиллаштирилган хатоликлардан ҳоли бўлиши керак, яъни ходимлар bemорларга нисбатан локайдлик, эътиборсизлик каби ҳолатларга йўл қўймасликлари керак.

Тиббий ёрдамни ташкиллаштиришдаги хатоликларга оид мисоллар:

1. 66 ёшли аёл қўзиқоринли консерва истеъмол қилгандан сўнг қорин соҳасида ўткир оғриқ бошланиб, дармонсизлик, қусиш сўнгра чап чов соҳасида оғриқ билан ўзи мустақил ҳолатда ТМШга юқоридаги шикоятлар билан мурожаат қилиб борган. Навбатчи фельдшер bemорни текширмасдан туриб, уни поликлиникага мурожаат қилишини айтади ва bemор поликлиникага борганда иш вақти тугаган бўлади. Бемор яна қайтадан қабул бўлимига келиб, шифокор чақиришини сўрайди. Лекин фельдшер унга хозир навбатчи шифокор оғир аҳволдаги bemор билан бандлигини, тезда бўшамаслигини, шу сабабли, эрталаб поликлиникага мурожаат қилишни тавсия қилиб, жавоб бериб юборади. Бемор уйига кетади, эрталаб эса уни қисилган сон чурраси ва бошланувчи перитонит билан тез ёрдам машинасида шу қабул бўлимига олиб келишади. Шошилинч

тартибда операция ўтказилади, лекин беморнинг ҳаётини сақлаб қололмайди, у тарқалган йирингли перитонит сабабли вафот этади.

2. 29 ёшли П. исмли фуқаро ТМШнинг қабул бўлимига кўкрак қафасига етказилган ўқли шикастланиш билан 45 – минут ўтгандан сўнг мурожаат қилиб келган. Тез ёрдам шифокори стационарга етказилган жабрланувчидағи ўқли яра плеврал бўшлиққа тешиб кирганлиги, сезиларли гемоторакс, тарқалган тери ости эмфиземаси каби ҳолатлар мавжудлигини айтиб ўтади. Лекин беморнинг умумий аҳволи ўртacha оғирликда бўлганлиги сабабли навбатчи хирург бу беморга шошилинч равища ёрдам кўрсатмайди, чунки ўша вақтда операцион бўлим банд бўлиб орадан 4 соат вақт ўтгандан сўнг ёрдам кўрсатган. Бу ўтган вақт орасида бемор қабул бўлимида бўлган, унинг умумий аҳволи прогрессив равища ёмонлашиб борган ва шифокор келгандан сўнг бу беморга зудлик билан реанимацион чора - тадбирларни талаб қилинишини англаиди. Операциядан 1,5 соат ўтгач бемор вафот этади.

Тиббий амалиётда баҳтсиз ҳодисалар

Айрим ҳолларда ўз вақтида тўғри ташхис қўйилганда ва зарурий даволанишдан утказилганда хам тиббий ёрдамнинг оқибатида ноҳуш ҳолат кайд этилиши мумкин. Бундай ҳолат одатда тиббиёт амалиёти баҳтсиз ҳодисаси деб эътироф этилади.

Шу нуктаи назардан тиббиёт амалиёти баҳтсиз ҳодисалар деганда, диагностик, даволаш ва профилактик ишларнинг талаб даражасида бажарилишига карамасдан кузатилган ноҳуш салбий оқибатни врач олдиндан била олмаслиги ёки кура олмаслик тушунилади.

Тиббиёт амалиётида баҳтсиз ҳодисаларнинг типик турига беморда доривор моддаларга нисбатан реакция ёки металлостеоцинтез муолажасида ёғ эмболиясини ривожланиши, шунингдек, операция вақтида юракни рефлектор тўхташи каби ҳолатларни киритиш мумкин.

Ятроген патологиялар - ятрогения.

Ятрогения-врачнинг (тиббий ходимнинг) зарур муолажани бажаришда, шунингдек, бемор ёки унинг яқин қариндошлари билан бўлган мулоқотда бемор танаси ва руҳиятига зиён етказиш мазмунини англаиди. Ятрогения шикаст ва

касаллик кўринишида бўлади. Кўпинча диагностика ва даволаш ишлари билан боғлиқ муолажалар ятроген шикастларга сабаб бўлади. Бу ҳолат беморга эҳтиётсизлик оқибатида енгил, ўрта ва оғир даражада шикаст етказиш деб баҳоланади (Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 104, 105, 109-моддалар).

Мисол: Сурункали алкоголизмнинг эписиндром тури билан касалланган бемор эпиҳуружлардан кейин тез ёрдам бригадасини чақирган. Врач ҳузурида bemорда овқат массаларининг аспирацияси билан кечадиган қусиш кузатилади. Шифокор трахея интубациясини ўтказишга уринади, натижада юқори жағтишлари синиб бронхга тушади ва бронх шиллик пардасини шикастлайди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ятрогенияни ҳамма вақт ҳам тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсон ва салбий оқибат деб қабул килмаслик керак.

Масалан, ёмон сифатли ўсмаларнинг радикал даволаш чора-тадбирларида зарарланган органлар функциясининг бузилишига олиб келувчи травматик оператив аралашувлар қўлланилади. Шунингдек, нурли ва химиотерапиялар ҳам жиддий ножӯя таъсирларга олиб келиши мумкин.

Фуқароларнинг соглигига етказилган зарарни қоплаш ФССТ қонуни (46 модда).

Фуқароларнинг Соғлигига зарар етказилган ҳолларда айборлар жабрланганлар кўрган зарар ўрнини қонун хужжатларида белгиланган ҳажм ва тартибда қоплашлари шарт.

Ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан жабр кўрган фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатишга сарфланган маблағлар уларнинг соғлигига етказилган зарар учун жавобгар бўлган жисмоний ва юридик шахслардан ундирилади.

Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари ўз касб-кор вазифаларини малакали бажармаганликлари оқибатида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигига зарар етган ҳолларда етказилган зарар ўрни қонун хужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Зарарнинг ўрнини қоплаш тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қонунга мувофиқ интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликдан озод этмайди.

НАЗОРАТ ТУРЛАРИ

- Оғзаки сўров;
- Саволларга ёзма жавоб бериш;
- Тест назорати;
- Графикли органайзерлар тузиш.

ТЕСТ НАЗОРАТИ САВОЛАРИ

А, В, С, Д, Е харфлари билан белгиланган тестлардан битта жавобни белгиланг.

1. Тиббий ходим фаолиятидаги килмишларнинг асосий турларини курсатинг?

А. Ятрогения, врач хатоси, баҳтсиз ходиса,

В. Жиноятлар, килмишлар, ятрогения,
С. Жиноятлар, баҳтсиз ходиса, ятрогения,

Д. Врач хатоси, баҳтсиз ходиса, килмиш,

Е. Врач хатоси, конунбузарлик, ножуя хатти-харакат,

2. Тиббий амалиётда ноконуний хатти- харакатлар, жамият учун хавфли булмаган ва жиноий жавобгарлик тугрисидаги конунда курсатилмаган нима деб аталади?

А. тиббий ёрдам нуксонлари,
Б. тиббий биоэтиканинг бузилиши,
С. врачлик сирини ошкор этилиши,
Д. ножуя хатти харакат (килмиш),
Е. тугри жавоб йук.

3. Тиббий ходимлар фаолиятидаги килмишларига (айб-хатолар) қандай жазо турлари кулланилади?

А. Фукаролик, маъмурий, интизомий,
Б. Интизомий, жиноий, маъмурий,
С. Интизомий, фукаролик, касд,
Д. Маъмурий, жиноий, фукаролик,
Е. Фукаролик, ижтимоий, маънавий.

4. Врач ёки тиббиёт ходими Т.Ё.Н. содир килиб ноxуш салбий окибатларга олиб келса, уни ятрогения ёки тиббий баҳтсиз ходиса деб ким баҳолай олади?

А. Даволовчи врач,
Б. Баш шифокор,
С. Булим мудири,
Д. Суд, прокурор,
Е. Навбатчи врач

5. Қандай холларда врач хатоси дейилади?

А. Врач эндиgина институтни битирган, тажрибасиз булса,
В. Касаллик атипик кечса, бемор кеч мурожаат килса,
С. Шикоятлар уз вактида йигилмаса, касаллик атипик кечса, тажрибасиз булса,

Д. Касаллик атипик кечса, шифохонада даволаш диагностик асбоб-ускуналар, жихозлар булмаса,
Е. Анамнез уз вактида йигилмаса, бемор кеч мурожаат килса,

6. Врач хатосини объектив сабабини курсатинг?

А. Врачнинг локайдлиги,
Б. Врачнинг тажрибасизлиги,
С. Касални шифохонага кеч мурожаат килиши,
Д. Врачнинг бепарволиги,
Е. Врачнинг уқувсизлиги.

7. Куйидагилардан кайси бири врач хатосини субъектив сабаби булиб хисобланади?

А. Шифохонада даволаш учун жихозлар йуклиги,
Б. Шифохонада диагностик текширувлар учун жихозлар йуклиги,
С. Врачнинг тажрибасизлиги,

Д. Мазкур касалликнинг атипик кечуви,
Е. Барчаси тугри.

8. Диагностик жараёнда сидкидилдан англашмовчилик кандай эътироф этилади?

- А. Ятроген шикаст,
- В. Тиббий баҳтсиз ходиса,
- С. Врач хатоси,
- Д. Касб бузарлик,
- Е. Килмиш (айб-хато).

9. Ятрогения бу нима?

- А. Организм функциясининг бузилишига, фаолиятининг чекланишига, ногиронлигига ва улимга олиб келувчи диагностик, даволаш ёки профилактик муолажа тадбирларнинг исталмаган нохуш, хамда кутимаган окибатидир,
- Б. Организм функциясининг бузилиши билан бөгликтин охуш ходисадир, бу ерда врачнинг айби йук,
- С. Организм функциясининг кескин бузилишига олиб келувчи Суз ва жумлалар натижасида келиб чикади,
- Д. Организм функциясининг врачга бөгликтин охуда ёки тиббий муассасага бөгликтин охуда билан узгариши,
- Е. Касдан ёки эхтиётсизлигидан организмга етказилган урта, оғир, енгил тан жарохатидир.

10. Ятрогениянинг турларини курсатинг?

- А. Профилактик, информацион, диагностик, даволаш,
- В. Этика, реабилитацион, даволаш, диагностик, информацион,
- С. Эстетик, диагностик, реабилитацион, даволаш, даволанмаслик,
- Д. Профилактик, этик, эстетик, деонтологик, информацион,
- Е. Деонтологик, эстетик, этик, ахлокий, хулкий.

11. Беморнинг эзофагогастродуоденоскопия текширувида ошкозон ярасидан кон кетишига сабаб булинди. Бу холат кандай эътироф этилиши мумкин?

- А. Тиббиёт амалиётидан баҳтсиз ходиса сифатида,
- В. Ятроген шикаст сифатида,
- С. Врач хатоси сифатида,
- Д. Врач хукукбузарлиги сифатида,
- Е. Касббузарлик йук сифатида.

12. З ёшли bemорнинг нафас йулига ёт жисм тушган, врач уз вактида ёрдам курсатиб ёт жисмдан халос килган, лекин бола кон аспирацияси асорати билан реанимация булимига тушиб узок даволанган. Бу холат кандай эътироф этилади?

- А. Ятроген шикаст,
- Б. Баҳтсиз ходиса,
- С. Врач хатоси,
- Д. Врач шикасти,
- Е. Жиноят.

13. 10 ёшли угил бола рентгенологик текширувда ошкозонга барий сульфат ичирилганда, болани бирдан кунгли айниб реакция берди. Болага зудлик билан даво чоралари курилсада, боланинг хаётини саклаб кололмади. Бу холат кандай эътироф этилиши мумкин?

- А. Ятроген шикаст сифатида,
- Б. Тиббий амалиётдаги баҳтсиз ходиса сифатида,
- С. Врач хатоси сифатида,
- Д. Врач хукукбузарлиги сифатида,
- Е. Касббузарлиги йук сифатида.

14. Беморга физиотерапия муолажасиниутказиши вактида ахволи оғирлашиб, нафас олиши кийинлашди ва улим кузатилди. Ушбу холатни баҳоланг.

- А. Диагностик,

В. Даволаш,
С. Ташкилий,
Д. Профилактик,
Е. Реабилитацион,

15. Тиббий бахтсиз ходисалар мисоллар айтинг?

А. Эндоген шок, стресс, кома,
В. Анафилактик шок, эмоционал шок, идиосинкразия,
С. Кома, беморнинг тусатдан улими, килмиш,
Д. Агония, анафилактик шок, эмоционал шок,
Е. Коллапс, шок, обморок.

16. Тиббий амалиётда бахтсиз ходисаларга кайси холатлар киради?

А. Эндоген шок, стресс, кома,
В. Анафилактик шок, эмоционал шок, идиосинкразия,
С. Кома, беморнинг тусатдан улими, килмиш,
Д. Агония, анафилактик шок, эмоционал шок,
Е. Коллапс, шок, хушдан кетиш.

17. Санитария қонунчилигини яъни эпидемияга қарши кураш чораларини, қоидаларини тиббий ходим бузса кандай чора курилади?

А. Интизомий жазо,
Б. Маъмурий жазо,
С. Жиноий жазо,
Д. Фуқаролик жазоси,
Е. Интизомий, фуқаролик жазо,

18. Маъмурий жавобгарликга кайси киради?

А. Жарима олиш ва вактинчалик ишдан четлаштириш
Б. Каттиқ хайфсан эълон килиш, огохлантириш
С. Куйи лавозимга утказиш
Д. Ишдан бушатиш
Е. Хайфсан эълон килиш

19. Касбий хукукбузарликда кандай жазо кулланилади?

А. Интизомий, фуқаролик

В. Оммавий
С. Маъмурий
Д. Ижтимоий, маъмурий
Е. Фуқаролик, ижтимоий

20. Травмотология шифохонасида тиббий ходим беморнинг гипс болгамини ечиш вактида болдир юмшок тукималарини шикастлади. Ушбу холатни баҳолаб беринг?

А. Тиббий ходим ножуя хати-харакати.

Б. Ятрогения,
С. Шифокор хатоси,
Д. Бахтсиз ходиса,
Е. Тиббий ходим жинояти,

21. Фуқаролик айб хатолари таърифини кўрсатинг.

А. Даволаш муассасани бошқариш тартибини бузиш,
Б. Бемордан пора олиш,
С. Ишга кечикиш,
Д. Даволаш муассасаси мулкига зиён етказиш, шунингдек беморни нотўғри даволаш оқибатида зиён етказиш,
Е. Бош врачнинг буйруқларини бажармаслик.

22. Фуқаролик айб хатоларни курсатинг.

А. Даволаш муассасасининг бошқарув тартибини бузилиши,
Б. Ишга кеч колиши,
С. Мехнат интизомини бузиш,
Д. Медикаментларнинг тўғри сақлай олмаслик,
Е. Бош шифокор топшириқларини бажармаслик.

23. Маъмурий хукукбузарликни курсатинг?

А. Дори воситаларини бетартиб саклаш ва ишлатиш,
Б. Даволаш профилактик муассасаси мол-мулкини бузиш,
С. Даволаш профилактик муассаса раҳбарлик тартибини бузиш,

Д. Бош врач, даволовчи врач, навбатчи врачнинг буйргуни бажармаслик,

Е. Ишга кечикиш,

24. Тиббиётда интизомий килмишларга нима киради?

А. Санитар-эпидемияга карши қоидаларни бузиш.

В. Согликни саклаш муассасаларида меҳнат, хизмат, интизом тартибларини бузиш,

С. Даволлаш муассасасининг бошқариш тартибини бузиш,

Д. Даволлаш муассасасини мол-мулкига зарап етказиш,

Е. Беморларни госпитализация килиш қоидаларини бузиш,

25. Фуқаролик айб хатоларни курсатинг.

А. Бош шифокор топшириқларини бажармаслик.

В. Ишга кеч колиш,

С. Меҳнат интизомини бузиш,

Д. Даволлаш муассасасининг бошқарув тартибини бузилиши,

Е. Медикаментларнинг тўғри сақлай олмаслик,

26. Маъмурий айб хатоларни курсатинг.

А. Ишга кечикиш.

Б. Бош врачнинг буйруқларини бажармаслик,

1, 2, 3, 4 ракамлари билан белгиланган тестларга куйидаги харфли коддан фойдаланган холда жавоб белгиланг:

А — тугри: I, 2, 3. В — тугри: 1, 3. С — тугри: 2, 4. Д — тугри: 4. Е — тугри: 1, 2, 3, 4.

29. Тиббий фаолиятда баҳтсиз ходисаларга таъриф беринг?

1. Организм функциясининг бузилишига, фаолиятнинг чекланишига, ногиронликка олиб келувчи нохуш холатлар,

2. Тиббий ходим томонидан уз касбий вазифаларини кастан бажармаслиги.

3. Врачнинг сидкидилдан адашишидир,

С. Даволаш муассаса мулкига зиён етказиш,

Д. Доривор моддаларни тартибсиз саклаш ва ишлатиш,

Е. Даволаш муассасани бошқариш тартибини бузиш,

27. Тиббиётда интизомий килмишларга нима киради?

А. Санитар-эпидемияга қарши қоидаларни бузиш.

В. Даволлаш муассасасининг бошқариш тартибини бузиш,

С. Даволлаш муассасасини мол-мулкига зарап етказиш,

Д. Беморларни госпитализация килиш қоидаларини бузиш,

Е. Соғликни саклаш муассасаларида меҳнат, хизмат, интизом тартибларини бузиш,

28. Интизомий айб хатоларга қуидагилар киради.

А. Тиббий билимини етишмаслиги.

В. Санитар - эпидемияга қарши қоидаларни бузиш,

С. Даволлаш муассаса мулкига зиён етказиш,

Д. Доривор моддаларни тартибсиз саклаш ва ишлатиш,

Е. Бош шифокор, унинг ўринбосари ва бўлим бошлиғи топшириқларини бажармаслик.

4. Тиббий ходимнинг уз таъсир окибатини аввалдан билмаслиги, олдини олиш имкони булмаган исталмаган нохуш холатдир,

30. Тиббий ходимларнинг хукукбузарлигининг 2 та асосий турини курсатинг?

1. Килмиш, касд,

2. Касд, айб-хато,

3. Айб-хато, килмиш,

4. Килмиш, жиноят,

31. Тиббий ходимларнинг айб-хато турларини курсатинг?

1. Фукаролик,
2. Маъмурий,
3. Интизомий,
4. Жиноий,

32. Врач хатоси (ситкидилдан англашилмовчилик) келиб чикиш сабабини курсатинг?

1. Тиббиёт фанининг етарли даражада билмаслиги,
2. Врачнинг локайдлиги,
3. Врачнинг узбилармонлиги,
4. Касалликнинг атипик кечуви,

33. Кандай холлар врач хатосига сабаб булиши мумкин?

1. Врачнинг тажрибасизлиги, касалликнинг атипик кечиши,
2. Шифохонада даволаш диагностик асбоб-ускуналар, жихозлар булмаслиги.
3. Шикоятлар уз вактида йигилмаса, bemor xushsiz bulsa.
4. Касаллик атипик кечса, bemor kech murojaat kilsa eki kasalini yashirsa

34. Куйидагилардан ятроген шикастни курсатинг?

1. Анафилактик шок,
2. Врачнинг саводсизлиги,
3. Операция соҳасида салфетканинг колиши,
4. Идиосинкразия,

35. 10 ёшли болани даволаш жараёнида ёш врач тажрибасизлик килиб диагнозни аниклай олмади, боланинг касалиги атипик кечган эди. Бу холат кандай эътироф этилади?

1. Ятроген шикаст,
2. Бахтсиз ходиса,
3. Килмиш,
4. Врач хатоси,

36. Даволаш ва диагностик жараёнидаги бахтсиз ходиса турини курсатинг?

1. Анафилактик шок,

2. Коллапс,
3. Кома,
4. Обморок,

37. Организмнинг химиявий бирикмаларга ута юкори сезувчанлиги окибатидаги холат кандай номланади?

1. Анафилактик шок, врач хатоси,
2. Эмоционал шок, ятрогения,
3. Токсикомания, врач хатоси,
4. Анафилактик шок, тиббий амалиётда бахтсиз ходиса,

38. Тиббий ходимлар фаолиятидаги қилмишларига (айб-хатолар) қандай жазо турлари кулланади?

1. Маъмурий,
2. Интизомий,
3. Фуқаролик,
4. Маънавий,

39. Туман шифохонасида bemorga кесар кесиш операцияси утказилди. Bemor 12 кундан уйига жавоб берилди ва 10 кундан кейин эса вафот этди. Суд-тиббий текширув вактида таркок перитонит аникланди. ТЁКН турини аникланг.

1. Стационардан эрта жавоб бериш,
2. Даволаш учун керакли жихозларнинг йуклиги,
3. Тиббий ходим малакасининг этишмаслиги,
4. Тиббий ёрдам учун кеч мурожиат килиш.

40. Bemor бола онасининг сузига кура бола ёнгок ея туриб бирдан кукариб, нафаси кисила бошлаган. Врач анамнез ва она сузларига эътибор килмади, bemorга бирламчи ёрдам курсатиб уйига жавоб берди. 1 кундан кейин bemor вафот этди. Ушбу холатни баҳоланг.

1. Тиббий ходим малакасининг этишмаслиги,
2. Анамнезнинг юзаки урганиш,

3. Диагностик муолажаларни тулик бажармаслик,

4. Беморга совукконлик билан караш.

Жавоблар жумласи алохига мазмунга эга булган икки кисмдан иборат, икала кисм «чунки» боғловчи билан боғланган тестларда 1-чи ва 2-чи кисм жумлалари мазмунининг алохига тугри ёки нотугрилигини, кейин эса уларнинг бирлашган холидаги мазмунининг алокадорлигини аникланг ва куйидаги харфли коддан фойдаланган холда жавоб белгиланг:

Жавоб	1-жумла	2-жумла	Боғлам
A	тугри	тугри	тугри
B	тугри	тугри	нотугри
C	тугри	нотугри	нотугри
D	нотугри	тугри	нотугри
E	нотугри	нотугри	нотугри

41. Беморда тугма нуксонларнинг булиши, организмининг узига хос хусусиятлари врач хатосининг объектив сабаблари хисобланади, чунки врачнинг тайёргарлиги ва амалий тажрибасининг етишмаслиги врач хатосининг субъектив сабаблари хисобланади.

42. Ятрогения-тиббий ходимларнинг диагностик-даволаш ва профилактик ишларга оид муолажаларни бажаришида, шунингдек демор ёки унинг яқин қариндошлари билан бўлган мулоқотда узининг ноуринли харакати туфайли демор танаси ва руҳиятига путур етказиши демакдир, чунки ятрогения содир этилганда врач жиноий жавобгарликга тортилади.

43. Беморни интубация килиш вактида врач нафас йулларини шикастлаб кувиши баҳтсиз ходиса хисобланади, чунки диагностика ва даволаш вактида деморга жисмоний ва руҳий жароҳат етказиш врач хатоси тушунчасида мужассамлаштирилган.

44. Тиббий ходимлар фаолиятидаги айб-хатолар фукаролик, маъмурий, интизомий турларга булинади, чунки тиббий ходимларнинг айб-хатолари жамият учун хавф тугдирмайди.

45. Тиббий ёрдам курсатишнинг турли боскичларида демор патологиясини уз вактида ва тулик аниклай олмаслик ТЁКН ривожланишига сабаб булади, чунки тиббий муассасада меҳнат, хизмат ва узаро муносабатлар тартибини бузиш ТЁКН деб номланади.

46. Тиббий ходимнинг уз вазифа ва мажбуриятларини бажариш вактида сидқидилдан янгилишиши врач хатоси деб номланади, чунки врач хатоси тиббий ходимнинг вазифасига совукконлик билан караши натижасида келиб чикади.

47. Тиббий фаолиятда баҳтсиз ходиса жиноий килмиш хисобланади, чунки баҳтсиз ходиса даволовчи врачнинг эҳтиётсизлиги натижасида келиб чикади.

48. Тиббий ходимлар килмишлари учун фукаролик, маъмурий ва интизомий жазога тортиладилар, чунки хар бир тиббий ходим хато килишга хакли.

49. Тиббий фаолиятда bemorning баҳтсиз ходиса оқибатида вафот этиши даволовчи врачнинг жиной жавобгарликга тортилишига асос була олади, чунки баҳтсиз ходиса тиббий ходимлар килмишига киради.

50. Врач хатоси тиббий ходимлар жиноятлари гурухига кирмайди, чунки врач хатолари врачнинг сидкидилдан янглишиши натижасида ривожланади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

- ✓ Тиббиёт ходимларининг касбий ҳуқуқбузарликлари турларини кўрсатинг.
- ✓ Айб-хатонинг қандай турларини биласиз?
- ✓ Врач хатосининг қандай гурухларини биласиз?
- ✓ Тиббий ходим томонидан қачон диагностик ва техник хатоларга йўл қўйилади?
- ✓ Даволаш усулларини танлаш ва даволашдаги хатоликларни айтиб ўтинг.
- ✓ Тиббий ёрдамни ташкиллаштиришда қандай хатоликларга йўл қўйилади ва унга мисоллар келтиринг?
- ✓ Тиббий амалиётда юзага келадиган баҳтсиз ҳодисалар деганда нимани тушунасиз,
- ✓ Тиббий ходимларининг қилмишлари турлари?
- ✓ Айб хато аниқлангандан кейин қандай жазо тури белгиланади ва у қанча вакт давомида қўлланилади?
- ✓ Тиббий амалиётда баҳтсиз ҳодисаларда ўлим содир бўлса, бунда врач фаолияти қандай баҳоланади?

Талабалар мустақил ишини ташкил қилиш учун кўрсатмалар

- ❖ Ўқув гурухи ичида «Тиббий ходимлар фаолиятида касбий ҳуқуқбузарлиқ» мавзусида анжуман ўтказиш:
- ❖ Мавзуга оид альбом, макет, стенд, слайд, ўқув жадвалари, вазиятли масалалар ва тест саволлари тузиш:
- ❖ Ўқитувчи назорати остида «Баҳтсиз ҳодиса», «Ятрогения», «Врач хатоси» мавзуларида мунозарали сұхбат ўтказиш:
- ❖ Мавзу бўйича янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда интерактив ўйинлар ўтказиш.

1 - илова

Гурух билан ишлаш қоидалари

Гурух аъзоларининг ҳар бири

- ўз шерикларининг фикрларини ҳурмат қилишлари лозим;
- берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;
- ўзларига ёрдамни керак бўлганда сўрашлари мумкин;
- ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;
- гурухни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим;
- «Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз ёки бирга қутиламиз» қоидасини яхши билишлари лозим.

1 - Ўқув топшириқ

1. Саволга жавобни шакллантиринг:
 - Тиббий ходимнинг айб-хатолари?
 - Айб хато турлари.
- Ушбу тушунчаларнинг мазмунини ёритинг:
 - Тиббий ходим айб-хатолари турлари, баҳтсиз ходисалар, ятроген патологиялар ва ятрогения тушунчаларига изоҳ беринг.

2-Ўқув топшириқ

1. 4-мавзуда баён этилган маълумот мазмунини дикқат билан ўрганиб чиқинг.
2. Чизмали органайзерларни ишлаб чиқишига ҳаракат қилинг (таклиф қилинган асосий тушунчалардан фойдалансангиз бўлади).

Чизмали органайзерлар	Асосий тушунчалар (калит сўзлар)
Кластер	«Тиббий ходимларнинг касбий хукуқбузарликлари».

(1.1)	«Қилмиш» «Врач хатоси». «Ятрогения»
Венн диаграммаси (1.5 – намуна)	- Қилмишлар (врач хатоси, бахтсиз ходиса). - Қилмишлар (врач хатоси, ятрогения).
«Нима учун?» (1.6 - намуна)	- Нима учун «Тиббий ходимларнинг касбий ҳуқуқбузарликлари» ўрганилади? - Нима учун «Тиббий ходимларнинг касбий ҳуқуқбузарликлари» содир этилади? - Врач хатоси қандай оқибатларга олиб келади?.
«Балиқ скелети» (1.7 - намуна)	Тиббий ходимларнинг касбий ҳуқуқбузарликлари билан боғлиқ муаммолар.
«Т – жадвал» (1.8 - намуна) CWOT (1.9 - намуна)	- Тиббий ходимларнинг касбий ҳуқуқбузарликларини олдини олиш? - Нохуш салбий оқибатлар.

5- МАВЗУ	Тиббий ходимларнинг касбий ҳуқуқбузарликлари. Тиббий ходимларнинг касбий ҳуқуқбузарликларининг суд тиббий экспертизаси. Комиссион суд тиббий экспертизаси утказиш тартиби ва коидалари, тиббий ходимларнинг жиноий жавобгарлиги. Тиббий ходимларнинг касбий жиноятлари уларни аниклаш тартиби ва коидалари.
---------------------	--

Ўқитишининг технологияси

Вакти - соат	Талабалар сони: 8-9 нафар
Уқув машғулоти	Билимларни чукурлаштириш, кенгайтириш ва амалда бажариш бўйича амалий машғулот.
Амалий машғулотнинг	- «Тиббий ходимларнинг жиноятлари» тушунчаси; - ҳаётга ва соғлиққа қарши жиноятлар; - оиласа, ёшларга, ахлоққа қарши жиноятлар; - иқтисодиёт асослари ва экология соҳасидаги жиноятлар; - ҳокимият, бошқарув ва жамоа бирлашмалари орган
Уқув машғулотининг мақсади:	Тиббий фаолиятда учрайдиган жиноятлар билан танишиш, турларини ва олдини олишни ўрганиш.

<i>Педагогик вазифалар:</i> - Тиббий ходимлар томонидан содир этиладиган жиноятлар, уларнинг турлари билан таништиради; - адабиётлар билан ишлаш (ЖКК, ЖПК) қоидаларини ўргатади;	<i>Үқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - Тиббий ходимлар жиноятлари ва уларнинг турларини ўрганади; - хаётга ва соғлиқка қарши жиноятларини ўзлаштириб, мисоллар келтиради; - оиласа, ёшларга, аҳлоққа қарши жиноятларни ўрганади; - иқтисодиёт асослари ва экология соҳасидаги жиноятларни ўрганади; - ҳокимият, бошқарув ва жамоа бирлашмалари орган
<i>Үқитиши услуги ва техникаси</i>	Баҳс- мунозара, «Соғлиққа қарши жиноятлар» жумласига «Нилуфар гули» тузии.
<i>Үқитиши воситалари</i>	Маъруза матни, ўқув қўлланма, жадваллар, бўр, доска. Компьютер мультимедия дарсликлари, СТЭ
<i>Үқитиши шакли</i>	Билимларни чуқурлаштириши ва кенгайтиши, индивидуал ва гуруҳ бўйича ўқитиши.
<i>Үқитиши шароитлари</i>	Мавзуга мос жиҳозланган аудитория (СТЭ обьектлари, СТЭ ҳужжатлари ва ҳ.к.).

Амалий машғулотнинг технологик картаси

Фаолият мазмуни		
Босқичла р вақти	Ўқитувчи	Талаба

1-босқич Кириш (10 мин)	<p>1.1.Мавзу: Тиббий ходимларнинг касбий хукуқбузарликлари.</p> <p>Мақсад: Тиббий ходимлар фаолиятида учрайдиган жиноятлар, турлари, сабаблари, уларнинг олдини олиш, жиноий жавобгарлик турларини ўрганиш.</p> <p>Режа:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Тиббий ходимлар жиноятлари ва уларнинг турларини ўрганиш; - ҳаётга ва соғлиқка қарши жиноятларни ўзлаштириш; - оиласа, ёшларга, ахлоққа қарши жиноятларни ўрганиш; - иқтисодиёт асослари ва экология соҳасидаги жиноятларни ўрганиш; - ҳокимият, бошқарув ва жамоа бирлашмалари орган фаолияти таркибиغا қарши жиноятларни ўзлаштириш; -жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибиغا қарши жиноятларни ўрганиш; <p>Машғулот ҳамкорлиқда ишлаш технологиясини қўллаган холда (организерларлардан фойдаланиб) ўтишини маълум қиласи (жадвал 1).</p> <p>1.2. «Ақлий ҳужум» усулидан фойдаланган холда</p>	<p>1.1. Мавзуни ёзди ва саволларга жавоб беради.</p> <p>Адабиётлардан фойдаланиб, организерларни мустақил тузади, ўзаро таққослайди, тўлдиради, муаммони аниқлаш ва ечим варианtlарини ишлаб чиқиш учун ижодий ёндашади.</p>
2-босқич Асосий қисм (70 мин)	<p>2.1. Талабаларни 2 ёки 3 грухга бўлади, ҳар бирiga вазифа беради: (саволларга жавоб бериш - топширик, организер чизмасини чизиш – 1-жадвал, тест ишлаш).</p> <p>Машғулот сўнгida кутилаётган ўқув натижаларини эслатади (талаба билиши керак):</p> <ul style="list-style-type: none"> -Тиббий ходимлар жиноятлари ва уларнинг турларини; - ҳаётга ва соғлиқка қарши жиноятларни; - оиласа, ёшларга, ахлоққа қарши жиноятларни; - иқтисодиёт асослари ва экология соҳасидаги жиноятларни; - ҳокимият, бошқарув ва жамоа бирлашмалари орган фаолияти таркибиغا қарши жиноятларни; - жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибиغا қарши жиноятларни; -тиббий ходимлар жиноятларини олдини олиш чоратадбирларини. <p>2.2. Грухда ишлаш қоидаси билан таништиради (1-илова). Баҳолаш мезонларини ҳам намойиш қиласи.</p> <p>2.3. Вазифани бажаришда ўқув материаллари (маъруза матни, ўқув қўлланма)ларидан фойдаланиш мумкинлигини эслатади. Грухларда иш бошлашни тақлиф этади.</p> <p>2.4. Тайёргарлиқдан кейин амалий ишлар бошлангани</p>	<p>2.1. Уқув натижаларини тақдим қиласи.</p> <p>2.2. Саволлар беради.</p> <p>2.3. Жавобларни тўлдиради.</p> <p>2.4. Жадвал устунларини тўлдиради ва муҳокамада иштирок этади.</p>
3-босқич Якуний қисм (10 мин)	<p>3.1. Машғулотни яқунлайди, талабаларни баҳолайди ва фаол иштирокчиларни рағбатлантиради.</p> <p>3.2. Мустақил иш сифатида «Тиббий ходимларнинг касбий хукуқбузарликлари масалалари хозирги замон</p>	<p>3.1. Эшитадилар.</p> <p>3.2. Топширикни</p>

Тиббий ходимларнинг касбий ҳукуқбузарликлари суд тиббий экспертизаси

Жиноят – жамият ва давлат қурилиши негизида хавф солувчи ҳукуқбузарлик бўлиб, жамиятга катта зарап етказиш, фукароларга зарап етказишидир.

Содир этилган ҳукуқбузарликни жиноят деб эътироф этиш учун 2 та асос бўлиши лозим:

1. Исбот – далил, унинг ўзи 2 хил бўлади:

а) субъектив далил – жабрланувчи, гувоҳлар кўрсатмаси.

б) объектив далил – касаллик тарихи, таҳлил натижалари ва бошқа ашёвий далиллар.

2. Ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.

а) қасдан;

б) бепарволик туфайли.

Тиббиёт ходимлари фаолияти билан боғлиқ жиноятларни ЎзР ЖҚ талаблари асосида қуидагича гурухларга бўлиб ўрганиш мумкин:

I. Ҳаётга ва соглиққа қарши жиноятлар

- тиббий ходимларнинг фаол эвтаназияда қатнашиши ҳукукий жиҳатдан қасдан одам ўлдириш деб баҳоланади (97-модда);
- қасдан ёки эҳтиётсизлик сабабли оғир, ўртacha оғирликда ва енгил тан жароҳати етказиш (104-105-модда), масалан ятроген шикаст етазиш;
- таносил ёки ОИГС касаллигини тарқатиш (113-модда);
- жиноий равища ҳомила тушириш (114-модда);
- аёлни ўз ҳомиласини сунъий равища туширишга мажбурлаш (115-модда);
- касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажара олмаслик (116-модда);
- хавф остида қолдириш (117-модда).

II. Оиласга, ёшларга, ахлоққа қарши жиноятлар: болани алмаштириб қўйиш (124-модда);

- фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш (125-модда);
- инсон аъзо ва тўқималарини ажратиб олиш (133-модда);

III. Иқтисодиёт асослари ва экология соҳасидаги жиноятлар

- фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш (190-модда);
- экология ҳавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш (193-модда);
 - атроф, табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисида маълумотларни қасдан яшириш ёки бузиб кўрсатиш (194-модда);
 - атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик (195-модда);
 - атроф табиий муҳитни ифлослантириш (196-модда);
 - ўсимликлар касалликлари ёки зааркунандалар билан курашиш талабларини бузиш (199-модда).

IV. Ҳокимият, бошқарув ва жамоа бирлашималари орган фаолияти таркибига қарши жиноятлар

- ҳокимият ёки мансаб фаолиятини съистемол қилиш (205-модда);
- ҳокимият ёки мансаб доирасидан четга чиқиш (206-модда);
- мансабга совуққонлик билан қараш (207-модда);
- ҳокимият ҳавфсизлиги (208-модда);
- мансаб соҳтакорлиги (209-модда);
- пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш (210, 211, 212-модда);
 - ёлғон гувоҳлик бериш суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш, жиноят процессуал юридик қатнашишлари ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаш (238, 239, 240-модда).

V. Жамоат ҳавфсизлиги ва жамоат тартибига қарии жиноятлар:

- кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддани қонунга хилоф равища эгаллаш (251-модда);
- радиоактив материални қонунга хилоф равища эгаллаш (252-модда);
- радиоактив материаллардан фойдаланиш қонунларини бузиш ва қонунга хилоф равища фойдаланиш (253,254-модда);
- тадқиқот фаолиятини амалга ошириша хавфсизлик қоидаларини бузиш (256-модда);
- гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равища эгаллаш (271-модда);
- гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равища ўтказиш (272-модда);
- гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равища тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа харакатлар, гиёхванд воситалар ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб қилиш (273, 274-модда).

Тиббиёт ходимлари фаолияти билан боғлиқ касбий ҳуқуқбузарликларга оид иш материаллари суд – тиббий экспертиза ўтказиш тартиби

➤ Даволаш ва диагностика жараёнида кузатилган нохуш салбий оқибатлари билан боғлиқ иш материалларига оид суд тиббий экспертиза жараёни «Такрорий комиссион ва комплекс суд тиббий экспертизаларнинг бажарилиш қоидаларига» асосан комиссион тартибда бажарилади (ЖПК нинг 177-моддаси).

➤ Судга оид тиббий экспертиза бюросида камида уч экспертдан иборат суд тиббий эксперtlар комиссияси тузилади.

➤ Суриштирув, тергов ва суд ходимлари суд тиббий эксперtlар комиссиясини ўз қарашларига қўра белгилаш ва комиссия таркибига муайян мутахассисларни киритиш ҳуқуқига эга. Агар экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда (ажримда) эксперtlар комиссияси таркиби кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда

комиссия таркиби судга оид тиббий экспертиза бюросининг бошлиғи ёки етакчи эксперт томонидан белгиланади.

➤ Судга оид тиббий экспертиза бюросининг бошлиғи ёки бюронинг қайта комиссион экспертизалар бўлими мудири етакчи эксперт бўлиши мумкин ва ушбу шахс эксперталар комиссияси иши юзасидан жавобгар ҳисобланади.

➤ Бюро бўйича буйруқ асосида энг малакали суд тиббий эксперталаридан бири эксперталар комиссиянинг котиби этиб тайинланади. Шунингдек, комиссия таркибига юқори илмий-амалий иш фаолиятига эга бўлган маҳсус тиббиёт соҳаси мутахассислари ҳам комиссия таркибига киритилади.

➤ Иш натижасидан манфаатдор бўлган шахслар тиббий эксперталар комиссияси таркибига киритилмайди. Эксперталар комиссиясининг ҳар бир аъзоси шахсан иш материаллари билан танишиб чиқишлари лозим.

➤ Иш материалларининг таркиби билан танишиш экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим) ни ўрганишдан бошланади. Қарорда иш тафсилотининг негизи баён этилади ва экспертиза ўtkазилиши мақсади кўрсатилади, шунингдек, экспертиза ечимиға қўйилган саволлар ва текширилувчи объектлар рўйхати келтирилади.

➤ Эксперталар иш материаллари билан танишиб чиқишиб, текширилаётган ҳодиса тўғрисида муайян тушунчага эга бўлгач, тиббий хужжатларни (фақат асл нусҳасини), мурда текширув баённомаси ёки экспертиза хулосалари (далолатномалари), клинико-анатомик конференциялар, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомалари, тиббий ходимларнинг кўрсатмалари ва бошқа хужжатларни синчиклаб ўрганишлари лозим.

➤ Баъзи ҳолларда экспертизага иш материалларидан ташқари бошқа объектлар ҳам тақдим этилади ва уларнинг ўрганилиши (таҳлили) текширувнинг иккинчи босқичини ташкил қиласиди. Бу босқичда жабрланувчи (айбланувчи) ларни гувоҳлантириш, бирламчи ёки такроран мурда экспертизаси (текшируви), ички аъзолар қирқимлари, ашёвий далиллар текшируви бажарилиши мумкин. Ушбу ҳолат бўйича эксперталар комиссияси томонидан бажариладиган ишлар ҳар бир турдаги объект учун умумий қабул қилинган қоидалар асосида амалга оширилади.

➤ Кўшимча текширувлардан олинган маълумотлар хулоса тузишда инобатга олинади, баъзи ҳолларда улар хулоса тузишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

➤ Экспертлар комиссияси экспертиза тайинланган шахснинг олдига касбий ҳуқуқбузарлик бўйича жиноий жавобгарликка тортилаётган тиббий ходимларнинг шахсан изоҳлаб беришлари учун уларни комиссияга чақириш хақида талаб қўйиш ҳуқуқига эга. Етакчи эксперт ҳамда комиссия аъзолари, шунингдек, комиссия котиби эксперт хуносаси объективлиги ва тўлақонлиги борасида баравар жавобгар ҳисобланади.

➤ Иш материаларини муҳокама қилиш жараёнида эксперталар комиссияси айбланаётган тиббий ходим фаолияти билан боғлиқ шароитни инобатга олишлари лозим, чунки нохуш ҳолат талабларга жавоб бермайдиган меҳнат шароити билан боғлиқ бўлиши мумкин (масалан, диагностик асбоб анжомларнинг йўқлиги). Бундан ташқари, нохуш-салбий ҳолат касалликнинг атипик кечуви, беморнинг врачга кечикиб мурожаат қилганлиги, беморда айрим дори воситаларга нисбатан аллергик реакция ривожланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

➤ Суд тиббий эксперталар комиссияси иш материаларини ўрганиш асосида нохуш салбий оқибатнинг юзага келиш сабаби ва шароитини ҳисобга олиб факатгина тиббий биологик тавсифли саволлар юзасидан жавоб бериш ҳукуқига эга. Даволаш диагностика ва профилактика жараёнлари билан боғлиқ нохуш – салбий оқибатларни ҳуқуқий жиҳатдан гуруҳларга ажратиш суд тергов органлари вазифасига киради.

Экспертлар комиссияси томонидан ечими талаб қилинадиган саволларнинг таҳминий рўйхати:

1. Амбулаторияда ёки шифохонада ташхис ўз вақтида ва тўғри қўйилганми, агар тўғри ёки ўз вақтида қўйилмаган бўлса, ушбу ҳолат қандай оқибатларга олиб келган?
2. Шифохонада bemорга текширувлар тўлиқ ҳажмда бажарилганми?
3. Бемор шифохонага ўз вақтида ётқизилганми?
4. Беморга бажарилган даволаш тадбирлари аниқланган ташхисга мос келадими?
5. Асоратларга қарши кураш жараёнида барча тадбирлар қўлланганми?

6. Агар тиббий ёрдам етарли қўламда кўрсатилмаган бўлса, бу ҳолат қандай оқибатларга олиб келган ва яна қандай тадбирлар бажарилиши лозим эди?

7. Асорат юзага келишини олдини олиш имкони бўлганми, асоратни даволаш учун bemорга етарли ҳажмда ёрдам кўрсатилганми?

8. Bеморга шифохонадан ўз вақтида жавоб берилганми?

9. Bеморга бажарилган даво чораларини қўллашга қарши кўрсатмалар бўлганми ва ушбу даво чоралари bemор аҳволининг оғирлашувига ва ўлимга олиб келганми?

10. Даволаш ва диагностика жараёнининг қайси босқичида хатоларга йўл қўйилган?

11. Касаллик оқибатида касалликнинг оғирлиги ва кечиш хусусиятлари асосийми ёки даволаш жараёнида йўл қўйилган хатолар асосий ҳисобланадими?

12. Операцияга кўрсатма бўлганми?

13. Операциядан кейинги даврда bemор тиббий ходимлар томонидан доимий кузатувда бўлганми?

14. Операция жараёнида ва операциядан кейинги даврда қандай хато-камчиликларга йўл қўйилган?

15. Bеморга реанимацион тадбирлар тўғри бажарилганми?

16. Фуқаронинг баданида қандай тан жароҳатлари мавжуд бўлган, уларнинг етказилиш механизми қандай ва ушбу тан жароҳатлари унинг ўлимига сабаб бўлганми?

17. Марҳумнинг ўлимига нима сабаб бўлган?

Комиссион суд тиббий экспертиза хulosasi

Фуқаролик ва жиноят ишлари материалларига оид экспертиза жараёнида «Комиссион экспертиза хulosasi» расмийлаштирилади. Ушбу хужжат суд-тиббий хужжатларга қўйилган фикрларнинг тўлиқлигини, объективлиги, жамоатчилик учун тушунарли тарзда баён қилиниши каби асосий талабларни инобатга олган ҳолда тузилади.

Суд – тиббий эксперtlар комиссиясининг хulosasi қўйидаги З қисмдан иборат. «Кириш қисми» дан сўнг «Текширув қисми» расмийлаштирилиб, у

хулосасининг асосий қисми ҳисобланади. Хулосасининг кириш қисмida қуидагилар қайд этилади:

- экспериза бажарилаётган кун, ой ва йил;

-комиссиясининг номи ва етакчи эксперт ҳамда комиссия аъзоларининг, шу жумладан, маъruzачининг лавозими, илмий даражаси, илмий унвони, фамилияси ва исми – шарифи кўрсатилган ҳолда комиссия таркиби;

-экспертиза ўтказилаётган жой;

-экспертиза ўтказиш учун асос-тергов органлари қарорининг санаси, уни чиқарган шахснинг фамилияси, исми-шарифи, лавозими, суд ажримининг санаси ва унинг номи;

-экспертиза юритилаётган иш, масалан, фукаро - (фамилияси, исми ва шарифи ва ёши тўлиқ ёзилади) нинг ўлими тўғрисида иш материаллари бўйича ёки врач (фамилияси, исми ва шарифи, мутаҳассислиги ва ёшини кўрсатиш лозим) ни айблаш тўғрисидаги иш материаллари;

-экспертизанинг мақсади ва экспертиза ечимига қўйилган саволлар рўйхати (қарор ёки ажримдаги баёни бўйича);

-экспертизага тақдим қилинган хужжатлар рўйхати. Масалан, мархум А.нинг ўлими воқеаси бўйича 120 варакда бир жилдли, жиноий иш, тиббий хужжатлар (беморнинг тиббий баённомалари, амбулатория тиббий баёнлари, тиббий маълумотларнинг рақамлари кўрсатилган ҳолда).

«Текширув қисми» иш моҳиятининг қисқача баёнидан иборат бўлиб, унда экспертиза ўтказиш учун аҳамиятга эга бўлган маълумотлар ифода этилади, яъни ушбу қисм эксперталар комиссияси мулоҳаза юритиши, хулосани асослаш учун зарур бўлган маълумотларни ўзида мужассамлаштириши лозим.

«Текширув қисми» да қатъян далилий асосга эга бўлган материаллар лавҳалар тарзида қайд қилинади, айрим қисмлар шаҳсий фикр-мулоҳазаларни кўрсатмаган ҳолат иш бўйича маъruzачининг сўzlари билан баён қилинади.

«Текширув қисми» да қуидагилар қайд қилиниши лозим: ишнинг қўзғатилишига сабаб (жабрланувчи, айланувчи ёки унинг қариндошларининг шикоят варақалари) мурдани топилган жойда (ходиса жойида) кўздан кечириш баённомасидан кўчирмалар, айланувчининг сўроқ қилиш баённомаси, билдириш

ва тушунтириш хатларидан, тергов органларининг у ёки бу қароридан, суд ҳукмлари ажримидан олинган маълумотлар, мурда экспертизасининг хulosалари ёки мурдани патологоанатомик текширув баённомаси, уларнинг рақами ва текшириш ўтказиш санаси, мурдани текширган врачнинг фамилияси, исми-шарифи, лавозимини кўрсатган ҳолда мурда экспертизаси хulosаси ёки патологоанатомик текшириш баённомасидан кўчирмалар, суд-тиббий экспертиза хulosасининг тўхтамлари ёки эпикриз билан патологоанатомик диагноз, беморнинг касалхонага тушган ёки мурожаат қилган кундаги ҳолати, шикоятлари ва мавжуд бўлган жароҳатлари, объектив текшириш натижалари, кундаликлар, текширишлар натижаларидан консультациялардан кўчирма келтирган ҳолда ўтказилган операциялар, анализ натижалари, ўтказилаётган даво муолажаларни албатта келтирган ҳолда тиббий ҳужжатлар (рақами ёки даволаш муассасини кўрсатган ҳолда тиббий баён ёки амбулатор беморнинг индивидуал картасидан тегишли маълумотлар: кўшимча текширишлар (гистологик, суд-кимёвий ва бошқалар) маълумотлари, клиник-анатомик ва клиник конференциялар баённомаларидан кўчирмалар, мутахассислиги, иш стажи кўрсатилган ҳолда жавобгарликка тортилаётган ходимга тавсияномалар ва ҳоказолар.

Тақдим қилинган ҳужжатлардаги маълумотлар текширув қисмида қайд этилиши лозим.

«Тўхтам» қисми қўйидаги жумла билан бошланиши лозим: «Иш материалларини ўрганиб чиқиб, қўйилган саволларга мувофиқ, суд-тиббий эксперtlар комиссияси куйидаги тўхтамга келинди.....». Шундан сўнг қўйилган саволларга жавоблар қўринишида тўхтамлар матни баён қилинади. Экспертлар комиссиясининг тўхтамлари мутлақо объектив ва илмий асосланган бўлиши лозим.

Фақат тахминга асосланган, шунингдек, ўзида зиддиятли фикрларни мужассамлаштирувчи, чала, мавхум тўхтамлар тузиш ман этилади. Тўхтамлар иш материалларидан келиб чиқиши ва уларнинг ҳар бир банди «Текширув қисми» да ўз хисоботини топиши лозим.

Экспертизалар комиссияси тўхтамлари тергов ва суд учун аҳамиятга эга бўлган, аммо қарор ва ажримда ечими талаб қилинмаган ҳолларни ҳам қамраб олиши лозим.

Тўхтамдаги жавоб бандлари қўйилган саволлар кетма-кетлигига мувофиқ тузилади, ўхшаш ҳамда бир хил тавсифга эга бўлган саволларга жавоблар умумлаштирилиши мумкин.

Комиссия аъзоларидан бирон бир шахс тўхтам ёки унинг маълум бир жавоб банди юзасидан эътирози бўлса, унинг фикри хulosага киритилиши лозим.

Иш материалларига оид экспертиза хulosаси 3 нусхада расмийлаштирилади. Хulosанинг биринчи нусхаси ва иш материаллари илова хати билан экспертизани тайинлаган муассасага юборилади. Иккинчи нусха мазкур судга оид тиббий экспертиза бюросида қолдирилади, учинчи нусха эса экспертиза бош бюросига тақриз учун тақдим қилинади.

НАЗОРАТ ТУРЛАРИ

- Оғзаки сўров;
- Саволларга ёзма жавоб бериш;
- Тест назорати;
- Графикли органайзерлар тузиш.

ТЕСТ НАЗОРАТИ САВОЛАРИ.

А, В, С, Д, Е харфлари билан белгиланган тестлардан битта жавобни белгиланг.

1. Жиноятнинг объектив томонини курсатинг?

- А. Харакат,
Б. Харакатсизлик,
С. Харакат, харакатсизлик,
Д. Даил, исбот,
Е. Ашёвий далил.

2. Тиббий ходим томонидан тугрукхонада болани алмаштириш содир булди. Бу жиноятнинг кайси турига киради?

- А. Оиласа карши,
Б. Ёшларга карши,
С. Ахлокка карши,

- Д. Согликка карши,
Е. Хаётга карши.

3. Врач томонидан бола асраб олиш хакидаги сирни ошкор этиш содир булди. Бу жиноятнинг кайси турига киради?

- А. Оиласа ва ёшларга карши,
Б. Оила, хаётга, ёшларга карши,
С. Ёшларга, согликка, хаётга карши,
Д. Хаётга ва согликка карши,
Е. Экологияга карши.

4. Умумий меҳнат кобилиятининг 33% дан куп микдорда тургун

йуқолиши кандай тан жарохатлари гурухига киради?

- А. Оғир тан жарохатларга,
- В. Енгил тан жарохатларга,
- С. Урта оғирликдаги шикастларга,
- Д. Соглигини бузилишига сабаб булған енгил тан жарохатига,
- Е. Соглигини бузилишига сабаб булмаган енгил тан жарохатига,

5. Урта оғирликдаги согликка етказилған тан жарохати мезонини курсатинг.

- А. Хаёт учун хавф алматларининг борлиги,
- В. Килмиш белгилари борлиги,
- С. Эхтиётсизлик белгилари борлиги,
- Д. Хаёт учун хавф алматларининг йуклиги,
- Е. Умумий меҳнат кобилиятининг 33% дан куп микдорда турғун йуқолиши.

6. Енгил согликни бузилишига сабаб булған тан жарохати мезонини курсатинг?

- А. Умумий меҳнат кобилиятининг 10% дан кам йукотиш,
- В. Умумий меҳнат кобилиятининг 12% дан куп йукотиш,
- С. Умумий меҳнат кобилиятининг 15% дан куп йукотиш,
- Д. Умумий меҳнат кобилиятининг 30% дан кам йукотиш.

7. Соглик ва хаётга карши булған жиноятларни курсатинг?

- А. Таносил ва ОИТС (СПИЕ. касалликларини таркatiш,
- В. Жиноий аборт,
- С. Касдан урта ёки оғир даражадаги шикаст етказиш,
- Д. Экологияни бузиш,
- Е. Болани алмаштириш,

8. Тиббий муассасадан ташкарида, санитар-гигиена коидаларига хилоф расмийлаштирилмай акушер-гинеколог ва бошка мутахассис

врачлар томонидан хомила туширилиши нима деб аталади?

- А. Хомиланинг сунъий равища туширилиши,
- В. Жиноий (криминал) аборт.
- С. Хавф остида колдириш,
- Д. Согликка карши жиноят,
- Е. Онага карши жиноят.

9. Тиббий фаолиятидаги мансабига совукконлик билан караш, мансаб соҳтакорлиги жиноятлар гурухининг кайси турига киради?

- А. Хужалик фаолиятида учрайдиган жиноятлари,
- Б. Оила, ахлок ва ёшларга карши жиноятлари,
- С. Бошкарувнинг белгиланган тартибида карши жиноятлари,
- Д. Хаётга ва согликга хавф солувчи жиноятлари,
- Е. Хаммаси тугри.

10. Кандай холларда тиббий ходимларни уз касбига совукконлик билан караш деб таърифланади?

- А. Малакасизлиги, укувсизлиги,
- Б. Бепарволиги, локайдлиги,
- С. Кобилиятсизлиги,
- Д. Касалликнинг атипик кечуви,
- Е. Беморнинг кеч мурожиат килиши.

11. Беморни шикоятларини, анамнезини уз вактида йигмаслик, уз вактида диагноз куймаслик, даво диагностик чораларини тулик баҳолай олмаслик, тиббий фаолиятдаги кандай холат деб баҳоланади?

- А. Хавф остида колдириш,
- Б. Уз вазифасини лозим даражада бажармаслик,
- С. Мансабга совукконлик билан караш,
- Д. Мансаб харакатсизлиги,
- Е. Мансаб ваколатидан четга чикиш.

12. Автотравма окибатида bemor хаёт учун хавфли тан жарохатлари

олди, шу атрофда яшайдиган врач воеа жойига чакирилди, лекин врач сабабсиз келмади. Врачга нисбатан кандай жавобгарлик курилиши мумкин?

- А. Уз вазифасини лозим даражада бажармаслик,
- В. Хавф остида колдириш,
- С. Мансабга совукконлик билан караш,
- Д. Мансаб харакатсизлиги,
- Е. Мансаб ваколатидан четга чикиш.

13. Суд-тиббий экспертиза кандай холларда тайинланади?

- А. Тиббий масалаларни хал этиш учун,
- Б. Биологик масалаларни хал этиш учун,
- С. Физиологик масалаларни хал этиш учун,
- Д. Ботаник масалаларни хал этиш учун,
- Е. Тиббий, биологик масалаларни хал этиш учун.

14. Узбекистон Республикасида суд-тиббий экспертиза утказишини белгиловчи меъёрий хужжатлар:

- А. ЖПК ва ЖК,
- Б. согликни саклаш вазирлигининг 551 ва 336 буйруклари,
- С. согликни саклаш вазирлиги,
- Д. факт а ва б тугри жавоб,
- Е. хаммаси тугри.

15. Кандай хужжатлар асосида экспертиза тайинланади?

- А. Карор, ажрим,
- Б. Йулланма, баённома,
- С. Ариза, карор,
- Д. Йулланма, баённома,
- Е. Маълумотнома.

16. Суд-тиббий экспертиза турларини белгиланг?

- А. Бирламчи, кушимча, кайта, комиссион, комплекс,
- В. Бирламчи, ёрдамчи, кайта, тулдирувчи, иккиламчи,

- С. Бирламчи, кушимча, кайта, иккиламчи, учламчи,
- Д. Бирламчи, иккиламчи, кайта, комиссион, комплекс,
- Е. Бирламчи, кайта, комиссион, иккиламчи, учламчи.

17. Тиббий фаолият билан боглик касбий хукукбузарлик содир булса, суд-тиббий экспертизанинг кайси тури утказилади?

- А. Комплекс,
- В. Кайта,
- С. Такрорий,
- Д. Комиссион,
- Е. Кушимча.

18. Тиббий муассасада даволаш чора тадбирларида улим содир булса, шикоят булган холатларда мурда экспертизаси утказиш шартми?

- А. Утказилиши шарт ва зарур,
- Б. Кариндошларининг розилиги билан,
- С. Утказиш шарт эмас,
- Д. Тиббий муассасада тузилган баённома етарли,
- Е. Умуман мумкин эмас.

19. Экспертиза хulosаси куйидаги кайси кисмлардан ташкил топган?

- А. Кириш, текширув, тухтам,
- Б. Кириш, бажариш, текширув,
- С. Кириш, паспорт, тасвирий,
- Д. Кириш, текширув, тасвирий;
- Е. Кириш, диагностик, тухтам.

20. Комиссион экспертиза хulosасининг кириш кисмida кайд этиладиган маълумотлар кайсалар?

- А. Экспертиза утказиш учун асос,
- Б. Экспертлар комиссиясининг таркиби,
- С. Экспертиза утказадиган муассаса,
- Д. Экспертиза олдига куйилган саволлар,
- Е. Карор ва ажримдаги иш тафсилоти,

21. ҚВП бош врачи ишга қабул қилишда Х. исмли шахсдан пул талаб қилди. Бу ҳолатни қандай баҳолайсиз?

- А. Ҳокимият ёки мансаб доирасидан четга чиқиш
- Б. Мансабга совуқонлик билан қараш
- С. Мансаб сохтакорлиги
- Д. Пора олиш
- Е. Ҳаётини хавф остида қолдириш

22. УзР. Кайси кодексида тиббий ходимларнинг касбга доир жиноят курсатилган?

- А. Мехнат кодексида
- Б. Фукаролик кодексида
- С. Оилавий кодексда
- Д. Жиноят кодексида

1, 2, 3, 4 ракамлари билан белгиланган тестларга куйидаги харфли коддан фойдаланган холда жавоб белгиланг:

А — тугри: I, 2, 3. В — тугри: 1, 3. С — тугри: 2, 4. Д — тугри: 4. Е — тугри: 1, 2, 3, 4.

24. Тиббий ходимларнинг касбий хукукбузарликларини курсатинг?

- 1. Ятрогения, тиббий бахтсиз ходиса,
- 2. Касд, килмиш, бахтсиз ходиса, ятрогения,
- 3. Врач хатоси, хукукбузарликлар,
- 4. Жиноят, килмиш, бахтсиз ходиса, ятрогения,

25. Жиноята хос белгиларни курсатинг?

- 1. Айб мавжудлиги,
- 2. Касдан содир этиш,
- 3. Жамиятга хавф тугдирувчи,
- 4. Эҳтиётсизлик туфайли содир этилиши

26. Ҳаётга ва согликга карши жиноятларни курсатинг?

- 1. Касдан енгил тан жарохати етказиш (109-мод).
- 2. Урта ёки оғир даражали тан жарохатини эҳтиётсизлик туфайли етказиш (111- мод),
- 3. Касдан одам улдириш, (97- мод),
- 4. Касдан оғир тан жарохати етказиш(104- мод).

E. Маъмурий кодексида

23. ҚВП врачи беморга маҳаллий оғриқизлантириш остида карбункулни очиш операциясини утказди. Операциядан кейин bemor ахволи оғирлашиб, вафот этди. Суд-тиббий текширув натижасида bemor оғриқ шоқидан вафот этганлиги маълиум булди. Ушбу ҳолатни баҳоланг.

- А. Бахтсиз ходиса,
- Б. Врач хатоси,
- С. Согликга ва ҳаётга карши жиноят,
- Д. Ятроген патология,
- Е. Эҳтиётсизлик натижасидаги жиноят.

27. Тиббий ходимлар фаолиятида оиласа, ёшларга ва ахолига карши булган жиноятлардан кайси 4 тури кузатилади?

- 1. Фарзандликка олиш сирини ошкор килиш (125 мод),
- 2. Инсон аъзолари ёки тукималарини ажратиб олиш,
- 3. Болани алмаштириб куйиш (124- мод),
- 4. Ҳакорат килиш (140- мод),

28. Ҳаётга ва согликга карши жиноятларга мисоллар келтиринг?

- 1. Касдан урта тан жарохати етказиш,(114- мод).
- 2. Эҳтиётсизлик туфайли одам улдириш,(102- мод).
- 3. Жиноий равища хомила тушириш, (114- мод).
- 4. Болани алмаштириб куйиш (124 - мод)

29. Тиббий ходимлар фаолиятидаги оила, ёшлар, маънавиятга карши жиноятларнинг турларини айтинг?

- 1. Болани алмаштириш,

2. Бола асраб олганлик хакидаги сирни ошкор этиш,
 3. Одам аъзо ва тукималарни ажратиб олиш,
 4. Кабрни такирлаш,
- 30. Тиббий ходим фаолиятида жамоят хавфсизлигига карши жиноятларнинг турларини айтинг?**
1. Радиактив материаллар билан ишлаш коидаларини бузилиши,
 2. Текширув ишларини олиб борища хавфсизлик коидаларнинг бузилиши,
 3. Мехнатни мухофаза килиш коидаларининг бузилиши,
 4. Санитария конунчилиги ёки эпидемияга карши кураш коидаларнинг бузилиши,
- 31. Бошкарув тартибига карши жиноятларни курсатинг?**
1. Хокимият ва мансаб ваколатини суистеъмол килиш (205- мод),
 2. Ёлгон гувохлик бериш (238- мод),
 3. Мансабга совукконлик билан караш(207 мод)
 4. Пора олиш (210- мод),
- 32. Согликка карши жиноятларнинг турини курсатинг?**
- А.касдан огир, урта, енгил тан жарохати етказиш,
В.эҳтиётсизлик оркасидан урта ёки огир даражадаги тан жарохати етказиш,
С.а ва б жавоблар тугри,
Д.касдан огир, урта тан жарохати етказиш,
Е.эҳтиётсизликдан урта, огир тан жарохати етказиш.
- 33. Кандай холларда врач жиноий жавобгарликка тортилмаслиги мумкин?**
1. Касаллик атипик кечган булса,
 2. Касаллик типик кечган булса,
 3. Касаллик яшин тезлигига кечган булса,
 4. Врачни узи огир касал булса.

- 34. Экспертизани турларини курсатинг?**
1. Суд-тиббий,
 2. Суд-графологик,
 3. Суд-психиатрик,
 4. Патолого-анатомик,
- 35. Комиссион суд тиббий экспертиза тайинланадиган холатни курсатинг?**
1. Тан жарохатини аниклашда,
 2. Жинсий кушилганликни аниклашда,
 3. Тиббий ходимларнинг касбий хукукбузарликлари холатида,
 4. Зураки улимга гумон килинганда,
- 36. Комиссион суд-тиббий экспертиза тайинланиши зарур булган холатларни курсатинг?**
1. Ёшни аниклашда,
 2. Шахснинг саломатлик холатини аниклашда,
 3. Тиббиёт ходимлари касб хукукбузарлик холатида,
 4. Мехнат кобилиятини доимий йукотиш даражасини аниклашда,
- 37. Комиссион суд – тиббий экспертизага тақдим этиладиган хужжатлар турини курсатинг?**
1. Тиббий хужжат маълумотлари,
 2. Объектив маълумотлар,
 3. Жиноий ва фукаролик иш материаллари,
 4. Субъектив маълумотлар,
- 38. Экспертизага жалб килинган мутахассиснинг хукукларини белгиланг?**
1. Кандай максадда чакирилганлигини билиш,
 2. Узи жалб этилган иш материаллари билан танишиш,
 3. Тергов харакатлари ва суд мухокамасида иштирок этаётган шахсларга ишга оид саволлар бериш,
 - Д. Суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд устидан шикоятлар келтириш,

39. Экспертизага жалб қилинган мутахассиснинг мажбуриятларини курсатинг?

1. Суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг чакиравига биноан хозир булиш,
2. Жиной ишни юритишида маҳсус билим ва малакасидан фойдаланган холда иштирок этиш,
3. Суриштирув ва дастлабки тергов сирларини ошкор килмаслик.

4. Иш буйича ҳакикатни аниклашга имкон берадиган холатларга эътиборини каратиш,

40. Суд таббий комиссион экспертиза хулосасининг объективлиги ва асосланганлиги учун масъулият кимга юклатилган?

1. Даволовчи врача
2. Экспертлар комиссияси аъзоларига,
3. Иш буйича маъruzachi экспертга,
4. Етакчи экспертга,

Жавоблар жумласи алоҳида мазмунга эга булган икки кисмдан иборат, икала кисм «чунки» боғловчи билан боғланган тестларда 1-чи ва 2-чи кисм жумлалари мазмунининг алоҳида тугри ёки нотугрилигини, кейин эса уларнинг бирлашган холидаги мазмунининг алокадорлигини аникланг ва қуидаги ҳарфли коддан фойдаланган холда жавоб белгиланг:

Жавоб	1-жумла	2-жумла	Боғлам
A	тугри	тугри	тугри
B	тугри	тугри	нотугри
C	тугри	нотугри	нотугри
D	нотугри	тугри	нотугри
E	нотугри	нотугри	нотугри

41. Врач томонидан бола асраб олиш ҳакидаги сирни ошкор этиш ёшларга ва оиласа карши жиноят хисобланади, чуни тиббий ходим томонидан тугрукхонада болани алмаштириш хам ёшларга ва оиласа карши жиноятлар гурухига киради.

42. Касддан огир, урта огир, енгил тан жарохати етказиш согликка карши жиноятлар гурухига киради, чунки согликка карши жиноятлар натижасида фукаро хаёт ива соглигиги зиён етказилади.

43. Тиббий фаолиятидаги мансабига совукконлик билан караш, мансаб соҳтакорлиги жиноятлар гурухининг бошқарувнинг белгиланган тартибида карши жиноятлар турига киради, чунки бу жиноятлар хаётга ва согликка карши жиноятлар гурухига киради.

44. Тиббий ходимларнинг фукаролар хаёти ва соглигига карши жиноятларига қастдан одам улдириш, экология талаб ва нормаларини бузиш, жиной abortлар киради, чунки улар ёшларга ва оиласа карши жиноятлрга киради.

45. Уз вазифаларини талаб даражасида бажармаслик хокимиият бошқарувига карши жиноятлар гурухига киради, чунки улар оиласа ва ёшларга карши жиноятларга кирмайди.

46. Врач фаолияти билан боғлик суд-тиббий экспертиза вактида воеа тафсилоти суриштирувчи, терговчи томонидан тузилади, чунки воеа тафсилотини суриштирувчи ва терговчига маълум булади.

47. Врач фаолияти билан бөгликтөрдөн таркибига даволовчи врач хам киради, чунки даволовчи врач экспертиза давомида пайдо булиши мүмкін булган маңсус саволларга жавоб беради.

48. Суд-тиббий экспертиза комиссияси беморни даволаш вактида йул күйилгандай хато-камчиликтер учун жазолаш масаласини хал килмайды, чунки даволаш вактида йул күйилгандай хато-камчиликтер учун жазолаш масаласини тиббий мұассаса маңмурологияның хал килади.

49. Суд-тиббий экспертиза комиссияси бемор улимида тиббий ходимнинг айби борлигини аниклай олмайды, чунки бемор улимида тиббий ходимнинг айби борлигини аниклаш суд-тиббий экспертиза комиссияси компетенциясында кирмайды.

50. Врач фаолияти билан бөгликтөрдөн таркибига хукукбүзарларда комиссиянан суд-тиббий экспертиза утказиш шартты эмас, чунки суд-тиббий комиссия олдига күйилгандай саволларга экспертиза утказаётган эксперт жавоб беради.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

- ✓ Тиббий ходимлар фаолияти билан бөглиқ нохуш салбий оқибаттарға нималар киради?
- ✓ Айб-хато түшүнчеси ва турларини айтиб беринг.
- ✓ Жиноят түшүнчеси деганда нимани түшүнасиз ва унинг турларини күрсатинг.
- ✓ Тиббий ходимлар фаолияти билан бөглиқ нохуш салбий оқибаттар содир бўлганда қўлланиладиган жазоларнинг турларини айтиб беринг.
- ✓ Тиббий ходимлар фаолияти билан бөглиқ қандай жиноят турларини биласиз.
- ✓ Ҳаётга ва соғлиқка қарши жиноятлар турларини күрсатинг.
- ✓ Оиласа, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар турларини күрсатинг.
- ✓ Ҳокимият, бошқарув ва бошқарув органлари тартибига қарши қандай жиноятлар турларини биласиз.
- ✓ Нохуш салбий ҳолатлар юз берганда қандай тартибда суд тиббий экспертиза тайинланади.
- ✓ Комиссион СТЭ ва унинг бажарилиш тартиби қандай амалга оширилади.

Талабалар мустақил ишини ташкил қилиш учун кўрсатмалар

- ❖ Ўқув гурухи ичидаги «Тиббий ходимлар фаолиятида учрайдиган жиноятлар» мавзусида анжуман ўтказиши.

- ❖ Мавзуга оид альбом, макет, стенд, слайд, ўкув жадвалари ва тест саволлари тузиш.
- ❖ Ўқитувчи назорати остида «Комиссион суд тиббий экспертиза ўтказиш» мавзусида мунозарали сұхбат ўтказиш.
- ❖ Мавзу бўйича янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда интерактив ўйинлар ўтказиш.

1 - илова

Гурух билан ишлаш қоидалари

Гурух аъзоларининг ҳар бири:

- ўз шерикларининг фикрларини хурмат қилишлари лозим;
- берилган топшириклар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;
- ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;
- ёрдам сўраганларга қўмак беришлари лозим;
- гурухни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим;
- «Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз ёки бирга қутиламиз» қоидасини яхши билишлари лозим.

1 - Ўқув топшириқлар

1. Саволга жавобни шакллантиринг:

- Тиббий ходимларнинг касбий ҳуқуқбузарликлари турлари,
- Тиббий ходимларнинг касбий ҳуқуқбузарликлари ҳолатида СТЭ масалалари ва ўтказиш тартиби.

2. Ушбу тушунчаларнинг мазмунини ёритинг:

Тиббий ходим, касбий ҳуқуқбузарлик, қилмиш, жиноят, лавозимли жиноятлар, касбий жиноятлар, комиссион СТЭ тушунчаларига изоҳ беринг.

2-ўқув топшириқлар

1. 7-мавзуда баён этилган маълумот мазмунини дикқат билан ўрганиб чиқинг.
2. Чизмали органайзерларни ишлаб чиқишига ҳаракат қилинг (таклиф қилинган асосий тушунчалардан фойдалансангиз бўлади).

Чизмали органайзерлар	Асосий тушунчалар (калит сўзлар)
----------------------------------	---

Кластер (1.1)	<p>«Тиббий ходимларнинг хуқуқбузарликлари». «Жиноят». «Хаётга ва соғлиққа қарши жиноятлар». «Жамоат ҳавфсизлиги ва жамоат тартибиға қарши жиноятлар». «Ҳокимият, бошқарув ва жамоа бирлашмалари орган фаолияти таркибиға қарши жиноятлар».</p>	касбий
Венн диаграммаси (1.5 – намуна)	<ul style="list-style-type: none"> - Хаётга ва соғлиққа қарши жиноятлар - Оилага, ёшларга, ахлоққа қарши жиноятлар. 	
«Нима учун?» (1.6 - намуна)	<ul style="list-style-type: none"> - Нима учун «Тиббий ходимларнинг жиноятлари» ўрганилади? - Нима учун «Тиббий ходимларнинг касбий хуқуқбузарликлари» содир этилади? - Хаётга ва соғлиққа қарши жиноятлар нима учун содир этилади? 	
«Балиқ скелети» (1.7 - намуна)	Тиббий ходимларнинг жиноятлари билан боғлиқ муаммолар.	
«Т – жадвал» (1.8 - намуна) CWOT (1.9 - намуна)	<ul style="list-style-type: none"> - Тиббий ходимларнинг жиноятларини олдини олиш. - Хаётга ва соғлиққа қарши жиноятлар. - Оилага, ёшларга, ахлоққа қарши жиноятлар. 	
«Қандай?» (1.10 - намуна)	<ul style="list-style-type: none"> - Тиббий ходимларнинг жиноятларини олдини олиш мүмкін? - Тиббий ходимларнинг жиноятларининг жазоланиши? 	

6-МАВЗУ	<p>Тиббий фаолиятда меҳнат қонунчилиги.. Йишга кирувчи ва иш берувчининг хукук ва мажбуриятлари, уриндошлиқ, уринбосарлик. Жамоа ва меҳнат шартномаси. Иш вакти. Меҳнат муҳофазаси. Тиббий сугурта. Интизомий жазо ва уни куллаш тартиби. Тиббий ходимларнинг маъмурий жавобгарлиги, унинг турлари, маъмурий жазо куллаш тартиби.</p>
----------------	--

Амалий машғулотнинг ўқитиши технологияси

Вакти - соат	Талабалар сони: 8 - 9 нафар
Ўқув машғулоти шакли	Билимларни чуқурлаштириш, кенгайтириш ва амалда бажариш бўйича амалий машғулот.
Амалий машғулотнинг тузилиши	<ul style="list-style-type: none"> -Меҳнат шартномаси тушунчаси; - иш вақти ва соатлари тушунчаси; - маъмурий жавобгарлик тушунчаси; - интизомий жавобгарлик тушунчаси; - фуқаролик жавобгарлиги тушунчаси;
Ўқув машғулотининг мақсади:	Меҳнат қонунчилиги, меҳнат шартномаси, жамоа шартномаси, ишга қабул қилиш ва шартномани бекор қилиш шартлари, иш куни, меҳнат таътили тушунчалари ва тартиби билан таништириш.
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба:
<ul style="list-style-type: none"> -Меҳнат шартномаси тушунчасига таъриф бериш; -иш вақти ва соатлари тушунчасини ўргатиш; -маъмурий жавобгарлик 	<ul style="list-style-type: none"> - Меҳнат шартномаси тушунчасига эга бўлади; - иш вақти ва соатлари тушунчасини ўрганади; - маъмурий жавобгарликка таърифини ўрганади ва мисол келтиради;
Ўқитиши услуби ва техникаси	-интизомий жавобгарлик кўллаш тартибини Баҳс мунозара, «Меҳнат интизомининг бузилиши» тушунчасига «Нима учун?»
Ўқитиши воситалари	Маъруза матни, ўқув кўлланмаси, жадваллар, бўр, доска. Компьютер мультимедия,
Ўқитиши шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, индивидуал ва груп бўйича ўқитиши.
Ўқитиши шароитлари	Мавзуга мос жиҳозланган аудитория (СТЭ объектлари СТЭ ҳужжатлари, Меҳнат кодекси

Амалий машғұлоттинг технологик картаси

Фаолият мазмуні		
Босқычлар вақти	Үқитувчи	Талаба
1-босқич. Кириш (10 мин)	<p>1.1. Мавзу: Мехнат қонунчилігі ва тиббий ходимлар фаолияты</p> <p>Мақсад: Мехнат қонунчилігі, мехнат шартномаси, жамоа шартномаси, ишга қабул қилиш ва шартноманы бекор қилиш шартлари, иш куни, мехнат таътили түшүнчалари ва тартиби билан таништириш.</p> <p>Реже: - Мехнат шартномаси түшүнчесини ўргатади;</p> <p>-Иш вақти ва соатлари ҳақида маълумот беради;</p> <p>-мехнат шартномасини бекор қилиш учун асосларини ўргатади;</p> <p>- маъмурий жавобгарлик түшүнчесига таъриф беради;</p> <p>-интизомий ва фуқаролик жавобгарлик түшүнчесига таъриф беради;</p> <p>-мехнат интизоми, тартиби билан таништиради.</p> <p>Машғұлот ҳамкорликда ишлаш технологиясини күллаган ҳолда (организерларлардан фойдаланып) ўтишни маълум қиласы (жадвал 1).</p> <p>1.2. «Ақлий хужум» усулидан фойдаланган ҳолда</p>	<p>1.1. Мавзуни ёзади ва саволларга жавоб беради. Адабиётлардан фойдаланып, организерларнан мустакил тузади, ўзаро таққослады, түлдиради, муаммони аниклашади, ечим вариантынан ишлаб чиқыши учун ижодий ёндашади.</p>

2-босқич Асосий қисм (70 мин)	<p>2.1. Талабаларни 3 гурухга бўлади, ҳар бирiga вазифа беради: (саволларга жавоб бериш топширик, органайзер чизмасини чизиш – 1-жадвал, тест ишлаш).</p> <p>Машғулот сўнгидаги кутилаётган ўқув натижаларини эслатади (талаба билиши керак):</p> <ul style="list-style-type: none"> -Меҳнат шартномаси тушунчасини; -иш вақти ва соатлари ҳақида маълумотларни; -меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асосларини; - маъмурий жавобгарлик тушунчасини; -интизомий ва фуқаролик жавобгарлик тушунчасини; -меҳнат интизомини ва жазолаш турларини. <p>2.2. Гуруҳда ишлаш қоидаси билан таништиради (1-илова).</p> <p>Баҳолаш мезонларини ҳам намойиш қиласди.</p> <p>Вазифани бажаришда ўқув материаллари (маъзуза матни, ўқув кўлланма, Ўзбекистон</p>	<p>2.1. Уқув натижаларини тақдим қиласди.</p> <p>2.2. Саволлар беради.</p> <p>2.3. Жавобларни тўлдиради.</p> <p>2.4. Жадвал устунларини тўлдиради ва муҳокамада иштирок этади.</p>
3-босқич Якуний қисм (10 мин)	<p>3.1. Машғулотни якунлайди, талабаларни баҳолайди ва фаол иштирокчиларни рағбатлантиради.</p> <p><u>3.2. Мустакил иш сифатида „Тиббий холимпаз</u></p>	<p>3.1. Эшитадилар.</p> <p>3.2. Топшириқни оладилар.</p>

Тиббий фаолиятда меҳнат қонунчилигининг хуқукий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (1992), «Фуқаролар Соғлигини Сақлаш тўғрисида»ги қонунда, Меҳнат кодексида, шунингдек алоҳида соҳаларга тааллуқли ССВ нинг буйруклари, йўриқнома ва қоидаларида ўз аксини топган.

Конституциянинг 22 - моддасида Ўзбекистон Республикаси ўз худудида ҳам унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини хуқукий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишини кафолатлаши кўрсатилган бўлса, 37 – 38 - моддаларида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш хуқуқига, жумладан, ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш хуқуқига эга эканликлари белгиланган. Шунингдек, иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг

муддати қонун билан белгиланиши ва ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, жумладан, бокувчисидан маҳрум бўлганда, ижтимоий таъминот олишлиги кафолатланган (39 - модда).

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлигини саклаш борасида дахлсиз хуқуқга эгадирлар. Давлат ёши, жинси, ирқи, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шаҳсий мавқеидан қатъий назар фуқароларнинг соғлигини сакланишини таъминлайди. Давлат фуқароларда касалликларнинг ҳар қандай шаклларининг борлигидан қатъий назар уларни камситишлардан ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Ушбу ҳолатни бузган шахслар амалдаги қонунлар талабига кўра жавобгар бўладилар.

«Фуқаролар Соғлигини Саклаш тўғрисида» ги қонун талабига асосан Ўзбекистон Республикаси худудида фуқаролар соғлигини саклашнинг асосий **принциплари** қўйидагилардан иборат:

- соғлиқни саклаш соҳасида инсон хуқуқларига риоя қилиниши;
- аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўла олиши;
- профилактика чора – тадбирларининг устунилиги;
- соғлигини йўқотган тақдирда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши;
- тиббиёт фанининг амалиёт билан бирлиги.

Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига олий ёки ўрта маҳсус тиббиёт ўқув юртини тамомлаганлик тўғрисида диплом олган шахслар эга бўладилар.

Тиббиёт ва фармацевтика маълумоти тўғрисидаги дипломни хорижий давлатларда олган шахсларнинг тиббиёт ёки фармацевтика фаолияти билан шуғулланишига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда йўл қўйилади.

Ўз қасби бўйича уч йилдан кўп ишламаган тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг тегишли фаолият билан шуғулланишига тегишли ўқув юртларида қайта тайёргарликдан ўтганларидан кейин ёки Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлигининг аттестация комиссиялари ўтказадиган аттестация асосида йўл қўйилади.

Тиббиёт ёки фармацевтика соҳасида тугалланмаган олий маълумоти бўлган шахсларнинг тиббиёт соҳасида ўрта маълумоти бўлган ходимлар ишлайдиган лавозимларда тиббиёт ёки фармацевтика фаолияти билан шуғулланишига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда йўл қўйилади.

Олий ва ўрта махсус тиббиёт ўкув юртлари талабаларининг фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатишда таълим дастурларига мувофиқ қатнашишига тиббиёт ходимлари назорати остида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда йўл қўйилади.

Гайриқонуний равища тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи шахслар қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

Хусусий тиббиёт амалиёти билан олий ёки ўрта махсус тиббий маълумот тўғрисида диплом ва танланган фаолият тури билан шуғулланиш учун лицензия олган шахслар хусусий тиббиёт амалиёти, шу жумладан, табиблик (халқ табобати) билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини профессионал тиббиёт уюшмалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек рухсатнома (лицензия) берган орган назорат қилиб боради.

Хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғулланиш хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғулланишга рухсатнома берган органнинг ёки суднинг қарори билан тўхтатилиши мумкин.

Меҳнат интизоми (МК 174 - модда).

Корхонада меҳнат тартиби иш берувчи касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқлайдиган ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади.

Интизом тўғрисидаги устав ва низомлар (МК 175 - модда).

Халқ хўжалигининг баъзи тармоқларида ходимларнинг айrim тоифалари учун интизом тўғрисидаги устав ва низомлар амал қиласи.

Ходимнинг бурчлари (МК 176 - модда).

Ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, вижданан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида

ва аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат мухофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиши, иш берувчининг мол-мулкини авайлаб асрashi шарт.

Ходимнинг меҳнат вазифалари ички тартиб қоидаларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда, корхонада қабул қилинадиган локал ҳужжатларда (жамоа шартномаларида, йўриқномалар ва ҳоказоларда), меҳнат шартномасида аниқ белгилаб қўйилади.

Иш берувчининг бурчлари (МК 177 - модда).

Иш берувчи ходимлар меҳнатини ташкил қилиши, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиб бериши, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаши, меҳнат мухофазаси қоидаларига риоя этиши, ходимларнинг эҳтиёж ва талабларига эътибор билан қарashi, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаб бориши, ушбу Кодексга мувофиқ жамоа шартномаларини тузиши шарт.

Иш берувчи ходимдан унинг меҳнат вазифалари доирасига кирмайдиган ишларни бажаришини, қонунга хилоф ёки ходим ва бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавф туғдирувчи, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар қилишни талаб этишга ҳақли эмас.

Меҳнат колективи, меҳнат жамоалари, жамоа шартномаси.

Меҳнат колективи ва унинг Соғлиқни сақлаш муассасасини бошқарган ҳолда ҳам, давлат ҳам ишчи ходимлар манфаатини ҳимоя қиласи. Юзага келган муаммоларни биргаликда бартараф қиласи.

Меҳнат жамоалари ва уларнинг вазифаси.

Меҳнат жамоаси муассасаларида, корхоналарида, корхоналардаги меҳнаткашлар йиғиндиси бўлиб, биргаликда улар давлат корхоналари, муассасаларида, жамоа хўжаликларида ва шахсий фирмаларда иш фаолиятини юритишади.

Меҳнат жамоасининг таркиби муассасалар структурасига қараб цех жамоаси, бўлим жамоаси, бригадалар ва бошқа қисмлардан тузилган.

Касаба уюшмалари (МК 22 - модда).

Касаба уюшмаларининг ва улардаги сайлаб қўйиладиган органларнинг давлат ва хўжалик органлари, иш берувчилар билан ўзаро муносабатларидағи хуқулари қонун, уставлар, жамоа келишувлари ва шартномалари билан белгиланади.

Жамоа шартномаси (МК 29-модда).

Жамоа шартномаси — корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иктисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатдир.

Жамоа келишуви — муайян касб, тармоқ, худуд ходимлари учун меҳнат шартлари, иш билан таъминлаш ва ижтимоий кафолатлар белгилаш борасидаги мажбуриятларни ўз ичига олувчи норматив ҳужжатдир.

Жамоа шартномалари ва келишувлари ходимлар билан иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солишга ва уларнинг ижтимоий-иктисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам бериш мақсадида тузилади.

Жамоа шартномасини тузиш зарурлиги хақида қарор қабул қилиш (МК 35-модда).

Иш берувчи билан жамоа шартномасини тузиш зарурлиги хақида қарор қабул қилиш ҳукуқига касаба уюшмаси ўз вакиллик органи орқали, ходимлар томонидан ваколат берилган бошқа вакиллик органи ёки бевосита меҳнат жамоасининг умумий йиғилишига (конференцияси) эга.

Жамоа шартномалари корхоналарда, уларнинг юридик шахс ҳукуки берилган таркибий бўлинмаларида тузилади.

Жамоа шартномасининг тарафлари (МК 36 - модда).

Жамоа шартномаси, бир тарафдан, ходимлар томонидан касаба уюшмалари ёки ўзлари ваколат берган бошқа вакиллик органлари орқали, иккинчи тарафдан — бевосита иш берувчи ёки у ваколат берган вакиллар томонидан тузилади.

Жамоа шартномасининг мазмуни ва тузилиши (МК 37- модда).

Жамоа шартномасининг мазмуни ва тузилишини тарафлар белгилайди.

Жамоа шартномасига иш берувчи ва ходимларнинг қуидаги масалалар бўйича ўзаро мажбуриятлари киритилиши мумкин:

- меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, тизими ва миқдори, пул мукофотлари, нафақалар, компенсациялар, қўшимча тўловлар;
- нархларнинг ўзгариб бориши, инфляция даражаси, жамоа шартномаси билан белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми;
- ходимларни иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш, ишдан бўшатиб олиш шартлари;
- иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнат таътилларининг муддатлари;
- ходимларнинг, шу жумладан, аёллар ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат шароитлари ва меҳнат муҳофазасини яхшилаш, экология жиҳатидан хавфсизликни таъминлаш;
- корхонани ва идорага қарашли тураг жойни хусусийлаштириш вақтида ходимларнинг манфаатларига риоя қилиш;
- ишни таълим билан қўшиб олиб борувчи ходимлар учун имтиёзлар;
- ихтиёрий ва мажбурий тарздаги тиббий ҳамда ижтимоий суғурта;
- иш берувчи томонидан ўз ходимларининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варакларига қўшимча бадаллар киритиш миқдорлари ва муддатлари;
- жамоа шартномасининг бажарилишини текшириб бориш, тарафларнинг жавобгарлиги, ижтимоий шериклик, касаба уюшмалари, ходимларнинг бошқа вакиллик органларига фаолият кўрсатиш учун тегишли шароит яратиб бериш.

Жамоа шартномасида корхонанинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа шартлар, шу жумладан, қонунлар ва бошқа норматив хужжатлар билан белгиланган нормалар ва қоидаларда кўрсатилганига қараганда имтиёзлироқ меҳнат шартлари ва ижтимоий-иқтисодий шартлар (қўшимча таътиллар, пенсияларга тайинланадиган устамалар, муддатдан илгари пенсияга чиқиш, транспорт ва хизмат сафари ҳаражатлари учун компенсациялар, ходимларни ишлаб чиқаришда ҳамда уларнинг болаларини мактабда ва мактабгача тарбия муассасаларида текин ёки қисман ҳақ тўланадиган тарзда

овқатлантириш, бошқа қўшимча имтиёз ва компенсациялар) ҳам киритилиши мумкин.

Башарти амалдаги қонунларда норматив тусдаги қоидалар жамоа шартномасида албатта мустахкамлаб қўйилиши шарт деб бевосита кўрсатма берилган бўлса, бундай қоидалар жамоа шартномасига киритилади.

Жамоа шартномасини тузиш тартиби (МК 40 - модда).

Жамоа шартномаси, башарти уни умумий йиғилишда (конференцияда) иштирок этаётганларнинг эллик фоизидан қўпроғи ёқлаб овоз берган бўлса, маъқулланган ҳисобланади.

Агар жамоа шартномасининг лойиҳаси маъқулланмаса, тарафларнинг вакиллари уни умумий йиғилишда (конференцияда) билдирилган таклифистакларни эътиборга олган ҳолда ишлаб такомилига етказадилар ҳамда ўн беш кун ичида умумий йиғилиш (конференция) муҳокамасига қайта тақдим этадилар.

Умумий йиғилишда (конференцияда) маъқулланганидан кейин тарафларнинг вакиллари жамоа шартномасини уч кун ичида имзолайдилар.

Жамоа шартномасининг амал қилиш муддати (МК 41 – модда).

Жамоа шартномаси имзоланган вақтдан эътиборан ёки жамоа шартномасида кўрсатилган кундан бошлаб кучга киради ҳамда тарафлар белгилаган муддат давомида амал қиласди.

Белгиланган муддат тугагач, жамоа шартномаси тарафлар янги шартнома тузгунча ёки амалдаги шартномани ўзгартиргунча, тўлдиргунча амалда бўлади.

Жамоа шартномасининг амал қилиш доираси (МК 42 - модда).

Жамоа шартномаси иш берувчига ва мазкур корхонанинг барча ходимларига, шу жумладан, жамоа шартномаси кучга кирганидан кейин ишга қабул қилинган шахсларга ҳам татбиқ этилади.

Жамоа шартномаси шартларини бажаришга жавобгарлар.

Жамоа шартномасининг матни ҳар бир ишчи ходимга мазмун моҳияти тушунтирилиб берилади. Бир ой давомида ҳар бир янги ишга олинаётган ишчини жамоа шартномаси билан маъмурият таништириб чиқиши лозим. Жамоа шартнома шартларини бажарилишини касаба уюшмалар назорат қилиб турадилар.

Муассаса раҳбарларининг маъruzаларини касаба уюшмаси комитети эшитиб, кўриб чиқади ва юзага келган муаммоларни бартараф этишни маъмуриятдан сўрайди.

Агар ишчилар жамоа шартномасига кўрсатилган шартни бажара олмаётган бўлса, бундай ҳолатда бу ишчиларга маъмурий жазо, жарима тайинланади, ҳатто ишдан бўшатилиши кўрилади.

Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш тизими структураси схемада илова қилинади (иловага қаралсин).

Меҳнат шартномаси тушунчаси ва тарафлари (МК 72 - модда).

Меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсўнган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир.

Ходим ва иш берувчи меҳнат шартномасининг тарафлари бўлиб ҳисобланадилар.

Меҳнат шартномасини тузиш ҳақидаги келишувдан олдин қўшимча ҳолатлар (танловдан ўтиш, лавозимга сайланиш ва бошқалар) бўлиши мумкин.

Ходим ўриндошлик асосида ишлаш тўғрисида, башарти бу қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бўлса, меҳнат шартномалари тузиши мумкин.

Меҳнат шартномасининг мазмуни (МК 73 - модда).

Меҳнат шартномасининг мазмuni тарафлар келишуви бўйича, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Меҳнат шартномаси тарафларининг келишуви билан қўйидагилар белгиланади:

- иш жойи (корхона ёки унинг бўлинмаси);
- ходимнинг меҳнат вазифаси — мутахассислиги, малакаси, у ишлайдиган лавозим;
- ишнинг бошланиш куни;
- меҳнат шартномаси муайян муддатга тузилганда унинг амал қилиш муддати;

- меҳнат ҳаққи миқдори ва меҳнатнинг бошқа шартлари.

Меҳнат шартномасини тузиш пайтида ходимларнинг қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари даражаси пасайтирилиши мумкин эмас.

Меҳнат шартномасининг шакли (МК 74- модда).

- Меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади.
- Меҳнат шартномасининг шакли Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган намунавий шартномани ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.
- Меҳнат шартномаси бир хил кучга эга бўлган камида икки нусхада тузилади ва ҳар бир тарафга сақлаш учун топширилади.
- Меҳнат шартномасида тарафларнинг манзиллари кўрсатилади.
- Меҳнат шартномаси ходим ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзолари билан мустаҳкамланиб, имзоланган муддати қайд этиб қўйилади.
- Мансабдор шахснинг имзоси, имзонинг ҳақиқий ва ваколатли эканлигини таъкидлаш тариқасида корхона муҳри билан тасдиқланади.

Меҳнат шартномасининг муддати (МК 75 - модда).

Меҳнат шартномалари:

- ❖ номуайян муддатга;
- ❖ беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга;
- ❖ муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин.

Агар меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланади.

Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг розилигисиз муайян муддатга, шунингдек, муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб қайта тузилиши мумкин эмас.

Меҳнат шартномаси тузиш. Ишга қабул қилинадиган ёш (МК 77 - модда).

Ишга қабул қилиш ўн олти ёшдан йўлга қўйилади.

Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта маҳсус, қасб-хунар ўқув юртларининг ўқувчиларини, уларнинг соғлигига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун — улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилиш ушбу Кодекснинг 241-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Ишга қабул қилиш вақтида талаб қилинадиган хужжатлар (МК 80 - модда).

Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахс қуйидаги хужжатларни:

- паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа хужжатни, ўн олти ёшгача бўлган шахслар эса, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва турар жойидан маълумотномани;
- меҳнат дафтарчасини, биринчи маротаба ишга кираётган шахслар бундан мустасно. Ўриндошлиқ асосида ишга кираётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан олган маълумотномани;
- ҳарбий хизматга мажбурлар ёки чақирилувчилар тегишлича ҳарбий билетни ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳномани;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳсус маълумотга ёки маҳсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётганда олий ёки ўрта маҳсус, қасб-хунар ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломни, ёхуд мазкур ишни бажариш ҳуқукини берадиган гувоҳномани ёки бошқа тегишли ҳужжатни тақдим этади.

Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахсдан қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Меҳнат дафтарчаси (МК 81 - модда).

Меҳнат дафтарчаси ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир.

Иш берувчи корхонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини тушиши шарт, ўриндошлиқ асосида ишловчилар бундан мустасно.

Иш берувчи меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни ёзиши шарт. Ходимнинг илтимосига кўра меҳнат дафтарчасига ўриндошлиқ асосида ишлаган ва вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврлар ҳақидаги ёзувлар киритилади. Меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари (сабаблари) меҳнат дафтарчасига ёзилмайди.

Дастлабки синов муддати (МК 85 - модда).

Дастлабки синов муддати уч ойдан ошиб кетиши мумкин эмас.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходим узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлар дастлабки синов муддатига киритилмайди.

Дастлабки синов даврида ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатларининг татбиқ этилиши (МК 86 - модда).

Дастлабки синов даврида ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатлари ва корхонада ўрнатилган меҳнат шартлари тўлиқ татбиқ этилади.

Дастлабки синов даври меҳнат стажига киритилади.

Дастлабки синов натижаси (МК 87 - модда).

Дастлабки синов муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафни уч кун олдин ёзма равища огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолда иш берувчи меҳнат шартномасини синов натижаси қониқарсиз бўлгандагина бекор қилиши мумкин.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган огоҳлантириш муддатини қисқартиришга факат шартнома тарафларининг келишуви билан йўл кўйилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ёки меҳнат шартномаси тарафларининг келишуви билан белгилаб олинган огоҳлантириш муддати мобайнида ходим меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш тўғрисида берилган аризани қайтариб олишга ҳақлидир.

Агар дастлабки синов муддати тугагунга қадар тарафлардан бирортаси ҳам меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қилмаган бўлса, шартноманинг амал

қилиши давом этади ва бундан кейин уни бекор қилишга умумий асосларда йўл қўйилади.

Мехнат шартномасини бекор қилиш асослари (МК 97 - модда).

Мехнат шартномаси қуидаги сабабларга кўра бекор қилиниши мумкин:

- а) тарафларнинг келишувига кўра. Ушбу асосга биноан меҳнат шартномасининг барча турлари исталган вақтда бекор қилиниши мумкин;
- б) тарафлардан бирининг ташаббуси билан;
- с) муддатнинг тугаши билан;
- д) тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра;
- е) меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра. Мехнатга оид муносабатларни бекор қилиш тўғрисидаги меҳнат шартномасида, бу шартнома иш берувчи томонидан корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилганда, шунингдек, қонунда йўл қўйиладиган бошқа ҳолларда ҳам назарда тутилиши мумкин.
- ж) янги муддатга сайланмаганлиги (танлов бўйича ўтмаганлиги) ёхуд сайланишда (танловда) қатнашишни рад этганлиги муносабати билан.

Мехнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш (МК 99-модда).

Ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантирилиб, бекор қилишга ҳақлидир. Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса, ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ёки тарафлар келишуви бўйича белгиланган огоҳлантириш муддати давомида ходим берган аризани қайтариб олишга ҳақлидир.

Агар огоҳлантириш муддати тугагандан кейин ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинмаган ва меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотади, бундай ҳолда меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга эса йўл қўйилмайди.

Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш ҳақидаги ариза у ўз ишини давом эттиришининг имкони йўқлиги (ўқув юртига қабул қилинганлиги, пенсияга чиққанлиги, сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланганлиги ва бошқа ҳоллар) билан боғлиқ бўлса, иш берувчи меҳнат шартномасини ходим илтимос қилган муддатда бекор қилиши керак.

Муддатли меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан муддатидан олдин бекор қилинганда, ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган тартибда ходимнинг «неустойка» тўлаши белгилаб қўйилиши мумкин.

Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш (МК 100-модда).

Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосли бўлиши шарт.

Қуйидаги сабаблардан бирининг мавжудлиги меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асосли эканлигини билдиради:

- 1) технологиядаги ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги, ёхуд корхонанинг тутатилганлиги;
- 2) ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиги ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойик бўлиб қолиши;
- 3) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги. Аввал меҳнат вазифаларини бузганлиги учун ходим интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган, ёхуд унга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив хужжатларда назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилган кундан эътиборан бир йил мобайнида ходим томонидан такроран интизомга

хилоф ножўя ҳаракат содир қилиниши меҳнат вазифаларини мунтазам равища бузиш ҳисобланади;

4) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равища бузганлиги;

Ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равища бузишларнинг рўйхати:

- ички меҳнат тартиби қоидалари;

- корхона мулкдори билан корхона раҳбари ўртасида тузилган меҳнат шартномаси;

- айрим тоифадаги ходимларга нисбатан қўлланиладиган интизом ҳақидаги низом ва уставлар билан белгиланади. Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бузиши қўпол тусга эгалиги ёки эга эмаслиги ҳар бир муайян ҳолда содир қилинган ножўя ҳаракатнинг оғир-енгиллигига ҳамда бундай бузиш туфайли келиб чиқсан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга қараб ҳал этилади;

5) ўриндошлиқ асосида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек, меҳнат шартларига кўра ўриндошлиқ иши чекланиши сабабли ўриндошлар билан меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги;

6) корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномаси мулкдорнинг алмashiши сабабли бекор қилинганлиги. Мазкур асос бўйича меҳнат шартномасини корхона мулк қилиб олинган қундан бошлаб уч ой мобайнида бекор қилишга йўл қўяди. Ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ҳамда бошқа норматив хужжатларда назарда тутилган таътилларда бўлган вақти, узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлари бу муддатга киритilmайдi.

Ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив хужжатларда назарда тутилган таътилларда бўлган даврида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташабbusi билан бекор қилишга йўл қўйилмайдi, корхона бутунлай тугатилган ҳоллар бундан мустасно.

Мехнат шартномасининг тарафлар иҳтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича бекор қилиниши (МК 106 - модда).

Мехнат шартномаси қуидаги ҳолларда бекор қилинади:

- 1) ходим ҳарбий ёки муқобил хизматга чакирилган тақдирда;
- 2) шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга тикланган тақдирда;
- 3) ходимни жазога маҳкум этган суднинг хукми қонуний кучга кирган тақдирда, башарти бунинг натижасида ходим аввалги ишини давом эттириш имкониятидан маҳрум этилган бўлса, шунингдек, ходим суднинг қарорига биноан ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасасига йўлланган тақдирда;
- 4) ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилганлиги муносабати билан, агар йўл кўйилган қоидабузарликни бартараф этишининг имкони бўлмаса ва у ишни давом эттиришга тўсқинлик қилса;
- 5) ходимнинг вафоти муносабати билан;
- 6) қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Иш вақти тушунчаси (МК 114- модда).

Ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти ҳисобланади.

Иш вақтининг нормал муддати (МК 115 - модда).

Ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортиб кетмаслиги лозим.

Корхонада иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий қилинган тақдирда, ушбу Кодекснинг 123-моддасида назарда тутилган қоидалари қўлланилади.

Иш вақтининг қисқартирилган муддати (МК 116 - модда).

Айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соғлигининг ҳолати, меҳнатнинг шартлари, меҳнат вазифаларининг ўзига хос ҳусусиятлари ва ўзга ҳолатларни инобатга олиб, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек, меҳнат шартномаси шартларига биноан меҳнатга

тўланадиган хақни камайтирмасдан, иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади.

Иш вақтининг қисқартирилган муддати куйидагилар учун белгиланади:

-ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар (242-модда);

-И ва ИИ гуруҳ ногирони бўлган ходимлар (220-модданинг учинчи қисми);

-ноқулай меҳнат шароитларидағи ишларда банд бўлган ходимлар (117-модда);

-алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар (118-модда);

-уч ёшга тўлмаган болалари бор бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёллар (228-1-модда).

Ноқулай меҳнат шароитларидағи ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг қисқартирилган муддати (МК 117 - модда).

Иш вақтининг ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати меҳнат жараёнида соғлигига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа заарли омиллари таъсир этадиган ходимлар учун белгиланади.

Корхонадаги бундай ишларнинг рўйхати ва уларни бажаришда иш вақтининг муайян муддати тармоқ (тариф) келишувларида, жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади, агар улар тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб, меҳнат шароитларига баҳо беришнинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган услубияти асосида белгиланади.

Меҳнат шароити ўта заарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг муддати чегараси Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан белгиланади.

Алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар учун иш вақтининг қисқартирилган муддати (МК 118 - модда).

Юқори дарражадаги ҳис-ҳаяжон, ақлий зўриқиши, асаб танглиги билан боғлиқ, яъни алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги айrim тоифадаги ходимлар учун (тиббиёт ходимлари, педагоглар ва бошқалар) иш вақтининг муддати

ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади. Бундай ходимлар рўйхати ва улар иш вақтининг аниқ муддати Ўзбекистон Республикаси хукумати томонидан белгиланади.

Тунги вақтдаги ишнинг муддати (МК 122 - модда).

Соат 22:00 дан то соат 6:00 гача бўлган вақт тунги вақт деб ҳисобланади.

Агар ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатининг камида ярми тунги вақтга тўғри келса, тунги иш вақти муддати бир соатга, иш ҳафтаси муддати ҳам шунга мувофиқ равишда қисқартирилади.

Ишлаб чиқариш шароитларига кўра зарур бўлган ҳолларда, хусусан, ишлаб чиқариш узлуксиз бўлган жойларда, шунингдек, бир кун дам олинадиган олти кунлик иш ҳафтаси шароитида смена бўлиб ишланаётган жойларда тунги иш муддати кундузги иш муддатига tenglashтирилади.

Ходимларни тунги вақтдаги ишга жалб этиш ушбу Кодекснинг 220-моддаси бешинчи қисмида ва 228,245-моддаларида белгиланган чеклашларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Соғлиқни саклашда кечки навбатчилик.

Соғлиқни саклаш соҳасида навбатчилик деганда кечки (тунги) пайт, байрам ва дам олиш кунлари ишлаш вақти хақида гап боради.

Тунги навбатчилик ҳар бир тиббий ходим учун мажбурий, агар иш вақти 1 ой ичидаги бўлса, бундан қўйидаги ҳолатларда озод этилади:

- ҳомиладор бўлса;
- эмизувчи боласи бўлса ва бошқалар.

Ойлик иш вақтидан юқори бўлган ишчиларга навбатчилик тайинлаш улар билан келишилган ҳолатда олиб борилади. Навбатчилик учун бир ставка ва бир ярим ставка ишловчилар ҳам жалб этилиши мумкин. Навбатчилик учун стационарда ишловчи врачлар жалб этилиши мумкин.

Навбатчиликнинг максимал вақти 12 соатдан ошмаслиги лозим. Байрам ва дам олиш кунларида 12 соатдан ошиши мумкин.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат хуқуqlари (МК 240-модда).

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқда бўладилар, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида улар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланадиган ишлар (МК 241- модда).

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан шу тоифа ходимларининг соғлиги, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ишларда, ер ости ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк қўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ишлар рўйхати ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар қўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва иш берувчиларнинг вакиллари маслаҳатини олган ҳолда белгилайди.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун қисқартирилган иш вақтининг муддати (МК 242-модда).

Иш вақтининг муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади.

Ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган ўқувчиларнинг ўкув йили давомидаги иш вақти муддати ушбу модданинг биринчи қисмида тегишли ёшдаги шахслар учун назарда тутилган иш вақти энг кўп муддатининг ярмидан ортиб кетиши мумкин эмас.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга йиллик меҳнат таътили бериш (МК 244-модда).

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга камида ўттиз календарь кундан иборат йиллик таътил берилади ва улар бу таътилдан ёз вақтида ёки йилнинг ўзлари учун қулай бўлган бошқа вақтида фойдаланишлари мумкин.

Башарти таътил берилаётган йил ходим ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар ва тўлгандан кейинги даврларни ўз ичига олса, таътилнинг муддати ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар бўлган иш стажи учун - ўттиз календарь кун ҳисобидан, ўн саккиз ёшга тўлгандан кейинги иш стажи учун эса умумий тартибда ҳисоблаб чиқарилади.

Мехнат шароитини ҳимоялаш учун жавобгарлик.

Мехнат шароитининг қоидаларининг бузилиши, техника ҳавфсизлигига риоя қилмаслик ўз навбатида дисциплинар, административ, жиноий ва иқтисодий жавобгарликка тортилади.

Мехнат ҳавфсизлиги қоидаларини бузганлиги учун ҳар бир ишчи ва хизматчи маъмурият ва касаба уюшмаси томонидан белгиланган дисциплинар (интизомий) жазога тортилади.

Маъмурий жавобгарлик - меҳнат ҳавфсизлиги қоидалари бузилганлиги учун ишчилар, уларнинг бошқарувчиларига иқтисодий, яъни жарима солинади. Жарима тайинлашни инспекторлар ва давлат назоратчилари томонидан амалга оширилади.

Жарима қонунбузарлик аниқлангандан сўнг, 1 ой ичida тўланиши шарт.

Жарима тўлашни бартараф этиш фақат туман (шаҳар) халқ суди томонидан ундирилиши мумкин.

Жиноий жавобгарликка тортиш ҳавфсизлик стандартларининг бузилиши туфайли ва меҳнат ҳавфсизлиги бузилганда, бунинг натижасида нохуш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар ва оғир тан жароҳати олган вақтда жорий қилинади.

Ишсизлик нафақасини тўлаш шартлари ва муддатлари (МК 65-модда).

Ишсизлик нафақаси ишсиз деб эътироф этилган шахсга у иш қидираётган шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатдан ўтган кундан эътиборан тайинланади. Қарамоғида учтагача киши бўлган, ўттиз беш ёшга тўлмаган ишсиз эркакка ишсизлик нафақаси у ҳақ тўланадиган жамоат ишларида Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда иштирок этган тақдирда тайинланади. Ишсиз шахснинг нафақа олиш хуқуки у иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб кечи билан ўн биринчи кундан эътиборан кучга киради.

Ишсизлик нафақаси кўти билан:

- ишдан ва иш ҳақидан (мехнат даромадидан) маҳрум бўлган ёки узоқ (бир йилдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсга ўн икки ойлик давр мобайнида йигирма олти календарь ҳафта;
- илгари ишламаган ва биринчи марта иш қидираётган шахсга эса ўн уч календарь ҳафта мобайнида тўланади.

Ишсиз шахс нафақа олиш даврида иш қидириши ва ҳар икки ҳафтада камида бир марта маҳаллий меҳнат органида йўқламадан ўтиши керак.

Ишсизлик нафақасининг миқдори қонун хужжатлари билан белгиланади.

Ишсизлик нафақаси тўлашни бекор қилиш, тўхтатиб қўйиш ва унинг миқдорини камайтириш (МК 66 - модда).

Куйидаги ҳолларда ишсизлик нафақасини тўлаш бекор қилинади:

- ишсиз шахс ишга жойлашганда;
- ишсиз шахс таклиф қилинган мақбул келадиган ишни икки марта рад этган тақдирда;
- қарамоғида учтагача киши бўлган, ўттиз беш ёшга тўлмаган ишсиз эркак ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этишни рад этган тақдирда;
- ишсиз шахс қонун хужжатларига мувофиқ пенсия таъминоти хуқукини олган тақдирда;
- ишсиз шахс суднинг хукми билан қамоқ ёки озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазога хукм қилинган бўлса;
- ишсиз шахс ишсизлик нафақасини олиб турган даврда маҳаллий меҳнат органини хабардор қилмай вақтинча ишга жойлашган бўлса;
- ишсизлик нафақасини алдов йўли билан олаётган бўлса;
- ишсиз шахс вафот этган тақдирда.

Куйидаги ҳолларда ишсизлик нафақасини тўлаш тўхтатиб турилади:

- ишсиз шахс касбга ўрганиш, қайта тайёрлаш ёки малакасини оширишга юборилган бўлса, стипендия олиб касб ўрганиш, қайта тайёрлашдан ўтиш ёки малака ошириш даврида;
- ишсиз шахс ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасасида даволаш курсини ўтаётган бўлса, бундай муассасада бўлган даврида;
- ишсиз шахс ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этаётган бўлса, бундай ишларда иштирок этган даврида.

Ишсиз шахс узрсиз сабабларга кўра белгиланган муддатда маҳаллий меҳнат органига келмаган тақдирда, ишсизлик нафақасини тўлаш уч ойгача муддатга тўхтатиб қўйилиши ёки нафақанинг микдори камайтирилиши мумкин.

Дам олиш вақти ва меҳнат таътили.

Дам олиш вақти – ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан холи бўлган ва бундан у ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши мумкин бўлган вақтдир.

Иш куни (смена) давомидаги танаффуслар (МК 127-модда).

Ходимга иш куни (смена) давомида дам олиш ва овқатланиш учун танаффус берилиши керак, бу танаффус иш вақтига киритилмайди.

Танаффус бериш вақти ва унинг аниқ муддати ички меҳнат тартиби қоидаларида, смена графикларида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгилаб қўйилади.

Ишлаб чиқариш шароитига кўра дам олиш ва овқатланиш учун танаффус бериш мумкин бўлмаган ишларда иш берувчи ходимга иш вақтида овқатланиб олиш имкониятини таъминлаши шарт. Бундай ишларнинг рўйхати, овқатланиш тартиби ва жойи ички меҳнат тартиби қоидаларида белгилаб қўйилади.

Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив хужжатлар билан иш куни (смена) давомида бошқа танаффуслар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Кундалик дам олиш вақтининг муддати (МК 128-модда).

Ишнинг тугаши билан кейинги куни (сменада) иш бошланиши ўртасидаги кундалик дам олиш вақтининг муддати ўн икки соатдан кам бўлиши мумкин эмас.

Дам олиш кунлар (МК 129 - модда).

Барча ходимларга дам олиш кунлари (ҳар ҳафталик узлуксиз дам олиш) берилади.

Беш қунлик иш ҳафтасида ходимларга ҳафтада икки дам олиш куни, олти қунлик иш ҳафтасида эса, бир дам олиш куни берилади.

Умумий дам олиш куни якшанбадир.

Таътиллар.

Йиллик меҳнат таътиллари (МК 133 - модда).

Барча ходимларга, шу жумладан, ўриндошлиқ асосида ишлаётган ходимларга дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳаққи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилади.

Йиллик асосий таътил (МК 134-модда).

Ходимларга ўн беш иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилади.

Йиллик қўшимча таътиллар (МК 136-модда)

Кўшимча таътиллар:

-меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларда банд бўлган ходимларга (137-модда);

-оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида иш бажараётган ходимларга (138-модда);

-меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда берилади.

Йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқариш (МК 142-модда).

Йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига қўйидагилар киради:

-иш йили давомида ҳақиқатда ишланган вақт;

-ходим ҳақиқатдан ишламаган бўлса ҳам, лекин унинг иш жойи (лавозими) сақланган вақт, бундан болани парваришилаш учун қисман ҳақ тўланадиган таътил ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътиллар мустасно;

-меҳнат шартномаси ғайриқонуний равища бекор қилинганлиги ёки ходим ғайриқонуний равища бошқа ишга ўтказилганлиги натижасида қилинган ҳақ

тўланадиган мажбурий прогул вақти, башарти ходим кейинчалик аввалги ишига тикланган бўлса;

-тармоқ келишувлари, жамоа шартномалари ва корхонанинг ўзга локал хужжатлари, меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган бошқа даврлар.

Жамоа шартномасида, корхонанинг бошқа локал хужжатида, меҳнат шартномасида хусусан иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътил вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш назарда тутилиши мумкин.

Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив хужжатларда йиллик қўшимча таътилларни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқаришнинг алоҳида қоидалари назарда тутилиши мумкин.

Таътилларни бериш тартиби (МК 143 - модда).

Йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олти ой ишлангандан кейин берилади.

Иш йили меҳнат шартномасига биноан иш бошланган кундан эътиборан ҳисобланади.

Таътил қўйидаги ходимларга уларнинг хоҳииши бўйича олти ой ўтмасдан олдин берилади:

- аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш таътили олдидан ёки ундан кейин;
- И ва ИИ гуруҳ ногиронларига;
- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;
- муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатилган ва ишга жойлашган ҳарбий хизматчиларга;
- ўриндошлик асосида ишлаётганларга асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда, ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда;
- ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда умумий таълим мактабларида, олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар ўқув юртларида, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш институтлари ва курсларида ўқиётганларга, агар улар ўзларининг йиллик таътиларини имтиҳонлар, синовлар (зачётлар)

топшириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтига түғрилаб олишни хоҳласалар;

➤ ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусияти ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ходимларга (100-модда иккинчи қисмининг 1-банди).

Мактаблар, олий ва ўрта маҳсус, қасб-хунар ўқув юртлари, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларининг муаллимлар таркибиға биринчи иш йилида йиллик таътил уларнинг мазкур ўқув юртига ишга кирган вақтидан қатъи, назар ҳақиқий ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда ёзги таътил даврида тўлиқ берилади.

Таътил ҳар йили, шу таътил берилаётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим.

Ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра жорий йилда таътилни тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда, ходимнинг розилиги билан таътилнинг ўн икки иш кунидан ортиқ бўлган қисми, кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин, шу йили ундан албатта фойдаланилмоғи лозим.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга йиллик таътилни, шунингдек, ушбу Кодекснинг 137-моддасида кўрсатилган йиллик қўшимча таътилларни бермаслик тақиқланади.

Йиллик асосий таътил иккинчи ва ундан кейинги иш йиллари учун таътиллар жадвалига мувофиқ иш йилининг исталган вақтида берилади.

Таътилларни бериш вақти ва навбати (МК 144-модда).

Йиллик таътилларни бериш навбати календарь йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ белгиланади.

Таътил бериш вақти ҳақида ходим таътил бошланишидан камида ўн беш кун олдин хабардор қилиниши керак.

Қуйидаги ходимларга таътил уларнинг ҳоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши керак:

- ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига;
- И ва ИИ гурух ногиронларига;
- 1941 - 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;
- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;
- таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларга (250-модда);
- жамоа шартномаси, келишувида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ишлаётган эркакларга йиллик таътил уларнинг ҳошишларига биноан хотинларининг ҳомиладорлик ва туғиши таътили даврида берилади.

Таътилдан фойдаланишнинг жадвалда белгиланган вақти ходим билан иш берувчининг келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

Ходимга етказилган зарар учун иш берувчининг моддий жавоб гарлиги

Ходимга тўланиши лозим бўлган зарар (МК 187-модда).

✓ Ўз меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан ёки меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этилганлиги натижасида ходимга, бокувчиси иш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса, унинг оила аъзоларига (192-модданинг биринчи қисми) етказилган ҳар қандай заарни (шу жумладан, маънавий заарни) иш берувчи, башарти ушбу Кодексда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, тўлиқ ҳажмда тўлайди.

✓ Маънавий заарар (жисмоний ёки руҳий азоблар) пул шаклида ёки бошқа моддий шаклда ҳамда иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда, ходим меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса, иш берувчи ва вафот этган ходимнинг оила аъзолари ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда белгиланган миқдорда қопланади. Маънавий заарни қоплаш юзасидан низо келиб чиқсан тақдирда, бу масала судда кўриб чиқилади.

Иш берувчининг ходим соғлигига етказилган зарарни тўлаш мажбурияти (МК 189-модда).

Ходимнинг соғлигига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки у ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни иш берувчи тўлиқ ҳажмда тўлаши шарт.

Ходимнинг иш берувчининг худудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам меҳнатда майиб бўлиши, шунингдек, иш берувчи томонидан ажратилган транспортда иш жойига келаётган ёки ишдан қайтаётган вақтда шикастланиши натижасида етказилган зарар учун иш берувчи моддий жавобгар бўлади.

Меҳнатда майиб бўлиш оқибатида ёки ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли ходимга етказилган зарарни иш берувчи, башарти зарар унинг айби билан келиб чиқмаганлигини исботлаб беролмаса тўлаши шарт.

Ўз меҳнат вазифаларини бажараётган вақтида юқори хавф манбай натижасида ходимнинг соғлигига етказилган зарарни иш берувчи, башарти зарар уни бартараф қилиш мумкин бўлмаган кучлар туфайли ёки жабрланувчи қасдан қилганлиги оқибатида келиб чиққанлигини исботлаб беролмаса тўлаши шарт.

Ходимнинг соғлигига шикаст етганлиги муносабати билан тўланиши лозим бўлган зарар миқдори (МК 190-модда).

Тўланиши лозим бўлган зарар жабрланувчининг меҳнатда майиб бўлишига қадар олган ўртacha ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз хисобида, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловдан, соғлигига шикаст етиши билан боғлиқ қўшимча ҳаражатларнинг компенсациясидан, шунингдек, белгиланган ҳолларда эса, бир йўла бериладиган нафақа тўлашдан иборатdir.

Касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси ва жабрланувчининг қўшимча ёрдам турларига муҳтожлиги тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан аниқланади.

Зарар ўрнини қоплаш учун тўловларни тайинлашда жабрланувчи олаётган иш ҳақи, стипендия, пенсия ва бошқа даромадлар хисобга олинмайди. Бунда

мехнатда майиб бўлган жабрланувчилар ногиронларга зарарни қоплаш учун тўланадиган сумма қонун хужжатларида белгиланган энг кам иш ҳаки миқдорининг эллик фоизидан оз бўлиши мумкин эмас.

Давлат ижтимоий суғуртаси.

Давлат ижтимоий суғуртасининг барча ходимларга татбиқ этилиши (МК 282-модда).

Барча ходимлар давлат йўли билан ижтимоий суғурта қилинишлари лозим.

Давлат ижтимоий суғуртаси учун бадал тўлаш (МК 283-модда).

Давлат ижтимоий суғуртаси учун иш берувчилар, шунингдек, суғурта қилинган ходимларнинг ўzlари бадал тўлайдилар.

Иш берувчиларнинг давлат ижтимоий суғуртаси учун бадал тўламаганликлари суғурта қилинган ходимни давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан таъминланиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Давлат ижтимоий суғуртаси ҳисобидан бериладиган таъминот турлари (МК 284-модда).

Суғурта қилинган ходимлар, тегишли ҳолларда эса, уларнинг оиласлари ҳам давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан:

- ✓ вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, аёллар эса, бундан ташқари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари;
- ✓ бола туғилганда бериладиган нафақалар;
- ✓ давлат томонидан бериладиган ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари;
- ✓ қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлар билан таъминланадилар.

Давлат ижтимоий суғуртаси маблағларидан санаторий-курортларда даволаниш, дам олиш, суғурта қилинган ходимларнинг шифобахш (пархез) таомлари учун ҳақ тўлаш, болаларнинг соғломлаштириш лагерларини таъминлаб туриш, давлат ижтимоий суғуртасига доир бошқа тадбирлар учун ҳам белгиланган тартибда фойдаланилади.

Интизомий жавобгарлик.

Ўзбекистон Республикаси юридик қонунларидан бири, бу интизомий жавобгарлик бўлиб ҳисобланади.

Интизомий жазони қўллашдан мақсад муассаса ичидаги иш унумдорлигини таъминлаш, иш мажбуриятини бажариш ва иш қоидаларини бузиш ҳолларини камайтиришга қаратилган.

Интизомий жазо фақат меҳнат интизоми бузилган ҳолларда қўлланилади.

Меҳнат интизомини бузиш бу ишчи зиммасига юклатилган вазифани ўз вақтида бажармасликдир. Ҳар бир тиббиёт ходими муассаса интизомини ёдда тутиши лозим, айниқса врач диагностика ва даво чора тадбирларини нотўғри олиб борилганида ёдда тутиши лозим. Врач интизомий қоидалар бузилган вақтда «врачлик хато»си келиб чиққани аниқланиши ёки инкор этилиши лозим бўлади. Бу ҳаракати оқибатида у интизомий, жиноий жавобгарликка тортилиши ёки айб бутунлай олиб ташланиши мумкин.

Врач хатоси врачларнинг жиддий ва актуал муаммоси бўлиб келмоқда. Врачлар хатоси (асосида) врачнинг тиббиёт соҳасини мукаммал билмаслиги, малакасизлиги туфайли юзага келади. Шуларга асосланиб, врачлар интизомий, жиноий жавобгарликка тортилиши ва вазифаларидан озод қилиниши мумкин. Тиббиёт амалиётида врачлик хатоси ёки касбий хатолар остида клиник ва анатомик ташхис орасидаги тўғри келмаслик эмас, балки даволаш вақтидаги йўл қўйилган хатолар ҳам юридик томондан кўриб чиқилади.

Врачлик хатоси деб врач томонидан ҳар бир ҳолатни кўриб чиқиб, айнан шу ҳолатда врач малакасини етишмаслиги, иккинчидан врач керакли тўлиқ текшириш имкониятига эга бўлмаслиги ва учинчидан врач ҳаракатида айби йўқлигини кўрсатиши лозим бўлади. Агар врач маълум ҳолатда хатоликка йўл қўйган бўлса ва бунинг натижасида салбий оқибатлар келиб чиқмаган бўлса, бу ҳолда врач жавобгарликдан озод этилади.

Врачлар нафақат иш вақтидаги хатолари, ишдан ташқари вақтидаги хатолари учун ҳам интизомий жазога тортилишлари мумкин. Масалан, врачлик сирини ошкор қилиш.

Шунинг учун муассаса бошлиғи врачга қуидаги интизомий жазолардан бирини қўллаш хуқуқига эга: огоҳлантириш, хайфсан, паст хақли ишга 3 ой давомида ўтказиш ва шу вақт ичида иш маошини бермаслик ҳамда 3 ойга ишдан четлаштириши мумкин.

Агар врач ишга сабабсиз кеч қолса ёки 3 соат иш вақтида ўз жойида бўлмаса, иш жойида маст ҳолатда бўлса, юқоридаги интизомий жазодан биттасини маъмурият томонидан тайинланади.

Агар оғир оқибатларга олиб келган ҳолат бўлса, бу ҳолда маъмурият қўшимча равищда ишчи ходимларга иқтисодий жазо - жарима солиши ҳам мумкин.

Интизомий жазолар (МК 181 - модда).

Ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи қуидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

1) хайфсан;

2) ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима. Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш ушбу Кодекснинг 164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади;

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари).

Ушбу моддада назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўллаш тақиқланади.

Интизомий жазоларни қўллаш тартиби (МК 182- модда).

Интизомий жазолар ишга қабул қилиш хуқуқи берилган шахслар (органлар) томонидан қўлланилади (82-модда).

Интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равища тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унинг илгари содир қилган ножӯя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди.

Интизомий жазони қўлланишда содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг қайдаражада оғир эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атвори ҳисобга олинади.

Ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланиши мумкин.

Интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо, бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоги билан бир ой ичида қўлланилади.

Ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб олти ой ўтганидан, молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда эса, содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтганидан кейин жазони қўллаб бўлмайди. Жиноий иш бўйича иш юритилган давр бу муддатга кирмайди.

Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) ёки қарор ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

Интизомий жазонинг амал қилиш муддати (МК 183-модда).

Интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар ходим шу муддат ичида яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади.

Интизомий жазони қўллаган иш берувчи ўз ташабbusи билан ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилишдаги кафолатлари (МК 239-модда).

Белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан иш жойларига ишга жойлаштириш тартибида маҳаллий меҳнат органи ва бошқа органлар томонидан юборилган, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни иш берувчи ишга қабул қилиши шарт.

Белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга қабул қилишни рад этиш тақиқланади ва бундай рад этиш устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган барча шахслар дастлабки тиббий кўриқдан ўтгандан кейингина ишга қабул қилинадилар ва кейинчалик улар ўн саккиз ёшга тўлгунларига қадар хар йили мажбурий тарзда тиббий кўриқдан ўтказиб турилиши керак.

Якка меҳнат низоларининг тарафлари ва мазмуни (МК 259 - модда).

Якка меҳнат низолари, бу иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар, бошқа норматив хужжатларни меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўлланиш юзасидан келиб чиқсан келишмовчиликлардир. Бундай ҳолларда низонинг ходим манфаатини ифода этувчи тарафи бўлиб ходимларнинг вакиллик органи иштирок этиши мумкин.

Якка меҳнат низоларини кўриб чиқувчи органлар (МК 260 - модда).

Якка меҳнат низолари:

- меҳнат низолари комиссиялари томонидан ушбу Кодекснинг 269-моддасида кўрсатилган низолар бундан мустасно;
- туман (шаҳар) судлари томонидан кўриб чиқилади.

Ходим меҳнат низосини ҳал қилиш учун ўз ҳохишига кўра, меҳнат низолари комиссиясига ёки бевосита судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Меҳнатнинг шартларини белгилаш масалаларига доир якка меҳнат низолари ушбу Кодекснинг 280-моддасига мувофиқ кўриб чиқилади.

Якка меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартиби (МК 261 - модда).

Якка меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартиби ушбу Кодекс билан тартибга солинади, меҳнат низоларига доир ишларни туман (шаҳар) судларида кўриб чиқиш тартиби эса, бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодекси билан ҳам белгиланади.

Меҳнат низолари комиссияларини тузиш (МК 262-модда).

Жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувда меҳнат низолари комиссияларини тузиш назарда тутилиши мумкин.

Меҳнат низолари комиссиялари иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи томонидан тенглик асосида тузилади.

Комиссияга касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органидан ажратилган аъзолар тегишли органнинг қарори билан иш берувчининг вакили эса, унинг буйруги билан тасдиқланадилар.

Мехнат низолари комиссияларининг сон таркиби ва ваколат муддати жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг келишувига биноан белгиланади.

Мехнат низолари комиссиясининг ваколати (МК 263 - модда)

Башарти ходим келишмовчиликни мустақил равишда ёки касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органи иштирокида иш берувчи билан бевосита олиб борган музокараларида ҳал эта олмаган бўлса, меҳнат низоси меҳнат низолари комиссиясида кўриб чиқилади.

Мехнат низолари комиссияси якка меҳнат низоларини кўради, кўриб чиқишининг ўзгача тартиби белгиланган меҳнат низолари (269, 276-моддалар) бундан мустасно.

Якка меҳнат низоларини комиссияда кўриб чиқиши тартиби (МК 264-модда)

Мехнат низолари комиссияси меҳнат низосини ариза берилган кундан эътиборан ўн кун муддат ичида кўриб чиқиши шарт. Низо ариза берган ходимнинг иштирокида кўрилади. Ходимнинг иштирокисиз низони кўриб чиқишига унинг ёзма аризаси бўлган тақдирдагина йўл қўйилади. Башарти ходим узрсиз сабаб билан комиссия мажлисига келмаса, мазкур аризани кўриб чиқиши кун тартибидан олиб ташлаш хусусида қарор қабул қилиниши мумкин, бу эса ходимни такроран ариза билан мурожаат этиш ҳукуқидан маҳрум қилмайди.

Ходим, касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи меҳнат низоси кўриб чиқилишида иштирок этиш учун адвокат тақлиф қилиш ҳукуқига эга.

Мехнат низолари комиссияси мажлисга гувоҳларни чақиртириш, мутахассисларни тақлиф қилиш, иш берувчидан зарур хисоб-китоблар ва хужжатлар тақдим этишини талаб қилиш ҳукуқига эга.

Мажлисда комиссиянинг иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органи вакилларидан иборат тенг миқдордаги аъзолари иштирок этишлари керак.

Меҳнат низолари комиссиясининг ҳар бир мажлисида раислик вазифасини иш берувчининг ва касаба уюшмаси қўмитасининг ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг вакиллари навбатма-навбат бажарадилар. Бунда бир мажлиснинг ўзида раислик ва котиблик вазифасини бир тарафнинг вакиллари бажариши мумкин эмас.

Комиссиянинг ҳар бир мажлисида тарафлар томонидан кейинги мажлиснинг раиси ва котиби тайинланади, уларга мажлисни тайёрлаш ва чақириш вазифаси юклатилади.

Меҳнат низолари комиссиясининг мажлисида баённома юритилади.

Меҳнат низосининг қўришни сўраб судга мурожаат қилиш хуқуқи (МК 268 - модда).

Қўйидагилар меҳнат низосини қўриш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш хуқуқига эгадирлар:

- 1) ходим, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи;
- 2) меҳнатнинг хуқуқ бўйича инспектори;
- 3) иш берувчи, меҳнат низолари комиссиясининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, шунингдек унга ходим томонидан етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги низолар бўйича;
- 4) прокурор.

Меҳнат низосини ҳал қилишни сўраб мурожаат этиш муддатлари (МК 270-модда).

Судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этиш учун қўйидаги муддатлар белгиланади:

ишга тиклаш низолари бўйича ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;

ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил;

бошқа меҳнат низолари бўйича ходим ўз хуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой.

Ушбу моддада белгиланган муддатлар узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, бу муддатлар суд ёки меҳнат низолари комиссияси томонидан қайта тикланиши мумкин.

Ходимнинг соғлигига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун муддат белгиланмайди.

Маъмурий жазони қўллаш (МК 36-модда).

Маъмурий жазони қўллаш муддати.

Фуқаролар эркинлиги ва ҳуқуқлари топталган маъмурий жавобгарлик.

40-модда. Ёлғон гувоҳлик бериш.

41- модда. Хақоратлаш.

42-модда. Давлат тили қонунчилигининг бузилиши.

43-модда. Фуқаролар мурожаат қонунчилигининг бузилиш ҳолатлари.

46-модда. Фуқарога маънавий ва иқтисодий зарар етказувчи маълумотларни ошкор қилиш.

49-модда. Меҳнат қонунчилигининг бузилиши.

51-модда. Меҳнатга маъмурий мажбурлаш.

Аҳоли Соғлигини сақлаш қонунчилигининг бузилишида маъмурий жавобгарлик.

52-модда. Енгил тан жароҳати етказиш.

53-модда. Санитария қонунларининг бузилиши.

54-модда. Эпидемия билан курашиш қоидаларини бузилиш ҳолатлари.

55-модда. Радиоактив хавфсизлик қоидалари инструкцияси ва бошқа талабларнинг бузилиши.

56-модда. Гиёхванд моддаларни ёки психотроп моддаларни тайёрлаш, сотиб олиш, сақлаш ва ўтказиш.

Иловалар.

Маъмурий қонунбузарликлар маълумотлари.

10 –модда. Маъмурий қонунбузарлик хақида тушунча.

11- модда. Қасдан маъмурий қонунбузарлик

12-модда. Эҳтиётсизлик туфайли маъмурий қонунбузарлик.

13-модда. Маъмурий жавобгарликка етган ёш.

15-модда. Мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш.

21-модда. Маъмурий жавобгарлиқдан озод қилиш.

Маъмурий жазолар.

22-модда. Маъмурий жазодан мақсад.

23-модда. Маъмурий жазо турлари.

24-модда. Асосий ва қўшимча маъмурий жазолар.

25-модда. Жарима.

27-модда. Конфискация.

28-модда. Махсус ҳукуқлардан маҳрум этиш.

29-модда. Маъмурий хибс.

НАЗОРАТ ТУРЛАРИ

- Оғзаки сўров;
- Саволларга ёзма жавоб бериш;
- Тест назорати;
- Вазиятли масалаларни ечиш;
- Графикли органайзерлар тузиш;

ТЕСТ НАЗОРАТИ САВОЛЛАРИ

А, В, С, Д, Е харфлари билан белгиланган тестлардан битта жавобни белгиланг.

1. Жамоа шартномаси нима?

А. Корхонада иш берувчи билан ходимлар уртасидаги меҳнатга оид ижтимоий-иктисодий ва касабага оид муносабатларини тартибга солувчи норматив хужжатдир,

Б. Мехнат колективи ва унинг согликни саклаш муассасасини бошкарган уюшмадир,

С. Жамоа билан корхона раҳбарини муаммосига айтилади,

Д. Жамоа шартномаси иш берувчи ва мазкур корхонанинг барча ходимларининг уртасидаги тузилган хужжатдир,

Е. Ходимларни иш билан таъминлаш, кайта уқитиш, ишдан бушатиш уртасидаги хужжат.

2. Жамоа келишуви нима?

А. Муайян касб, ҳукук ходимлари учун меҳнат шартларида иш билан таъминлаш ва ижтимоий кафолатлар белгилаш борасидаги мажбуриятларни уз ичига оловчи норматив хужжатдир,

Б. Жамоа, иш берувчи ва мазкур корхонанинг барча ходимларининг уртасидаги келишувидир,

С. Юридик шахс келишуви билан жамоа шартномалари уртасидаги келишув,

Д. Юзага келадиган муаммоларни бартараф килиш,
Е. Ихтиёрий ва мажбурий сугурта.

3. Ишга кабул килиш вактида кандай хужжатлар талаб килинади?

А. Мехнат шартномаси, ариза, паспорт, диплом, харбий билет, мехнат дафтарчаси,

В. Паспорт, харбий билет, тиббий карта, мехнат дафтари,

С. Паспорт, ариза, харбий билет, тиббий карта, мехнат шартномаси,

Д. Паспорт, ариза, тиббий карта,

Е. Паспорт, харбий билет, диплом, ариза.

4. Мажбурий мехнатдан озод килиш кандай вактда кулланилади?

А. Шахснинг харбий хизматга чакирилиши, фавкулодда холатлар вазиятида, суднинг конуний кучга кирган хукмiga биноан,

В. Касаллик варакасини олган вактда, суднинг хукми кучга кирган вактда,

С. Фавкулотли холатлар вазиятида, ногиронликда,

Д. Шахснинг харбий хизматга чакирилиши,

Е. Шахснинг хомиладорлиги учун тулаган нафакаси.

5. Мехнат шартномаси кимлар томонидан тузилади?

А. Иш берувчи, ходим,

Б. Иш берувчи, ходим, шартнома,

С. Иш берувчи, ургатувчи, ходим,

Д. Иш берувчи, шартнома,

Е. Иш берувчи, корхона эгаси.

6. Мехнат шартномасини тарафлар ихтиёрига бөглиқ булмаган кандай холатларда бекор килиниши мумкин?

А. Ходим харбий ёки мукобил хизматга чакирилган тақдирда,

В. Ишнинг коидаларини бузганда,

С. Бир кун ишга сабабсиз келмаса,

Д. Асбоб ускуналарни бузганда,

Е. Угирилик килганда.

7. Мехнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор килиш кандай холатларда кузатилади?

А. Ходимнинг малакаси етарли булмаганлиги ёки соглиги холатига кура бажараётган ишига нолойик булиб колиши,

В. Ходим вафот этса,

С. Ходим харбий хизматга чакирилганда,

Д. Шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга тикланганда,

Е. Ходим жазога тортилиб, суднинг хукми уз кучига кирганда.

8. Интизомий жазонинг турларини белгиланг?

А. Хайфсан, огохлантириш, каттик огохлантириш, жарима иш хакидан 20% гача, лавозимни пасайтириш, ишдан бушатиш,

Б. Хайфсан, огохлантириш, каттик огохлантириш, жарима иш хакидан 40% гача, лавозимни пасайтириш,

С. Хайфсан, огохлантириш, каттик огохлантириш, жарима иш хакидан 50% гача, лавозимни пасайтириш,

Д. Хайфсан, огохлантириш, каттик огохлантириш, мехнат шартномасини бекор килиш

Е. Хайфсан, огохлантириш, каттик огохлантириш, жарима, бошка лавозимга утказиш.

9. Белгиланган иш муддати, вакти канча?

А. Хафтасига 40 соатдан ошмаслик,

Б. Беш кунлик иш хафтасида кунига 8 соат,

С. Олти кунлик иш хафтасида кунига 7 соат,

Д. Хафтасига 45 соатдан ошмаслик,

Е. Хафтасига 30 соат.

10. Ахоли соглигини саклашда маъмурий хукукбузарликнинг турини келтиринг?

- А. Енгил тан жарохати етказиши,
- В. Эхтиётсизликдан одам улдириши,
- С. Жиноий abort,
- Д. Бола алмаштириши,
- Е. Хавф остида колдириши.

11. Санитария конунчилигини бузиш, эпидемияга карши кураш чораларини коидаларини тиббий ходим бузса, жазонинг кайси тури кулланилади?

- А. Жиноий жазо,
- В. Интизомий жазо,
- С. Маъмурий жазо,
- Д. Фукаролик жазоси.

12. Маъмурий жавобгарликка тортишни истисно этувчи холатларни курсатинг?

- А. Акли норасо,
- В. Охирги зарурият холатида содир этилган булса,
- С. 16 ёшга тулмаган шахслар,
- Д. 15 ёшга тулмаган шахслар,
- Е. А,Б,С жавобалар тугри,

13. Маъмурий жавобгарлик холатларида қандай хужжат расмийлаштирилади ва ушбу холатларда конунга риоя этиш устидан ким назорат килади?

- А. Баённома, прокурор,
- В. Баённома, суд,
- С. Баённома, ички комиссия,
- Д. Баённома, маъмурият,
- Е. Акт, прокурор.

14. Мажбурий меҳнатдан озод қилиш қандай вактда қулланилади?

- А. Касаллик варакасини олган вактда, суднинг хукми кучга кирган вактда
- В. Шахснинг харбий хизматга чақирилиши, фавкулодда холатлар вазиятида, суднинг қонуний кучга кирган хукмига биноан
- С. Фавкулотли холатлар вазиятида, ногиронликда

Д. Шахснинг харбий хизматга чақирилиши

Е. Шахснинг хомиладорлиги учун тулаган нафақаси

15. Иш олувчининг хуқуқларига нималар киради?

А. Маош олиш, дам олиш, курортга бориш,

В. Маош олиш, дам олиш, хавфсизлик, гигиена шароитида ишлаш, қасбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака ошириш, ижтимоий таъминотдан фойдаланиш, қасаба уюшмага бориш, ўзини хуқуқини суд орқали ҳимоя қилиш,

С. Дам олиш, таътил, маош олиш, қўшимча таътил,

Д. Қайта тайёрланиш, қасбга тайёрланиш, курортга бориш,

Е. Ишга келмаслик, курортга бориш, маош олиш,

16. Ходимнинг бурчларини кўрсатинг?

А. Иш берувчи мол-мулкини асраб авайлаш, ҳалол ишлаш

В. Вазифасини ҳалол бажариши, хайфсан олмаслик, жарима олмаслик

С. Вазифасини вижданан бажариш, интизомга риоя қилиш, қонуний фармойишларни ўз вақтида бажариш, хафвсизликка риоя қилиш, иш жойида мол-мулкни асраб авайлаш

Д. Вазифасини вижданан бажариш, дам олиш

Е. Вазифани ҳалол бажариш, ишга вактида келиш

17. Меҳнат шартномаси шаклини кўрсатинг.

А. Ёзма шаклда, 2 нусхада тузилади ва иккала томонга сақлаш учун берилади

Б. Ёзма шаклда, 5 нусхада тузилади

С. Ёзма шаклда, 3 нусхада тузилади, муҳр билан тасдиқланади

Д. Ёзма шаклда тузилади

Е. Оғзаки шаклдатузилади

18. УзР Мехнат кодексига биноан алохида мехнат шароитларидаги ишларда банд булган ходимлар учун иш вактининг кискартирилган муддати иш хафтасига неча соатни ташкил килади?

- А. Ходим хохиши билан хар хил булиши мумкин,
В. 40 соат,
С. 24 соат,
Д. 36 соат,
Е. 34 соат.

19. Кимларга 6 ой утмасдан мехнат таътили берилади?

- А. Катта хамшира лавозимида ишлаётгандарга
Б. 18 ёшга тулмаган шахсларга, катта хамшира лавозимида ишлаётгандарга
С. Булим бошлиги лавозимида ишлаётгандарга,

1, 2, 3, 4 ракамлари билан белгиланган фойдаланган холда жавоб белгиланг:

А — тугри: I, 2, 3. В — тугри: 1, 3. С — тугри: 2, 4. Д — тугри: 4. Е — тугри: 1, 2, 3, 4.

22. Мехнат шартномаси маъносини курсатинг?

1. Мехнат тугрисидаги конунлар ва бошка норматив хужжатлар билан белгиланган шартлар асосида хак эвазига бажариш хакидаги келишувдир,
2. Мехнат шартномаси ходим билан иш берувчини муайян мутахассислик буйича келишувдир,
3. Мехнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан корхона раҳбари уртасидаги ёзма келишувдир,
4. Мехнат шартномаси ходим билан иш берувчи уртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим буйича ишни ички мехнат тартибига буйсунган холда тарафлар келишуви, шунингдек, мехнат тугрисидаги конунлар ва бошка норматив

Д. I ва II гурӯх ногиронларига, 18 ёшга тулмаган шахсларга, хомиладорларга, уриндошлиқ асосида ишлаётгандарга,

Е. Хар кандай шахсга берилиши мумкин.

20 Мехнат кодекси қодаларига кўра фуқаролага қайси ёшдан ишлашга рухсат этилади?

- А. 19 ёшдан
Б. 16 ёшдан
С. 11 ёшдан
Д. 18 ёшдан
Е. 15 ёшдан

21. Иш вактининг давомийлиги ва Уз Р мехнат кодексининг кайси моддасида курсатилган?

- А. Хафтасига 42 соат, 111 модда
Б. Хафтасига 35 соат, 114 модда
С. Хафтасига 45 соат, 116 модда
Д. Хафтасига 40 соат, 115 модда
Е. Хафтасига 46 соат, 112 модда

хужжатлар билан белгиланган шартлар асосида хак эвазига бажариш хакидаги келишувдир,

23. Мехнат шартномаси канча муддатга тузилади?

1. Номуайян муддатга,
2. Беш йил муддатга,
3. Муайян ишни бажариш вактида мулжаллаб тузилиши мумкин,
4. Бир йил муддатга

24. Ходимнинг хукукларига нималар киради?

1. Маош олиш, дам олиш, хавфсизлик, гигиена шароитида ишлаш, касбга тайёрлаш, кайта тайёрлаш, малака ошириш, ижтимоий таъминотдан фойдаланиш, касаба уюшмага бориш, узини хукукини суд оркали химоя килиш,

2. Маош олиш, дам олиш, курортга бориши,

3. Дам олиш, таътил, маош олиш, қушимча таътил,

4. Ижтимоий таъминотдан фойдаланиш, касаба уюшмага бориши, узини хукукини суд оркали химоя килиш,

25. Ходимнинг бурчларини курсатинг?

1. Вазифасини вижданан бажариш, дам олиш,

2. Вазифасини халол бажариши, хайфсан олмаслик, жарима олмаслик,

3. Иш берувчи мол-мулкини асраб авайлаш, халол ишлаш,

4. Вазифасини вижданан бажариш, интизомга риоя килиш, конуний фармойишларни уз вактида бажариш, хафвсизликка риоя килиш, иш жойида мол-мулкни асраб авайлаш,

26. Мехнат шартномасини бекор килиш учун асослар була оладиган холатларни санаб утинг?

1. Тарафларнинг бирини ташаббуси билан,

2. Муддатини тугаши билан,

3. Тарафларнинг ихтиёрига боғлик булмаган холатларга кура,

4. Мехнат шартномасида назарда тутилган холатга кура,

27. Маъмурий жазо турини санаб утинг?

1. Жарима, маъмурий камок,

2. Шахсни унга берилган муайян хукуқдан маҳрум килиш,

3. Мол мулкини давлат хисобига мусодара килиш,

4. Айбордан зарар урнини ундириб олиш,

28. Маъмурий камокка олиш кимларга кулланилмайди?

1.18 ёшга тулмаганларга,

2. хомиладор аёлларга,

3.1 гурух ногиронларга,

4.16 ёшга тулмаганларга,

29. Бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз килувчи 2та маъмурий хукуқбузарлик турини курсатинг.

1. Махсус хизматларни алдаб чакириш,

2. Давлат статистик хисботларини тақдим этиш тартибини бузиш,

3. Малака оширишни йулга куймаслик,

4. Порахурликнинг авж олиши,

30. Тиббий-мехнат экспертиза вазифалари:

1. Мехнат кобилияти йуколиш даражасини аниклаш.

2. Ижтимоий ёрдам курсатиш даражасини аниклаш,

3. Ногиронлик сабабларини аниклаш,

4.Ижтимоий ёрдам тури, сони ёки хажмини аниклаш,

31. Маънавий зарар етказилганда жавобгарликка тортиш учун шартларни курсатинг?

1. Етказилган ва ноконуний харакат уртасида сабаб окибат боғликлек мавжудлиги

2. Зарар етказилган шахсни айби мавжудлиги,

3. Эксперт хулосаси мавжудлиги,

4. Ноконуний харакатни аниклаш,

32. Маънавий зарарни хажми кандай аникланади?

1. Жисмоний азобланишни хужжатлари билан,

2. Маънавий азобланишнинг хусусиятлари билан,

3. Мулкий зарарни микдори билан,

4. Хукуқбузарликни тури билан (жиноят, маъмурий ёки интизомий хукуқбузарлик),

33. Иш берувчининг ташаббуси билан мехнат шартномасини бекор килиш

учун асосий сабабларни курсатинг?

1. Технологиялар, ишлаб чикариш, ташкиллаштириш ва меҳнат шароитлари узгарганда, иш хажмини кискариши ёки муассаса йукотилганда,

2. Ишчининг малакаси етишмаслиги ва соглиги туфайли бажараётган ишга нолойклигига,

3. Ишчи томонидан доимий равишда меҳнат тартиб-коидаларини бузиши,

4. Уриндош булмаган ишчини ишга кабул килинганилиги туфайли, ишлаб турган

уриндош ишчи билан меҳнат шартномасини бекор килиш, хамда меҳнат шароитини

чекланганилиги туфайли уриндошлик буйича.

34. Томонларга боғлик булмаган холатларда меҳнат шартномаси бекор килинади:

1. Ишчини улими туфайли,

2. Суд хукумига кура ишчи жиноий жавобгарликка тортилганда,

3. Ишчи харбий хизматга чакирилганда,

4. Ишчи узок сафарда булган холларда,

35. Интизомлий жазони турини курсатинг?

1. Хайфсан,

2. Уртача ойлик маошнинг 20%дан куп булмаган микдорда жарима солиниши,

3. Каттик хайфсан,

4. Огохлантириш.

36. Кайси холатларда синов муддати белгиланмайди?

1. Уриндошлик буйича ишга олинганда,

2. Хомиладор аёлларда,

3. Корхона квота хисобидан юборилганлар учун,

4. Хама учун куйилиши шарт,

37. Интизомий жазоларни муддатта кура хусусиятини курсатинг?

1. Айб-хато аникланган кундан бошлаб 1 ой ичида,

2. Айб-хато аникланган кундан бошлаб 6 ой ичида,

3. Айб-хато аникланган кундан бошлаб, 1 хафта ичида,

4. Айб-хато аникланган кундан бошлаб 6 хафта ичида,

38. Ишчи меҳнат интизомини бузганда ёки технологиялар узгартирилганда меҳнат шартномасини бекор килиш хакида огохлантириш муддати канча?

1. Уч кун,

2. 2 ой,

3. 3 ой,

4. 1 йил,

39. Маъмурий хибсга олиш қачон кулланилади?

1. 14 ёшга тулмаган шахсларга,

2. Харбийларга,

3. 1 гурӯҳ ногиронларига,

4. 18 ёшга етмаганларга,

40. Маъмурий жазо турларини курсатинг?

1. Маъмурий хибс,

2. Каттик хайфсан,

3. Огохлантириш,

4. Маъмурий камок,

41. Ахоли соглигини саклашда кузатиладиган маъмурий хукукбузарликларни курсатинг?

1. Енгил тан жарохати етказиш,

2. Эпидемияга Карши курашиш коидаларини бузиш,

3. Санитария конунчилигини бузиш,

4. Радиацион хавфсизлик буйича коидалар, нормалар, йурикномалар ва тулабларни бузиш,

42. Тадбиркорлик, савдо ва молия соҳасида маъмурий хукукбузарлик турини курсатинг?

1. Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш тартибини бузиш,

2. Фукароларни мурожаат конунчилик талабларини бузиш,

3. Савдо ва хизмат курсатиш коидаларини бузиш,
4. Санитария ва гигиена коидаларини бузиш,

43. Тиббий-мехнат экспертиза вазифалари:

1. мехнат кобилияти йуқолиш даражасини аниклаш.

2. ижтимоий ёрдам тури, сони ёки хажмини аниклаш,

3. ногиронлик сабабларини аниклаш,

4. ижтимоий ёрдам курсатиш,

44. УзР Мехнат кодексига биноан кандай мехнат шароитларидағи ишларда банд булган ходимлар

учун иш вактининг муддати белгиланади?

1. Уқитувчилар,

2. Тиббий ходимлар,

3. Шахта ишчилари,

4. Завод ишчилари,

45. Күшимча ишнинг уч турини курсатинг?

1. Уриндош,

2. Ёрдамчи,

3. Уринбосар,

4. Посбон,

Жавоблар жумласи алохida мазмунга эга булган икки кисмдан иборат, икала кисм «чунки» бөлгөвчи билан бөгланган тестларда 1-чи ва 2-чи кисм жумлалари мазмунининг алохida түгри ёки нотугрилигини, кейин эса уларнинг бирлашган холидаги мазмунининг алокадорлигини аникланг ва куйидаги харфли коддан фойдаланган холда жавоб белгилан:

Жавоб	1-жумла	2-жумла	Боглам
A	түгри	түгри	түгри
B	түгри	түгри	нотугри
C	түгри	нотугри	нотугри
D	нотугри	түгри	нотугри
E	нотугри	нотугри	нотугри

46. Тиббий ходимлар мехнат таътилининг минимал муддати 25 кунни ташкил этади, чунки тиббий ходим 30 кун таътил олишга хаклидир.

47. Мехнат шартномасини бекор килиш учун тарафлар розилиги асос булади, чунки мехнат шартномасини бекор килиш учун иш берувчининг хохиши асосий роль уйнайды.

48. Мехнат шартномаси ходим билан иш берувчи уртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим буйича ишни ички мехнат тартибиға буйсунган холда тарафлар келишуви, шунингдек, мехнат түгрисидаги конунлар ва бошка норматив хужжатлар билан белгиланган шартлар асосида хак эвазига бажариш хакидаги келишувдир, чунки мехнат шартномаси иш берувчи ва ишчи уртасида тузилади.

49. Мехнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор килиниши мумкин, чунки ходимнинг малакаси етарли булмаганлиги сабабли уз вазифасини коникарли даражада бажаролмаса иш берувчи уни ишдан озод этиш хукукига эга.

50. Мехнат интизомига риоя килиш тиббий ходим вазифалариға кирмайды, чунки мехнат интизомига иш берувчилар риоя килиши лозим.

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАР

1-масала.

Фуқаро Л.И. шаҳар шифохонаси хирургия бўлимида ҳамшира лавозимида ишлайди. Иш давомида тунги навбатчилик вақтида ўз вазифасини лозим даражада бажармаганлиги, яъни муолажалар вақтида қўйилган хато ва камчиликлари учун bemorлар томонидан шикоятлар тушганлиги туфайли бўлим бошлиғи томонидан бир марта ҳайфсан берилди. Кейинги бир ой ичida ушбу ҳолат яна такрорланди.

Савол:

-Фуқарога меҳнат кодексининг қайси моддасига асосланиб жазо тайинланди?

-Қандай жазо турлари қўлланилади?

2-масала.

Фуқаро X.A. 2-гурух ногирони туман марказий шифохонасининг хирургия бўлимида ҳамшира лавозимида ишлайди. Йил давомида ҳеч қандай таътилларсиз намунали равишда иш фаолиятини олиб борган. Бўлим бошлиғи хузурига ўз хоҳиши билан май ойига таътил олиш мақсадида мурожаат қилди. Лекин бўлим бошлиғи бу мурожаатни рад этди.

Савол :

-Ушбу ҳолат юзасидан фуқаро кимга мурожаат қилиши керак?

- Фуқарони ҳимоялаш меҳнат кодексининг қайси бандида келтирилган?

3-Масала.

Фуқаро Ш.Б. Болалар поликлиникасида ҳамшира лавозимида фаолият кўрсатиб келган. 13 январ куни баҳтсиз ҳодиса туфайли зинадан йиқилиб чап оёқ болдир суюгининг синиш ҳолати кузатилди

Савол:

-Фуқаро меҳнат кодекси бўйича қандай хуқуқка эга?

4-масала.

Фуқаро М.Э. 15 йил давомида шаҳар шифохонаси реанимация бўлимида ҳамшира лавозимида ишлаб келмоқда. Фуқаро А. 20 май куни катта ҳамширанинг хонасига сўроқсиз кирган ва тақиқланган дорилар шкафини очган.

Савол:

-Ушбу ҳолатга меҳнат кодексининг қайси бандига биноан жазо берилади?

5-масала.

Фуқаро Ф.З. шаҳар шифохонаси терапия бўлимида катта ҳамшира лавозимида 5 йилдан бери ишлаб келмоқда. Фуқаро Ф.З. дори-дармонларни bemорларга тақсимлашда ўз манфаатини кўзлаб хужжатларни нотўғри тўлдирилганлиги бўлим бошлиғи томонидан аниқланди.

Савол:

- Фуқарога нисбатан бўлим бошлиғи томонидан қонунга биноан қандай жазо тури қўлланилиши шарт?

6-масала.

Фуқаро А.А. ҳамшира лавозимида 30 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда “шифо» **Хусусий** фирмаси мудири ўз фирмасига ишга таклиф қилди. Ва улар ўртасида шартнома имзоланди. Шартнома муддати тугагач, фирма мудири келишилган иш ҳаққи микдорини камайтирилган микдорда тўлади.

Савол:

-Бу ҳолатда фуқаро қайси орган вакилларига мурожаат қилиши керак?

Меҳнат кодексига биноан фуқаронинг хукуқлари

7- масала.

Фуқаро Т.М. 14 ёшда оиласвий шароити қониқарсизлиги сабабли шаҳар шифохонаси бош врачи хузурига кардиология бўлимида санитарлик лавозимида бўш иш ўрни борлиги учун иш сўраб мурожаат қилди. Шаҳар шифохонаси бош врачи фуқарога уни меҳнат қилишга ёши етмаслигини айтиб илтимосини рад этди.

Савол:

- Фуқаро меҳнат кодекси бўйича қандай хукуқларга эга.

8-масала.

Фуқаро О.И. 30 йилдан бери шаҳар шифохонасини неврология бўлимида ҳамшира лавозимида иш юритиб келмоқда. Сўнгги ойлар давомида ишга кечикиб келиши ва иш вақтида ўз ўрнида бўлмаслиги туфайли бўлим ходимлари томонидан бўлим бошлиғига шикоят хати тушган.

Савол:

- Бу ҳолатда ҳамширага нисбатан қандай жазо тури қўлланилади?

9- масала.

Фуқаро Н.Н. 6 йилдан бери болалар поликлиникасида ҳамшира сифатида фаолият қўрсатиб келмоқда, тўсатдан 30 март куни кеч соат 16 да ишдан қайтаётиб автоҳалокатга учраб бош миясидан жароҳат олди, текширувлар натижасида bemorda руҳий бузилишлар аниқланди. Руҳий касалликлар шифохонасида даволаш мақсадида ётқизилди.

Савол:

- Фуқаро меҳнат кодексига асосан қандай хуқуqlарга эга?

10-масала.

Фуқаро А.Б. 10 йилдан бери туман марказий шифохонасининг биохимик таҳлилхонасида лаборант ҳамшира лавозимида ишлайди. Сўнгги 6 ой давомида бронхиал астма диагнози асосида даволаниб келмоқда касаллик шу ердаги химик моддаларга нисбатан аллергия сабабли юзага келганлиги врачлар комиссияси томонидан тасдиқланган.

Савол:

-Бу ҳолатда фуқаронинг меҳнат кодексига биноан қандай хуқуqlари белгиланган?

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

- ✓ Меҳнатга вақтинча лаёқатсизлик экспертизасининг вазифаси.
- ✓ Тиббий – меҳнат экспертизасининг вазифаси.
- ✓ Ишга қабул қилишда талаб қилинадиган ҳужжатларни айтиб беринг.
- ✓ Меҳнат шартномаси қачон бекор қилинади?
- ✓ Иш берувчининг ходим соғлигига етказилган зарарни тўлаш мажбуриятларини кўрсатинг.

- ✓ Тиббий фаолиятда интизомий жавобгарлик деганда нимани тушунасиз?
- ✓ Якка меҳнат низоларини қўриб чикувчи органлар ва уни ўтказиш тартиби.
- ✓ Иш вақти тушунчаси, иш вақтининг нормал ва қисқартирилган муддатини айтиб беринг.
- ✓ Соғлиқни сақлашда кечки навбатчилик қандай ташкиллаштирилади?
- ✓ Дам олиш вақти, иш куни давомидаги танаффуслар, кундалик дам олиш вақтининг муддати, дам олиш кунларини айтиб беринг.
- ✓ Йилнинг меҳнат таътиллари, йилнинг асосий таътили, таътилларни бериш тартибини айтиб беринг.
- ✓ Маъмурий жазолар ва уларни бериш тартиби, маъмурий жазолар билан шуғулланувчи органлар.
- ✓ Иш вақтининг қисқартирилан муддатлари неchanчи моддаларда келтирилган.
- ✓ Ишсизлик нафақаси қандай шахсларга берилади?
- ✓ Кундалик дам олиш вақтининг муддатини неchanчи моддада келтирилган ва унинг қисқача мазмуни?
- ✓ Врачлар нафақат иш вақтидаги ҳатоликлари, балки ишдан ташқаридаги ҳатоликлари учун ҳам жазоланадими?
- ✓ Агар оғир оқибатларга олиб келадиган сабаб бўлса, қандай тартибда жазоланади?
- ✓ Ишсизлик нафақасини тўлаш шартлари.
- ✓ Маъмурий жазо турлари.
- ✓ Жамоа шартномасини амал қилиш муддати.
- ✓ Врач ҳатоликка йўл қўйганда қандай ҳолларда жавобгарликдан озод қилинади.

Талабалар мустақил ишини ташкил қилиш учун кўрсатмалар

- ❖ Ўқув гурӯҳи ичида «Меҳнат қонунчилиги» мавзусида анжуманлар ўтказиш;
- ❖ Мавзуга оид альбом, макет, стенд, слайд, ўқув жадвалари ва тест саволлари тузиш.
- ❖ Ўқитувчи назорати остида «иши берувчи ва оловчининг бурчлари» мавзусида мунозарали сухбат ўтказиш.

- ❖ Мавзу бўйича янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда интерактив ўйинлар ўтказиш.

1 - илова

Гурух билан ишлаш қоидалари

Гурух аъзоларининг ҳар бири:

- ўз шерикларининг фикрларини ҳурмат қилишлари лозим;
- берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;
- ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;
- ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;
- гурухни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим;
- «Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз ёки бирга қутуламиз» қоидасини яхши билишлари лозим.

1 - Ўқув топшириқ

1. Саволга жавобни шакллантиринг:

-Ишга қабул қилишда қандай хужжатлар талаб қилинади.

-Қисқартирилган иш вақти кимларга қўлланилади.

2. Ушбу тушунчаларнинг мазмунини ёритинг: Тиббий ходимлар, меҳнат фаолиятининг конунчилик асослари тушунчаларига изох беринг.

2-Ўқув топшириқ

- 1-мавзуда баён этилган маълумот мазмунини диққат билан ўрганиб чиқинг.
- Чизмали организерларни ишлаб чиқишига ҳаракат қилинг (таклиф қилинган асосий тушунчалардан фойдалансангиз бўлади).

Чизмали организерлар	Асосий тушунчалар (калит сўзлар)
Кластер (1.1)	«Меҳнат шартномаси». «Жамоа шартномаси». «Ходимлар бурчлари». «Иш берувчи бурчлари». «Меҳнат жамоалари вазифаси».
Б.Б.Б. жадвал	- Иш куни.

(1.2 - намуна) Тоифали жадвал (1.3 – намуна) Инсерт жадвали (1.4 – намуна)	- Меҳнат таътили, унинг турлари. - Меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асослар. -Жамоа шартномалари. -Вояга етмаганларни иш билан таъминлаш.
Венн диаграммаси (1.5 – намуна)	- Меҳнат шартномаси. - Жамоа шартномаси. -Иш ўринлари.
«Нима учун?» (1.6 - намуна)	- Нима учун «Тиббий фаолиятнинг хуқуқий асослари»фани ўрганилади? Тиббий фаолиятнинг хуқуқий асосларини билмаслик қандай оқибатларга олиб келади.
«Т – жадвал» (1.8 - намуна) CWOT (1.9 - намуна)	- Жамоа шартномаси -Меҳнат шартномаси. -Қисқартирилган иш куни
«Қандай?» (1.10 - намуна)	- Жамоа шартномаси қандай тузилади? -Меҳнат интизоми.

Илова

ОРГАНАЙЗЕРЛАР ТАЙЁРЛАШ УЧУН НАМУНАЛАР.

1. «КЛАСТЕР»

Кластер - тутам, боғлам, ғунча маңноларини билдиради. Маълумот ҳаритасини тузиш воситаси бўлиб, барча фикр конституциясини фокуслаш ва аниқлаш учун қандайдир асосий омил атрофида ғояларни йигиш тушунилади. Ихтиёрий муаммо, мавзулар хусусида эркин, очик ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратади. Билимлар фаоллашишини таъминлайди, мавзу бўйича фикрлаш жараёнида янгича ассоциация тақдим этишга эркин ва очик кириб боришга ёрдам беради.

Калит сўзлар билан ассоциация бўйича ён томонидан кичкина ҳажмдаги айланага «йўлдошлар» – ушбу мавзу билан алоқадор сўз ёки сўз бирикмаси ёзилади. Улар чизик билан «бош» сўзга боғланилади. Ушбу «йўлдошлар»да «кичик йўлдошлар» ҳам бўлиши мумкин ва бошқалар. Ёзув ажратилган вақт тугагунча ёки ғоя якунлангунча давом эттирилади.

Кластерни тузиш қоидалари билан танишади. Синф доскаси ёки катта қофоз варағи марказида калит сўзлар 1 - 2 сўздан иборат мавзу номланиши ёзилади.

Мулоҳазалар учун кластерлар алмаштирилади.

Кластерни тузиш қоидаси:

1. Ақлингизга келган барча ўйлаганларингизни ёзинг.
2. Фоя сифатини мухокама қилманг, уларни оддий ҳолда ёзинг.
3. Орфография ва бошқа омилларга эътибор берманг.
4. Ажратилган вақт тугагунча ёзувни тўхтатманг. Агарда ақлингизга ғоялар келиши бирдан тўхтаса, у ҳолда қофозга расм чизинг, қачонки янги ғоялар пайдо бўлмагунча.
5. Муайян тушунча доирасида имкон қадар кўпроқ янги ғояларни илгари суриш ҳамда мазкур ғоялар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик боғлиқликни кўрсатишга ҳаракат қилинг.
6. Гоялар йиғиндинсининг сифати, сони, улар ўртасидаги ўзаро алоқаларни кўрсатишни чекламанг, чегараламанг.

1.1 – намуна

1. «КЛАСТЕР» - Тиббий ёрдам турлари.



1.2 - намуна

2. «Б.Б.» УСУЛИ-Тиббиёт ҳуқуқи фани.

Тушунча	Биламан “+”, Билмайман “-” »	Билдим “+”, Била олмадим“-”.
Бинар номенклатура:		
ФССТ қонун ҳужжати		
ФССТ қонуннинг вазифалари		
ФССТ қонуннинг принципи		
Давлат соғлиқни сақлаш тизими		
Хусусий соғлиқни сақлаш тизими		
Бошқа соғлиқни сақлаш тизими		
Тиббий амалиёт билан шуғулланиш ҳуқуқи		
Фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқи		
Фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг соғлиқни		

сақлаш хуқуқи		
Фуқароларнинг соғлиққа таъсир этувчи омиллар ҳакида ахборот олиш хуқуқи		
Фуқароларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам олиш хуқуқи		
Оила соғлигини сақлаш		
Вояга етмаганларнинг хуқуқлари		
Пенсия ёшидаги фуқароларнинг хуқуқлари		
Ҳарбий хизматчиларнинг хуқуқлари		
Ногиронларнинг хуқуқлари		
Беморнинг хуқуқлари		
Тиббий аралашувга розилик бериш		
Тиббий аралашувни рад этиш		
Фуқароларнинг розилигисиз тиббий ёрдам кўрсатиш		
Бирламчи тиббий-санитария ёрдами		
Шошилинч ва тез тиббий ёрдам		
Ихтисослашган тиббий ёрдам		
Тиббий экспертиза турлари		
Тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш хуқуқи		
Хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғулланиш хуқуқи		
Ўзбекистон Республикаси шифокорининг қасамёди		
Шифокор сири		
Фуқароларнинг соғлигига етказилган зарарни қоплаш		
Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурлари		
Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурларининг мақсад ва вазифалари		

3. «ТОИФАЛИ» ЖАДВАЛ.

Ўрганилаётган ходиса, тушунча, қараш, мавзу ва шу кабиларни икки ва ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослаш имконини беради. «Тоифали жадвал»:

- Тизимли мушоҳада қилиш, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини ривожлантиради.
- Концептуал жадвал тузиш қоидалари билан танишилади. Таққосланадиган нарса аниқланади, таққослаш амалга ошириладиган тавсифлар ажратилади.

- Якка тартибда ёки мини - гурӯҳларда концептуал жадвал қурилади ва у тўлдирилади.
- Жадвалнинг вертикали бўйича: таққослаш талаб этиладиган нарсалар (қарашлар, назариялар) жойлаштирилади.
- Горизонтали бўйича - таққослашни амалга оширишдаги ҳар хил тавсифлар жойлаштирилади.

Тоифали жадвал шарҳини тузиш қоидалари.

1. Тоифалар бўйича маълумотларни тақсимлашнинг ягона усули мавжуд эмас
2. Битта мини - гурӯҳда тоифаларга ажратиш, бошқа гурӯҳда ажратилган тоифалардан фарқ қилиши мумкин.
3. Ўрганувчиларга олдиндан тайёрлаб қўйилган тоифаларни бериш мумкин эмас, бу уларнинг мустақил танлови бўла қолсин.
4. Тоифали шарҳни яратиш якуний маҳсул сифатида эмас, балки жараён сифатида муҳим.

Тўлдирилмаган жадвал.

Вертикал бўйича таққослаш талаб этиладиган нарсалар (қарашлар, назариялар) жойлаштирилади	Горизонтал бўйича - таққослашни амалга оширишдаги ҳар хил тавсифлар жойлаштирилали. (Тавсифлар, тоифалар, ажралиб турадиган белгилар ва шу кабилар)								

Тўлдирилган жадвал - Тиббий ёрдам турлари.

Вертикал бўйича таққослаш талаб этиладиган нарсалар жойлаштирилади	Горизонтал бўйича - таққослашни амалга оширишдаги ҳар хил тавсифлар жойлаштирилади.			
	Жойи	Вақти	Мутахассис	Таъми нот

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами	ҚВП, поликлиника, амбулатория	Режа асосида	УАШ	Давлат томони дан
Шошилинч ва тез тиббий ёрдам	Воқеа жойида, ШТТЁМ, Филиаллари, пунктлари.	Дархол, зудлик билан	Воқеа жойида бор бўлган шахслар, ШТТЁМ, филиаллари, пунктлари мутахассислари	Давлат томони дан
Ихтисослашган тиббий ёрдам	Ихтисослашган шифохоналар, илмий марказлар.	Режа асосида	Тор мутахассисликдаги шифокор	Нодавлат ва хусусий секторлар томони дан

4. «ИНСЕРТ» ЖАДВАЛИ.

Инсерт – самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «B; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

«B» - мен билган нарсани тасдиқлади.

«+» - янги маълумот.

«-» - мен билган нарсага зид.

«?» - мени ўйлантириди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

B	+	-	?

5. «ВЕНН» ДИАГРАММАСИ.


«Венн» диаграммаси - 2 ва 3 жиҳатларни, ўзаро ҳамда умумий томонларини солишириш ёки таққослаш ёки қарама-қарши қўйиш учун қўлланилади. Тизимли фикрлаш, солишириш, таққослаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Шошилинч ва Тезтиббий ёрдам



«НИМА УЧУН?» СХЕМАСИ.

«Нима учун» схемаси-муаммонинг дастлабки сабабларини аниқлаш бўйича фикрлар занжири. Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлашни ривожлантиради ва фаоллаштиради. Алоҳида кичик гурҳларда муаммони ифодалайдилар. «Нима учун» сўроғини берадилар ва чизадилар, шу саволга жавоб ёзадилар. Бу жараён муаммонинг дастлабки сабаби аниқланмагунича давом этади.



7. «БАЛИҚ СКЕЛЕТИ» ЧИЗМАСИ.

«Балиқ скелети» схемаси - муаммонинг бутун доираси (майдони)ни ифода этиш ва унинг ечимини топишга имконият беради. Тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради.


Тузиш қоидалари. «Суяк»нинг юқори қисмига муаммо ичидағи муаммо ёзилади, пастки қисмига эса — ушбу муаммо ичидағи муаммоларни амалда мавжуд эканлигини тасдиқловчи фактлар ёзилади.

Муаммо ичидағи муаммо (назарияда)



Ушбу муаммо ичидағи муаммоларни амалда мавжуд эканлигини тасдиқловчи фактлар (амалиётда).

«Балиқ скелети» схемаси - Конунларнинг амалдаги ижроси билан боғлиқ муаммоларнинг намоён бўлиши.



8. «Т – ЖАДВАЛ»

Т – жадвал - битта концепция (маълумот)нинг жиҳатларини ўзаро солиштириш ёки уларни (ҳа/йўқ, ҳа/қарши) таққослаш учун танқидий мушоҳадани ривожлантиради. Ажратилган вақт оралиғида тўлдирилади, унинг чап томонига сабаблари ёзилади, ўнг томонига эса чап томондаги ифодага қарама – қарши ғоялар, омиллар ва шу кабилар ёзилади.

Т – ЖАДВАЛ – Ихтисослашган тиббий ёрдам.

Ижобий томонлари	Салбий томонлари
Тор мутахассисликдаги шифокорлар даволайди	Тор мутахассисликдаги шифокорлар етарли эмас
Махсус марказларда ва шифохоналарда	Фақат шаҳарларда имкони бор
Индивидуал ёндашилди	Кўп койка ва вақт талаб этилади
Танлаш имкони ва даволаш сифати юқори	Кўп маблағ талаб этилади (қиммат).
Режа асосида олиб борилади	Тезда амалга ошмайди.

9. «CWOT» ТАҲЛИЛИ.

CWOT - таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

Стренгтҳс - кучли томони, ҳолатда ички имкониятлар мавжудлиги назарда тутилади;

Weакнесс - кучсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;

Оппортунитиес - имкониятлар; ижобий ривожланиши учун ташқаридан таъсир этувчи мавжуд имкониятлар;

Тхреац - хавфлар, юзага келувчи мавжуд хавф - хатарлар.

CWOT-таҳлил жадвали – “Ихтисослашган тиббий ёрдам.”

C Тор мутахассисликдаги шифокорлар даволайди, махсус марказларда ва шифохоналарда, индивидуал ёндашилган ҳолда сифатли даволаш ўтказилади	W Мутахассис шифокорлар етарли эмас ёки фақат йирик шаҳарларда имкони бор. Кўп вақт ва маблағ талаб этилади.
O Хусусий тиббий муассасалар сонини кўпайтириш	T Назоратнинг қийинлашуви ва тиббий ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг ортиши.

10. «ҚАНДАЙ?» ДИАГРАММАСИ.

1. Кўп ҳолларда муаммоларни ҳал этишда «Нима қилиш керак?» лигини ўйлашга ҳожат бўлмайди. Муаммо асосан «Буни қандай қилиш керак?» қабилида бўлади. «Қандай?» - муаммони ҳал этишда асосий савол ҳисобланади. «Қандай?» иерархия диаграммаси муаммо ҳакида бутунлигича умумий тасаввурга эга бўлишга имкон берадиган саволлар мантиқий занжири кўринишида бўлади. Кетма-кет равишда «Қандай?» саволини қўйиш орқали фақат муаммони ҳал этишнинг барча имкониятларини тадқиқ этибгина қолмай, балки уларни амалга ошириш усулларини ҳам ўрганади. Диаграмма стратегик даражадаги савол билан иш бошлайди. Муаммони ҳал этишнинг пастки (қуи) даражаси биринчи навбатдаги ҳаракатлар рўйхатига мос келади.

2. Ўйламай, баҳоламай ва уларни ўзаро солиширмай тезликда барча ғояларни ёзиш лозим бўлади.


3. Диаграмма ҳеч қачон тугалланмайди: унга янги ғояларни киритиш мумкин бўлади.

4. Агарда савол схемада бир қанча «шохлар»да қайтарилса, демак у нисбатан муҳимдир. У муаммони ҳал этишнинг муҳим қадами бўлиши мумкин.

5. Янги ғояларни график кўринишида қайд этишни ўзингиз ҳал этинг: дарахт ёки каскад кўринишида, юқоридан пастга ёки чапдан ўнгга. Энг муҳими эсда тулинг: нисбатан кўп микдордаги фойдали ғоялар ва муаммо ечимларини топишга имкон берадиган усул энг мақбул усул ҳисобланади.

б. Агарда сиз тўғри савол берсангиз ва оптимистик бўлсангиз, у ҳолда диаграмма (техника) ҳар қандай муаммо ечимини топиб беришни кафолатлади.

«Қандай?» диаграммаси - ЎзР СС тизимини ислоҳ қилиш.



11. «КУЧЛАР ТАҲЛИЛИ» ЧИЗМАСИ.

«Кучлар таҳлили» чизмаси - ноқулайлик, қийинчиликлар ва усуулар ажратилган ҳолдаги СWOT – таҳлилининг соддалаштирилган ва график кўриниши ўзгартирилган варианти. Тизимли мушоҳада қилиш, таққослаш, солишириш, таҳлил ва синтезни амалга ошириш кўнимкаларини ривожлантиради.

«Кучлар таҳлили» графигини тузиш қоидаси:

Координат ўки чизилади, чапда стрелка (кучлар) билан ҳолатни ижобий ривожланиши ёки муайян лойиҳани амалга оширишга (касалликлар диагностикаси, даво - профилактикасига) халақит берувчи тўсиқлар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиҳатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади. Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгиб ўтиш воситалари стрелка кўринишида акс эттирилади. Улар сони график ўнг томонидан натижга чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлакларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбатан баҳолаш ҳисобланади.

«Кучлар таҳлили» - Тиббий ходимлар тиббий ҳукуқбузарликларининг келиб чиқиши сабаблари.

Тўсиқлар		Енгиб ўтиш воситалари
1	Аҳолининг тиббий саводхонлигининг пастлиги	Бирламчи звенодаги тиббиёт ходимларининг 1 сергак бўлиши, ўз вазифа ва мажбуриятларини сидқидилдан бажариши, аҳоли ўртасида санитар-оқартув ишларини кенг тарғибот этиши.
2	Аҳолининг хуқуқий саводхонлигининг пастлиги	Узбекистон Республикаси Конституцияси, 2 инсон хуқуқ ва эркинликлари юридик асосларини оммавий ахборот воситаларида даврий равишда ёритиб бориш
3	Тиббий ходимларнинг малакасизлиги ёки ўзига <u>хаддан</u> зиёл ишонувчанлиги	Хар бир тиббий ходимларга лицензия 3 беришда аттестациялардан ўтказиш ва даврий равишда аттестациядан ўтказиб туриш. ССВ томонидан самарали назорат турини ишлаб чиқиши

12. «НИЛУФАР ГУЛИ» ЧИЗМАСИ

«Нилуфар гули» чизмаси - муаммони ечиш воситаси ўзида нилуфар гули кўринишини намоён қиласди. Унинг асосини тўққизта катта тўрт бурчаклар ташкил этади. Тизимли фикрлаш, таҳлил қилиш қўникмаларини ривожлантиради ва фаоллаштиради.

Тўрт бурчак марказида аввал асосий муаммони (гоя, вазифа) ёзадилар. Унинг ечиш ғояларини эса марказий тўрт бурчакнинг атрофида жойлашган саккизта тўрт бурчакларга ёзадилар. Марказий тўрт бурчакнинг атрофида жойлашган саккизта тўрт бурчакларга ёзилган ғояларни, атрофда жойлашган саккизта тўрт бурчакларнинг марказига ёзадилар, яъни гулнинг баргларига олиб чиқадилар. Шундай қилиб, унинг ҳар бири ўз навбатида яна бир муаммолек кўрилади.

“НИЛУФАР ГУЛИ» чизмаси

	Касалликнинг атипик кечиши	Касаллик этиологияси, патогенези ва клиникасининг тўлиқ ўрганилмаганлиги	Ташхис кўйишнинг объектив қийинлиги	
	Беморнинг кеч мурожаат қилиши	<u>ОБЪЕКТИВ МУАММОЛАР</u>	Беморда бир неча касалликнинг бирга кечиши	

	Беморнинг анатомо – физиологик хусусияти	Керакли диагностик аппаратларнинг бўлмаслиги.	Бемор оғир, хушсиз ҳолда бўлиши ва текшириш учун вакт этишмаслиги	
Соғлиқقا ва ҳаётга қарши		ОБЕКТИВ МУАММОЛАР		
<u>ЖИНОЯТ</u>	<u>ЖИНОЯТ</u>	ТИББИЙ ФАОЛИЯТДА КАСБИЙ ҲУҚУҚ - БУЗАРЛИКЛАР	<u>ҚИЛМИШ</u>	Фуқаролик
Оиласа ва ёшларга қарши		ТИББИЙ ХОДИМ ХАТОЛАРИ		<u>ҚИЛМИШ</u>
				Интизомий
				Маъмурий
	Даволаш усулларини танлаш ва даволашдаги	Врачнинг тайёргарлиги ва амалий тажрибаси этишмаслиги	Диагностик хатолар	
	Тибий ёрдамни ташкиллаштиришдаги хатолар.	ТИББИЙ ХОДИМ ХАТОЛАРИ	Техник хатолар	
		Тиб.ходим деонтологиясига боғлиқ хатолар	Тиббий хужжатларни тўлдиришдаги хатолар	

Адабиётлар

1. Акопов В.И., Бова А.А Юридические основы деятельности врача. М. 1997.
2. Гиёсов З.А. - Врач фаолиятнинг ҳуқуқий асослари. Т. 2010.
3. Деонтология в медицине, в 2 т. Под.ред. Б.В. Петровского, М: Медицина, 1988.
4. Искандаров А.И., Қўлдошев Д.Р. Врач фаолиятининг ҳуқуқий асослари. Тошкент, 2005.
5. Мухамедова З., Биоэтика, Тошкент, 2006.
6. Попов В.Л., Попова Н.П. Правовые основы медицинской деятельности. Издательство «Деан», 1999.
7. Пиголкин Ю.И., Попов В.Л., Дубровин И.А. Судебная медицина: Учебник.- М.: ООО «Изд.мед.инф.агентство, 2003, 2011.
8. Судебная медицина: Учебник /В.Н. Крюков, Л.М. Бедрин, В.В. Томилин и др.; Под ред. В.Н. Крюкова. – М: Медицина, 1990, 1998.
9. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
11. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.
Ўзбекистон Республикасининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуни.
12. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодекси.
13. Ўзбекистон Республиканиң маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Тошкент, «Адолат», 1995 й., 304 бет.
14. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни (1996).
15. Ўзбекистон Республикаси “Суд экспертиза тўғрисида” ги қонуни, 2010.
16. Соғлиқни сақлаш тизимига оид Ўзбекистон Республикаси қонулари:
 - ❖ «Давлат санитария назорат тўғрисида», 1992.
 - ❖ .«Одам иммун танқислиги вируси (ОИВ) билан касалланишнинг олдини олиш тўғрисида», 1999.
 - ❖ «Наркотик воситалар ва психотроп моддалар тўғрисида», 1999.

- ❖ «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида», 2001.
 - ❖ «Психиатрия ёрдами тўғрисида», 2002.
 - ❖ «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида», 2002.
 - ❖ «Йод етишмовчилиги касалликлари профилактикаси тўғрисида» 2007.
17. “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш Давлат дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги 2107-сонли Фармони.
18. “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги 3214-сонли Фармони.
19. “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги 3923-сонли Фармони.
20. “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳатлаштиришни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги Фармони.